

2
A 21

Шайх
Мұхаммад Азвома

ФАКИХ ИМОМЛАР
ИХТИЛОФИДА



*Шайх
Мұхаммад Аввома*

**ФАҚИХ ИМОМЛАР
ИХТИЛОФИДА**

**ҲАДИСИ
ШАРИФНИНГ
ЎРНИ**



**ТОШКЕНТ
2018**



قالَ مُعَاوِيَةً: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ:
«مَنْ يُرِدُ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقَّهُ فِي الدِّينِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Муовия розияллоҳу анҳу айтади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса,
уни динда факиҳ қилиб қўяди», дедилар».
Имом Бухорий ривоят қилган*

Шиоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок акййда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тутатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилдаги 1377-ракамли хуносаси асосида чоп этилди.

Ф 33 Шайх Муҳаммад Аввома

Факиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни
[Матн] / таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.
– Тошкент: Hisol-nashr, 2018. 224 б.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

«Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳнинг Набийси Муҳаммад Мустафога салавот ва саломлар бўлсин!

Бир китобнинг ёзилишига сабаб бўлган турли омилиар бўлганидек, унинг таржима қилинишига ҳам китоб ва унинг муаллифи билан боғлиқ бирор ҳодиса туртки бўлади. Сиз мұхтарам ўқувчиларимизга тақдим қилинаётган ушбу таржиманинг ҳам ўзига хос тарихи бор.

Хориждаги илмий анжуманлардан бирида иштирок этаётганимда ўғлим Исломжондан «Сизни ота-ўғил Муҳаммад ва Мұхиддин Аввомалар сўрашяпти» деган хабар келиб қолди. Сўнг улар юборган мактуб ҳам етиб келди. Унда Мұхиддин Аввома отаси Муҳаммад Аввоманинг саломини йўллаб, илмий ҳамкорликка таклиф ҳақида хабар юборган эди.

Кейин ёзишишалар давом этиб, ниҳоят, Жанубий Африка жумҳуриятининг Йоханнесбург шаҳрида ўтказилган илмий анжумандада учрашдик...»

Аллоҳ таолонинг қазои қадари экан, падари бузрукворимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг мазкур китобга ёза бошлаган муқаддималари шу ерда узилиб қолган.

Кўпчиликка маълумки, устозимиз бир неча йиллар давомида аҳли илмлар даврасида тафсир, ҳадис, ақоид,

фиқҳ, тасаввуф каби илмлардан дарс бериб келар эдилар. У киши мазкур дарслар учун машҳур уламоларимизнинг мўътабар китобларидан бирини асос қилиб олиб, уни ўқиб, таржима қилиб, шарҳлаб берар эдилар. Устозимизнинг кўрсатмаларига биноан биз шогирдлар ҳар бир дарсни ёзиб олиб, тўплаб борар эдик. Шу зайлда баъзан бир неча ой, баъзан бир неча йил давомида катта бир китобнинг тўлиқ матни окка кўчирилиб, ба-тафсил шарҳланиб, ниҳоясига етказилар эди. Шундан сўнг шайх ҳазратлари бу китобни халқимизга тақдим қилиш учун унга сўзбоши ёзиб, керакли изоҳлар, зарур маълумотлар билан тўлдириб, нашрга тайёрлашга киришар эдилар.

Падари бузрукворимиз илмий сафарларидан бири ҳақидаги хотираларини айтиб бераётиб, мазкур китобнинг ёзилиш тарихи ҳақида шундай деган эдилар:

«2014 йилнинг январида Жанубий Африка Республикасининг пойтакти Йоханнесбургда «Инсоният хизмати учун илмий исломий анжуман»нинг Иккинчи халқаро йигини бўлиб ўтди. Анжумандада 80 дан ортиқ мамлакатдан келган уламолар қатнашишиди. Анжумандан мақсад Аҳли сунна вал жамоа ҳамда тўрт мўътабар фиқҳий мазҳабларга амал қиласидиган, буюк муҳаддисларнинг, руҳий тарбия устозларининг йўлини тутган уламолар ва мўмин-мусулмонларни бирлаштириши, бугунги кунда юзага келаётган турли хуруж ва ҳужумларга раддия беришдан иборат эди. Анжумандада дунё мусулмонларининг бугунги ҳолати, Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидаги мусулмонларга ёрдам бериши масалалари муҳокама қилинди, шу мавзуда ёзилган янги китоблар тақдим қилинди, Жанубий Африка Республикасидаги турли исломий ташкилотларнинг фаолияти билан танишилди.

Муҳаддислар ва уларнинг шариатга қилган хизматлари, илмий фаолиятлари, бугунги кунда уларнинг асарларидан фойдаланиши, уларга тош отаётганларнинг келиб чиқиши ва мақсадлари, бу муаммоларни бартараф қилиши йўллари ҳақида шайх Муҳаммад Аввома маъруза қилди...»

Ушбу анжумандан сўнг устозимиз шайх Муҳаммад Аввоманинг мазкур китобини бизга таништириб, навбатдаги дарсларни шу китоб асосида бошлашни таклиф қилдилар. Бир неча ойдан сўнг китобнинг таржимаси туга-гач, ёзib олинган матн оққа кўчириб, оят-ҳадислар матни қўйиб чиқилди, зарур жойларга изоҳлар берилди.

Шайх ҳазратлари вафотларидан бирор аввал китобда ёритилган мавзунинг долзарблигини ҳисобга олиб, унинг нафақат аҳли илмларга, балки барчага фойдали бўлишидан умид қилиб, нашрга тайёрлаётган эдилар...

Устозимизнинг вафотидан сўнг китоб муаллифи шайх Муҳаммад Аввома ҳазратлари билан боғланиб, китобнинг нашрга тайёрланётганини айтиб, устозимизнинг ҳақларига дуо сўрадик. Шайх Аввома ниҳоятда мамнун бўлдилар, кейинроқ у кишини зиёрат қилганимизда эса ушбу нашрга сўзбоши ҳам ёзиб бердилар.

Алҳамдуиллаҳ, бугун устозимиз, падари бузрукворимиз сўнгти нуқта қўйишга улгурмаган ушбу хайрли ишни баҳоли қудрат ниҳоясига етказиб, сиз азиз ўқувчиларимизга тақдим қилиш насиб қилди. Ушбу камтарона уринишни устозимиздан навбатдаги тухфа ўлароқ қабул қилишингизни, нимаики манфаат топсангиз, Аллоҳ таолодан, саҳву хатолари бўлса, биз ожиз бандалардан деб билишингизни сўраймиз.

Роббимиз бу асарни устозимиз учун садақаи жория ҳамда манфаатли илм ўлароқ ҳусни қабул қилиб, у зотни раҳмату мағфиратига буркасин, охиратларини обод айласин!

Исмоил Муҳаммад Содик



БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Устоз, ҳужжат, муҳаддис, усулий, фақиҳ, лугавий, наззор олим Шайх Абдулфаттоҳ Абу Гудда раҳимаҳуллоҳ-нинг руҳи покига шогирди Муҳаммад Аввомадан ҳадя.

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, динни чукур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар»,¹ дея амр қилган оламлар Робби – Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Ўз ҳадисида: «Бу илмни ҳар бир замоннинг адолатлиларигина олиб юради. Улар бу илмни ҳаддидан ошувчиларнинг ўзгартиришидан, ботилга чиқарувчиларнинг ўзлаштириб олишидан ва жоҳилларнинг таъвилидан ҳимоя қиласидилар»,² дея марҳамат қилган аввалу охиргиларнинг саййиди бўлмиш Пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга салоту саломлар бўлсин!

¹ Тавба сураси, 122-оят.

² Ҳадисни ўнга яқин саҳоба ривоят қилган. Ҳадиснинг мақбул ёки мардуд экани ихтилоғли. Имом Аҳмаддан ушбу ҳадисни саҳиҳ, дегани накл қилинган. МенимчА, у киши унинг истилоҳий саҳиҳ эканини эмас, балки мутлақ мақбул эканини назарда туттган. Алоий «Буғятул-мултамис»-да «Ҳасан, гариб, саҳиҳ ҳадис», деган.

Аммо баъд:

Бу «Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни» китобининг иккинчи ва тўртингчى³ нашри бўлиб, аввалги нашр тугаганидан кейин узоқ муддат ўтгач, кўлчиликнинг қайта нашр қилиш ҳақидаги илтимосларига биноан муҳтарам ўкувчиларга ушбу китобни яна тақдим қилмоқдаман.

Ушбу саҳифаларни ўқиётган барча китобхонларга ундаги мавзулар эътиборга молик ва аҳамиятли экани маълумдир. Шунинг учун бу китобни ўқиб, мақтаганлар ҳам, коралаганлар ҳам бўлиши табиий. Ахир шоир бежизга:

*Ўз ишинг ихлос-ла бажсаравер сен,
Ким не деса десин, шундайин башар
Сени мақтаси билан бирга, одатда –
Таъна қилувчи ҳам ёнма-ён яшар*

деб айтмаган.

Мен ушбу китобда умматнинг салафу халаф уламоларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзим эътиқод қилган ва тўғри деб билган фикрни тақдим қилдим. Ёшларимизнинг онгига тўғри тушунчани сингдиришга ҳаракат қилдим, уларнинг фикру ўйларидан ҳозирги фикрий, сиёсий ва иқтисодий бекарорлик асрида яшаётган кишилар томонидан қўзғатилган шубҳаларни даф қилишга уриндим. Бундай шубҳаларни қўзғатувчи кишилар барча жорий ишларга қарши бош кўтарадиган, диний тушунча ва анъаналарни ўзгартиришни истайдиганлар бўлиб, мутааххир уламоларимиз наздидаги маълум ва машҳур фикрларга қарши чиқиши улар учун маҳбуб ва марғуб амал бўлиб қолган. Ҳатто бундай ишни қиласиганлар

³ Учинчи нашр иккинчи нашрнинг айнан ўзи бўлган. Ушбу таржима китобнинг тўртингчи нашридан амалга оширилди.

баъзиларнинг наздида диннинг мужаддиди, Ислом даъватчиси ҳисобланиб, уларга турли фахрли ном ва тахаллуслар кўядиган бўлишди. Афсуски, ҳозирги оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада ҳаддан ошди.

Ушбу қисқа битиклар илм ва фазл аҳли томонидан мақбул кўрилди...

Аллоҳнинг буюк фазли ва тавфиқидан бири ўлароқ, илмий анжуман муносабати билан бўлган учрашувда уламолар мураббийи, фиқҳ ва фуқаҳоларнинг кўрки аллома, устоз, шайх Мустафо Зарқо⁴ раҳимаҳуллоҳ ҳам китобни кўриб чиқди ва у кишига маъқул келганини билдириди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, зиммасида илмий ишлари кўп бўлишига қарамай, китобга ўзининг қимматли сўзларини ёзиб берди. Аллоҳ у кишига гўзал мукофот берсин!

У киши елкамга оғир масъулиятли ишни – илмий кўприк бино қилишни юклади. Бу вазифанинг ўзи катта аҳамиятга эга бўлиб, жуда кўп тўсиқларни енгиб ўтишни талаб қиласар эди. Чунки ҳозирги пайтда одамлар ҳадиснинг дирояти(фиқҳи)ни четга суриб, ҳадиснинг ривояти (саҳиҳлиги ва зоҳирий маъноси) билан банд бўлиб қолишидди. Аллоҳ таолодан бу борада тавфиқ ва кўмак берини сўраб қоламан. Ўкувчи ушбу муқаддима сўнгидаги бу зотнинг сўзлари билан ҳам танишади.

Китобнинг биринчи нашрини фазилатли шайхимиз, етук аллома, муҳаддис, фақих, саййид Аҳмад Ризо Бижнаварий Ҳусайний⁵ раҳимаҳуллоҳ ҳам кўриб чиқди ва «Анворул Борий бишарҳи Саҳиҳил Бухорий» китобида (19/131-132) у ҳақда гўзал мақтовларни айтиб, «Жуда яхши таҳқиқли ва олиймақом рисоладир. Унда кўплаб илмий фойдалар бор», деб, улардан баъзиларини санаб ўтди.

⁴ Ҳижрий 1322 йилда туғилиб, 1420 йилда вафот этган.

⁵ Ҳижрий 1324 йили 10 зулҳижжада туғилиб, 1418 йили Рамазоннинг 22-кечасида таҳажужудда сажда қилган ҳолида вафот этган.

Шунингдек, бу китоб туфайли күп азиятлар ҳам чекдим. Оламлар Робби, қиёмат кунининг эгаси бўлган Аллоҳдан ана шу азиятларга сабр қилганим учун ажр беришини умид қиласман.

Азият берувчилар китоб ҳақида: «Бу рисола ҳадис аҳлига қилинган очиқдан-очиқ душманлик ва қарши чиқишидир!» дейишиди.

Нафақат бу китоб, ҳатто қаламим ёзган ёки тилим талаффуз қилган бир дона ҳарфнинг ҳам бундай бўлишидан Аллоҳнинг Ўзи сақласин! Агар фикҳни ва факихларни қадрлаш, хоҳ улар муҳаддис бўлсин, хоҳ факих бўлсин, шариатни тўғри тушуниш борасидаги уларнинг фазлларини баён қилиш ҳадисга қарши чиқиши ҳисобланса, уларга айтадиган жавобим:

*Кўплар тўғри сўзни танқид қилурлар,
Имкон ҳам топурлар тошлар отгани...
Бунинг боисидир – ўзларидаги
Бузуқ тушунчанинг илдиз отгани...*

Мен бу борада оламлар Роббининг ҳузурида туриладиган кун борлиги ва унда мазлумнинг ҳаққи золимдан олиб берилиши билан кифояланман.

Ушбу саҳифаларни шариатнинг таянчи бўлмиш ҳадиси шарифни ўйин қилиб юборишларидан ҳимоя қилиш учунгина ёзганимни Аллоҳнинг Ўзи билади. Ахир Ислом фикҳи Китоб ва суннатнинг меваси ва уларнинг ҳукмларини тартиблаш эмасми?! Қандай қилиб мевани ҳимоя қилиш унинг илдизига болта уриш ёки душманлик қилиш бўлади?! Лекин бу иш нодон ва эсипаст жоҳилларнинг наздида айни аксиdir. Чунки улар бирон факих имомни ёки фикҳни ҳимоя қилишни мутаассиблик ва кўр-кўронга тақлид, дея талқин қиласмадилар. Ўзлари эса факих ёзган ки-

тобларни мутолаа қилишдан юз ўтириб, ўзларини илмий ва фикрий эркин деб биладилар. Ҳатто илм ва динга «Фалончи тақаддумий (замон билан ҳамнафас)», «Пистончи ражъий (орқада қолган)» каби нотўғри истилоҳ ва тушунчаларни киритишни истайдилар.

Бир куни ҳузуримга шаҳримиз Ҳалабдаги тўқимачилик фабрикасида механик бўлиб ишлайдиган бир йигит келди. Тунлари узун қиши фасли эди. Хуфтон намозидан кейин келиб, асабий ҳолатда – етакчиларининг одати каби – соат ўн иккигача мен билан тортишди. Лекин, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бирор натижа чиқмади. Чунки у жоҳил бўлиб, тўхташ лозим бўлган илмий меъёрни билмас эди. Унинг гап ва сўзларига бу даражада узоқ муддат сабр қилишимга ундан омил фақат ва фақат Аллоҳнинг муроқабаси ва масъулиятни ҳис қилиш туйғуси бўлди, холос.

Унинг кўлида имом Муслимнинг ўз «Саҳиҳ»ида тужгушти еган киши таҳорат қилиши ҳақида ривоят қилган ҳадиси ва имом Нававийнинг ўз мазҳабига хилоф ўлароқ, ана шу ҳадисга амал қилишни ихтиёр этгани ҳақидаги сўзи, мазҳаббошиларнинг «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, ўша менинг мазҳабимдир», деган фикрлари, шунингдек, Камол ибн Ҳумом ва Абдулҳай Лакнавий раҳимахуллоҳларнинг ҳам гаплари бор эди.

Бу «олиму боамал» ўзича имом Абу Ҳанифа ва Шофеъийларга «Туя гўшти еган киши таҳорат қилиши лозим», деган фикрни уқтирумокчи, «Чунки бу икки имом: «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, ўша менинг мазҳабимдир», дейишган. Мана, ҳадис саҳиҳ-ку», демоқчи бўлар эди.

Унинг илмий савияси шу даражада эдики, баъзан Ибн Ҳумомни Ибн Ҳаммом деб, Имом Лакнавийни эса Лакнавий деб ҳам ўқиб берарди!

Мен хурматли китобхонлардан Аллоҳни ўргага қўйиб сўрайман: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ҳамда Китоб ва Суннатга асосланган Ислом фикҳига ғаюр қай киши динни ўйин қиласидиган, фирибгар, одамларни чалғитувчи бу кабиларга сабр қила олади?! Мана шу алданганлар ўша фитначиларнинг сарқитлари эмасми?!

Ҳақиқий мутаассиб ким? Анави йўлдан урувчиларнинг ва алданганларнинг ҳаддини билдириб, диний тушунчаларини тузатган кишими ёки ёшларимизни адостириувчи, уларни ижтиҳод ва мужтаҳидликни даъво қилишга журъат қиласидирувчи, Исломнинг муқаддаслигини оёқости қилишларига қўйиб берувчиларми?!

Бу ақлсиз ҳовлиқмаларнинг катта оғатларидан бири шуки, имом Нававий ва имом Субкийлар ўзларининг шофеъий мазҳабларига хилоф қиласидир, Айний ва Ибн Ҳумомлар ўзларининг ҳанафий мазҳабларига хилоф қиласидир, Ибн Арабий ва Иёзлар моликий мазҳабига қиласидир, Такийподдин Абул Аббос ва Шамсиддин Абу Абдуллоҳ кабиларнинг ҳанбалий мазҳабига қиласидир, Тажвиди Абу Абдуллоҳ кабиларнинг ҳанбалий мазҳабига қиласидир, «Мужтаҳид имомлар ҳам хато қиласидир, уларга эргашибоиз эмас, биз ҳам мана бу имомлар каби уларга хилоф қилишимиз керак», дейишади.

Уларнинг бу фикрлари бир қарашда тўғридек кўринсада, лекин бу бир-бирига ўхшамаган икки нарсани қиёслашадир. Имом Нававий, Субкий, Айний, Ибн Ҳумом, Ибн Арабий, Иёз, Такийподдин Абул Аббос ва Шамсиддин Абу Абдуллоҳ каби олимлар қаерда-ю, бу тўғрлар қаерда?!

Буларнинг баъзилари одамлар орасида олимларни қоралаб, ҳар хил мишишлар тарқатади. Лекин бир масала ҳақида ёзмоқчи ёки гапирмоқчи бўлса, илмий савияси бир китобдан нарига ўтмайди. Шунда ҳам кошкӣди тўғри ўқиса, китобдаги маълумотни тўғри англай ола билса!

Бундайларнинг яна бири аҳён-аҳёнда бир китобни таълиф ёки таҳқиқ қилиб, муқаддимасини сўкиш, қоралаш ва таҳқиrlашга бағишлайди. Дунёда қалам тебратган киши борки, унинг қаршисида қуллук қилишини, таҳқир ва ахлоқсизликларининг меросхўри бўлишини истайди. Унинг манманлик ва кибри ўзидан бошқаларни илм, идрок ва фахм аҳли, деб билишга йўл кўймайди.

Уларнинг хатти-ҳаракати ва туттган йўллари баъзи аҳли илмларнинг «Одамларга ижтиҳод эшигини оча-сиз-у, лекин уларни ўзингизга эргашишга мажбур қила-сиз», деган сўзларига мувофиқ келади.

Шундайлардан бири Нуъмон Олусийнинг «Ал-Аятул баййинаат» номли китобига ёзган муқаддимасида саккиз сахифани беодоб сўзлар билан тўлдиран. Ҳатто бу борадаги ўзининг ҳамфиклари ҳам унинг бу қилмишини эътироф этмаганлар. Унинг мадрасасида, ўзининг қўл остида тарбия кўрганларгина бу борада уни кўллаб-кувватлашлари мумкин.

Ёзганларида Ибн Салоҳ ва Субкий раҳимаҳуллоҳларнинг сўзларидан бошқа на раддияга ва на тушунтиришга арзигулик илм бор. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, уларнинг сўзларига жавоб бердим ва унинг нодонлигини баён қилдим. Уни таниган ва билганлар у ҳақда «Усул илмидан ҳеч вақони билмайди», дейишган. Бу сўзларни унинг ўзи ҳам тасдиқлаган.

Сўнг яна бошқа бир китобга ёзган муқаддимасида менинг сўзимни шарҳлаганини кўрдим. Ваҳоланки, мен айтган сўзнинг сиёки ҳам, маъноси ҳам умуман бошқа эди. Билмадим, бу нодонликми ёки ўзини нодон қилиб кўрсатиши?!

Яна булардан бир тоифаси бор! Буниси тартиб бўйича тўртингчи бўлса-да, сон жиҳатидан учинчи хисобланади. Чунки у ўзидан олдингининг акс-садоси бўлиб, «Уламо-

лар бу китобни ўқишидан қайтарған», деб унинг беодоблиги ва ҳақоратини тақрорлаган. Ҳолбуки, бу китоб, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, ушбу умматнинг асрлар оша уламоларию мутааллимлари айтиб келган фикрнинг тасдиғидир.

Шундан кейин у ўзи ҳақида: «Мен эркин фикрлайман, тақлид қилмайман, мутаассиб эмасман», дейди. Уни олдинги мантиғидан бошқа тарафга буриб қўйган нарса нима эканини била олмадим. Бунинг ҳақиқатини фақат ғайб ва шоҳид илмларининг эгаси – Аллоҳнинг Ўзи билади, холос.

Бу ўзим эътиқод қилган ҳақни қўллаб-куватлаш ва ўзим тийиладиган ботилни йўқ қилиш учун Аллоҳ таоло муваффақ қилганидир. Ушбу китобни ундан фойда олиш мақсадида ўқийдиганларнинг қалбларини Карамли Аллоҳ ҳидоятга бошлашини сўрайман.

Аммо ким қайсарлик ёки таъна қилиш мақсадида ўқиса, уларнинг фойдадан бебаҳра қолишларига шунинг ўзи кифоядир, ундейлар билан асло ишм йўқ.

«Аммо кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга манфаат берадиган нарса эса ер юзида қолур»⁶.

Аллоҳим, бизни, ота-онамизни, устозларимизни, ахлимиз ва фарзанду зурриётларимизни ҳамда барча мусулмонларни мағфират қил. Саййидимиз ва мавломиз Мұхаммадга, у кишининг аҳли байтларига, саҳобалари га ва уларга яхшилиқ ила эргашганларга қиёмат кунига қадар салоту саломлар бўлсин!

Мұхаммад Аввома

Мадинаи Мунаввара. Ҳижрий 1406 йил 16 шаърон.

⁶ Раъд сураси, 17-оят.

МУСТАФО АҲМАД ЗАРҚОННИНГ СЎЗИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Ўзининг Муҳкам китобида: «Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огохлантирадилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар»,⁷ деган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

«Биздан бир нарсани – бошқа ривоятда: бир ҳадисни – эшитиб, уни эшитганидек етказган кишини Аллоҳ ёрлақасин. Қанча-қанча етказилганлар эшитган кишидан кўра англовчироқдир...», бошқа ривоятда: «Фикҳни ўзидан кўра фақиҳроққа етказадиган қанча-қанча фикҳни ҳамл қилувчилар бор. Қанча-қанча фикҳни олиб юрувчилар бор, ўзлари эса фақиҳ эмаслар»⁸ деган, ўзининг саҳобалари ҳақида: «Уларнинг ҳалол ва ҳаромни энг яхши биладигани Муъоздир»,⁹ «Хукм чиқаришга моҳири Алийдир»,¹⁰ деган набийларнинг сўнгтиси Мұхаммадга салавоту саломлар бўлсин!

Мана шу ва шунга ўхшаш матнлардан англашиладики, дин илми матнларни тўғрилаш ва ёдлашнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. Балки бу матнларни тушунишдек юқори босқич сари ташланган илк қадам, холос! Матнларни тушуниш эса айни кўзда тутилган муҳим босқич бўлиб, бунда одамлар саҳобалардан бошлаб, ҳозиргиларга қадар турли савиядадирлар.

⁷ Тавба сураси, 122-оят.

⁸ Термизий ривоят қилган.

⁹ Термизий ривоят қилган.

¹⁰ Ибн Можа ривоят қилган.

Улуттестоз, шайх Мұхаммад Аввоманинг «Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни» китобини ўқиб чиқдим ва у муаллифи каби қадри улуттэканини билдим.

Мен ушбу нафис китобда «Қанча-қанча етказилгандар бор, эшиттегандан кўра англовчироқдир» деган пурмаъно набавий ҳадис далолатининг кенгқамровли изоҳини кўрдим. Муаллиф ушбу китобда ўнлаб буюк Ислом уламоларининг ҳадиси набавийнинг фиқҳи борасидаги қимматли фикрларини накл қилган ва бир қанча масалаларга доир уларнинг тушунчаларини мисол тариқасида келтирган ҳамда фаръий ҳукмларни истинбот қилишдаги ихтилофларининг сабабларини ёритиб берган.

Китобнинг мавзуга доир маълумотларга бой экани дикқатимни жалб қилди. Бу муаллифнинг дунёқараши кенглиги, кўп мутолаа қилгани, фаҳми чукурлиги ва китобни гўзал тартиблаганидан дарак беради. Ҳажми кичик бўлишига қарамай, изланувчи ушбу китобда кўплаб китобларда топа олмайдиган ноёб маълумотларни топади.

Дикқатимни ўзига жалб қилган яна бир томони муаллифнинг суннати набавийя ва рижол илмини яхши билиши бўлди. Муаллиф бундан олдин ҳофиз Ибн Ҳажарнинг «Тақрибут-таҳзиб»ини, имом Заҳабийнинг «Кошиф»ини ва бошқа асарларни илмий таҳқиқ қилган. У ушбу китоби орқали икки илм: ривоят ва дироят илми, яъни ҳадиснинг ривояти ва фиқҳи ўртасида кўпrik бино қилди.

Ишонч билан айта оламанки, бу китоб ўқувчининг ҳадис ва унинг далолатлари борасидаги тушунчасини бойитади. Аллоҳ таоло муаллифнинг илми ва дини учун яхши мукофат берсин ва китобни манфаатли қилсин!

Фурсатдан фойдаланиб, сўзимнинг охирида имом Абу Бакр ибн Арабийнинг «Аҳкоми Суғро»да «Барчан-

гиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлинниб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вактлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъмати ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни кутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қиласи. Шоядки, ҳидоят топсангиз»¹¹ оятининг тафсирида умматнинг сафини парчаловчи заарли ихтилофдан фойдали ихтилофни ажратиб, имомларнинг ихтилофлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида айтган қимматли сўзларини нақл қилишни маъқул кўрдим. У киши шундай дейди:

«Бўлинниб кетманг» – яъни ақийдада бўлинманг.

Шунингдек, **«Бир-бирингизга ҳасад қилманг»** ҳам дейилган.

Фаръий масалаларда «Фалончи хато қилди», деб айтиш ҳам бўлиниш деб аталмоқда, яъни бирортангиз соҳиби ҳақида «Хато қилди» демасин, ҳар ким ўз ижтиходига кўра амал қиласерсин. Зоро, ҳамма Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутувчи ва ўз далилига кўра амал қилувчидир. Тақиқланган бўлиниш эса фитна ва парчалинишга олиб борувчи бўлинишdir. Аммо фаръий масалаларда ихтилоф бўлиши Ислом шариатининг ўзига хос жиҳатидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хоким ижтиҳод қилиб, тўғри топса, икки ажр. Агар ижтиҳод қилиб, хато қилса, унга бир ажр», деганлар.¹²

Бу нафис китоб ўзига хос бўлишига қарамай, баҳс ва мунозарали айрим нуқталардан холи эмас. Муаллиф ҳафизаҳуллоҳ ўзи баён қилиб берган шартларга кўра

¹¹ Оли Имрон сураси, 103-оят

¹² Муттафакун алайх.

заиф ҳадисга амал қилишнинг жоиз эканини ёқлаб, уламоларнинг бу масалага бўлган муносабатларини ҳам батафсил ёритиб берган. Лекин бир масала қолади: заиф ҳадисга айрим шартлар билан амал қилишни ёқланлар бўлса-да, бу баҳсли масаладир. Гарчи воқеликда тўрут фикъий мазҳабнинг биронтаси йўқки, фақиҳлари баъзи заиф ҳадисларга суюнмаган бўлса. Бунга насияни насияга сотишдан қайтарилиган ҳадис¹³ мисол бўлади.

Аллоҳдан бу улуғ китобнинг фойдасини зиёда қилишини ва муалифини яхшилик ила мукофотлашини сўрайман.

Сайидимиз ва мавломиз, ҳидоят имоми Мұхаммад Расулуллоҳга, у зотнинг оила аъзолари ва покиза, мукаррам саҳобаларига ҳамда уларнинг суннатига эргашган, ҳидоятлари ила тўғри йўл топғанларга Аллоҳнинг салавоти бўлсин!

Мустафо Аҳмад Зарқо
1416/1/15

¹³ Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»ида ривод ишлана

БИРИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Оlamлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин! Саййидимиз ва мавломиз, мужтаҳид имомларнинг имоми, ҳидоят қилувчиликлар ва ҳидоят топғанларнинг саййиди Муҳаммад Расуллуллоҳга, у зотнинг оила аъзолари ва барча саҳобаларига энг афзал салот ва энг мукаммал саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Бу рисоланинг асли ҳижрий 1398 йил сафар ойининг 3 куни, пайшанба кечаси Ҳалабдаги Равза жомеъсида – Аллоҳ уни илм ва амал ила обод қилсин – айтган маърузамдир. Биродарлардан кўпчилик ушбу маърузани китоб ҳолига келтириб, кўплаб саволларига жавоб бўлиши ва турли ихтилоф ва келишмовчиликларнинг олдини олиши учун уни оммага тақдим қилишимни сўрашди. Уларнинг истакларини инобатга олиб, маърузага Аллоҳ азза ва жалла мұяссар қилганича турли мисол, далил ва изоҳларни қўшдим. Аммо маърузанинг бош мавзусини ўз ҳолича қолдириб, унга қўшимчалар киритмадим.

Салафи солихларнинг илмий анъаналарини тирилтириш ўлароқ ёзганларимни баъзи таниқли шайхларимга кўрсатдим. Уни фазилатли саййидим аллома, муҳакқик, мутакаллим, муфассир, муҳаддис, улуг сўфий, устоз шайх Абдуллоҳ Сирожиддин раҳимаҳуллоҳга тақдим қилдим. У киши китобга ижобий фикр ва мақтov айтиб, мени хушнуд қилди.

Сўнг уни Риёзга, фазилатли саййидим, аллома, муҳакқик, муҳаддис, усулий, факиҳ, устоз, шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳимаҳуллоҳга юбордим. У киши фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзининг сўзларини ёзиб бериш орқали менга ҳурмат кўрсатди. Аллоҳ фаз-

ли ва карами ила мени айтилғанларга лойик күрсін. Унинг матни қуида келтирилади.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳга ҳамд бўлсин! Ушбу «Фақиҳ имомлар ихтилофидаги ҳадиси шарифнинг ўрни» номли нафис жузни мутолаа қилишга фақат Ямандагина мусассар бўлдим. Уни Яманнинг Санъо шаҳрида хижрий 1398 йилда муборак Рамазон ойининг иккинчи куни, шанба тонгида бир ўтиришда ўқиб чиқдим ва ундан қимматли фойдалар ҳосил қилдим. Эргашилган буюк имомларга таъна қилиб, уларни жоҳилга чиқарадиган ва умматни парчалашга уринадиган, ҳақ йўлдан адашган кимсаларга раддия қилиш ва уларни ҳаққа бошлишда Аллоҳ муаллифга бардавом тавфиқ берсин!

Моҳир муҳаққиқ муаллифга берган тавфиқи учун Аллоҳга ҳамд бўлсин. У зот субҳанаҳу ва таоло неъмат ва тавфиқнинг валийсиdir. У Зотдан энг тўғри йўлга ҳидоят қилиши ва бошлишини сўраймиз. Сайидимиз, набийимиз Мұхаммадга, у зотнинг оила аъзолари, саҳобалари ва тобеъинларга, барча олим, солиҳ ва сиддикларнинг наздида мўътабар бўлган мужтаҳид имомларга Аллоҳнинг салавоти бўлсин!

Буни Аллоҳ таолога муҳтоҷ, ўз ватанида ғарип Абдулфаттоҳ Абу Ғудда ёзди. Аллоҳ уни Ўз илтифоти ва карами ила юртига саломат ва оғият ила қайтарсан!

Мазкур йилнинг йигирма олтинчи шавволида пайшанба куни шаҳримиз Ҳалабга аллома, муҳаддис, мавломиз, фазилатли ва буюк шайх Ҳабибур Раҳмон Аъзамий келди. У киши Ҳиндистон уламоларининг катталариданdir.

Рисолани ҳали нашрга бермаганимдан хурсанд бўлдим. Рисоланинг ҳаммасини у зоти муборакка ўқиб бердим. У киши уни эшитди. Рисоладан мамнун бўлиб,

ўқиб тутатганимдан сўнг: «Менга ўқиб берганингизнинг ҳаммасини ҳарфма-ҳарф тасдиқлайман», деди.

Тавфиқ ва илҳом бергани учун Аллоҳга ҳамд бўлсин! У Зот субҳонаху ва таолонинг даргоҳига борила-диган кунда бу ишимни ўзим учун захира бўлишини сўрайман. Аллоҳдан бу рисолани кўп фойдали қилишини тилайман. Зеро У Зот тавфиқнинг валийсидир. Оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Муҳаммад Аввома

Ҳалаб – Шаръий таълим жамияти 1398/11/2

Тамҳид

Фақиҳларнинг ихтилофларининг сабаблари мавзуси ҳар бир мусулмон кишининг илмий ва амалий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ҳаётидаги аҳамияти Исломнинг буюк имомлари ушбу ҳаниф диннинг ҳукмларини унинг асосий манбалари бўлмиш Аллоҳ таолонинг Китоби ва Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан истинбот қилишдаги моҳирликлари ва бу борада қанчалар жиддижаҳд сарфлаганларига гувоҳ бўлишида ўз аксини топади.

Амалий ҳаётидаги аҳамияти эса ибодат, муомалот ва ахлоқ-одоб масалаларида кипши ўз ишининг тизгинини топширган, ўзи билан Робби азза ва жалла ўртасида воситачи қилган имомлари қай даражада омонатдор кишилар эканига ишонч ҳосил қилишида ўз аксини топади.

Бу ишонч эса имомларнинг ихтилофларининг сабабларини имкон қадар ўрганиб чиқиб, имомлар ўзлари ўрнатган қоида ва асосларга таянган ҳолда ҳақни топиш учун ихтилоф қилганларини тушуниб, иттифоқ қилишнинг

имкони бўлса, иттифоқ қилиб, чорасиз ҳолатлардагина ихтилоф қилганларини англаб етгандагина ҳосил бўлади.

Бу борада имомларга эътиroz билдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки улар ҳақни топиш учун изланганлар, далилга таяниб ҳаракат қилганлар. Улар мутаассиблик ва манманлик қилиб, кибрланиб, бошқалардан ажралиш, тилларда достон бўлиш, машҳур бўлиш учун ихтилоф қилишмаган. Уларни ихтилоф қилишга ундан яккаю ягона омил – бу қўлларидағи далиллар.

Ушбу ҳақиқатдан юз ўтирадиган, дуч келган кишини имомлар ҳақида ёмон гумон қилишга, уларнинг илмий ва амалий ҳаёт йўлларини бузиб кўрсатиш ва қадрларини туширишга бошлайдиган, ўзи нима деяётганини билмайдиган кимсаларни Ислом динининг таянчи, асрлар оша фикҳ, фатво ва ҳукм чиқариш борасида диннинг устуни бўлган мустаҳкам тоғларга ҳакам қилишни истайдиганларни кўрганда бунинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Фақиҳларнинг ихтилофларининг сабаблари мавзуси ижтиход бобларининг бирига кириш бўлиб, бу ҳақда сўз юритиш қийин ва кўптармоқлидир. Шунинг учун ушбу мавзунинг қайси жиҳати ҳақида сўз юритишни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мавзунинг Аллоҳдан ёрдам сўраб, мен сўз юритмоқчи бўлган жиҳати «Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни»дир.¹⁴

¹⁴ Бу ном ўзини суннати мutoҳҳаранинг васийси деб билганларнинг ғазабини қўзғатди. Чунки улар ихтилофни фақаттана ёмонлик ва залолат деб биладилар. Уларга кўра мен ушбу ном билан ўша ёмонлик ва залолатнинг масъулиятини суннатга юклаган эмишман. Аллоҳни рози қилмайдиган ҳар бир ишдан паноҳ сўрайман.

Ихтилоф уммат учун раҳмат ва кенгчилиқдир. Бу ҳақда биринчи нашрини «Фикр одоби ҳақидаги сахифалар» деб номлаган китобимда батафсил сўз юритдим. Ушбу китобнинг иккинчи нашрини «Илм ва дин масалалари борасидаги ихтилофнинг одоби» деб номладим. Бу номни танлашимнинг боиси мужтаҳид имомлар ҳадиси шариф сабабли қандай ихтилоф қилишлари мумкинлигини англай олмайдиган кишиларнинг тушунчаларини тўғрилашдир.

Мавзу қўйидагича ёритилади:

1. Муқаддима – имомлар наздида ҳадиси шарифнинг тутган ўрнининг баёни ҳақида;
2. Биринчи сабаб: Ҳадиси шариф қачон амал учун яроқли бўлиши;
3. Иккинчи сабаб: Имомларнинг ҳадисни тушунишдаги ихтилофлари;
4. Учинчи сабаб: Имомларнинг суннатдаги зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган далиллар борасида тутган йўллари турлича экани;
5. Тўртинчи сабаб: Суннатни чукур билиш борасидаги савияларининг турличалиги сабабли ихтилоф қилгандлари;

Кишиларнинг кўпчилиги тушуниш ва жавоб беришда қийналадиган шубҳалар ҳам борки, улар ҳақида мазкур сабабларнинг унга муносиби остида сўз юритаман.

Рисоланинг охирида ундаги энг муҳим нуқталарнинг холосасини келтираман, иншааллоҳ.

ИМОМЛАР НАЗДИДА ҲАДИСИ ШАРИФНИНГ ТУТГАН ЎРНИНИНГ БАЁНИ ҲАҚИДА

Кисқа муқаддима орқали имомлар наздида ҳадиси шариф қандай ўрин тутганини ёритиб бериш қийин. Улар ҳадисни маҳкам ушлаб, унга амал қилишга ҳарис бўлганларини қуидагилардан билиб оламиз.

Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу айтади: «Модомики одамлар орасида ҳадис талабида юрганлар бор экан, улар яхшиликда бардавом бўладилар. Агар улар илмни ҳадиссиз талаб қилгудек бўлсалар, барбод бўладилар».¹⁵

У киши яна: «Аллоҳнинг динида ўз раъйингиз билан асло бир сўз айта кўрманг. Суннатга эргашинг, чунки ким суннатдан четга чиқса, адашади», деган.¹⁶

Имом Шофеъий розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ривоят қиласатуриб, ундан бошқа гапни айтадиган бўлсан, мени қайси ер кўтаради!?»¹⁷ Бир куни у киши бир ҳадисни ривоят қилди. Имом Бухорийнинг устози Ҳумайдий у кишига: «Бу ҳадисни оласизми?» деди. Шунда Имом Шофеъий унга: «Нима, сиз менинг устимда зуннор осган ҳолда канисадан чиққанимни кўрганимидингизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини эшитсам-у, уни олмасам!?»¹⁸ деб жавоб берди.

¹⁵ Аллома Шаъроний, «Мезонул Кубро», 1/51.

¹⁶ Ўша манба 1/50.

¹⁷ Имом Субкийнинг «Имом Мутталибийнинг «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, ўша менинг мазҳабимдир», деган сўзининг маъноси» асаридан, 73-бет.

¹⁸ Ўша манба. Бу сўзни кўпчилик ривоят қиласатуриб, Тож Субкий раҳима-хулоҳ «Табакотул Кубро»да Рабиъ Муродийнинг таржимаи ҳолининг охирида: «Бу ҳодиса Имом Шофеъий ҳаётида кўп такрорланган», деган. 2/138.

Имом Молик розияллоҳу анҳу суннатни таърифлашда гўзал ташбех қилиб: «Суннат Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасидир. Ким унга миниб олса, нажот топади, ким унга минмаса, чўкиб кетади», деган.¹⁹

Имом Аҳмад розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирон ҳадисларини рад қиласа, ўзини ҳалокат ёқасига ташлабди».²⁰

У киши яна: «Бизнинг замонимиздан қўра ҳадисни ўрганишга бўлган эҳтиёж кучлироқ бўлган замонни қўрмадим», деди. – У хижрий 241 санада вафот топган Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг замони эди! – Шунда шогирдларидан бири: «Нима учун бундай деяпсиз?» деди. Шунда Имом: «Чунки бидъатлар пайдо бўлди. Кимда ҳадис бўлмаса, ўша бидъатга мубтало бўлади», деб жавоб берди.²¹

Имомларнинг таржимаи ҳоллари ва сийратлари ҳақидаги китобларда бу каби сўзлар жуда кўп бўлиб, биз уларнинг озгинасини келтирдик, холос. Уларнинг сўзларини мулоҳаза қиласак, барчалари бир маънони таъкидлашади, у ҳам бўлса, набавий суннатни олиш лозимлиги, ким суннатни ўрганса ва унга амал қиласа, ютуққа эришиб, нажот топиши ва ким суннатдан юз ўгирса, залолатга кетиб, хорликка дучор бўлишидир.

Мусулмон кишининг қалбида мужтаҳид имомларга нисбатан шундай муносабат қарор топса ва уларнинг илм борасида етакчи эканликларини эътироф этса, ана шундагина шаръий хукмлар борасидаги ихтилофнинг сабабларини ўрганиши ва имомларнинг ҳар бири сун-

¹⁹ Ҳофиз Суютий раҳимаҳуллоҳнинг «Мифтоҳул жаннати фил ихтижажи биссуннати» асарининг хотимасидан.

²⁰ Ибн Жавзий раҳимаҳуллоҳнинг «Маноқибу Имом Аҳмад» асаридан, 182-бет.

²¹ Яна шу манба, 183-бет.

натта мувоғық сўз айтиш учун бор имкониятини ишга согланини тушуниб етиши мумкин.

Аммо уларнинг илм борасида пешқадам имом экан-ликларини эътироф этмаса ва: «Улар ҳам биз каби инсон-да», деса, уларнинг барчалари худди чўкаётган киши нажот йўлларини излаганидек, доим далил излашда сидқидилдан ҳаракат қилганларига ишонмаса, бундай одам имомларнинг ихтилофлари сабабини ўргана олмайди, балки уларга таъна қилиш ва ўзини билағон қилиб кўрсатишга шошади, холос.

БИРИНЧИ САБАБ

ҲАДИСИ ШАРИФ ҚАЧОН АМАЛ УЧУН ЯРОҚЛИ БҮЛЛАДИ?

Биринчи сабаб борасидаги сўзимиз лозим бўлган тўрт нуқта ҳақида боради. Уларнинг иккитаси ҳадиснинг санадига, қолган иккитаси эса ҳадиснинг матнига тегишилидир. Улар қуийдагилар:

1. Ҳадиснинг саҳиҳ бўлиши учун қўйилган баъзи шартлардаги ихтилоф;
2. Собит бўлмаган ҳадисга ҳам амал қилинадими?
3. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лафзларини собит қилиш.
4. Ҳадиснинг лафзини араб тили меъёrlарига муводиқлаштириш.

Биринчи нуқта:

Мавзудан кўп узоқлашиб кетмаслик учун бу нуқта ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман.

Жумҳур уламолар саҳиҳ ҳадиснинг шарти бешта эканига иттифоқ қилишган.

1. Санаднинг муттасиллиги;²²
2. Ровий адолатининг собит бўлиши;
3. Ровий зобтининг собит бўлиши;
4. Санад ва матннинг шоззлиқдан²³ холи бўлиши;
5. Санад ва матннинг путур етказувчи иллатдан холи бўлиши.

²² Ровийдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қадар бўлган силсилада санаднинг узлуксиз боғланиб келиши.

²³ шоззлик луғатда алоҳида ажralиб туриш, нодир бўлиш, яккаланиб қолиш, деган маъноларни ифода қиласи. Ҳадис истилоҳида эса ишончли бир ровий бошқа бир неча ишончли ровийларга хилоф қилишига айтилади.

1. Санаднинг муттасиллиги;

Қандай ҳолатда муттасиллик шарти топилған бўлиши ҳакида муҳаддислар ихтилоф қилишган. Бу масала муҳаддисларнинг наздида «Масъалатул лиқо» (яъни ровий ўз шайхи билан учрашганинг событ бўлиши ёки бўлмаслиги) номи билан машҳур бўлган. Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар: «Ровий ўз шайхи билан бир марта бўлса ҳам учрашгани событ бўлиши керак», дейишади. Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар эса ровийнинг ўз шайхи билан учрашиши мумкинлигининг ўзини шарт қиласидар, учрашгани событ бўлишини эмас. Ҳатто имом Муслим бу борада ижмоъ қилинганини ҳам даъво қилган.²⁴

Шунга кўра имом Муслим ва унинг фикрини қўллаб-қувватлайдиган муҳаддислар муттасиллик борасидаги мана шу тушунчаларига биноан сахих, деб айтган ҳадисларни имом Бухорий сахих деб билмаган.

Муттасиллик борасида имом Муслим айтган гапни қувватлайдиган фақиҳлар санади шундай боғланган ҳадисларни хужжат қилиб, сахих ҳадис, десалар, ўз навбатида имом Бухорийнинг фикрини қувватлайдиган уламолар уларга хилоф қилиб, у ҳадисларни сахих эмас, дейдилар ва у ҳадисларни фиқхий хукм чиқаришга яроқли эмас, деб хисоблаб, уларга бино қилинган хукмларни хато, деб айтадилар.

Муттасиллик масаласига алоқадор масалалардан яна бири мурсал²⁵ ҳадис бўлиб, у ҳақдаги ихтилофнинг доираси юқорида зикр қилганимиздан кўра анча кенг.

²⁴ «Сахихи Муслим»нинг муқаддимаси, 1/130. Аллома Алий Қорий раҳимаҳуллоҳ «Муснад Имом Абу Ҳанифа»га ёзган шархида Бухорий ва унинг фикрини қўллаб-қувватлаганларни ҳамда бу борада янада қаттиқрөк шарт қўйганларни эътиборга олиб, бу гапни жумхурдан ривоят қилган.

²⁵ Мурсал ҳадис тобеъинни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан боғловчи восита тушиб қолган ҳадисдир.

Мурсал деб, тобеъин тўғридан-тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берган ҳадисга айтилади. Мурсал ҳадис муттасил эмас. Лекин мана шу муттасил эмаслиги унинг ҳужжат эканига путур етказадими ёки йўқми?

Жумҳур муҳаддислар мурсал ҳадисни заиф, ҳужжат эмас, дейишган.

Жумҳур фақиҳлар эса: «Мурсал ҳадис ҳужжат, унга амал қилинади», дейишади. Абу Ҳанифа ва Моликлар ҳам шулар жумласидан. Аҳмад ибн Ҳанбалдан ривоят қилинган икки фикрнинг бири ҳам шундай.

Фақиҳлардан имом Шофеъий бу масалада ўзига хос йўл танлаб: «Мурсал ҳадис заиф, лекин енгил заиф. Уни қувватлайдиган тўрт омилдан бири топилса, ҳужжат бўлади», деган.²⁶

Шунга кўра уч мазҳаб имомлари ёки уларнинг бири мурсал ҳадисга суюниб чиқарган шаръий ҳукм муҳаддислар жумҳури наздида ҳужжат эмас. Тўрт қувватловчи омилнинг бири бўлмаса, имом Шофеъийнинг наздида ҳам эътиборли ҳисобланмайди.

Аммо мурсал ҳадислар оз эмас.

Шунинг учун Баздавийнинг «Усул» китобининг шарҳида Ало Бухорий раҳимаҳуллоҳ: «Мурсал ҳадисни инкор қилиш билан кўп суннатлар йўққа чиқади. Чунки мурсал ҳадислар жамланганда, эллик жузга етган», дейди.

Аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳ: «Ким мурсал ҳадисни заифга чиқарса, амал қилиб келинаётган суннатнинг ярмини йўққа чиқарган бўлади», деган.²⁷

²⁶ Имом Шофеъий, «Рисола», 462-бет. Мурсални қувватлайдиган тўрт омил: бошқа важҳда муснад ёки мурсал ҳолда келиши, айрим саҳобаларнинг ёки аксар аҳли илмларнинг бу ҳадисга биноан фатво берган бўлишидир.

²⁷ «Таънибул Ҳатиб» 153-бет. «Фикху Аҳлил Ироқ ва ҳадисуҳум» 32-бет.

Лекин юқорида имом Шофеъий зикр қылған құвватловчи омиилларни инобатта олсак, амал қилинмайдиган мурсал ҳадисларнинг сони камаяди.

2. Ровий адолатининг событ бўлиши;

Бу борада турли хил қарашлар бўлиб, уламолар ровийдан талаб қилинадиган адолат қандай экани ҳақида ихтилоф қилишган.

Ровийнинг мусулмон бўлиб, у ҳақда бирор жарҳ событ бўлмагани уни адолатли дея ҳукм қилишга кифоя қиласдими?

Ёки шу шартга унинг зоҳирий адолати ҳам қўшилиши керакми? Шунда мастур дейиладими?

Ёки ҳам зоҳирий, ҳам ботиний адолати топилиши шарт қилинадими?

Шунингдек, ёлғиз бир имомнинг ўша ровийни адолатли дейиши кифоя қиласдими ёки ҳар бир ровий учун иккита имом адолатли, деб хulosса қылған бўлиши шартми?

Ровийнинг адолатини белгилашдаги ушбу ихтилофларга «Мусулмон киши ҳақида айтилган жарҳ унинг адолатига путур етказувчи жарҳ деб эътироф этилиши учун қандай бўлиши керак», деган масаладаги ихтилофни ҳам қўшиш мумкин.

Аслида жарҳ деб эътироф этилмайдиган қанчадан-қанча фикрлар жарҳ деб ҳисобланиб, ровийларнинг ироқлик бўлгани ёки аҳли рапъ бўлгани учун ёхуд Куръонни махлук дейиш борасидаги фитнада саволга жавоб бергани учун адолати событ эмас, деб хulosса қилинган. Буни ушбу илмни пухта эгаллаган ва бу илм тарихини яхши билганларгина тушуниб етади, холос.

Шунинг учун бу илмга шўнғиган талаба биродарларимга жарҳ ва таъдил китобларидаги жарҳ ва таъдил-

нинг иборалари ва лафзларини ўрганиш билан бир қаторда жарҳ ва таъдилнинг тарихи, жарҳ ва таъдилнинг фикҳи, жарҳ ва таъдилга кириб қолган бегона ибораларни ҳам диққат билан ўрганиш лозимлигини таъкидлайман. Жарҳ ва таъдил ҳақида фақатгина якуний хуносаларни берадиган «Тақриб»га²⁸ ўхшашиб китоблар билангина чегараланиб қоладиганлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин!?

Бир кишини муҳаддис ёки фақиҳ имомлардан бири адолатли санаса, айнан шу кишини муҳаддис ёки фақиҳлардан бошқа бир имом жарҳ қилиши мумкин. Адолатли ёки заиф эканига иттифоқ қилинган ровийлар сони ихтилоф қилинганлардан анча кам.

Ихтилофнинг юқорида айтилган важҳларига яна бир мулоҳазани ҳам қўшиш мумкин: адолатли ёки адолатли эмаслиги борасида ихтилоф қилинган бир ровийнинг баъзида ўнлаб ҳадислари бўлиши мумкин. Адолатли ровий эканига мойил бўлганлар унинг ривоят қилган ҳадисларини хужжат қилсалар, у ровийни жарҳ қилишга мойил бўлганлар эса унинг ривоят қилган ҳадисларини хужжат сифатида қабул қилмайдилар.

Мана шу ўринда ихтилоф келиб чиқиши табиий. Ихтилоф қилган ҳар иккала томон ҳам суннат билан хужжат келтираётганини, набавий ҳадисларни татбиқ қилаётганини, ўзининг фикҳий ва ҳадисий ижтиҳодларида муҳаддисларнинг кўрсатма ва қоидаларига кўра ҳаракат қилаётганини таъкидлайди. Шунинг учун улардан бирортасининг сўзини рад эта олмаймиз.

²⁸ Ибн Ҳажар Асқалоний «Тақрибут-таҳзиб».

3. Ровийлар зобтининг²⁹ событ бўлиши;

Шу ўринда ровий зобтининг событ бўлиши учун имом Абу Ҳанифа қўйган бир шарт ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У шарт «ровий ўз ҳадисини шайхидан таҳаммул қилган вақтидан то уни адо этгунича орада ҳеч қандай унугашиз сақлаб қолиши лозим» деган шартдир. Бу оғир шарт. У кишини бу шартни қўйишга мажбур қилган омил кўп ровийларнинг ўз ҳадислари борасида иккиланишлари ва ногўғри тасарруфлари бўлган. Абу Ҳанифа мана шу шартга қўра баъзи ҳадисларни заиф ёки сахиҳ дейишда бошқа уламолар билан ихтилоф қилган.

Ҳадисларни қабул қилиш ёки рад этишга оид айтиб ўтганларимиздан ўкувчи устоз Абдулваҳҳоб Халлофнинг «Масоодирут ташрииъ фии маа лаа насса фийхи» китобидаги: «Ҳар қандай ҳадиснинг мутавотир³⁰ ёки мутавотир эмаслигини, сахиҳ ё ҳасан, ёки заифлигини билиш жуда осон», деган сўзи у қадар тўғри эмаслигини англаб етади. Ушбу китоб ўкувчилар орасида кенг тарқалмаган ва ҳозирда яна унга мурожаат қилинмаётган бўлганида, бу ҳақда тўхталмас эдим.

Аллома Улайш ўзининг «Фатхул Алиййил Малик» деб номланган фатволар китобида имом Муаммар Абулқосим Бурзулийдан нақл қилишича, моликий мазҳабининг машҳур имомларидан бири Абулвалид Сулаймон ибн Халаф Божийнинг Иброҳим деган укаси бўлиб, унга баъзи нарсалардан таълим берар экан. Бир куни Ибн Ҳазм Зоҳирий уни кўриб қолиб: «Акангда нималарни ўқияпсан?» дебди. У: «Кўп нарсаларни», дебди. Шунда Ибн Ҳазм: «Мен

²⁹ Шайхидан эшитганини ёдда ёзиб, ўз ҳолидек сақлаб қолиши.

³⁰ Ёлғонга иттифоқ қилиб олиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган даражадаги кўпчилик ривоят қилган ҳадис.

сенга илмни мухтасар қилиб берайми? Шунда у сенга бир йил ёки ундан ҳам кам вакт ичида ўқиб беради», дебди. Иброҳим Божий: «Агар мумкин бўлганида, у ўзи шундай қиласар эди», дебди. Шунда Ибн Ҳазм ўзини назарда тутиб: «Ундан бошқа одам сенга бу нарсаларни бир йилда ўқиб берар эди», дебди. Иброҳим Божий: «Қандай яхши!» дебди. «Ё бир ойда», дебди. «Бу ундан ҳам яхши», дебди. «Истасанг, бир ҳафтада ёки бир мартанинг ўзида», дебди. Иброҳим: «Бу мен учун ҳаммасидан яхши», дебди. Шунда Ибн Ҳазм: «Агар бирон масала устида баҳс олиб борсанг, уни Аллоҳнинг Китобидан изла, топсанг, хўп-хўп, йўқса уни суннатдан изла, топсанг, хўп-хўп, йўқса уни ижмоъ қилинган масалалардан изла. Топсанг топдинг, йўқса асл мубоҳликдир. Уни қиласер», дебди. Шунда Иброҳим Божий унга шундай деган экан: «Сен айтганинг узок умр ва кўп илм талаб қиласди. Бунинг учун Китобни, унинг носих ва мансухини, муаввали ва зоҳирини, мансусини, мутлақи ва умумини билиш, ҳадисларни ёд олиш, унинг саҳиҳи ва заифини, муснади, мурсали ва мульодилини, таъвилини, мутақаддим ва мутааххирнинг тарихини билиш, ижмоъ қилинган масалаларни билиш ва уларни Ислом диёрларининг ҳар чеккасидан излаб топиш лозим. Бунинг ҳаммасини қила оладиганлар жуда кам».

Уламоларнинг саҳиҳлик шартларининг топилиши ва ҳадисга амал қилиш борасидаги ихтилофларига алоқадор хабарлардан яна бири Саймарий «Ахбору Аби Ҳаифа ва асҳобиҳи»да келтирган ривоятdir. Унинг хуласаси қўйидагича:

«Маъмун Аббосийнинг ҳузурига Ийсо ибн Ҳорун бир неча ҳадислар жамланган бир китобни олиб келиб: «Бу ҳадисларни мен сен билан бирга Ҳорун ар-Рашид сен учун танлаган шайхлардан эшитганман. Энди эса маж-

лисингнинг асосий одамлари мана шу ҳадисларга хилоф қиласынанлар бўлиб қолди – у бу гапи билан Абу Ҳанифанинг издошларини назарда тутаётган эди – Агар буларнинг айтаётгани ҳақ бўлса, унда Ҳорун ар-Рашид сенга устоз танлашда хато қилган бўлади. Агар унинг танлови тўғри бўлган бўлса, унда мана бу хато соҳибларини атрофингдан қувиб юборишинга тўғри келади», деди.

Маъмун китобни олиб, унга: «Булардан сўраб кўрайчи, балки уларнинг ҳам далил ва ҳужжати бордир», деди. Сўнг китобни уч кишига алоҳида-алоҳида кўрсатди. Лекин улар етарли жавоб бера олишмади. Бу хабар Ийсо ибн Абонга етиб келди. У шу кунга қадар Маъмуннинг олдига кирмас эди. «Ҳужжатус-соғир» деган китобни ёзиб, унда хабарларнинг важҳлари, улар қандай нақл қилиниши, қайсииниси қабул қилинади-ю, қайсииниси рад этилишини, бир-бирига қарама-қарши маънодаги иккита ҳадисни эшитганда нима қилиниши ва унинг ечими қандай бўлиши кабиларни ёзиб чиқди. Сўнг китобдаги ҳадисларни бобларга ажратиб, ҳар бир боб остида Абу Ҳанифа ва у кишининг мазҳабининг далилларини зикр қилиб ўтди. Уларнинг қай бири хабарлардан, қай бири қиёсга кўра эканини ёритиб берди. Шундай қилиб, ўз китобини мукаммал тарзда ёзиб тугатди. Сўнг китобни халифа Маъмуннинг қўлига етказиш ҳаракатига тушди. Китоб Маъмуннинг қўлига етгач, уни ўқиб чиқиб: «Қавмга (Абу Ҳанифанинг издошларига) лозим бўлган жавоб мана шу эди!» деб қуйидаги шеърни айтди:

*Ҳасад қиласылар ҳақиқий мардга,
Чунки етолмаслар мард етган ҳадга.
Инсонлар ҳасад-ла бўлдилар ҳадик,
Кундошлилар бир-бирин дегандек хунук.*

Иккинчи нуқта: Собит бўлмаган ҳадисга ҳам амал қилинадими?

Бунга жавоб куйидагича:

Уламолар «Ҳадис саҳиҳлик ёки ҳасанлик даражасига етса, амал қилиш ва шаръий ҳукмларда ҳужжат келтириш учун яроқли бўлади», деб иттифоқ қилишган.

Заиф ҳадис борасида эса жумҳур уламолар: «Заиф ҳадисга амал қилиш учун қўйилган шартлар топилса, фазилатлар ва мустаҳаб ишларда унга амал қилса бўлади», дейишган. Бу ҳамма биладиган машҳур гап!

Лекин баъзи имомлар «Ҳалол ва ҳаром каби шаръий ҳукмларда ҳам заиф ҳадисга амал қилинади», деб, уни шариатнинг жумҳур уламолар таянишга иттифоқ қилиган асосий масдарларининг бири бўлмиш қиёсдан ҳам устун кўрганлар. Бу ўринда заиф ҳадисга амал қилиш мужтаҳид имомлардан Абу Ҳанифа, Молик ва Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг,³¹ муҳаддис имомлардан Абу До-

³¹ Аллома Алий Қорий, «Мирқотул Мафотих», 1/19.

Ҳанафийлардан Ибн Ҳумом «Фатҳул Қодир»да (1/417) шундай дейди: «Мустаҳаб амал тўқима бўлмаган заиф ҳадис билан ҳам собит бўлади».

Шофеъийлардан Нававий «кал-Азкор»да шундай дейди: «Муҳаддис, факиҳ ва бошқа уламолар айтишади: «Фазилатлар, тарғиб ва тарҳиб бобларида заиф ҳадисга, модомики у тўқима бўлмаса, амал қилиш жоизидир. Аммо ҳалол-ҳаром, савдо-сотиқ, никоҳ ва талоқ каби масалаларда факат саҳиҳ ёки ҳасан ҳадисга амал қилинади. Лекин айрим ҳолларда эҳтиёт юзасидан заиф ҳадисга амал қилиниши мумкин. Савдо ва никоҳларнинг айрим турларининг макруҳлиги ҳақида заиф ҳадис ворид бўлган. Улардан тийилиш мустаҳаб, вожиб эмас».

Мутааххир моликийларнинг усулдаги асосий манбаларидан бири «Нашрут бунуд алаа марокис-суъуд»да (2/63) шундай дейилади: «Фойда: имом Молик ва унинг фикрини кувватлаганларнинг мурсал ҳадис билан ҳужжат келтирсанларидан билинадики, мунқотеъ ва муъззоллар ҳам уларнинг наздида ҳужжат бўлади. Чунки усулий маънодаги мурсал бу иккисига ҳам мувофиқ келади».

вуд, Насойй, Абу Ҳотимларнинг мазҳаблариидир.³² Фақат бунда икки шарт топилиши лозим:

1. Ҳадиснинг заифлиги ўта кучли бўлмаслиги;
2. Масалада ундан бошқа ҳадис бўлмаслиги.

Бу Ибн Ҳазмнинг ҳам мазҳабидир. У «Мұхалло»да шундай дейди: «Кунут дуоси ҳақидаги бу хабар аслида ҳужжатликка ярамаса-да, бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бундан бошқа далил йўқ. Зеро, Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ: «Заиф ҳадис биз учун раъйдан кўра маҳбуброқдир!» деган. Биз ҳам шундай деймиз».³³

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўғли Абдуллоҳ айтади: «Отамдан «Бир киши бир шаҳарда бўлиб, унда факат ҳадис билан шуғулланадиган, лекин унинг сахиҳ ва заифини ажратса олмайдиган бир киши билан раъй соҳибидан бошқасини топа олмаса, бошига бир иш тушса, уларнинг қай биридан сўрайди?» деб сўрадим. Шунда отам: «Ҳадис соҳибидан сўрайди, раъй соҳибидан эмас. Чунки заиф ҳадис раъйдан устундир», деб жавоб берди».³⁴

«Имом Шофеъий гарчи мурсал ҳадисни заиф деб билса-да, масалада ундан бошқасини топа олмаса, унга амал қиласди». Буни шофеъий имомлардан Мовардий «Ҳовий»да имом Шофеъийдан нақл қилган.

Шайхимиз Абдуллоҳ Сиддиқ Ғуморий раҳимаҳул-

Бу масалада имом Аҳмаддан қилинган нақллар турличадир. Ибн Нажжор Ҳанбалий «Шарҳу Кавқабил Мунир»да (2/573) бу масалани Имомнинг сўзи билан ниҳоясига етказган: «Бир бобда заиф ҳадис бўлиб, уни рад этадиган бошқа далил бўлмаса, мен унга хилоф қилмайман, менинг йўлим шудир!» Шу имомнинг машхур сўзи. Ибн Ҳазмнинг у кишидан нақл қилганини кейинроқ келтираман.

³² Саховий, «Фатҳул муғис» 1/80 ва 267, «Ҳошияту Синдий алаа Сунани Насойй», 1/6, «Жарҳ ва Таъдил» Ибн Абу Ҳотим, 8/347. Имом Нававий унинг сўзини «Газҳибул Асмоои вал Луғоот»да нақл қилган.

³³ «Мұхалло», 4/148

³⁴ Ибн Ҳазм, «Мұхалло» 1/68. Саховий, «Фатҳул Муғис» 1/80

лоҳ «Арроддул муҳкамул матийн ала китаби қовлил му-
бийн»да шундай дейди: «Ҳукмларда заиф ҳадисга амал
қилинмайди», деган гап кўпчилик, ҳатто барча тушун-
ганидек, умумий маънода эмас. Кутубхонамизда сакки-
зинчи ҳижрий асрнинг ҳофизларидан бўлган бир муал-
лифнинг «Меъёр» деб номланган китобининг қўлёзма
нусхаси бор. Муаллиф уни фиқҳий бобларга ажратиб,
тартиблаган. Ҳар бир бобда тўрт мазҳаб имомлари ёки
уларнинг баъзилари ҳужжат қилган заиф ҳадисларни
уларнинг заифлик сабаби ва иллатлари билан бирма-бир
зикр қилиб ўтган. Китоб ўта нафис бўлиб, ундаги маъ-
лумотлар муаллифнинг ҳифзи кенглиги, фиқҳ, ҳадис ва
хилоф илмида денгиз эканига далолат қиласи. Меним-
ча, китобнинг муаллифи Ибн Мулаққин бўлса керак».

Байҳакий раҳимаҳуллоҳ «Сунанул кубро»да намоз-
хоннинг сутра ўрнига олд томонига чизиқ чизиқ қўйиши
ҳақидаги баҳсда ҳадис ровийларидан бирининг исми ҳа-
қидаги ихтилофни зикр қилиб бўлгач, шундай деган:

«Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисни эски фат-
воларида ҳужжат қилиб келтирган. Сўнг янги фатволари-
да бу ҳадис борасида таваққуф қилган – тўхталиб қолган
ва «Бувайтий» китобида: «Намозхон олдига чизиқ чиз-
майди. Фақат бу борада собит ҳадис бўлса, ўша ҳадисга
эрғашсин», деган. Менимча, имом Шофеъийни у ҳадисга
суяниб ҳукм чиқаришдан тўсиб қўйган нарса биз юқори-
да зикр қилган санаддаги ихтилоф бўлса керак. Иншаал-
лоҳ таоло, бунга ўхшаш ҳукмларда ҳечқиси йўқ».

Байҳакийнинг шу сўзига кўра Ибн Салоҳ ишора қи-
линган ҳадисни ўзининг улумул ҳадисга оид «Муқадди-
ма» китобида музтариб ҳадисга мисол қилиб келтирган.

Хатиб «Кифоя»да, Нававий кичик тобеъинлар у ёқда
турсин, катта тобеъинларнинг мурсалларини заиф деб

билса-да, «Мажмұ»да: «Мұрсал билан таржих қилиш жоиз», дейишиган.

Заиф ҳадисга амал қилишнинг яна бошқа ҳолати ҳам бор. Бир ҳадис келиб, лафзи икки маңнога далолат қылса ва бу маңноларнинг бирини танлаш имкони бўлмаса, ана шундай ҳолатда икки маңнодан бирини кувватлайдиган ҳадис келса, гарчи у заиф бўлса ҳам, унга амал қилинади. Бу фикрни аввал ва кейин ўтган имомларнинг кўпчилиги таъкидлаганлар.

Байҳакий ўзининг «Далоилин-нубувва» китоби муқаддимасида шундай дейди: «Набийимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бизга етиб келган баъзи мўъжизалари ва пайғамбарликларининг далилларини жамлашни ирода қилдим. Бошқа китобларимда шарт қилиб қўйганимдек, иллатлини қўйиб, сахих билан кифоялландим, ғарибни қўйиб, маъруфни танладим. Лекин сахих ёки маъруфдан мурод ҳосил бўлмаса, ундан пастларини ҳам келтирдим. Заиф ҳадис бўлса, уни келтирдим. Асосий таянчим мағозий ва тарих олимлари наздида сахих ёки маъруф бўлган хабарлардир».

Имом Ибн Жузай Калбий Моликий раҳимахуллоҳ «Тасҳил» номли тафсирининг муқаддимасида муфасирларнинг ихтилоғли сўзларини таржих қилишнинг ўн икки услубини зикр қилиб: «Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан Куръондаги бирон оятнинг тафсири ворид бўлган бўлса, албатта ўшани оламиз, хусусан, агар у сахих ҳадис бўлса», деган.

Бу ердаги «хусусан» деган калима бир ояти кариманинг тафсирида бир-бирига қарама-қарши икки фикрнинг бирини таржих қилишда заиф ҳадисга таянса бўлади, деган маънони ифода қиласи.

Имом Шамсиддин Абу Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳ «Тухфатул Мавдуд»да Аллоҳ таолонинг Нисо сурасидаги

ذَلِكَ أَدْنَى أَلَا تَعُولُوا^۴

«Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир» оятидаги (биз «жабр» деб таржима қилган) «авл» калимасининг маъноси борасидаги хилофни зикр қилиб, «авл» имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтганидек, фарзанднинг кўплигими ёки салаф ва халаф жумҳур муфассирлар айтганидек, зулм ва жабрми?

Имом Шамсиддин раҳимаҳуллоҳ жумҳурнинг сўзини бир неча сабабларга кўра қувватлаб, шундай дейди: «Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан шу маъно ривоят қилинган. Гарчи бу ривоят ғариб бўлса-да, таржих учун яроқлидир». Бу ҳадиси Оиша розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган «жабр қилмаслигингиз» деган сўзларидир. Бу ҳадисни Ибн Ҳибон марфуъ ҳолда ривоят қилган.³⁵ Абу Ҳотим Розий эса: «Бу ҳадис хато. Тўғриси эса ҳадиснинг Оиша розияллоҳу анҳога мавқуфлигидир», деган. Жумҳур салафлардан ривоят қилинган фикр шу. Шундай бўлса ҳам, муаллиф ҳадис ҳақида: «Таржих учун яроқли», демокда.

Мавломиз аллома, муҳаққиқ Муҳаммад Юсуф Баннурий раҳимаҳуллоҳ ўзининг «Маорифус-суннат»³⁶ номли китобида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тик туриб бавл қилганлари ҳақида ворид бўлган ҳадиснинг жавобини зикр қилиб, «Байҳақийнинг ривоятида келганидек, «тиззаларининг ички томонида яра бўлга-

³⁵ «Ал-Иҳсан», 9/338 (4029).

³⁶ 1/105.

ни учун», дейилгандын. Бунинг санади заиф бўлса-да, сабаб ва важҳни баён этишга кифоя қиласи», деган.

Юқорида кўриб чиққанимиздек, салаф имомларимизнинг наздида заиф ҳадиснинг ҳам қиймати ва эътибори бор. Бугунги кунда эса айримлар бунга хилоф қилиб, уни мутлақо четга суриб, тўқима ҳадисларга қўшиб қўймоқда ва икковини бир «силсила»да келтирмоқда.

Учинчи нуқта: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лафзларини событ қилиш.

Бунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзланган маънени бошқа лафз билан эмас, айнан мана шу лафз билан ифода қилғанларини аниқлаб олиш зарурлигини назарда тутдим. Бу айниқса бир ҳадис икки хил лафз билан ворид бўлиб, бирини олганда келиб чиқадиган ҳукмлар иккincinnisinи олгандаги ҳукмлардан фарқли бўлганда янада зарурроқ бўлади.

Ихтилоф айни мана шу жойдадир. Унинг чегарасини фақат мужтаҳид имомлар биладилар, холос. Аллоҳ улардан рози бўлсин!

Мұҳаддис ва усул имомлари бу масалани «Ҳадисни маъноси билан ривоят қилиш», деб атайдилар.

Аҳли илмлар жумҳури ҳадисни маъноси билан ривоят қилишни жоиз санашган. Фақат бунда ҳадисни маъноси билан ривоят қилувчи ровий араб тилини яхши билиши, унинг нималарга далолат қилишини яхши тушуниши шарт, дейишган. Агар тилни яхши билмаса, бу икки лафз бир маънога далолат қиласи, деб ўйлаб, ҳадисдаги бир калимани бошқа фарқли калима билан ифода қилиб қўйиши ҳам мумкин.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг бу борада яна бир шарти бор. Бу шартнинг муҳим ва аҳамиятли эканини

унга амал қилган кишигина билади. Абу Ҳанифанинг шарти: «Ҳадисни маъноси билан ривоят қилувчи ровий лафзлар устида қилаётган тасарруфининг натижаси қандай бўлишини билиши учун фақиҳ бўлиши лозим» деган шартдир.

Бунга баъзи мисоллар келтираман:

Биринчи мисол:

Абу Довуд Ибн Абу Зиъбнинг йўлидан ривоят қилади: «Менга Тавъаманинг³⁷ мавлоси Солиҳ ҳадис айтиб берди. У Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилади:

«مَنْ صَلَّى عَلَى جَنَازَةِ الْمَسْجِدِ فَلَا شَيْءٌ عَلَيْهِ»

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жанозани масжидда ўқиса, унинг заарига ҳеч нарса йўқ», дедилар». Қадимги ривоят ва нусхаларнинг баъзиларида матн шундай келган. Бошқаларида эса:

فَلَا شَيْءٌ لَهُ

«унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ» деб келган.

Хатиб Бағдодийнинг нусхасида: «...унинг заарига ҳеч нарса йўқ» ёки «унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ» деган жумлада Абу Алий Луълуий шак қилган», дейилган. Луълуий – «Сунани Абу Довуд»ни муаллифидан ривоят қилган машҳур ровий.

«Унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ» деган ривоятни Абу Довуддан Ибн Абд ва Ибн Доса қилган ривоятлар

³⁷ Тавъама (ёки Туама)нинг мавлоси Солиҳ – содик ровий. Лекин кейинроқ адашадиган бўлиб қолган. Ибн Абу Зиъбнинг ундан қилган ривояти адашадиган бўлиб қолишидан олдин эди. Шунинг учун унинг ривояти саҳиҳ ва мақбулдир. Мана шу сабабли санаддаги бу жойини такрор зикр қилдим.

ҳам кувватлайди, шунингдек, Абдурраззокнинг Маъмар ва Саврийдан қилган ривоятида ҳам, имом Аҳмадда ва Таҳовийнинг «Маонил Осор»ида ҳам шундай. Абу Дувуд Таёлисийнинг «Муснад»ида ҳам шундай, у Тавъаманинг мавлоси Солиҳдан «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ва Абу Бакрни кўрган кишиларни кўрдим, улар келиб, жаноза ўқишига масжиддан бошқа жой топа олишмаса, жаноза ўқимай, қайтиб кетишарди», деган кўшимчани келтирган.

Иbn Абу Шайбанинг «Мусаннаф»ида **«Ким масжидда жаноза намози ўқиса, унинг учун намоз йўқдир»** лафзи келган.³⁸ Солиҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари жой тор бўлиб қолса, жаноза ўқимай, қайтиб кетишарди».

Байҳақий «Сунани Кубро»да³⁹ бу ҳадисни икки йўл орқали Абдурраззокқа етказиб, мазкур лафз билан ривоят қилган. Улардан бирида Солиҳнинг қуидаги зиёдаси ҳам бор: «Масжидга жанозанинг қўйилганини кўрдим. Абу Хурайра масжиддан бошқа қўйиладиган жой топа олмаса, жаноза ўқимай қайтиб кетар эди». Бу Абдурраззокнинг «Мусаннаф»ининг нашр қилинган ривоятида йўқ.

Иbn Можанинг Иbn Абу Зильбининг йўлидан қилган ривояти ҳам шундай. Унда **«...унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ»** лафзи келган.

Шунинг учун Хатиб шундай дейди: **«Махфузи «...унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ»** лафзидир. «Насбур-Роя»да ҳам шундай.⁴⁰

Биринчи ривоят, яъни **«...унинг зиёнига ҳеч нарса йўқ»**ни олган имомлар: «Жанозага ҳеч қандай кароҳият-

³⁸ 3/364

³⁹ 4/52

⁴⁰ 2/275

сиз масжидда намоз ўқиса бўлади», дейишган. Бу имом Шофеъий ва бошқаларнинг мазҳаби. Иккинчи ривоят, яъни «...унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ»ни олган имомлар масжид ичида (хонақоҳда) жаноза ўқиши макруҳ дейишган. Бу имом Абу Ҳанифа ва бошқаларнинг мазҳаби.

Иккинчи мисол:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда тургандарида Алий розияллоҳу анху келиб, изн сўраганида намозда эканларини билдириш учун йўталиб қўйганлари ёки тасбех айтганлари ҳақидаги ҳадис.

Ровийлар ҳадисдаги «سُبْحَنَ رَبِّكَ» (йўталдилар) ёки «سَبَّحَ» (тасбех айтдилар) деган лафз борасида ихтилоф қилишган. «Сунани Насойй» ва «Саҳиҳи Ибн Хузайма»ларга қаранг!⁴¹ Ибн Хузайма бу мавзуга боб очиб, «Йўталишга рухсат... агар ушбу лафз саҳиҳ бўлса. Лекин бу борада ихтилоф қилишган», деб айтган. Синдийнинг Насойига ёзган ҳошиясига ва «Ат-талхисул-ҳабир»га қаранг! Ибн Ҳажардаги Насоййнинг нусхасида «тасбех айтдилар» лафзи келган.

Мана шу сабабли фикҳий ҳукм ихтилофли бўлган. Имом Аҳмаднинг мазҳабида ким намозда эканини билдириш учун тасбех айтса, намозига зарар қилмаслиги, аммо йўталса, намози бузилиши айтилган. Ҳанбалийларнинг мутааххирлари эса (йўталса) макруҳ бўлади, дейишган.⁴²

Шофеъийларнинг наздида тасбех айтишнинг зарари йўқ. Улардаги саҳиҳ қавлга кўра, йўталганда агар икки ҳарф билинса, намоз ботил бўлади.⁴³

⁴¹ Насойй, «Сунани сұғро». 3/12 (1211-1213), Ибн Хузайма 2/54 (902-904), «Ат-талхисул ҳабир», 1/283.

⁴² «Муғний» 1/706, 707, «Шарҳ Мунтаҳал иродат» 1/201.

⁴³ «Мажмүй» 4/21, 10.

Ҳанафийларга кўра ҳам тасбехнинг зарари йўқ. Лекин йўтал узрсиз бўлса, намозни ботил қиласди. Тиловат учун овозни яхшилаш ва намозда эканини билдириш узр ҳисобланади.⁴⁴

Учинчи мисол:

Бухорий ва бошқалар Ибн Абу Зиъбдан, у Зухрийдан, у эса Саъид ибн Мусайябдан, у Абу Ҳурайрадан, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган: «Иқомани эшитсангиз, намозга юриб келинглар. Ўзингизни вазмин ва ҷикорли тутинг, шошилманг. Улгурган-(ракъатлар)ингизни ўқинглар, ўтказиб юборганингизни эса тўлдириб олинглар», деган ҳадис.

Бу ҳадисни Абдураззоқ «Мусаннаф»да, ундан имом Аҳмад «Муснад»да Маъмардан, Ҳумайдий «Муснад»ида Ибн Уயинадан, икковлари Зухрийдан, у Саъид ибн Мусайябдан, у эса Абу Ҳурайрадан: «... ўтказиб юборганингизниң қазосини ўқинг» лафзи билан ривоят қилишган.⁴⁵

«Муснад»да яна Анас розияллоҳу анхудан бошқа бир қанча йўллар билан Абу Ҳурайрадан марфуъ ҳолда: «... ўтиб кетганининг қазосини ўқисин» лафзи ривоят қилинган. Худди шунга ўхшагани Абу Авонада ҳам келган.⁴⁶

«Тўлдириб олинглар» ва «қазосини ўқинглар» деган калималар борасидаги икки ривоят ўргасидаги сенгил ихтилофдан фикҳий жиҳатдан катта аҳамиятни эга бўлган ихтилоф келиб чиққан. Кечикиб келган намоз-

⁴⁴ «Ҳошияту Ибн Обидин» (1/416), ундаги Ибн Амир Ҳожнинг «Ҳалбатул Мажалли»да айтган гапига қаранг. У фикҳий жиҳатдан асосли.

⁴⁵ «Мусаннаф» 2/287 (3399), «Муснад» Имом Аҳмад 2/270, Ҳумайдий 2/418 (935).

⁴⁶ «Муснад» 3/243, 252, «Саҳихи Абу Авона» 2/109.

хон имом билан охирги тўртингчи ракъатнигина ўқишига улгурса, етиша олмаган уч ракъатини қандай ўқийди?

«Тўлдириб олинглар» деган биринчи ривоятга кўра намозхон имом билан ўқиган ракъатини имом учун тўртингчи ракъат бўлса-да, ўзи учун биринчи ракъат деб ҳисоблайди. Имом салом бергач, туриб, иккинчи ракъатни ўқийди. Чунки у намозини тўлдириш учун турди. Унда Фотиҳани ва бир сурани ўқийди. Санони ўқимайди. Балки худди ўзи ёлғиз ўқиганида иккинчи ракъатда нимани ўқиса, бунда ҳам шуни ўқийди. Иккинчи ракъатни ўқиб, ташаҳҳуд учун ўтиради. Кейин туриб, намозини давом эттириб, қолган ракъатларни ўқийди. Уларда фақат Фотиҳанинг ўзини ўқийди, холос. Бу бир гуруҳ уламоларнинг мазҳаби бўлиб, Имом Шофеъий розияллоҳу анҳу ҳам шулар жумласидандир.

«Қазосини ўқинглар» деган иккинчи ривоятга кўра эса намозхон имом билан ўқиган ракъатини ўзи учун ҳам, имом учун ҳам тўртингчи ракъат деб ҳисоблайди. Имом салом бергач, туриб, биринчи ракъатни бошлияди. Чунки у ўтказиб юборганининг қазосини ўқиш учун турди. Ўша ракъатда худди ўзи ёлғиз ўқиганида қандай бўлса, санони, Фотиҳани ва бир сурани ўқийди. Шундан сўнг ташаҳҳуд учун ўтиради. Кейин туриб, Фотиҳани ва бир сура ўқийди. Охирги ракъатда эса фақат Фотиҳанинг ўзини ўқийди.

Бу ҳам бир гуруҳ уламоларнинг мазҳаби бўлиб, ҳанафийлар ҳам шулар жумласидандир.

Бу икки ривоятга кўра амал қилишдир, қироат жиҳатидан қазосини ўқиш бўлса, қаъдага ўтириш жиҳатидан тўлдириб олишдир.⁴⁷

⁴⁷ Ривоятдаги ушбу ихтилоф сабабли келиб чиқкан бошқа ҳукмларни ўрганиш учун «Баҳрур-Роик»ка 1/400, 403 ва Ибн Обидиннинг «Ҳошия»-сига 1/596 қаранг!

Икки калима ўртасидаги шундай ихтилоф сабабли келиб чиққан бир қанча ҳукмлар бор. Ровий қўпинча келиб чиқадиган ҳукмга эътибор қилмайди. Лекин у икки калима ўртасидаги фарқ сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган ҳукмларни биладиган фақиҳ бўлса, ҳадисдаги лафзнинг айнан ўзини ривоят қилас, маъноси билан ривоят қиляпман, маънони ривоят қилиш жоиз, деб бошқа калимага ўзгартириб юбормаган бўлар эди.

Бу каби мисоллар талайгина. Уларни ўрганиб, муайян агад айтиш қийин.

Хатибнинг «Кифоя»да айтган бир гапини нақл қила-ман. Унинг асли Қози Ромахурмузийники бўлиб, «Ал-Муҳаддисул фосил»да айтган.⁴⁸

Хатиб шундай дейди: «Ровий ҳадисларни айни лафзи билан келтириши мустаҳабдир, мана шу унинг учун яхшироқдир...

Агар ровий лафзга эътибор қилмай, маъно билан ривоят қилса, у ҳолда эҳтиёткорлиги янада кучлироқ бўлиши лозим. Чунки маънони буриб юбориш оқибатида ундан келиб чиқадиган ҳукм ҳам ўзгариб кетади».

Кейин Мусо ибн Саҳл ибн Касирнинг йўлидан бир ҳадис ривоят қиласди. У Ибн Улайядан, у Абдулазиз ибн Суҳайбдан, у эса Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қиласди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эркак кишини заъфарон ишлатишдан қайтардилар».

Кейин Шуъбанинг йўлидан ривоят қиласди, у Ибн Улайядан ривоят қиласди. Унинг лафзи: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам заъфарон ишлатишдан қайтардилар».

Кейин санади билан Ибн Улайядан куйидагини ривоят қиласди: «Шуъба мендан бир дона ҳадис ривоят қилди-ю, лекин хато қилди. Мен унга Абдулазиз ибн

⁴⁸ «Кифоя» 167-168-бетлар, «Ал-Муҳаддисул фосил» 389-390-бетлар.

Сұхайбдан ҳадис айтдим, у Анасадан Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг эркак кишини заъфарон ишлатишдан қайтаргандарини ривоят қилди. Шуъба эса: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам заъфарон ишлатишдан қайтардилар», деб ривоят қилди».

Хатиб айтади: «Исмоил ибн Улайя мазкур ҳадисни Шуъбага «заъфарондан қайтарилган» деб, умумий лафз билан ривоят қылганини инкор қиляпти. Аслида заъфарон ишлатиш эркакларгагина тақиқланган. Шуъба маънени ривоят қилмоқчи бўлган. Лекин Исмоил ибн Улайя тушунганини тушунмаган. Шунинг учун ҳадисни лафзи билан ривоят қилиш маъно билан ривоят қилишдан кўра саломатлироқдир, деймиз».

Мен айтаман: «Ромахурмузий айтганидек, Шуъба у Шуъбадир! Лекин Шуъбанинг ўзи Исмоил ибн Улайянинг фикҳдаги фазлини эътироф қилиб, уни «Фақиҳлар раидони ва муҳаддислар саййиди», деб атар эди.

Шуъба ҳақида Ҳофиз ибн Абдулҳодий «Танқих»да: «Шуъба фикҳда моҳирлардан эмас эди», деган.⁴⁹

Шуъба фикҳда моҳир эмаслиги сабабли ҳадис ривоят қылган ишончли ровий ҳақида: «Бир фикҳий бобда ворид бўлган ҳадисга мухолиф гап айтди», деб гапирди. Бошқалар эса бу масалада Шуъбага эргашиб, у ровийга таъна қилдилар. Бу ҳақда юқорида айтилган манбадан билиб олишингиз мумкин.⁵⁰

Хатиб юқорида айтган сўзларининг давомида Мұхаммад ибн Мунқадирга санадини етказиб, унинг қуидаги сўзини келтиради: «Одамларга ҳадис айтиб бераеттган факих, дарҳақиқат, Аллоҳ билан Унинг банди

⁴⁹ «Насбур-Роя»да ҳам шундай келтирилган 4/174/

⁵⁰ Таҳовий, «Мушкилул-осор» 12/507(4981).

далари орасига кираётган бўлади. Шундай экан, нима билан кираётганига қарасин».

Шу маънода у яна бошқа гапларни ҳам санади билан нақл қилган. Шулардан бири имом Иброҳим Нахаъий раҳимаҳуллоҳнинг сўзи: «Сен бир шайхнинг ҳадис ривоят қилиб, ўзи сезмаган ҳолда ҳалолни ҳаром, ҳаромни эса ҳалол қилиб кўяётганини кўрасан...»

Шунинг учун имомлар факихлар айтган гапни бошқаларнинг айтганидан устун қўйишган. Қози Ромаҳурмузий «Ал-Муҳаддисул фосил»да «Ривоят ва дироятни жамлаган кишининг фазли ҳақида сўз» сарлавҳаси остида узун боб очиб, унда биринчи хабарни таникли имом Вакиъ ибн Жарроҳдан нақл қилган. У бир куни асҳобларига: «Сизларга Аъмаш Абу Воилдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан қилган ривоят маҳбуброқми ёки Суфён Саврийнинг Мансурдан, у Иброҳимдан, у Алқамадан, у эса Абдуллоҳ ибн Масъуддан қилган ривоятими?» деди. Шунда улар: «Аъмашнинг Абу Воилдан қилган ривояти яқинроқ (санади олийроқ)», дейишиди. Вакиъ: «Аъмаш шайх, Абу Воил ҳам шайх. Лекин Суфён Мансурдан, у Иброҳимдан, у Алқамадан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан қилган ривоят факихнинг факихдан, факихнинг факихдан қилган ривоятидир», деди.⁵¹

Хатиб «Кифоя»нинг охирида хабарларни рожиҳ қи́лувчи айрим сабабларни зикр қилиб: «Бир ҳадис унинг ровийлари фақиҳ бўлиши билан ҳам таржиҳ қилинади. Чунки факихнинг ҳукмларга тааллуқли нарсаларга бўлган эътибори бошқаларнидан кўра кучлироқ бўлади», деган ва охирида Вакиънинг «Факиҳлар ривоят

⁵¹ 238-бет. Бу қисса Ҳокимнинг «Маърифату Улумил ҳадис»ининг 11-бетида, Байҳақийнинг «Ал-Мадхалу ила Сунанил Кубро»сининг 95-96-бетларида ҳам келган.

қилган ҳадис шайхлар ривоят қилган ҳадисдан яхшироқдир», деган гапини зиёда қилган.

Сўнг Хатиб Иброҳим ибн Саъид Жавҳарийнинг йўлидан Вакиънинг қуидаги гапини ривоят қилган: «Фақиҳларнинг ҳадиси мен учун шайхларнинг ҳадисидан кўра маҳбуброқдир».

Мен айтаман: «Вакиънинг бу гапининг ҳам аввалгиси каби ўз воқеаси бор. Ундаги жавоби бу лафздан кўра умумиyroқ. Унинг тўлиғи Ибн Абу Хотимнинг «Жарҳ ва таъдил»ида келган. Вакиънинг жавоби қуидагича: «Фақиҳларнинг ҳадиси улар учун шайхларнинг ҳадисидан кўра маҳбуброндир эди».

Биринчисида «мен учун» деб, иккинчисида «улар учун» дегани бу фикр фақаттина Вакиънинг эмас, балки омма ҳадис имомларининг фикри эканига далолат қиласди».

Ибн Ҳиббон ҳам бунинг аҳамиятини тушуниб етиб, қабул ва таржиҳ учун шуни асос қилиб олган. У «Саҳиҳ»ининг муқаддимасида шундай дейди: «Ривоятлардаги баъзи зиёда лафзларни факиҳ бўлган кишилардан гина қабул қиласмиш. Чунки ҳадис соҳиблари кўпинча матнни қўйиб, исмлар ва санадларни ёд олишади. Факиҳ бўлган муҳаддис бир хабарни марфуъ қилса, унинг марфуълигини китобидангина оламан. Аммо моҳир, ҳофиз ҳадис соҳибининг зиёда қилган лафзини қабул қилмайман. Чунки у одатда санадни чуқур ўрганади. Бу зиёда қилинган лафзларни қабул қилиш ё қилмаслик борасидаги эҳтиёткорликдир».

Тўртинчи нуқта:

Ҳадиснинг лафзини араб тили меъёрларига муво-фикаштириш.

Бунинг маъноси:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу қалимани қандай талаффуз қылғанлар, рафъ ҳолдами, насыб ҳолдами ёки жар⁵² ҳолдами эканини аниқлаш лозимлиги. Араб тилининг мураккаблиги, нахъ ва грамматикага оид озгина ихтилоф сабабли ҳам ҳукмда катта аҳамиятли ўзгариш бўлиши мумкинлиги ҳаммамизга маълум.

Учинчи нуқта ҳақида тўхталиб ўтганимиздек, бунинг зарурати ровийларнинг бир қалимани нақл қилишдаги ихтилофида кўринади. Чунки бир қалиманинг нақл қилинаётган эҳтимолий важҳларидан бирини событ қилсак, фикҳий хилофни йўқса чиқарамиз. Ривоятлар турлича бўлса, албатта фикҳий ихтилоф ҳам бўлади.

Шу ўринда Ибн Кутайбанинг бир гапини нақл қиламан. Унда бу ишнинг аҳамияти умумий баён қилинган. Унинг ортидан мисоллар келтириб, унинг ўзига хос жиҳатларини ҳам очиб бераман.

Ибн Кутайба ўзининг «Таъвилу мушкулил Қуръан» китобининг бошида шундай дейди: «Аллоҳ арабларнинг каломи учун тамға ва зийнат қилиб, икки бир-бираға teng гапларни ва ихтилофли маъноларни ажратувчи эъробни⁵³ ато қилган. У билан фоил билан мағъул⁵⁴ фарқланади. Агар бир киши:

«هَذَا قَاتْلُ أُخْيٍ»

«Ҳааза қотилун ахи» деб, танвин билан айтса, бошқаси эса:

⁵² Рафъ – бош келишик, насыб – тушум келишиги, жар – қаратқич келишиги.

⁵³ Араб қалималарининг охиридаги ҳаракати.

⁵⁴ Фоил – иш-ҳаракатни бажарувчи, мағъул – устида иш-ҳаракат баражилган.

«هَذَا قَاتُلُ أخِي»

«Ҳааза қотилу ахи» деб, танвинсиз, изофа қилиб айтса, биринчиси «Мана бу киши менинг акамни ўлдиради», дегани, яъни ҳали ўлдирмади, дегани бўлади, иккинчиси эса «Мана бу киши акамнинг қотили», яъни ўлдириб бўлди, деган маънони англатади.

Масалан, қори ушбу оятни ўқимоқда:

«فَلَا يَحْزُنْكَ قَوْلُمْ إِنَّا نَعْلَمُ مَا يُسِرِّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ»

Агар у «إِنَّا» «иннаа»дан олдин тўхтамай, «قَوْلُمْ» «қовлухум» деган сўздаги «қовл» сўзини ўзидан кейинги жумлага алоқадор қилиб, улаб ўқиса, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг «Аллоҳ уларнинг сир тутганини ҳам, ошкор қилганини ҳам билади», деган гапларига хафа бўлади», деган маъно келиб чиқади. Буни қасддан айтган одам эса кофир бўлади. Бундай хато билан ўқилган намоз дуруст бўлмайди. Иқтидо қилганларнинг ҳам намозлари дуруст эмас. Маълумки, бу ўринда «قَوْلُمْ» сўзидан кейин тўхтаб, кейин давоми ўқилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«لَا يُقْتَلُ قُرْشِيٌّ بَعْدَ الْيَوْمِ صَبَرًا»

«Қурайшлик бу кундан сўнг собр⁵⁵ ҳолда ўлдирilmайди», деганлар.

Ким ушбу ҳадисдаги «لَا يُقْتَلُ» – «лаа йукталу» калимасини сукунли қилиб, «لَا يُقْتَل» – «лаа йуктал» тар-

⁵⁵ Хибсга олиб, сўнг бирон нарса билан отиб ўлдириш.

зіда ривоят қылса, маъно мутлақо ўзгариб, курайшлик муртад бўлса ҳам, уни ўлдириб бўлмаслиги, биронтасини ўлдириб кўйса, ундан қасос ҳам олиб бўлмаслиги келиб чиқади.

Агар уни заммалик қилиб, «**يُقْلِلُ عَلَى**» деб ўқиса, маъно Курайш ҳақида хабар бўлиб, Курайшдан бирон киши муртад бўлиб, ўлимга мустаҳиқ бўлмайди, деган маъно келиб чиқади. Кўряпсизми, биргина эъроб икки маънони бир-биридан қанчалик ажратиб юбормоқда.

Баъзида ҳарфдаги биргина ҳаракат билан ҳам маъно ўзгаради. Лаънатта қолган киши «лутънатун» дейилади, лаънатловчи киши эса «лутъанатун» дейилади.

Одамларнинг сўкиш ва ҳақоратига қолган одам «суббатун» дейилса, одамларни сўкиб, ҳақоратлайдиган киши «суббатун» дейилади. Ҳузъатун – хузаатун, сухратун – сухаратун, духкатун – духакатун, худъатун – худаатун ва ҳоказо.⁵⁶

Энди воқеликка хос бир мисол келтирамиз.

Бир кўй шаръий йўл билан сўйилганда қорнидан ўлик бола чиқса, онасининг шаръий сўйилгани билан кифояланиб, боласини ҳам ейиш ҳалол бўладими? Ёки унинг ўзи шаръий сўйилмагани учун ҳалол бўлмайдими?

Мана шу мавзуда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ворид бўлган. У зот:

«ذَكَاهُ الْجَنِينِ ذَكَاهُ أُمِّهِ»

«Хомиланинг шаръий сўйилиши унинг онасининг шаръий сўйилишидир», деганлар.

⁵⁶ Фазилатли устоз шайх Абдулваҳҳоб Товиланинг «Мужтаҳидлар ихтилофида лугатнинг ўрни» номли асаридан.

Бу ҳадиснинг ривоятлари турлича. Ибн Асир «Ниҳоя»да: «Ушбу ҳадисдаги иккинчи «ذَكَاهُ» сўзи замма билан ҳам, фатҳа билан ҳам ривоят қилинган. Заммали ўқилганда (бир жоноворни сўйганда унинг ҳомиласи бор бўлса) «онасининг шаръий сўйилиши боласининг ҳам сўйилишидир» деган маъно чиқиб, янгидан сўйишга ҳожат йўқ, деган маъно тушунилади. Агар фатҳали ўқилса, «боласининг сўйилиши онанинг сўйилиши каби бўлади» деган маъно келиб чиқади. Баъзи уламолар ҳадисдаги иккала «ذَكَاهُ» сўзини ҳам фатҳали ривоят қилишган. Ушбу икки ривоятга кўра боласини ҳам сўйиш лозим бўлади. Биринчи ривоятга кўра икки эҳтимол бор: бири – онасининг шаръий сўйилиши болани сўйишга ҳожат қолдирмаслиги, иккинчisi эса – боласининг сўйилиши худди онасини сўйишдек бўлишидир. «ذَكَاهُ» сўзининг иккала ҳолатда ҳам заммали ўқилишига оид машҳур ривоятни жумҳур олимлар имом Шофеъий ва бошқалар олишган.

Кейинги икки ривоятни эса Абу Ҳанифа ва бошқалар олишган. Ибн Ҳазм Зоҳирий⁵⁷ ҳам шулар жумласидан. Ҳар томон ўз мазҳабини бопқа далиллар билан ҳам қувватлаган. Валлоҳу аълам!

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ «Илмоъ» номли китобида матнларни мувоғиқлаштириш, нуқта ва ҳаракатлар билан қайдлашнинг зарурлиги ҳакида сўз юритиб, шундай деган: «Уламолар эъробдаги ҳар хиллик сабабли ҳам ихтилоф қилишган.

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

«ذَكَاهُ الْجِنِينِ ذَكَاهُ أُمِّهِ»

⁵⁷ «Муҳалло» 7/419.

«Боласининг шаръий сўйилиши онасининг сўйилишидир» деган сўзларидағи ихтилоф. Ҳанафийлар ҳадисдаги иккинчи «كَذَّ» сўзининг фатҳали эканини таржих қилиб, «Боласи онаси каби сўйилади», дейишади. Моликий ва шофеъийлар эса заммали эканини таржих қилиб, «Онасининг шаръий сўйилгани кифоя қиласи», дейишади.

2. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

«لَا نُورَثُ، مَا تَرْكَنَاهُ صَدَقَةٌ»

«Биз мерос қолдирмаймиз. Қолдирганимиз садақадир» деган сўзлари. Жумхур уламолар ҳадисдаги «صدقة» сўзининг заммали эканини таржих қилишган. Унга кўра пайғамбарлардан мерос олинмайди. Имоммийлар эса бу сўзининг фатҳали эканини таржих қилиб, «Садақа қилиб қолдиргандаридан мерос олинмайди», дейишган. Агар бу фикр тўғри бўлса, пайғамбарлар билан бошқаларнинг ўргасида ҳеч қандай фарқ бўлмай, ҳадисда пайғамбарларни хослаб айтишдан ҳеч қандай маъно қолмас эди.⁵⁸

3. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидаги

«هُوَ لَكَ عَبْدٌ بْنُ زَمْعَةَ»

«У сенга, эй Абд ибн Замъя» деган сўзлари. Омма уламолар ҳадисдаги «عبد» сўзини заммали қилиб

⁵⁸ Шайхул Ислом Закариё Ансорий «Фатхул Бокий»да (2/120) шундай дейди: «Мўътазилалар «صدقة» сўзини фатҳали ўқиб, бу ердаги маъно «садақа сифатида қолдирганимиздан мерос олинмайди, балки мулк сифатида қолдирганимиздан олинади», бўлади, дейишади».

ўқишишган. Ҳанафийлар «عبد» сўзини танвинли ўқиб, «Маъно «Бола сенинг қулинг, эй Ибн Замъа» бўлади», дейишган.

4. Абу Довуд ва Насоийлар ривоят қилган ҳадис. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«فِي كُلِّ سَائِمَةٍ إِبْلِ فِي أَرْبَعِينَ بَنْتُ لَبُونِ لَا يُفَرَّقُ إِبْلُ عَنْ حِسَابِهَا مَنْ أَعْطَاهَا مُؤْتَحِراً بِهَا فَلَهُ أَجْرُهَا وَمَنْ مَنَعَهَا فَإِنَّا أَخِذُوهَا وَشَطَرْ مَا لِهِ عَزْمَةً مِنْ عَزَمَاتِ رِبْنَا عَزُّ وَجَلُّ لَنِسَ لَالِ مُحَمَّدٌ مِنْهَا شَيْءٌ». ⁵⁹

«Барча яйловда боқилган туяларнинг қирқтасидан Бинти Лабун. Туялар ҳисоб юзасидан ажратилмайди. Ким улардан ажр олиш умидида бўлса, ажр олади. Ким уни (закотни) ман қилса, биз уни ҳам, молининг ярмини ҳам оламиз. Бу Роббимизнинг азму қарорларидан бир фарздир. Оли Муҳаммад учун ундан ҳеч нарса йўқ». ⁵⁹

Ҳадисдаги «وشطر» сўзининг эъробида ихтилоф қилишган. «Шин» ва «ро» ҳарфлари фатҳали бўладими ёки «шин» заммали, «то» ташдидли касрали ва «ро» фатҳалими?

Эъробдаги мана шу ихтилофга кўра ҳадиси шарифнинг маъноси турлича бўлади. Биринчи важҳга кўра маъноси «Молининг ярмини» дегани бўлиб, ким закотни ман қилса, яъни бермаса, ундан олинади ва жазо тарикасида молининг ярми ҳам тортиб олинади. Бу машхур важҳ. Лекин жумҳур имомлар бунга амал қилишмаган.

⁵⁹ Абу Довуд 2:323(1569), Насоий 5:15(2444).

Бу важх молни тортиб олиб, жазолаш масаласига оиддир. Имом Аҳмад бунинг бир қисмини олган. Иккинчи важхга кўра маъно «Моли иккига ажратилади» дегани бўлиб, закотни беришдан бош тортган кишининг моли иккига ажратилиб, закот йиғувчи закотни икки бўлакнинг яхшироғидан олади. Имом Аҳмаднинг улуғ асҳобларидан имом Иброҳим Ҳарбий шуни таржих қилган ва ҳадис ровийсини адашган, деб айтган.

Иккинчи сабаб ҳақида сўз юритишдан олдин кўпчиликнинг фикрига ўрнашиб қолган икки шубҳа ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим:

- 1. Ҳадис саҳих бўлса, у менинг мазҳабимдир.**
- 2. Ҳадиснинг саҳиҳлиги унга амал қилиш учун кифоядир.**

Биринчи шубҳани қўйидагича қўзғатишади:

«Имом Шофеъий розияллоҳу анҳу: «Ҳадис саҳих бўлса, у менинг мазҳабимдир», деган. «Мана бу ҳадис саҳих, у «Саҳиҳайн»да келган. Агар шу ҳадисга амал қиласак, событ суннатга амал қилган бўламиз, шу билан бирга, мусулмонларнинг мўътабар имомларидан бирининг мазҳабига ҳам эргашган бўламиз. Илмий мантиқ жиҳатидан қараганда, имом Шофеъийнинг мазҳаби мазҳабга оид китоблардаги фикрлардангина иборат», дейипшимиз тўғри бўлмайди».

Бунга жавоб қўйидагича:

«Ҳадис саҳих бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган иборани нафақат имом Шофеъий, балки бошқа имомлар ҳам айтишган. Бу «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур Росулуллоҳ» калимасининг маъносини тушуниб етган ҳар бир мусулмон айтиши лозим бўлган гапдир.

Имом Шофеъййининг ушбу гапини Ибн Касир «Тафсир»ида, ўрта намоз аср намози экани ҳакидаги баҳснинг охирида нақл қилиб: «Бу у зотнинг улутлиги, омонатдорлигидир. Мана шу у зотдан бошқа имомларнинг ҳам нафасидир. Аллоҳ барчаларини ўз раҳматига олиб, Ўзи улардан рози бўлсин», деган.

Ҳофиз Абу Зуръя Ироқий шундай дейди: «Фаҳм аҳлидан бўлиб, ҳадиснинг сахихини иллатлисидан ажратса оладиган, усул ва араб тилида моҳир, салафларнинг ихтилофлари ва унинг сабабларини биладиган киши ўзи тақлид қилган кипининг фикрига хилоф бўлган бир сахих ҳадисни топса, ҳадисни қўйиб, имомининг гапига амал қилиши менинг наздимда дуруст эмас».⁶⁰

Имомларнинг бу гаплари «Ҳадис амал қилишга яроқли бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган маънода айтилганнидир. Бунинг маъноси шундай экани, бунга ким лаёқатли экани борасида уч мазҳаб – ҳанафий, шофеъий ва моликий мазҳаби уламолари қандай фикр билдирилганларини келтираман.

Ҳанафийлардан Камол ибн Ҳумомнинг шайхи Аллома Ибн Шиҳна Ал-Кабир Ҳалабий «Ҳидоя»га ёзган шарҳининг бошида шундай дейди: «Агар ҳадис сахих бўлса-ю, лекин мазҳабга хилоф бўлса, ҳадисга амал қилинади. Мана шу унинг мазҳаби бўлади. Муқаллид унга амал қилиш билан ҳанафийлигидан чиқиб кетмайди. Чунки имом Абу Ҳанифадан қилинган сахих ривоятда: «Ҳадис сахих бўлса, у менинг мазҳабимдир», дейилган.

⁶⁰ Бир неча сатрлардан кейин Ибн Шиҳнанинг сўзини келтираман. Лекин Абу Зуръанинг «салафларнинг ихтилофлари ва унинг сабабларини биладиган...» деган гапини тааммул қилиб кўринг. Бу гап уларнинг фикрларини муҳокама қилиш учун далилларини ўрганиб чиқиши лозимлигига далолат қиласи. Бу эса юқори илмий мақом бўлиб, унга лойиклар нодир ёхуд йўқ.

Буни Ибн Абдулбарр ҳам Абу Ҳанифа ва бошқа имомдардан ривоят қылған».

Ибн Шихнанинг бу гапини Ибн Обидин ҳам нақл қилиб, шундай дейди: «Бу гапни имом Шаъроний түрт имомдан нақл қылған. Махфий эмаски, албатта, бу гап матнларни текширишга ахл бўлган, муҳкамни мансуддан фарқлай оладиган киши учундир! Агар мазҳаб ахли далилни ўрганиб чиқиб, унга амал қилсалар, уни мазҳабга нисбат бериш тўғри бўлади. Чунки бу мазҳаб соҳибининг изни билан содир бўлди. Зеро, шак йўқки, агар у далилнинг заиф эканини билса, ундан қайтар ва кучлироғига эргашар эди». ⁶¹

Ибн Обидин яна шундай дейди: «Бирон масалада саҳиҳ ҳадис ворид бўлиб, унга қарши маънода ҳеч қандай далил бўлмаса, ўша ҳадис мужтаҳиднинг мазҳабидир, гарчи буни ўзи очиқ айтмаган бўлса ҳам. Сўзимнинг бошида Ҳофиз Ибн Абдулбарр ва Ориф Шаъронийларнинг түрт мазҳаб имомларининг «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир», деганларини нақл қилишганини келтирдим». ⁶²

Ибн Обидин бу гап ҳақида «Шарҳу расмил-муфтий» китобида ҳам тўхталиб, Ибн Шихнанинг сўзини нақл қылған. Сўнг юқорида келтирилган изоҳини айтган ва куйидагича қўшимча қылған: «((Ҳадис саҳиҳ бўлса) деган жумлани) «бу мазҳабдаги бирон қавлга мувофиқ келса» деб қайдлашимиз лозим. Чунки имомларимиз иттифоқ қылған масалаларда мазҳабдан чиқиб, ижтиҳод қилишга рухсат йўқ, уларнинг ижтиҳодлари бунинг ижтиҳодидан кучлироқдир. Зоҳирроғи шуки, улар бу киши билган далилдан кўра рожиҳроқ далилни кўриб, бу далилни тарқ этишган».

⁶¹ Ибн Обидиннинг «Ҳошия»си, 1/68.

⁶² 1/257

Шу ўринда икки нарсага эътиборингизни қаратишни истардим:

1. Айрим йўлдан адаштирувчилар Ибн Обидиннинг «Ҳошия»сидан Ибн Шихнанинг гапини нақл қилиб, «Ибн Обидин бу фикрга индамаган, мазҳаб уламоларининг, хусусан, мутааххир муҳаққиқларнинг хотимаси бўлмиш Ибн Обидиннинг ҳам фикри шу» деб, одамларни чалғитмоқчи бўладилар.

Шаъроний раҳимаҳуллоҳнинг «Мезонул Кубро»даги ибораларини ҳам нақл қилиб, шундай қилишган. Унинг гапларини ниқоб қилиб, одамларга: «У мўътабар, суфий, мазҳаб имомларининг ҳузурида сўзи қабул қилинадиган олим», дейдилар. У шундай. Лекин бу ботилни қасд қилиб, ботилнинг либоси кийдирилиб айтилган ҳақ гапдир.

2. Ибн Обидин раҳимаҳуллоҳнинг Ибн Шихнанинг гапини нақл қилиб: «Махфий эмаски, албатта, бу гап матнларни текширишга аҳл бўлган, муҳкамни мансухдан фарқлай оладиган киши учундир...» деб бошлаган изоҳи ўта аҳамиятли гапдир. Ибн Обидиннинг бу қайди ҳамма учун маълум ва машҳур бўлиб, билмай қолиш ёки уни тан олмаслик мумкин эмас. Кишининг «Куёш чиқиб турибди» деган гапи ҳозир кечаси эмас, кундузи эканини ифода қилганидек, имомнинг «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган гапи ҳеч қандай шак-шубҳасиз, бу фақат матнларни текширишга аҳл бўлган, носижни мансухдан фарқлай оладиган... киши учун, холос. Жоҳиллар ёки алданган чала илмилар учун «бу мақомга журъат қилиш жоиз эмас» деган маънони ифода қиласди.

Афсуски, одамларни чалғитувчи, йўлдан адаштирувчи анавилар лозим бўлган бу қайддан ғафлатда қоладилар. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи роожиъун!

Ибн Шиҳнанинг бу гапини ва Ибн Обидиннинг «Ҳошия»даги қайдини аллома, муфассир, муҳаддис, фақих, фазилатли шайх Абдулғаффор Уюнус-Суд Ҳимсий Ҳанафий⁶³ раҳимаҳуллоҳ ҳам ўзининг «Дафъул авҳом. ан масъалатил қироати холфал-имом» номли рисоласида нақл қилиб, шундай деган: «Бу яхши қайд. Чунки ҳозирги кунда илмга нисбат берилган ва ғууррга кетгандарнинг кўпчилиги ўзини Сурайёнинг устидаман, деб ўйлаяпти. Ваҳоланки, у чуқур жарликда бўлади. Олти китобдан бирини мутолаа қиласди-да, Абу Ҳанифанинг мазҳабига хилоф бир ҳадисни кўриб: «Абу Ҳанифанинг мазҳабини деворга уриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини олинг!» дейди. Лекин у ҳадис мансух бўлади ёки санади ундан кўра кучлироқ ҳадисга муҳолиф бўлади, ёхуд шу каби унга амал қилмасликни тақозо қиласдиган сабаблар бўлади. Ҳолбуки, бу одам уни билмайди. Агар ҳадисга амал қилиш шундайларга топширилса, ўзлари ҳам залолатга кетар, савол сўраб келганларни ҳам залолатга етаклар эдилар.

Мана шу ўринда ўзларича ҳаммани суннатга амал қилишга чақирияпмиз, деб даъво қилаётганлар талвасага тушиб: «Суннатга амал қилиб, одамларга шунга кўра фатво бераётган кишиларни «адашғанлар, залолатга кетгандар», дейиш тўғрими?» дейишади. Ҳа, тўғри, агар улар бу мақомга аҳл бўлмасалар, шундай. Уларни шунинг учун, ўзи аҳл бўлмаган ишга журъат қилгани учун адашди, деймиз, суннатга амал қилгани учун эмас. Биздан аввал уларга нисбатан бу ҳукмни ҳадис ва фикҳ илмларининг имомларидан бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ваҳб ал-Мисрий чиқарган. У Мадинадаги

⁶³ Ҳижрий 1290 сананинг сафар ойида туғилиб, 1349 сананинг робиъус соний ойининг 27-сида вафот этган.

имом Молик ва Мисрдаги имом Лайс ибн Саъдларнинг етук шогирдидир. У киши шундай деган: «Ҳадис уламолардан бошқаларни адаштиради!»

Имом Ибн Абу Зайд Қайрувоний раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ибн Уяйна: «Ҳадис фақиҳлардан бошқаларни адаштиради», деган. Фақиҳлардан бошқалар баъзан ҳадиснинг зоҳирига қараб хуласа чиқаради. Аслида бошқа бир ҳадисда унинг таъвили келган бўлади ёки у билмаган бошқа далил ҳам бўлади, ёхуд матрук (тарк этилган) ҳадис бўлади. Буни эса илмга шўнғиган ва фақиҳ бўлганларгина ажратта оладилар».⁶⁴

Шофеъийлардан имом Нававий раҳимаҳуллоҳ бу гап ҳақида «Таҳзибул Асмо вал-луғот»да⁶⁵ қисқача тўхталиб, шундай деган: «Шофеъий раҳимаҳуллоҳ бу масалада эҳтиёткорлик қилиб, саҳиҳ ҳадисга амал қилиш ва сариҳ (очиқ-ойдин), событ матнга хилоф бўлган сўзни тарк этишни васият қилган. Асҳобларимиз унинг васиятига амал қилиб, бир неча машҳур масалаларда шундай қилишган. Бомдоднинг азонида «тасвиб»⁶⁶ қилиш, ҳажда беморлик ва шунга ўхшаш узрлар билан эҳромдан чиқиши шарт қилиш кабилар шулар жумласидандир. Лекин бундай қилишнинг шарти бор, бизнинг замонимизда у шартга муносиблар кам, у шартни «Мұхаззаб»нинг шархининг муқаддимасида баён қилдим».

Сизга имом Нававийнинг «Ал-Мажмуъ шарҳул Мұхаззаб»нинг муқаддимасида айтган гапининг хуласаси ни келтираман. У киши шундай дейди: «Имом Шофеъ-

⁶⁴ «Ал-Жомеъ», 118-бет.

⁶⁵ 1/51

⁶⁶ Бомдод намозининг азони «Ҳайя алал фалаҳ»дан сўнг икки марта «Ассолату ҳойрум-минан-навм» («Намоз уйкудан афзалдир»), дейиши.

ий айтган бу гапнинг маъноси «Саҳиҳ ҳадисни кўрган ҳар бир киши «Мана шу Шофеъийнинг мазҳаби» деб, унинг зоҳирига амал қилиб кетаверсин», дегани эмас. Бу фақат мазҳабда ижтиҳод қилиш мартабасидаги киши учун, холос. Бунинг шарти шуки, ўша даражага етган киши имом Шофеъий бу ҳадисни кўрмаган ёки унинг саҳиҳ эканини билмаган, деган хulosага келиши лозим. Бу имом Шофеъийнинг ва у кишидан илм олган шогирдларининг барча китобларини мутолаа қилиб чиққандан кейин бўлади. Бу ниҳоятда оғир шарт бўлиб, унга муносиблар жуда оз».

Бундай шарт кўйилганининг сабаби шуки, Шофеъий раҳимаҳуллоҳ ўзи кўрган ва билган кўп ҳадисларнинг зоҳирига амал қилишни тарк этган. Чунки унинг ҳузурида ўша ҳадиснинг иллатли эканига ёки мансух эканига, ёки маҳсус ёхуд таъвилли эканига оид далил бўлган.⁶⁷

Шайх Абу Амр ибн Салоҳ⁶⁸ раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Шофеъий айтган бу гапнинг зоҳирига амал қилиш осон эмас. Ҳамма факихлар ҳам ўзи ҳужжат деб

⁶⁷ Ҳоким «Мустадрак»да (1/226) шундай дейди: «Айрим кишилар санди саҳиҳ ҳадисга бошқа саҳиҳ ҳадис қарама-қарши келиб қолиши мумкин эмас, деб ўйлайдилар. Бундай кишилар биргина имом Мұслимнинг «Саҳиҳ»ини кўриб чиқсалар, бу навдаги ҳадислар кўплигидан ҳаито малланиб коладилар».

Хофиз Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ «Фатхул Борий»да (1/413) айтади: «Қанча-қанча ҳадислар борки, улар ҳадис илми нуктан назаридан саҳиҳ дейилса-да, аслида мансух».

Ибн Ҳажарнинг ушбу сўзи унинг «Шархун-Нуҳба»даги қуйидаги сўзини изоҳлаб беради: «Уламолар ҳар бир саҳиҳ бўлган ҳадисга амал қилишнинг вожиб эканига иттифоқ қилишган». Яъни амал қилиш учун яроқли бўлган ҳар бир ҳадисга амал қилиш вожиблигига иттифоқ қилишган. Бунинг ҳам тақрири иккинчи шубҳага жавоб беришда келади.

⁶⁸ «Адабул Муфти вал-Мустафти», 118-бет.

билган ҳадисга мустақил равишда амал қилиб кетишилари мумкин эмас. Шофеъий уламолардан – имом Шофеъийнинг соҳиби Абул Валид Мусо ибн Абул Жоруд раҳимаҳуллоҳ имом саҳиҳ эканини билиб туриб, ўзига маълум, бошқаларга эса маҳфий бўлган сабабга кўра қасддан тарк этган баъзи ҳадисларга амал қилиш йўлини тутди. У айтади: «Қон олганинг ҳам, олдирганинг ҳам рўзаси очилибди», деган ҳадис саҳиҳdir. Шунинг учун «Имом Шофеъий: «Қон олганинг ҳам, олдирганинг ҳам рўзаси очилибди», дейди, дея оламан». Бу сўзи учун Абул Валидга раддия қилишган. Чунки Шофеъий бу ҳадиснинг саҳиҳ эканини била туриб, мансух бўлгани учун тарк қилган. Шофеъий унинг мансух эканини баён қилган ва буни асослаб ҳам берган».⁶⁹

Шу ўринда аллома Кавсарийнинг бунга ишора қилиб айтган бир гапини келтираман. Унинг холосаси қуидагича:

1. Мазҳаб имоми ушбу фикрни ҳеч бир ижтиҳодсиз, балки бошқаларга эргашиб айтгани бизга маълум бўлса;
2. Ҳақ равshan бўлиб, ҳужжат унинг фикрининг хилофи ўлароқ зоҳир бўлса;
3. Имом фикрини олган кишининг сўзи хато экани кундай равshan бўлса;

Мана шундай ҳолатларда очиқ далилга хилоф бўлган бу сўзни имомга нисбат бериш тўғри бўлмайди. Чунки ижтиҳод матн келмаган ҳолатлардагина бўлади.

Ибн Ҳиббон шошиб холоса чиқаришда Ибн Абу Жоруддан ҳам ўтиб, ўзининг «Саҳиҳ»ида шундай дейди: «Биз китобларимизда сўз юритган ҳар бир асл, мусаннафотларимизда суннатдан истинбот қилган ҳар бир

⁶⁹ Имом Шофеъийнинг «Умм»даги «Ихтилофул ҳадис» мавзусига қаранг! 8/529, «Ал-Мажмуъ» 6/402.

фаръ – буларнинг барчаси имом Шофеъийнинг сўзи-дир. Чунки мен Ибн Хузайманинг Музанийдан ривоят қилган қуидаги гапини эшитганман: «Шофеъий шундай деган: «Расулуллоҳдан сахих ҳадис келса, уни олиб, менинг сўзимни ташланглар».

Ибн Ҳиббон мана шу мужмал ибора сабабли Шофеъийнинг китобларини деворга уриб, ўзининг китобида «Бу Шофеъийнинг мазҳаби», деб келтирған асл ва фаръларга чақиришга қандай журъат қилди, билмадим. Биз Ибн Ҳиббоннинг бу сўзига қуидагича жавоб берамиз: «Расулуллоҳдан сахих ҳадис келса, уни олиб, менинг сўзимни ташланглар», деган сўз ёки шу маънодаги гапларни бошқа имомлар ҳам айтишган. Нима учун Ибн Ҳиббон ўзи келтирған асл ва фаръларни уларга ҳам нисбат бермайди?»

Аллома Кавсарий айтади: «Шофеъийнинг «Ҳадис сахих бўлса, у менинг мазҳабимдир», деган сўзининг маъноси «Бирон киши ҳадисни сахих деса, олдин айтган сўзимдан қайтиб, ўша ҳадисни оламан», дегани эмас. Балки бунинг маъноси «Агар ҳадис ўзининг шартига кўра сахих бўлса ва далолати очик-равшан бўлса, уни оламан», деганидир. Йўқса унинг мазҳаби чалкашиб кетар эди».

Абу Мұхаммад Жувайнин бир китоб таълиф килиб, ўзининг наздида сахих ҳадис келган масалаларни тўплаб, имом Шофеъийга нисбат берган. Сахих бўлмаган ҳадисларни сахих дегани ва улардан олинган ҳукмларни Шофеъийга нисбат берганини кўрган ҳадис аччилари уни бундан қайтаришган ва бу ишини кескин танқид остига олишган.

Имом Тақий Субкий раҳимаҳуллоҳнинг «Имом Мутталиибининг⁷⁰ «Ҳадис сахих бўлса, у менинг маз-

⁷⁰ Имом Шофеъийни назарда тутмоқда.

ҳабимдир», деган сўзининг маъноси» номли рисоласи бор. Рисоланинг бошида у имом Ибн Салоҳ ва имом Наввавийларнинг фикрларини нақл қилиб, уларни қўллаб-куватлаган ва: «Бу фикрлар ушбу мақомнинг нақадар мураккаб эканини, унга ҳар ким ҳам ета олмаслигини кўрсатади», деган.

Сўнг икки сатрдан кейин шундай деган: «Ибн Абул Жоруд қилган ишга келсак, билдирилган эътиroz баҳс олиб борища унинг йўл қўйган камчилиги сабаблидир. Унинг имом Шофеъийнинг сўзига ва унга эргашиш мумкинлигига дахли йўқ. Бу борада Ибн Абул Жорудни Абулвалид Найсобурий Ҳассон ибн Мухаммад қўллаб-куватлаган. У Саъид ибн Осснинг зурриёти, улуғ имомларимиздан бўлган. Ҳижрий 349 санада вафот этган. У Аллоҳга қасам ичиб, юқоридаги гапга таянган ҳолда: «Шофеъийнинг мазҳабига кўра, қон олувчининг ҳам ва қон олдирувчининг ҳам рўзаси очилади», деган. Юқорида айтилганидек, асҳобларимиз бу фикрни хато санашган, чунки Шофеъий бу ҳадиснинг саҳиҳ эканини билатуриб, мансух бўлгани учун тарк этган. Шунингдек, улар Ибн Абул Жоруднинг ҳам хато қилганини айтишган. Бу масала баъзи мужтаҳидлар хато қилиши мумкин бўлган масалалардан, лекин бунда бирон имомни хато қилган, деб айтиш осон эмас. Чунки уларнинг идрок қилиш маслаклари анча кенг...

Фақиҳ, муҳаддис Абул Ҳасан Мухаммад ибн Абдулмалик Каражий Шофеъийдан нақл қилинишича, у бомдод намозида қунут ўқимас ва: «Менинг наздимда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бомдод намозидаги қунутни тарк қилганлари саҳиҳдир», дер эди...

Субкий айтади: «Мен ҳам бир муддат бомдод намозида қунут ўқимадим. Сўнг билдимки, бомдод ва бошқа

намозларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан келгап саҳих ҳадисга биноан кунут ўқиши Риъл ва Заквон қабилаларини дуоибад қылғанлари экан. Бомдод намозида қиёмдан кейин кунутни мутлақо тарк қилиш борасида эса Ийсо ибн Моҳоннинг (зайф) ҳадиси ворид бўлган. Бу уни муҳокама қилиш ўрни эмас. Шундан кейин кунут ўқишига қайтдим. Ҳозир кунут ўқийман. Бунинг биронтасида Шофеъийнинг гапига қарши нарса йўқ. Бу фақат баъзи ўринлардаги бизнинг ноқис назаримиз, холос». Имом Субкийнинг гапи тугади.

Юқорида айтганларимиз ибрат олувчилар учун кифоядир. Ибн Абул Жоруд имом Шофеъийнинг шогирдларидан, илмдаги мавқеи эса ҳаммага маълум. Абулвалид Найсобурий эса ундан-да улуғроқ. У нафақат ровий, балки ҳам аҳли ривоят, ҳам аҳли дироятдир. Шунга қарамай, Шофеъий мансух бўлгани учун қасддан тарк этган ҳадисни унга нисбат беряпти. Агар уларнинг ҳоли шу бўлса, замондошларимиз ҳақида нима ҳам дердик?! Шофеъийнинг айтган гапини яхши тушунмай туриб, гапидан келиб чиқадиган хулосани унга татбиқ қилиш уларга жоизмикан?!

Имом Субкий, юқорида айтиб ўтганимиздек, Абул Ҳасан Каражийни фақиҳ, муҳаддис дея васфлаган. Шогирди Самъоний эса уни имом, парҳезкор, олим, фақиҳ, муфтий, муҳаддис, шоир ва адаб дея васфлаган. Шунга қарамай, у мазҳабининг имомига жилоф ўлароқ, бу борада келган ҳадиснинг, яъни бомдод намозида кунут ўқимаслик ҳақидаги ҳадиснинг саҳих эканини ҳужжат қилиб, имом Шофеъийнинг «Ҳадис саҳих бўлса, у менинг мазҳабимдир», «Менинг сўзимни тарк этиб, ҳадисни олинглар» деган гапларига таяниб, кунут ўқишини тарк этган. Каражийдан кейингилар уни бу борада

танқид қилишган. Тож ибн Субкий «Тобақутуш-Шофеъийя»да унинг таржимаи ҳолини келтириб, унинг юқоридаги фикрини зикр қилган ва: «Унинг қаршисида икки мураккаб тўсиқ бор. Бири қунутдан қайтарилгани ҳақидаги ҳадиснинг саҳих бўлиши. Бунинг имкони йўқ. Кейингиси қунутни тарқ этиш имом Шофеъийнинг мазҳаби бўлиши. Бу ҳам имконсиз», деган.

Имом Такий Субкий ҳам ўзи униб-ўсган Шофеъий мазҳабига кўра қунут ўқир, сўнг Каражийнинг сўзини ўқигач, қунутни тарқ қилган эди. Кейин яна қунут ўқишга қайтган. Субкий ҳақли равишда мужтаҳиди мутлақ ёки мазҳабдаги мужтаҳид, дея таърифланган. Ҳамасри ва замондоши Ҳофиз Заҳабий раҳимаҳуллоҳ уни – уларнинг ўрталарида йўналиш бўйича бироз ихтилоф бор – «ўз асрининг ҳадис ва фикҳдаги шайхи», деб таърифлаган. Субкий Дамашқдаги Умавий жомеъсига хатиб бўлганида Заҳабий шундай байт айтган:

لِيَهُنَّ الْمِنْبُرُ الْأَمَوِيُّ لَمَّا عَلَاهُ الْحَاكِمُ الْبَحْرُ التَّقِيُّ
شُيُوخُ الْعَصْرِ أَخْفَظُهُمْ جَمِيعًا * وَأَخْطَبُهُمْ وَأَقْضَاهُمْ عَلَىٰ *

Умавий минбарга чиқмиши аъло,

Муносиб анга зоҳид, илми денгиз.

Яна нотиқлигу ҳифзида якто,

Алийдир қозилик бобида тенгсиз.

Субкий ўзининг илмдаги улуғ мақомига қарамай, ҳадисга амал қилишда шундай иккиланган бўлса, ундан илмда пастроқ бўлганлар имом Шофеъий розияллоҳу анхунинг сўзининг зоҳирига ёпишиб олиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам чалғитиб, саҳих ҳадисга амал қилиш-

га шошиши ва бу ишини мусулмонларнинг мўътабар имомларидан бирининг сўзига кўра бажараётгандек қилиб кўрсатиши жоиз бўладими?!

Субкий ана шу рисоласида⁷¹ имом Абу Шома Макдисийнинг узун бир гапини нақл қилган. Унинг гапида биз сўз юритаётган мавзуга доир мулоҳазалар ҳам бор. Субкий сўзини шундай бошлайди: «Абу Шома раҳима-хуллоҳ – у Ибн Салоҳнинг шогирди, имом Нававийнинг шайхидир – ҳадисга эргашишда муболаға қилувчилардан бўлган». Кейин унинг гапини нақл қилган. Сўзининг охирида Абу Шома шундай дейди: «Бунга фақат ижтиҳоди маълум олимгина кириша олади, ҳамма ҳам шўнғиб киришавермайди, бу фақат ижтиҳоди маълум олимгагина тегишли. Шофеъий «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор ҳадисларини менинг сўзимга хилоф ўлароқ топсангиз, ҳадисни олиб, менинг гапимни ташланглар», деганида ана шундай кишини назарда тутган. У ҳаммага ҳам эмас».⁷²

Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида Ибн Умар розияллоҳу анхумодан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг учинчи ракъатга турганда икки қўлларини кўтаргандарини ривоят қилган. «Фатхул Борий»да шундай дейилган: «Хаттобий айтади: «Шофеъий буни айтмаган. Унинг усулига кўра зиёдани қабул қилиши лозим эди». Ибн Хузайма айтади: «Гарчи Шофеъий буни зикр қилмаган бўлса-да, у суннатдир. Чунки унинг санади саҳиҳ. Шофеъий: «Суннатни олинглар, менинг сўзимни ташланглар!» деган». Ибн Дақиқ Ийд айтади: «Имом Шофеъийнинг «Рукуъга кетиш ва ундан туришда қўл

⁷¹ 106-бет.

⁷² Абу Шомани Ҳофиз Заҳабий «Тазкира»да (4/1460), Суютий «Табакотул Ҳуффоз»да (507 бет): «Имом, ҳофиз, аллома, мужтаҳид», деб търифлаган.

кўтарилади» деган фикрига қиёс қилиб, «Бу ўринда ҳам у кўл кўтаришни мустаҳаб дейди», деб айтиш тўғри. Лекин Шофеъийнинг «Ҳадис саҳих бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган гапига биноан «Бу унинг мазҳаби бўлади», дейиш нотўғри».

Чунки Шофеъийнинг бу васиятига амал қилиш учун у киши бу ҳадисни кўрмаганлиги аниқланиши лозим. Аммо у ҳадисни кўриб, рад этгани ёки бирон важҳга кўра таъвил қилгани событ бўлса, бунга амал қила олмаймиз.

Юқорида фикрлари келтирилган муҳаддис, фақиҳ, парҳезкор имомларнинг сўзларидан имом Шофеъий ўзи айтган гапда кимларни назарда тутгани аён бўлади. Шофеъий розияялоҳу анҳу бунда асло илм ва уламоларга бўйин чўзиб, аслида ўзлари ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган кишиларни назарда тутмаган.

Моликий уламолардан имом, ҳужжат, усулий олим Шиҳобуддин Абул Аббос Қарофий Моликий раҳима-хулоҳ ўзининг «Шарҳут-танқиҳ»⁷³ китобида ушбу мақомга муносиб киши қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Шофеъий фақиҳлардан кўпчилиги имомнинг мана шу сўзига суюниб, «Шофеъийнинг мазҳаби шу, чунки бу борадаги ҳадис саҳихдир», дейишади. Бу нотўғри. Чунки бу гапни айтиш учун ўша ҳадисга қарама-қарши маънода бирон далил бўлмаслиги лозим. Қарама-қарши маънода бирон далил йўқ эканини билиш эса шариатни тўлиқ ўрганиб чиқиш, тадқиқ қилиш лаёқатини талаб қиласиди. Шундагина «Бу ҳадисга қарама-қарши маънода ҳеч нарса йўқ», деб айтиш мумкин. Лекин айни дамда шариат мужтаҳиди мутлақ бўлмаган киши томонидан ўрганилиб, тадқиқ қилиб чиқилишининг ҳам эътибори йўқ.

⁷³ 450-бет.

Шофеъийлардан бу гапни айтадиган кишилар бундай фатвони беришдан олдин ўзларида тадқиқ қила олиш лаёқатини ҳосил қылғанлари маъкул».

Демак, саҳиҳ ҳадисга таяниб, бирон ҳукмни шофеъий мазҳабига нисбат бериш учун чукур тадқиқ қилиб, унга қарама-қарши маънода ҳеч қандай далил йўқлигини аниқ билиб олиш лозим. Буни эса фақат шариатни тўлик ўрганиб, тадқиқ қилишга лаёқатли кишигина қила олади. Бунда фақат ҳадисларнинг ўзинигина тадқиқ қилиш кифоя қилмайди.

Қарофийнинг мазкур гапи бошқа моликий олимнинг бир гапини ёдимга солди. У Абу Бакр Моликийнинг гапи. У ўзининг «Риёзун-нуфус» номли китобида Мадинадаги имом Моликнинг ва Бағдоддаги имом Мұхаммад ибн Ҳасанларнинг шогирди, катта имом Асад ибн Фуротнинг таржимаи ҳолида шундай деган: «Асад раҳима-хуллоҳнинг Мадина ва Ироқ аҳлиниңг сўзларидан ўзининг наздида ҳаққа мувофиқ келганини олиши машҳур бўлган. Бунга унинг ҳаққи ҳам бор. Чунки у илмда дengiz, кўп олим ва муҳаддислар билан бирга бўлган».

Асад ибн Фуротнинг бу ишга ҳақли эканининг сабабларини тааммул қилиб кўринг. Яъни у илмда дengиз, кўп олим ва муҳаддислар билан бирга бўлган. Агар бу каби шартлар қўйилмаганда, бирон масалада саҳиҳ ҳадис топган одам ўша масалани истаган имомига нисбат бериши, бошқаси келиб, айни масалани бошқа имомга нисбат бериши, учинчиси келиб, ўша масалада ворид бўлган аввалгисига қарама-қарши маънодаги ҳадиснинг саҳиҳ эканига қаноат қилиб, уни биринчи ва иккинчи имомларга нисбат бериб юбориши мумкин бўлиб қолар, шу тариқа «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган шиорни татбиқ қилиш баҳонаси билан илмда чигаллик ва динда чалкашлик келиб чиқар эди.

Кейин иш мушкуллашиб, саҳиҳ ҳадис топилган ҳар бир масалада ижмоъ бўлган, дея даъво қилишгача борилар эди. Чунки «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир» дейиш юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир олим, нафақат олим, балки ҳар бир мусулмон айтиши лозим бўлган гапдир.

Имомлар бу каби гапларни айтиб, асҳоблари ва улардан кейингиларга сингдиришганинг боиси нима, дейилса, бу саволга аллома, муҳаққик, усулий, мавломиз шайх Ҳабиб Аҳмад Кайронавийнинг «Инҳоус-сакан» номи билан нашр қилинган, кейинчалик янги нашри «Қавоид фии улумил фикҳ» номи билан машҳур бўлган «Эълоус-Сунан»га ёзган иккинчи муқаддимасида айтган гапи жавоб бўлади. У киши шундай дейди: «Бу сўзларнинг моҳияти «Хужжат менинг сўзим эмас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларидир. Менинг сўзимнинг якка ўзи ҳужжат бўлади деб ўйламанг, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф ўлароқ айтган ҳар бир гапимдан воз кечаман», деган воқеий ҳақиқатни илгари суришдир. Аммо бу бирор масалада саҳиҳ ҳадис топилса, уни имом Шофеъийнинг мазҳабига нисбат беравериш жоиз дегани эмас. Буни билиб қўйинг, бу каби гапларга чалғиб қолманг».

Биринчи шубҳага Ибн Обидин, Ибн Салоҳ, унинг шогирди Абу Шома, Абу Шоманинг шогирди Нававий, сўнг Қарофий, Субкий каби имомларнинг сўзлари билан берилган жавобнинг холосаси шуки, «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган гапга биноан бирон ҳукмни имом Шофеъий ёки бошқа имомнинг мазҳабига нисбат беришга ижтиҳод мартабасига ёки шунга яқин мартабага етишган одамгина ҳақли бўлади.

Бундан маълум бўладики, бизга ўҳшаганларга гарчи саҳиҳ бўлса-да, бир ҳадисни кўриб, унга амал қилиб, уни имом Шофеъий ёки бошқа имомнинг мазҳаби, деб айтиш ва шундай қилиб, мутьтамад имомнинг мўътабар фикҳий мазҳабига эргашганликни даъво қилиш дуруст эмас.

Бундан яна шу маълум бўладики, ўтган катта уламолардан бир гурухи «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир» деган гапнинг зоҳирига амал қилғанлар. Кейингилар уларнинг янгишганларини ёки бу гапни татбиқ қилишда хатога йўл қўйғанларини баён қилғанлар. Оқил киши бундан ўзи учун хулоса чиқармоғи лозим. Малакасиз кишиларнинг суннатга амал қилиш даъвоси сабабли Аллоҳ азза ва жалланинг дини оёқости қилинишига асло йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, Шофеъийнинг бу гапининг воқеий ҳақиқати борлигини инкор қилмаймиз. Имом Шофеъийнинг ўз сўзини ҳадиснинг саҳиҳлигига боғлаб қўйиши ҳам ана шу қабилдандир. Ҳофиз Ибн Ҳажар Оиша розияллоҳу анҳонинг «Аллоҳим! Эҳромдан чиқиш ерим Сен мени тутиб қолган жойдир» деган ҳадисини зикр қилиб: «Бу имом Шофеъий ўз фикрини ҳадиснинг саҳиҳлигига боғлаган ўринлардан бири. Мен уларни алоҳида жамлаб, ҳадисларга ўз фикримни билдирганман», деган.

Ҳар майдоннинг ўз эгаси бўлади, киши ўзининг чегарасидан чиқмаслиги лозим.

Ушбу баёндан сўнг шундай дейман:

«Биздан кўра илм ва фазлда устун бўлган кишиларнинг тушган ҳолларидан ибрат олиб, Аллоҳ таоло аввал бошдан эргашишни насиб қилған имомнинг сўзидан четга чиқмаганимиз маъқул эмасми?!

Биринчи нашрда ушбу жумла айрим кишиларнинг ғашини келтириб, буни кўр-кўронга тақлид деб тушу-

нишди ва улардан бири «Уламоларнинг наздида муқаллид жоҳил билан баробар», деди. Сўнг бир саҳифа ҳам ўтмай, ўзининг бу фикрига қарши чиқиб, ижтиҳод малакаси етарли бўлмаганлар ҳақида сўз юритиб, «Бугунги кунимиздаги аксар уламолар каби», деди. Чунки мақомнинг ўзи уни ўз фикрига қарши чиқишига мажбур қилди. Бу билан у бугунги кунимиздаги аксар уламолар муқаллидлар эканини эътироф этмоқда. Жоҳил кишини фақат ундан-да жоҳилроқ кишигина «ижтиҳод малакаси етарли бўлмаган киши», деб таърифлайди.

Бу худди қуйидаги мантиқий хатога ўхшайди: «Милионерлар ҳақида гап кетган эди, бир киши «Фалончи миллионер эмас, унинг бунча пули йўқ», дейди. Унга «Хўп, қанча пули бор?» десанг, «У қарзга ботган, ўзи ва болаларининг кунлик эҳтиёжини ҳам қоплашга қодир эмас», дейди. Милионерлар ҳақида гап кетаётган пайтда камбағал одамни мисол келтириб, уни миллионер эмас дейиш аҳмоқона қиёс эканини айтиб, танқид қилсанг, «Бир кунлик эҳтиёжини қоплай олмаган киши миллионер эмаслиги тўғри эмасми?» дейди.

Ундан овсарларнинг мантиғи ҳам шундай. Муқаллидни жоҳил деб таърифлаб, «Мана шу унинг уламолар ҳузуридаги қиймати», дейди-да, бир саҳифа ўтар-ўтмас, ижтиҳод малакаси етарли бўлмаган киши, деб таърифлайди.

Ҳа, тўғри, ижтиҳод малакаси тўлиқ бўлмаган кишини малакаси етарли эмас дейилади. Аммо шаръий илмлардан бирор ҳарфни билмайдиган кишини ҳам малакаси етарли эмас дейиш мумкин. Лекин бу икки мантиқнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор-ку?!

Бу киши имом Тақийюддин Абул Аббос «Ал-Мусаввадда»да⁷⁴ ва унинг шогирди Шамсиддин Абу Аб-

⁷⁴ «Ал-Мусаввада», 516-бет.

дүллоҳ «Иъломул мұваққиын»да⁷⁵ келтирған қиссадан бекебар шекилли! Имом Аҳмаддан бир киши: «Киши юз мингта ҳадис ёд олса, факиқ бўладими?» деб сўради. Имом: «Йўқ», деди. «Икки юз мингта-чи?» деди. «Йўқ!» деди. «Уч юз мингта-чи?» деган эди, «Йўқ!» деди. «Тўрт юз мингта ҳадис ёд олса-чи?» деди. Шунда у қўли билан ишора қилиб, «Одамларга ўз ижтиҳоди билан фатво беради», деди.

Улар яна ҳанбалий имомлардан бири Ибн Шақлонинг шундай деганини ривоят қилишади: «Мансур жомеъ масжидида фатво бериш учун ўтирган эдим. Имом Аҳмад билан бўлган вақеани айтиб бердим. Шунда бир киши: «Сен ўзинг ҳам бунча ҳадис ёд олмай туриб, одамларга фатво айтяпсанми?!» деди. Унга: «Аллоҳ сенга оғият берсин! Гарчи мен бунча ҳадис ёд билмасам-да, шунча микдордаги ҳадисни ёки ундан-да ортигини ёд олган кишининг сўзи билан фатво айтяпман!» деб жавоб бердим». Ибн Шақло бу гапи билан етти юз эллик минг ҳадисдан танлаб «Муснад» ёзган имом Аҳмадни назарда туттган эди!

Тақийюддин Абул Аббос ушбу икки воқеани ҳикоя қилиб, шундай дейди: «Агар муфтий имомининг сўзини айтиб берса, илм билан айтиб берган бўлади. Воқеликда у имомининг сўзини етказувчи бўлади, илмдан чиқмайди».⁷⁶

Ибн Абдулбарр «Тамҳид»да айтади: «Имом Ибн Шихоб Зухрий шогирди Юнус ибн Язид Айлийга: «Менга эргаш ва олов теккан нарса туфайли таҳорат қил!» деган. Шунда у: «Саъид ибн Мусайябни ташлаб, сенга эргашмайман», деган. Зухрий жим қолган!»

⁷⁵ «Эъломул Мұваққиын», 1/45.

⁷⁶ Мана шу тақлиднинг жоизлигига, изланиш ва далил келтиришга ахл бўлмаган муқаллидларни танқид қиласликни эътироф этишдир. Шу билан Ислом фикҳи оёқости бўлишидан муҳофаза қилинади.

Бу бир имомнинг сўзини маҳкам ушлаш ва унга тақлид қилишдир. Лекин бундай қилган киши илмдан ва илмга амал қилишдан чиқиб кетмайди. Агар бу хато ва залолат бўлганида, Ибн Шихоб Зухрий бунга аслу сукут қилмас эди.

Ундан бўлса, ким жоҳил?!

Аслида ҳақиқий жоҳил «оми» деган илмий усулий иборани зеҳнга ўрнашган, ҳаммага маълум бўлган «жоҳил» деган маънода ишлатадиган кишидир.

Аллоҳ таолодан саломатлик тилаймиз!

Илмда, амалда ва хулқда «Жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳнинг паноҳига қочаман»⁷⁷.

Иккинчи шубҳа: ҳадиснинг сахиҳлиги унга амал қилиш учун кифоядир.

Бу шубҳани қуидагича қўзғашади:

«Аллоҳ таоло бизни Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга буюрди. Агар у зотдан сахиҳ ҳадис келса, унинг сахиҳлиги амал қилиш учун кифоядир. Мусулмон кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сахиҳ ҳадис келганда, унга амал қилишдан тўхтаб туриши жоиз эмас. Юқорида имом Шофеъийнинг Ҳумайдийга: «Нима, сиз менинг устимда зуннор осган ҳолда каницадан чиққанимни кўрганмидингизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини эшитсам-у, уни олмасам!?!» деб айтган гапи ўтди.

Аллоҳ азза ва жалла маъсум бўлмаган бирор банданинг илми ҳарчанд юксак бўлмасин, унга эргашишни ибодат ўлароқ буюрмаган.

Бунга жавоб қуидагича: Бу шубҳа икки жумлага қурилган.

⁷⁷ Бақара сураси, 67-оят.

Бириңчиси: Ҳадиснинг саҳиҳлиги унга амал қилиш учун кифоядир.

Иккінчиси: Биз Набий соллаллоху алайҳи васал-ламгагина эргашишга буюрилғанмиз, фалончи ё пистончига эмас.

Бириңчи жумланинг жавоби бириңчи шубҳа, яъни «Ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир»га берилган жавобдан олинади. Худди шунингдек, бу ўринда ҳам айтамизки, «ҳадиснинг саҳиҳлиги унга амал қилиш учун кифоядир», деганининг маъноси «ҳадиснинг амал қилишга яроқли экани кифоядир», демакдир. Унинг амал қилишга яроқли экани санади ва матнига оид бир неча шартларнинг топилиши билан бўлади. У шартларнинг баъзилари ҳадисий, баъзилари усулий бўлиб, айрим кишилар қилаётганидек, санаддаги ровийларни «Такрибут-таҳзиб»дан текшириш кифоя қilmайди.

Бу – ҳадис ва унинг илмларини, усул ва фуруъни яхши эгаллаган имомларнинг мухим вазифалари дидир. Мана шу нотўғри тушунча сабабли фикҳдан олдин ўзлари нусрат бермоқчи бўлган суннатни оёқости қиладилар, одамларни ҳам тўғри йўлдан адаштирадилар.

Иbn Абу Ҳайсама «Шарҳу илалит-Термизий»да⁷⁸, Абу Нуъайм «Ҳиля»да⁷⁹ Ийсо ибн Юнуснинг йўлидан ривоят қилишади, у Аъмашдан, у эса Иброҳим Нахаъийнинг шундай деганини ривоят қилади: «Мен ҳадисни эшитиб, текшираман-да, олинадиганини олиб, қолганини кўяман».

Имом, ҳофиз Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ «Жомеъ баёнил илм»да⁸⁰ қози, мужтаҳид Ибн Абу Лайло раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилади: «Киши ҳадисларнинг баъзисини олиб, баъзисини кўймагунча, уни тушуна олмайди».

⁷⁸ 1/413

⁷⁹ 4/225

⁸⁰ 2/130

Абу Нуъайм «Ҳиля»да⁸¹ ҳадисдаги мўминлар амири имом Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг таржимаи ҳолида унинг шундай деганини ривоят қиласиди: «Киши ҳадисларнинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигини, илмнинг маҳражларини билиб, ўзига етиб келган ҳамма нарса билан ҳужжат келтиравермайдиган даражага етганда-гина имом бўлади».

Ибн Ҳиббон раҳимаҳуллоҳ имом Абдуллоҳ ибн Ваҳбдан ривоят қиласиди. Ибн Ваҳб шундай дейди: «Уч юз олтмишта уламони кўрдим. Агар Молик ва Лайс бўлмаганида, илмда адашиб кетган бўлар эдим».⁸²

Ибн Ваҳбнинг яна шундай дегани ривоят қилинади: «Илмда тўрт кишига эргашдик. Иккитаси Мисрда, яна иккитаси Мадинада эди. Лайс ибн Саъд ва Амр ибн Ҳорис Мисрда, Молик ва Можисун Мадинада. Агар мана шулар бўлмагандан, адашиб кетган бўлардик».

У кишидан буни Ибн Абу Ҳотим ва Ибн Абдулбаррлар ҳам ривоят қилишган.⁸³ Аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳ «Ал-Интиқо»га ёзган таълиқида агар Аллоҳ таоло асрамаса, нега адашиб кетилиши ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Ибн Асокир Ибн Ваҳбдан ривоят қилган лафзида: «Агар Молик ибн Анас ва Лайс ибн Саъдлар бўлмагандан, ҳалок бўлардим. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нимаики келса, амал қилинади, деб ўйлардим», дейилган.⁸⁴ Бошқа ривоятда: «Адашиб кетган бўлардим», яъни ҳадисларнинг турли-

⁸¹ 3/9

⁸² Ибн Ҳиббоннинг «Ал-Мажруҳун» номли китобининг мұқаддимаси. 1/42.

⁸³ «Тақдимутул жарҳ ват-таъдил» 22-23-бетлар. «Ал-Интиқо» 27-28-бетлар.

⁸⁴ Бу Байҳакийнинг лафзидир. Уни Ибн Ражаб «Шарҳул илал»да (1/413) Байҳакийга нисбат берган.

лиги сабабли, дейилган. Худди шу ҳолат ҳадисларнинг амал қилинадигани қайси-ю, амал қилинмайдигани қайси эканини ажрата олмайдиган, фикъдан узоқ бўлган кўп ровийларда кузатилган».⁸⁵

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳнинг ривоятидаги лафз қуидагича:⁸⁶ «Ибн Ваҳб шундай деди: «Агар Аллоҳ менга Молик ва Лайс сабабли илтифот кўрсатмаганида, адашиб кетган бўлардим», деди. Шунда унга: «Бу қандай бўлди?» дейишди. «Кўп ҳадис тўплаб, боши берк кўчага кириб қолдим.⁸⁷ Кейин уларни Молик ва Лайсга кўрсатадиган бўлдим. Улар менга: «Бунисини ол, бунисини эса қўй», дейишар эди».

Имом Суфён Саврий бундай боши берк кўчага кириб қолишдан огоҳлантириб: «Ҳадиснинг тафсири уни эшитишдан кўра яхшироқдир», деган.

Имом Абу Алий Найсобурый ҳам: «Бизнинг наздимизда тушуниш ёд олишдан кўра устунроқдир», деган.⁸⁸

«Фақих вал-мутафаққих»да⁸⁹ шундай келади: «Бир киши Ибн Уқдадан ҳадис ҳақида сўради. Шунда у: «Ҳадисларни камроқ ривоят қилинглар, чунки бу фақат таъвилини билган киши учунгина дуруст бўлади. Яхё ибн Сулаймон Ибн Ваҳбдан ривоят қиласди. У айтади: «Моликнинг шундай деганини эшитдим: «Ушбу ҳадисларнинг аксарияти адаштиради. Мен шундай ҳадисларни

⁸⁵ Аллома Кавсарийнинг Ҳозимийга тегишли «Шурутул Аимматил Ҳомса» асарига ёзган таълиқидаги каломига қаранг! 36-саҳифа.

⁸⁶ «Тадрибул Мадорик» 2/427.

⁸⁷ Тож Субкий ўзининг «Табакот»ида (2/128) Имом Аҳмад ибн Солиҳ Мисрийдан ривоят қиласди. У шундай дейди: «Ибн Ваҳб бир юз йигирма минг ҳадисни тасниф қилган эди!»

⁸⁸ «Тазкиратул Хуффоз» 776-бет.

⁸⁹ Ҳатиб Бағдодий, 2/80.

айтдимки, уларнинг ҳар бири учун икки қамчи уришларини ва уларни айтмаган бўлишни орзу қилардим».⁹⁰

Аллома, шайх Исломий раҳимаҳуллоҳ бунга қўйидагича қўшимча қилган: «Бу гаплар ҳадисларни ноўрин далил қиласиганларга алоқадор». Зотан, ҳидоят Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлариадидир. Лекин ким ҳадисни ноўрин далил қилса, адашади. Шунинг учун Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини бир неча оятларда «ҳикмат» деб атаган. Ҳикмат эса бир нарсани ўз ўрнига қўйиш, ундан ўз ўрнида фойдаланишdir.

Хатиб Бағдодийнинг «Ал-Жомеъ ли ахлақир-ровий ва одобис-сомеъ» китобида шундай дейилади: «Шофеъий айтади: «Молик ибн Анасга: «Иbn Уайнанинг Зухрийдан қилган ривоятлари ичидан сизда йўқ нарсалар бор», дейишди. Шунда Молик: «Мен эшигтан ҳар бир ҳадисимни айтишим керакми? Агар шундай қилсанам, уларни адаштириб юбораман-ку!» деди».

Ибн Ваҳб шунинг учун ҳам: «Ҳадис уламолардан бошқаларни адаштиради», деган. Бошқа ривоятларда келганидек, «уламолар», деганда факихларни назарда туттган.

Ибн Уайна ва Ибн Ваҳб каби имомларнинг сўзлари ва бу сўзни улардан бошқа имомлардан ҳам нақл қилганларнинг эътирофларидан аён бўладики, суннатни факиҳ имомлар қўлида, уларнинг даврасида ўрганишгина кишини адашиш ва залолатдан қутқаради. Ибн Уайнанинг сўзини Ибн Абу Зайд Қайрувоний, Халил Жундий ва Ибн Ҳажар Ҳайтамийлар ривоят қилишган.

⁹⁰ Буни Ҳоким Моликдан «Маърифату улумил ҳадис»нинг 61-бетигда ривоят қилган ва унга қўйидагича қўшимча қилган: «Молик ибн Анас оз ҳадис ривоят қилар, ҳадисдан шу даражада эҳтиёт бўларди. Нима топса ривоят қилаверадиганларнинг ҳоли қандай бўлди?!

Ибн Ваҳбнинг сўзини эса Ибн Абу Ҳотим, Ибн Ҳиббон, Ибн Абу Зайд, Байжакий, Ибн Абдулбарр, Иёз, Ибн Асокир ва Ибн Ражаб кабилар нақл қилишган.

Ҳақиқатда ғафлатда қолғанларнинг бу ғоғилликла-ри нақадар хатарли?!

Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ «Сунан»ида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнаб вафот этганида уни Умму Атийя ювгани ҳақидаги ҳадисни ри-воят қилиб, унга узун қўшимча қилган ва қуидаги сўзи билан якунлаган: «Фақиҳлар шундай деганлар, улар ҳа-диснинг маъноларини яхши биладилар».⁹¹

Ҳофиз Ҳатиб «Фақиҳ вал-мутафаққиҳ»да⁹² шундай дейди: «Шуни яхши билиш керакки, ҳадисни кўп ёзиш ва кўп ривоят қилиш билан киши фақиҳ бўлиб қолмайди. Балки ҳадиснинг маъноларини истинбот қилиш ва унинг устида чукур фикр юритиш орқали фақиҳ бўлиниади». Сўнг имом Молик розияллоҳу анху синглиси-нинг ўғиллари Абу Бақр ибн Абу Увайс ва Исмоил ибн Абу Увайсларга қилган ушбу васиятини ривоят қиласди: «Сизлар ҳадис тўплаш ва уни эшитишга қизиқишин-гизни, уни талаб қилаётганингизни кўряпман», деди. Улар: «Ҳа», дейишди. Молик: «Агар ҳадисдан фойда топишни ва Аллоҳ сиз туфайли бошқаларга ҳам ман-фаат беришини хоҳласангиз, ҳадис тўплапни камайти-риб, фиқҳни ўрганинглар», деди».

Ҳатиб имом Бухорийнинг машхур шайхларидан бири Абу Нуъайм Фазл ибн Дукайндан қуидагини ривоят қиласди: «Имом Абу Ҳанифанинг катта асҳобла-ридан бири Зуфар ибн Ҳузайлнинг олдидан ўтар эдим,

⁹¹ 3/372 (990)

⁹² «Фақиҳ вал-мутафаққиҳ» 2/81-81. Бу борада Имом Моликнинг қис-саси «Ал-Муҳаддис ал-Фосил»нинг 242, 559- сахифаларида зикр қилинган.

у бир матога ўралиб олган бўлар, «Буёққа кел, ҳадисларингни бир ғалвирдан ўтказиб берай!» дер эди. Унга эшитган нарсаларимни кўрсатар эдим. Шунда у: «Мана бу олинади, мана буниси олинмайди. Буниси носих, буниси эса мансух!» дер эди».⁹³

Шунинг учун имом Молик кишилардан танлаб, ҳадис олар, ҳадис оладиган кишиси ишончли ва мақбул бўлишидан ташқари ривоят қилаётган нарсасини тушундиган бўлишини ҳам ихтиёр қилар эди.

Кози Иёз раҳимаҳуллоҳ «Тартибул Мадорик»да шундай дейди: «Ибн Ваҳб айтади: «Молик ривояти мақбул кишилардан бири Аттоф ибн Холид ҳакида: «Менга етиб келишича, сизлар бундан (ҳадис) олар экансизлар», деди. «Ҳа», дедим. Шунда у: «Биз эса фақат фақиҳлардан олар эдик», деди». ⁹⁴

Имом Молик шайхи имом Рабиъатур-раъйдан ўrnak олган. Хатиб «Кифоя»да Моликдан шундай ривоят қиласади: «Рабиъа Ибн Шихоб Зухрийга: «...Сен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис айтасан, ҳадисингда эҳтиёт бўл!» деди.⁹⁵

Имом Молик бу борада ўrnak олган яна бир шайхи ҳадисда мўминларнинг амири Абу Зинод Абдуллоҳ ибн Заквон эди. Ибн Абдулбарр унинг шундай деганини ривоят қиласади: «Аллоҳга қасамки, биз суннатларни фақиҳ ва ишончли кишилардан худди Куръон оятларини ўрганимиздек ўрганар эдик». ⁹⁶

Куфа аҳлининг имоми ва фақиҳларининг шайхи Иброҳим Нахаъий раҳимаҳуллоҳдан бу борада Хатиб

⁹³ 1/83.

⁹⁴ 1/124-125

⁹⁵ 169-бет.

⁹⁶ «Жомеъ баёнил илм» 2/98.

шундай ривоят қиласы: «Муғийра Зоббий Иброҳимнинг мажлисига кечикиб келди. Шунда Иброҳим унга: «Эй Муғийра, нима учун кечикдинг?» деди. У: «Олдимизга бир шайх – ҳадис ровийларидан бири – келган эди. Ундан бир қанча ҳадисларни ёзиб олдик», деди. Иброҳим: «Биз ҳадисларни фақат унинг ҳалолини ҳаромидан, ҳаромини ҳалолидан ажратта оладиганлардан олар эдик. Сен эса бир шайхни кўрасан, у бир ҳадисни айтиб бериб, ўзи сезмаган ҳолда ундаги ҳалолни ҳаромга, ҳаромни ҳалолга айлантириб юборади!» деди».

Хатиб «Фақиҳ вал-мутафақкіх»да имом Шофеъий розияллоху анхунинг илмининг меросхўри имом Музанийнинг узун гапини ривоят қилган. Уша гапининг охирида Музаний шундай дейди: «Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлгурлар, жамлаётган ҳадисларингиз нимага далолат қилишини билиб жамланг! Илмни фиқҳ ахлидан талаб қилинг, шунда сиз факиҳ бўласиз!»⁹⁷

«Саҳиҳи Бухорий»нинг шориҳларидан бири Имом Қасталоний раҳимахуллоҳ «Латоифул ишарот» китобида шундай дейди: «Ҳижрат диёрининг имоми Молик ибн Анасни Аллоҳ Ўз раҳматига олсин! Ҳузалийнинг зикр қилишича, у бир куни қироат имоми Нофеъдан «Басмала» тўғрисида сўрабди. Шунда у: «Уни жаҳрий қилиш суннатдир», дебди. Молик бу гапни қабул қилиб: «Ҳар бир илм ўз аҳлидан сўралади», дебди».⁹⁸

⁹⁷ 2/15, 19.

⁹⁸ Ушбу хабарни келтиришдан мақсадим, Имом Моликдек зотлар ҳар бир соҳада ўша соҳа мутахассисларига мурожаат қилганларини кўрсатиш ва «имомларнинг сўзларидан чиқмаяпмиз», деган давво билан имомларнинг мақомларига бўйинни чўзадиган кимсаларни ўзларини билмаган нарсадан тўхтатиш, холос. Бу хабар орқали «Басмала» жаҳрий айтилади», деб фатво бермоқчи эмасман. Бу мужтаҳид имомлар орасида кўп ихтилоф қилинган масала. Имом Моликнинг мазҳабида «Басмала» жаҳрий айтилмайди.

Юқорида келтирганиларимиз суннатга назар солиш билан бирга, факиҳ имомларга ҳам мурожаат қилиш зарур эканига далолат қилувчи баъзи фикрлар эди. Шундай экан, ҳадиснинг сахиҳ бўлишининг ўзи унга амал қилиш учун кифоя қиласи, дейдиганлар адашади. Бу гумонга алоқадор яна бир масала бор, уни ҳам шу ўринда баён қилиб ўтаман.

Саҳоба ва улардан кейингилардан иборат салафларимиз ҳадис ривоят қилиниши билан уни олиб, татбиқ қилиб кетавермасдан, балки унга амал қилинган ё амал қилинмаганига назар солар эдилар. Бироз олдин аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳнинг бунга далолат қиладиган «Худди шу ҳолат ҳадисларнинг амал қилинадигани қайси-ю, амал қилинмайдигани қайси эканини ажратса олмайдиган, фиқхдан узоқ кўп ровийларда кузатилган!» деган гапи ўтди.

Куйида «Китобул жомеъ»дан имом Ибн Абу Зайд Қайрувоний Моликийнинг гапини, ундан сўнг «Тартибул Мадорик»дан Қози Иёзнинг гапини нақл қиласман. Уларда салафи солихларимиз амал қилинган суннатга амал қилганлари, ҳеч ким амал қилмаган суннатга эса гарчи ишончли ровийлар томонидан ривоят қилинган бўлса-да, амал қилмаганлари очиқ айтилган.

Ибн Абу Зайд суннат ва ҳақ аҳлининг ақийдалари ва йўллари ҳақида сўз юритиб: «Суннатга таслим бўлинади. Унга раъй билан қарши чиқилмайди, қиёс билан суннат тарк қилинмайди. Салафи солихларимиз таъвил қилганларини таъвил қиласиз, амал қилганларига амал қиласиз, тарк қилганларини тарк қиласиз. Улар амал қилганларига амал қилиш, баён қилиб берганларига эргашиб, турли ҳолатларга оид истинбот қилган ҳукмларига иқтидо қилиш бизга кифоядир. Бирон масалада ихтилоф қилган ёки таъвил қилган бўлсалар, уларнинг жамоатларидан чиқмаймиз.

Бу айтганларимизнинг барчаси ахли суннанинг, ҳадис ва фикъдаги имомларнинг фикридир. Буларнинг барчаси имом Моликнинг ҳам сўзидир. Баъзилари унинг ўзидан нақл қилинган, баъзилари эса унинг мазҳабидан маълум бўлгандир.

«Имом Молик айтади: «Амал (Мадина ахлининг амали) ҳадисларга қараганда событрок. Мен иқтидо қиласиган кишилар шундай дейишган: «Бу борада фалончи фалончидан ривоят қиласи, дейиш қийин. Баъзи тобеъинларга бошқалардан ҳадислар етиб келар, «Бу ҳадислардан бехабар эмасмиз, лекин амал буларнинг хилофига кўра событ бўлган», дейишар эди.

Мұхаммад ибн Абу Бакр ибн Ҳазмнинг укаси баъзида унга: «Нима учун фалон ҳадисга кўра ҳукм қилмайсан?» дер, шунда у: «Бунга амал қилинганини кўрмадим», деб жавоб қилар эди.

Наҳаъий айтади: «Агар саҳобалар таҳоратда кўлларини билаккача ювганларини кўрганимда эди, мен ҳам албатта шундай қилган бўлар эдим, гарчи тирсаккача эканини ўқиб турган бўлсам ҳам. Чунки ҳеч ким уларни суннатларни тарқ этди демаган. Улар илм арбоблари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишда Аллоҳ таолонинг энг намунали бандалари дидирлар. Саҳобалар ҳақида фақат динида шубҳаси бор кишигина ёмон гумонга бориши мумкин!»

Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Мадина ахли одатланган суннат ҳадисдан кўра яхшироқдир. Ибн Уяйна: «Ҳадис фақиҳлардан бошқаларни адаштиради», деган. Яъни фақиҳлардан бошқаси бир ҳадисни кўриб, унинг зоҳирига кўра ҳукм қилиши, ҳолбуки, унинг бошқа ҳадисда таъвили ёки у билмаган далил бўлиши, ёхуд бир неча сабабга кўра у ҳадис тарқ этилган бўли-

ши ҳам мумкин. Буларни фақат илмда уммон бўлган ва фикҳни яхши билган кишигина ажратса олади».

Ибн Ваҳб айтади: «Ҳар бир ҳадис соҳибининг фикҳда имоми бўлмаса, у адашгандир. Агар Аллоҳ бизга Молик ва Лайс сабабли нажот бермаганида, биз ҳам адашпар эдик».

Ибн Абу Зайд айтади: «Молик шундай деди: «Мадина нада ҳеч қачон бир-бирига муҳолиф икки ҳадис айтадиган имом бўлмаган!» Ашҳаб айтади: «Яъни бу Мадина да амал қилинмайдиган ҳадис айтилмаган, деганидир».

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ салафлар ва уламолардан Мадина аҳлининг амалига қайтиш вожиблиги ҳақида – кўпчилик бунга муҳолиф бўлса ҳам – ва уларнинг наздида бунинг ҳужжат экани ҳақида келган хабарлар ҳақидаги бобда шундай дейди: «Ривоят қилинишича, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху минбарда туриб, шундай деди: «Аллоҳга қасамки, бир киши ҳамма амал қилиб юрган ишга хилоф бўлган ҳадисни ривоят қилса, буни ҳаром деб биламан!»

Ибн Қосим ва Ибн Ваҳблар шундай дейишган: «Моликнинг наздида амал (Мадина аҳлининг амали) ҳадисдан кўра кучлироқ эканини кўрдим. Молик: «Аҳли илм тобеъинлар ҳадис ривоят қилишар ва уларга бошқалардан ҳам ҳадислар етиб келар эди. Шунда улар: «Бу ҳадислардан бехабар эмасмиз, лекин амал булардан бошқасига кўра жорий бўлган», дейишар эди», деган».

Молик айтади: «Муҳаммад ибн Абу Бақр ибн Амр ибн Ҳазмни кўрдим. У қози эди. Укаси Абдуллоҳ эса кўп ҳадис ривоят қиласиган, содик киши эди. Акаси Муҳаммад қачон бир ҳукм чиқарса ва ҳукмига муҳолиф биронта ҳадис бўлса, укаси Абдуллоҳ унга таъна қилиб: «Бу борада фалон ҳадис келган-ку», дер, шунда у: «Ҳа, шундай», дер эди. Укаси: «Нега у билан ҳукм чиқармай-

сан?» деса, у: «Одамлар унга амал қылганини күрдинг-ми?» дер эди». Яъни Мадина уламолари унга амал қылмаганлар. Уларнинг амаллари ҳадисдан қувватлироқдир».

Ибн Муаззал айтади: «Ибн Мажишундан бир киши: «Нима учун бир ҳадисни ривоят қиласизлар-у, сўнг уни тарк қиласизлар?» деб сўради. Шунда у: «Биз уни била туриб тарк қилаётганимиз билиниши учун шундай қиласиз», деб жавоб берди.⁹⁹

Ибн Маҳдий айтади: «Мадина аҳли одатланган суннат ҳадисдан кўра яхшироқдир». Яна шундай дейди: «Менда бир бобга алоқадор кўп ҳадислар бўлади, одамлар унинг зиддига кўра амал қилишётганини кўриб, унинг заиф эканини биламан».

Рабиъа айтади: «Мингтанинг мингтадан ривоят қилиши мен учун биттанинг биттадан ривоят қилишидан кўра маҳбуброқдир. Чунки биттанинг биттадан ривоят қилиши қўлларингиздан суннатни суғуриб олади».

Ибн Абу Ҳазм айтади: «Абу Дардодан сўралса, жавоб берар эди. Унга: «Бизга етиб келган хабар эса бундай, бундай, яъни айттанингнинг хилофи», дейишар, шунда у: «Мен ҳам буни эшитганман, лекин амал унинг хилофига кўра жорий бўлганини кўрдим», дер эди.

Ибн Абу Зинод шундай дейди: «Умар ибн Абдулазиз факиҳларни йигар, улардан амал қилинадиган суннат ва ҳукмлар ҳақида сўраб, уларни событ қилар, одамлар амал қилмайдиганларини эса, ишончли кишилар ривоят қилган бўлса-да, бекор қиласиз».

Бу имом, муҳаддис, факиҳ Қози Иёз моликий раҳимахуллоҳнинг сўзидир. Ҳофиз Ҳатиб Бағдодий раҳи-

⁹⁹ Ромаҳурмузий раҳимахуллоҳ «Муҳаддис Фосил»да шундай деган: «Муфтий ўзи ривоят қилган барча нарсаларга кўра фатво айтиши лозим эмас. Шу билан бирга, фатво бермайдиган ривоятларини тарк этиши ҳам лозим эмас. Барча факиҳлар шу фикрда...»

маҳуллоҳнинг «Фақиҳ вал-мутафаққих»даги¹⁰⁰ сўзини ҳам кўринг. Унда алоҳида боб очиб, уни «Бир кишининг хабари нима сабабдан рад этилиши ҳақидаги боб» деб номлаган ва имом Моликнинг асҳобларидан катта ҳофиз, фақиҳ Муҳаммад ибн Ийсо Таббоънинг қуидаги гапини ривоят қилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ҳадисга саҳобалардан биронтасининг амал қилгани сенга етиб келмаса, уни тарк қил!»

Шофеъий мазҳаби имомларидан бири Абул Қосим Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Доракийнинг¹⁰¹ таржими ҳолида Ибн Халликон¹⁰² шундай дейди: «Қачон унга бир масала келса, узоқ фикр юритар, сўнг фатво берар эди. Гоҳида икки имом Шофеъий ва Абу Ҳанифа розияллоҳу анхумоларнинг мазҳабларига хилоф фатво ҳам берар эди. Унга бу борада эътиroz билдирилса, «Фалончи пистончидан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мана бундай, мана бундай ҳадис ривоят қилган-ку. Бу икки имомнинг сўзини олишдан кўра ҳадисни олиш ағзал», дер эди».

Имом Заҳабий бу хабарни «Сияр»да нақл қилиб, қуидагича кўшимича қиласди: «Бу яхши, лекин ўша ҳадисга мувофиқ гапни мана шу икки имомга ўхшаш Молик, Суфён, Авзорий кабилардан биронтаси айтган бўлиши, ҳадис иллатдан холи экани, саҳиҳ бўлиши ва Абу Ҳанифа ва Шофеъийларнинг ҳужжати бошқа бирон ҳадисга мухолиф келадиган саҳиҳ ҳадис бўлмаслиги шарт. Аммо барча мужтаҳид имомлар тарк этган саҳиҳ ҳадисни олиш тўғри эмас». ¹⁰³

¹⁰⁰ 1/132.

¹⁰¹ Ҳижрий 375 йилда вафот этган.

¹⁰² «Вафаёт» 3/188,189.

¹⁰³ 16/404.

Абу Зуръя Димашкий «Тарих»да, Ромаҳурмузий «Мұхаддис Фосил»да имом Авзой раҳимаҳуллоҳнинг қўйидаги гапини ривоят қилишади: «Биз ҳадисни эши-тиб, сохта дирҳамни саррофга кўрсатгандек, асҳобла-римизга кўрсатар эдик. Улар билғанларини олар, бил-маганларини эса тарк қиласар эдик». ¹⁰⁴

Имом Тақийюддин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ «Му-саввада»да шундай дейди: «Имом Аҳмад бирор суннат ёки хабарни ривоят қилиб, саҳиҳ ёки ҳасан деса ёхуд унинг санадига эътиroz билдиrmаса, ёки уни китобла-рида тадвин қилиб, рад қилмаса ва унинг хилофига кўра фатво бермаса, ўша унинг мазҳабидир. Ундан эмас, де-ганлар ҳам бор». ¹⁰⁵

Ушбу матннаги: «...рад қилмаса ва унинг хилофига кўра фатво бермаса...» жумласидан маълум бўладики, имом Аҳ-мад ва у зотга ўхшаш бошқа мужтаҳид имомлар гоҳида илмий асосга таянган ҳолда саҳиҳ ҳадисни қўйиб, бошқа ҳадисга амал қилишган ва ҳадиснинг саҳиҳ бўлишининг ўзи амал қилишни вожиб қилмайди, деб билишган.

Ҳақиқий олим ҳадисни ҳам, фикҳни ҳам баробар тутмоғи, ўзининг илмий маслагида бирини иккинчиси-дан устун қўймаслиги лозим.

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ имом Моликдан «Мувот-то»ни ривоят қилған оқиғ¹⁰⁶ имом Яҳё ибн Яҳё Лайс-

¹⁰⁴ «Тарихи Абу Зуръя» 1/265.

¹⁰⁵ 530-бет.

¹⁰⁶ «Тартибул Мадорик»да (2/537) яна қўйидагилар айтилган: «Моликка Яҳёнинг донолиги ва акли хуш ёқар эди. Ундан ривоят қилинишча, бир куни Моликнинг ҳузурида асҳоблари билан Яҳё ҳам ўтирган эди. Бир иши келиб, шаҳарга фил келганини айтиб қолди. Моликнинг барча асҳоблари филни кўргани чиқиб кетишиди. Яҳё эса Моликнинг олдида қолди. Шунда Молик унга: «Нимага сен филни кўргани чиқмадинг, ахир Андалусда ҳам фил йўқ-ку?!» деди. Шунда Яҳё имом Моликка: «Мен ўз юргимдан сизни кўргани, ҳидоятингиз ва илмингиздан олгани келганман, фил кўргани эмас!» деб жавоб берди. Шундан сўнг имом Молик Яҳёни «Оқиғ» деб атади».

нинг таржимаи ҳолида шундай дейди: «Яхё шундай дер эди: «Абдурраҳмон ибн Қосимнинг олдига борардим. У менга: «Қаердан келяпсан, эй Абу Муҳаммад?» дер, мен унга: «Абдуллоҳ ибн Ваҳбнинг олдидан», дердим. Шунда у: «Аллоҳга тақво қил, бу ҳадисларнинг аксариға амал қилинмайди!» дерди. Сўнг Абдуллоҳ ибн Ваҳбнинг олдига борардим. У менга: «Қаердан келяпсан?» дерди. Мен: «Ибн Қосимнинг олдидан», дердим. Шунда у: «Аллоҳга тақво қил, ушбу масалаларнинг аксари раъйдир», дер эди». ¹⁰⁷ «Амал» деганда у Мадина ахлининг амалини назарда туттган.

Сўнг Яхё ўзига ўзи шундай деди: «Аллоҳ уларни Ўз раҳматига олсин! Икковлари ҳам ҳақ сўзни айтишди. Ибн Қосим мени амал қилинмайдиган ҳадисларга эргашишдан қайтарди ва тўғри қилди. Ибн Ваҳб эса раъйни кўп ишлатиб, такалтуф қилишдан қайтарди ва суннатга эргашишни буюрди. Бу билан у ҳам тўғри қилди. Раъида Ибн Қосимга эргашиш тўғри. Осорларда эса Ибн Ваҳбга эргашиш ҳидоятдир».

Абу Нуъайм имом Иброҳим Нахаъий раҳимаҳуллоҳдан куйидагини ривоят қиласи: «Раъи ривоятсиз тўғри бўлмайди, ривоят эса раъисиз тўғри бўлмайди». ¹⁰⁸

Кардари «Маноқибу имом Абу Ҳанифа» китобида бир қиссани келтирган. Унинг охирида имом Абу Ҳанифа шундай дейди: «Ким ҳадис талаб қилса-ю, унинг тафсирини талаб қилмаса, ҳаракати зое бўлиб, бу унинг бошига бало бўлади». ¹⁰⁹

Абу Ҳанифанинг шогирди мужтаҳид имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам шунга ўхшашибап

¹⁰⁷ Шу ергача бўлган иборани Ибн Абдулбарр «Жомеъу баёнил илм»да ривоят қилган. 2/159.

¹⁰⁸ «Хиля» 4/325.

¹⁰⁹ 377 бет.

айтган: «Ҳадисга амал қилиш раъйсиз түғри бўлмайди, раъйга амал қилиш ҳам ҳадиссиз дуруст бўлмайди».¹¹⁰

Қози Ромаҳурмузий¹¹¹ раҳимаҳуллоҳ «Ал-Муҳаддис Ал-Фосил»нинг муқаддимасида¹¹² ҳадис аҳлига тил теккизган Бағдоднинг ҳамаср уламоларидан бирига насиҳат қилиб шундай дейди: «Илм одобини олса, илмга оз бўлса-да алоқаси борларга хушмуомала бўлса, фақиҳларнинг фазлини билиб, ҳақларини тўлиқ адо этса, ровийларнинг нақлдаги насибаларини камайтирмаса яхши бўлар эди. Ровийларни фикҳга, фақиҳларни эса ҳадисга тарғиб қилса ва иккала тоифанинг ҳам фазлини эътироф этса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки қачон бу иккиси¹¹³ бирлашса, мукаммал бўлади, қачон бир-биридан ажраса, ноқис бўлади». Аллоҳга қасамки, мана шу комилликдир.

Имом Абу Сулаймон Хаттобий¹¹⁴ раҳимаҳуллоҳ «Суннани Абу Довуд»га ёзган «Маолимус-Суннан» номли шарҳининг муқаддимасида шундай деган: «Замонамизнинг аҳли илмлари икки гуруҳ – икки жамоага ажрапланышган. Ҳадис асҳоблари; Фикҳ аҳллари. Эҳтиёжимиз тушиши борасида булар бир-биридан фарқ қилмайди. Мақсад ва муддаога етиш учун уларнинг биронтасидан воз кечиб бўлмайди. Чунки ҳадис гўё пойдевор бўлиб, у ишнинг аслидир. Фикҳ эса ўша пойдевор устига қурилган бино бўлиб, ўша аслнинг фаръидир. Пойдевор ва асос устига қурилмаган бино қулайди. Пойдевор устида эса бино ва иморат бўлмаса, у харобадир».

¹¹⁰ Буни имом Саражсий «Усул»ида келтирган. 2/113. Унинг ҳамасри Фахрул Ислом Баздавий ҳам «Усул»ининг бошида келтирган.

¹¹¹ Ҳижрий 360 йилда вафот этган.

¹¹² 160-бет.

¹¹³ Фикҳ ва ҳадис.

¹¹⁴ Ҳижрий 388 йилда вафот этган.

Ҳофиз Саховий раҳимаҳуллоҳ шундай деган: «Юқорида ўтган нарсаларни тўлиқ қамраб олишнинг ортида ҳадис фикҳи билан шуғулланиш, ҳадисдан олинадиган ҳукмлар ва одобларни чукур ўрганиш ётади... Бу борадаги гап тайиндир. Бу имом Шофеъий, Молик, Аҳмад, икки Ҳаммод, икки Суфён, Ибн Муборак, Ибн Роҳавайҳ, Авзоъий ҳамда олдин ва кейин ўтган фақиҳ ва мужтаҳид имомларнинг васфидир. Бу ҳақда кўп мусаннафотлар ҳам бор.

Ибн Асокир «Тарих» китобида Абу Зуръа Розийнинг таржимаи ҳолида шундай деган: «Бир кеча рижоллар ҳақида фикр юритдим. Кейин тушимда бир кишини кўрдим. У менга: «Эй Абу Зуръа, ҳадиснинг матнини тушуниш ўлганлар ҳақида фикр юритишдан кўра яхшироқдир», деди».

Шунинг учун Абу Зуръа Розий: «Фикҳни лозим тутинг, чунки у тог олмасига ўхшайди, экилган йилидан бошлаб мева беради», дер эди.

Имом Ҳоким ҳадис илмларининг турлари ҳақида сўз юрита туриб, муқаддимасида ҳадиснинг фикҳини тушуниб етишнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтган. Сўнг муҳаддисларнинг баъзи фақиҳ имомларини зикр қилиб, шундай деган: «Бу илмнинг йигирманчи тури ҳадиснинг фикҳини билишдир. Чунки у бу илмларнинг самарасидир, шариат ҳам ана шу билан қоим бўлади. Фақиҳлар, қиёс, раъй, истинбот, жадал ва назар соҳиблари барча асрлар ва юртларда маълум ва машҳурдирлар. Биз бу ўринда Аллоҳнинг изни ила ҳадиснинг фикҳини зикр қиласиз. Бу эса ушбу илм соҳиблари ва унга ўнғиган кишилар ҳадиснинг фикҳидан бехабар қолмаганларига дилилдир. Чунки бу илмнинг бир туридир».

Бу борада Ибн Ҳайённинг ҳам узун гапи бўлиб, унда ҳадис ровийларининг омилари ва фикҳдан бехабарларига

маломат қилған. Хатиб Бағдодий «Кифоя»нинг бошида ундан-да узунроқ гап айтган. Унинг холосаси имом Нахаъийдан ва имом Мұхаммад ибн Ҳасандан ва улардан кейингилардан нақл қилингандык гаплар билан бир хил. Ким буларни тұлық үзлаштириб олса, камолга етади, Аллоҳ бизни Ўзи рози бўладиган амалларга муваффақ қилсин!

Хофиз Ибн Ражаб Ҳанбалий раҳимаҳуллоҳ «Фазлу илмис-салаф алал-халаф» номли рисоласида шундай дейди: «Имомлар ва ҳадис ахлининг фақиҳлари саҳобалар ва саҳобалардан кейингилар ёки уларнинг бир гурухи наздида амал қилингандык ҳадисларгагина эргашар эдилар. Ҳадис саҳих бўлса-да, уни тарқ этишга иттифоқ қилишган бўлса, унга амал қилиши жоиз эмас. Чунки улар ҳадисга амал қилинмаганligини билиб, кейин тарқ этишган. Умар ибн Абдулазиз айтади: «Ўзингиздан аввалгиларникига муносиб келадиган раъйниги на олинглар, чунки улар сизлардан илмлироқ эдилар».

Хофиз Ибн Ражаб яна шундай дейди: «Киши улардан – Имом Шофеъий ва Аҳмад кабиларни назарда туттан – кейин пайдо бўлган нарсалардан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки улардан кейин кўп нарсалар пайдо бўлди. Ўзини суннатга ва ҳадисга нисбат берадиган Зоҳирийлар ва шунга ўхшашлар чикди. Улар имомлардан ўзларининг шозз фикрлари билан ажралиб турар, имомлар айтмаган гапларни айттар ва шу билан суннатга хилоф қиласи эдилар».

«Иъломул Мұваққиъин»да имом Аҳмаднинг шундай дегани нақл қилингандык: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, саҳобалар ва тобеъинларнинг ихтилофлари ёзилган китоби бор одам бу ихтилофлардан ўзига ёққан фикрни олиб, унга амал қилиши дуруст эмас. Балки, бу ҳақда илм ахлидан уларнинг қай бири олинишини сўраб, амал қилиши лозим. Шунда у тўғри йўлда бўлади».

Имом Аҳмаднинг: «Балки, бу ҳақда илм аҳлидан уларнинг қай бири олинишини сўраб, амал қилиши лозим», деган гапи билан баъзида кишининг наздида ҳадис саҳиҳ бўлиб, унинг саҳиҳлиги амал қилиш учун кифоя қиласи деб, унга кўра фатво бериши мумкинлиги, ваҳоланки, бундай шошиб фатво бериш ножоиз эканига ишора қилмоқда. Бундай ҳолатда киши илм аҳлига, яъни фақиҳларга мурожаат қилиб, у ҳадиснинг амалга яроқли ёки яроқсиз эканини билиб олиши лозимлигини таъкидламоқда.

Мужтаҳид имом Суфён Саврий розияллоҳу анҳу: «Бир неча ҳадислар келган, лекин уларга амал қилинмайди», деган. Юқорида Ибн Абу Лайлонинг «Ҳадиснинг олинадиганию, тарк қилинадиганини билмагунча, киши фақиҳ бўла олмайди», деган гапи ўтди.

Хофиз Заҳабий «Сияру Аъламин-нубалаа»да Ибн Ҳазмнинг таржимаси ҳолида унинг: «Мен ҳаққа эргашман ва ижтиҳод қиласман, бирор мазҳабга қайдланмайман», деган гапини нақл қилиб, унга қўйидагича қўшимча қилган: «Ҳа, тўғри. Ким мужтаҳид мартабасига етса ва бунга имомлар гувоҳлик беришса, ундаи киши бошқаларга тақлид қилиши дуруст эмас. Куръонни тўлиқ ёд олган ёки унинг аксарини ёд олган бошланғич фақиҳ учун эса ижтиҳод қилиш дуруст эмас. Ахир у қандай ижтиҳод қиласи, нима дейди, ҳукмни нимага бино қиласи, қанотсиз қандай учади?...»

Мутлақ мужтаҳидлар билан жоҳиллар орасида учинчи тоифа ҳам бор. Улар етуқ фақиҳ, сергак ва фаҳмли муҳаддислар бўлиб, фуруъдан муҳтасар шаклда ёд олган, усул қоидаларига оид бир китобни ёдлаган, нахвни ўқиган, бу фазилатларига қўшимча равишда яна Куръони Каримни ёд олган, унинг тафсири билан шуғулланган зотлардир. Булар муқайяд ижтиҳод даражаси-

га етган, имомларнинг далилларини ўрганиб чиқишига лаёқатли кишилардир. Бундайларга бирон масалада ҳақ равшан бўлса, далил событ бўлса, унга Абу Ҳанифа, Молик, Саврий, Авзоъий, Шофеъий, Абу Убайд, Аҳмад ва Исҳоқ каби имомларнинг биронтаси амал қилган бўлса, ўзининг наздидаги ўша ҳаққа эргашади, рухсат изламайди, тақво қиласди. Ҳужжат қоим бўлганидан кейин унинг учун тақлид қилиш жоиз эмас. Агар фақиҳлардан биронтаси эътиroz билдиришидан чўчиса, фикрини айтсин, лекин уни очиқ бажармасин. Чунки фикри ўзига ёқиб, танилишни, машхур бўлишни истаб қолиб, бу қилмишига жазо олиши мумкин. Қанчадан-қанча кишилар борки, ҳақни айтишади, яхшиликка буюришади. Лекин ниятлари холис бўлмагани, етакчиликни истаганлари учун Аллоҳ уларга азият берадиган кимсаларни юборади. Афсуски, бу баъзи фақиҳларнинг қалбидаги яширин бир дарддир».

Ҳофиз Заҳабийнинг «Бирон масалада ҳақ равшан бўлса, далил событ бўлса, унга имомларнинг биронтаси амал қилган бўлса» деган гапини, ундан олдин «Ким бирон саҳиҳ ҳадисга амал қиласман, деса-ю, лекин мужтаҳид имомлар у ҳадисни тарқ этган бўлсалар, йўқ...» деган гапини, Ҳофиз Ибн Ражаб Ҳанбалийнинг «Ўзини суннатга ва ҳадисга нисбат берадиган зоҳирийлар ва шунга ўхшашлар чиқди. Улар имомлардан ўзларининг шозз фикрлари билан ажralиб туарар, имомлар айтмаган гапларни айтар ва шу билан суннатга хилоф қиласадилар», деган гапларини тааммул қилиб кўринг!

Заҳабий ва Ибн Ражаблар бу гаплари билан Шамсиддин Абу Абдуллоҳнинг имом Аҳмад ҳақида айтган куйидаги сўзига эътиroz билдиргандек: «Имом Аҳмад

саҳиҳ ҳадисдан на амални, на раъйни, на қиёс ва на бирор кишининг сўзини устун кўяр эди».

Заҳабий саҳиҳ ҳадисга бирон мужтаҳид имом амал қилган бўлишини шарт қилмоқда. Ибн Ражаб эса саҳиҳ ҳадисга амал қилиш даъвоси билан бирон киши айтмаган фикрларни айтадиган зоҳирийлар ва уларга ўхшаганларни танқид қилмоқда.

Айрим кишилар Шамсиддин Абу Абдуллоҳнинг бу гапини Байҳақий, Ибн Ҳажар каби буюк имомлар ижмоъни нақл қилган масалага хилоф қилиш учун баҳона қилиб олишади. У доирасимон тилла тақинчоқларнинг аёлларга ҳаром экани ҳақидаги масаладир. Аллоҳдан ҳидоят сўраймиз!

«Шамсиддин Абу Абдуллоҳнинг имом Аҳмад ҳақида айтган сўзига эътиroz билдиргандек» деб айтганимнинг сабаби Шамсиддин Абу Абдуллоҳ ўз мазҳабининг ва бошқа мазҳабларнинг усулини мукаммал билишига қарамай, имом Аҳмад бу гапни айтганига шубҳа уйғотадиган маълумот кўрганимдир.

«Мажмуъ Фатово шайхул Ислом»да¹¹⁵ бу масалада имом Аҳмаддан икки хил фикр нақл қилинган. Бири машҳур, иккинчиси эса эҳтимолли. Муаллиф айтади: «Имом Аҳмаднинг гапини бир-бирини тасдиқлайдиган тарзда тушуниш уни бир-бирига зид келадиган тарзда тушунишдан афзал. Хусусан, айтган гапларининг бири салафлардан ҳеч ким айтмаган янгилик бўлса. Чунки Аҳмад: «Сен бирор имом айтмаган гапни айтишдан эҳтиёт бўл» дер, синов пайтлари «Ҳеч ким айтмаган гапни қандай айтаман?» дер эди.

Маймуний айтади: «Аҳмад менга: «Эй Абулҳасан, бирор имом айтмаган гапни айтишдан эҳтиёт бўл», деган». ¹¹⁶

¹¹⁵ 10/320,321.

¹¹⁶ «Маноқиб Имом Аҳмад», Ибн Жавзий, 178-бет.

Маймунийни Заҳабий «Сияр»да таржимаи ҳолини зикр қилиб «Имом, аллома, ҳофиз, факих... имом Аҳмаднинг шогирди, катта имомлардан», дея васәфлаган.¹¹⁷

Имом Аҳмаднинг гапи кимга қаратилғанлитигини билсангиз, бу васиятнинг нақадар аҳамиятли эканини ҳам тушуниб етасиз.

«Фақиҳ вал-Мутафаққиҳ»да улуғ ҳофиз, сиқа, факиҳ Мұхаммад ибн Ийсо ибн Нажиҳ Таббөй ал-Бағдодийнинг шундай дегани юқорида ўтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ҳадисга саҳобалардан биронтаси-нинг амал қылғани сенга етиб келмаса, уни тарк қыл».

Бу гапга Хатиб шундай қўшимча қиласи: «Қачон ишончли, омонатдор ровий санади муттасил бўлган бир хабарни ривоят қиласа, у бир неча сабабларга кўра олин-маслиги мумкин... Учинчиси: Ижмоъга хилоф бўлиши. Бундай ҳолатда у ё мансух бўлган бўлади ёки унинг асли йўқ бўлади. Чунки саҳиҳ хабар агар мансух бўлмаса, уммат унинг хилофига кўра ижмоъ қилиши жоиз эмас».

Ҳеч ким айтмаган гапни айтишга ошиқиши оқилларнинг наздида ҳам, олимларнинг наздида ҳам мажнунликдир. Саймарий «Ахбору Абу Ҳанифа ва асҳобиҳи»да имом Зуфар раҳимаҳуллоҳнинг шундай деганини ривоят қиласи: «Мен киши билан «Бўлди, хато қилибман» дегунича эмас, мажнун бўлгунича мунозара қиласман». Шунда унга «Қандай мажнун бўлади?» дейишди. «Ҳеч ким айтмаган гапни айтади», деди».

Агар сен: «Ҳеч ким амал қилмаган саҳиҳ ҳадисни топган киши ўша ҳадисга амал қилиш ёки қилмаслиги ҳақида имом Субкийдан сўралганда «Менинг наздимда афзали ҳадисга эргашишдир. Ҳар бир киши ўзини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида деб

¹¹⁷ 13/89.

тасаввур қилсин, у зотдан бирон нарса эшитиб, кейин унга хилоф иш қилиши дуруст бўладими?! Аллоҳга қасамки, йўқ! Ҳар ким ўз фаҳмига кўра мукаллафдир», деб жавоб берган-ку» десанг, мен шундай дейман:

Биринчидан: Субкийнинг: «Менинг наздимда афзали ҳадисга эргашишдир» деган иборасини мулоҳаза қилиб кўринг! «Менинг наздимда..» деганда Субкий бу масалада уламолар орасида ихтилоф борлигига, у бундай ҳолатда ҳадисга эргашишни ихтиёр этганига ишора қилмоқда. Бошқалар эса Заҳабий ва Ибн Ражаблар айтганларидек, у ҳадисга бирон имом амал қилган бўлишини шарт қиладилар. Бунинг маъноси бирон имомнинг амали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари устидан ҳакам, ҳадиснинг ўзи ҳужжат бўлмайди, фақат унга имомнинг амали қўшилсагина, ҳужжат бўлади, имомнинг амалигина ҳадисни ҳужжат қила олади, дегани эмас. Йўқ, Аллоҳ сақласин, асло ундей эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг зиммасидаги мажбуриятдир. Бунинг маъноси имомнинг ҳадисга амал қилиши ўша ҳадисни тарк этишга ижмоъ қилинмаганинг далилларига далилларидир. Чунки бирон ҳадисни тарк қилишга ижмоъ қилишлари ўша масалада бу ҳадисга муқаддам қилинадиган бошқа ҳадис борлигининг далилидир.

Заҳабий ва Ибн Ражаблардан олдин бу шартни имом Ибн Салоҳ қўйган, унинг гапига Субкий куйидагича қўшимча қилади: «Агар кишининг куроллари – яъни мутлақ ёки муқайяд ижтиҳоднинг сабаблари – мукаммал бўлмаса ва ҳадисга муҳолиф бўлишдан қалбида ғашлик топса, бунинг устига изланиб, унга муҳолиф бўлганлардан етарли жавоб топа олмаса, шу ҳадисга бирорта мустақил имом амал қилган ёки амал қилмаганига қарасин!

Агар бирор имомнинг ўша ҳадисга амал қылганини топса, мазкур ҳадисга амал қилиш борасида унинг мазҳабига эргапиши мумкин. Бу ҳолат ушбу масалада ўз имомининг мазҳабини тарк этиши учун узр бўлади».¹¹⁸

Баъзида ҳадис саҳиҳ бўлса-да, унга амал қилинмаслиги мумкинлиги ҳақида уламоларимизнинг жуда кўп гаплари бор. Ибн Абу Лайлло: «Киши баъзи ҳадисларни олиб, баъзисини тарк этмагунча, факиҳ бўла олмайди», деган.

Ибн Ражаб «Шарҳу илали Термизий»да мужтаҳид имом Суфён Саврийнинг шундай деганини ривоят қиласди: «Олинмайдиган ҳадислар ҳам келган».

«Тариху Абу Зуръа Дамашкий»да имом Авзоъий раҳимахуллоҳнинг шундай дегани ривоят қилинади: «Ҳадиснинг қай бири олиннишини қандай ўргансанг, қай бири олинмаслигини ҳам шундай ўрган!»

Иккинчидан: Имом Субкийнинг гапида бир нуқта бор. Имомнинг сўзини далил қилиб оладиган киши ана шу нуқтани тушуниши ва унинг маъносини очиши лозим.

У зот раҳимахуллоҳ: «Ҳар бир киши ўзини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида деб тасаввур қиласин, у зотдан бирон нарса эшитиб, кейин унга хилоф иш қилиши дуруст бўладими?! Аллоҳга қасамки, йўқ!» деган. Аллоҳга қасамки, албатта, бу хатарли мақом. Абу Саъид ибн Муалло намоз ўқиётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни чақирғанларида жавоб бермаган. Кейин «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен намоз ўқиётган эдим», деганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ: «Қачон сизларни Аллоҳ ва Унинг Расули чақирса, ижобат қилинглар...», демаганмиди!?» деб, унга танбех берганларини билган

¹¹⁸ Заҳабийнинг гапи мужтаҳид муқайядда топилиши керак бўлган шартлар ҳақида, Ибн Ражабнинг гапи эса умумий.

киши қандай қилиб у зотнинг ҳадисларини тарк этади? Намозда турган кишига у зотнинг чақирикларига жавоб бермагани учун эътиroz билдирган бўлсалар, у зотдан ҳадис эшитиб, кейин у ҳадисни тарк этган мусулмоннинг ҳоли қандай бўлди?!

Бу гап бирон масалада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан ҳадис эшитган киши ҳақидадир.

Аммо бизнинг ҳолимиз ундан эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин то бизнинг кунимизгача бўлган кишилардан биронтаси бир масалада икки ҳадис кўрса, нима қилади? Масалан: Зайд ибн Собит, Абу Хурайра ва Оиша розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Олов теккан нарсадан (есанглар) таҳорат қилинглар»¹¹⁹ деган сўzlари, кейингиси имом Бухорий «Таҳорат китоби»да «Кўй гўшти ва толқондан (еган кишининг) таҳорат қилмагани ҳақидаги боб»да Ибн Аббос, Амр ибн Умайя Зомрий ва мўминларнинг онаси Маймуна розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйнинг устухонини едилар [бошқа ривоятда «қўйнинг қўли», дейилган], кейин намоз ўқидилар, таҳорат қилмадилар», деган ҳадис. Зайд ибн Собит ва Абу Хурайралар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олов теккан нарсадан таҳорат қилишга буюрганларини эшитганларини айтишмоқда. Ибн Аббос, Амр Зомрий ва Маймуналар эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олов теккан гўшт егач, таҳоратларини янгиламасдан намоз ўқиганларини кўрганларини айтишмоқда. Уларнинг биронтаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўрган нарсасига амал қилмаслиги дуруст эмас. Буни имом Субкий ҳам

¹¹⁹ Муслим ривоят қилган.

таъкидлаган. Лекин улардан кейингилар бир масалада иккى ҳадис күрса, бундай ҳолатда Жобирнинг «Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан иккى ҳолатнинг охиргиси олов теккан нарсадан таҳорат қилишни тарқ қилиш эди»¹²⁰ деган сўзига ўхшаш ташқи қарийналар ва таржиҳ қилиш учун сабабларни излайди.

Лекин «Фатҳ»да келишича, Зухрий «Олов теккан нарсадан таҳорат қилишга буюрилган ҳадис мубоҳликка далолат қилувчи ҳадисларни насх қиласи», деган. Имом Нававий бу ҳақда шундай дейди: «Туяниңг гүштидан бошқа олов теккан нарсадан таҳорат қилиш йўқлигига ижмоъ событ бўлган».

Имом Сарахсий раҳимаҳуллоҳ «Усул»ида¹²¹ айнан шу масалага алокадор қимматли гап айтган. «Аслининг эътиборига кўра, Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари илмни вожиб қиласи. Шубҳа эса уни у зотдан нақл қилишда бўлиши мумкин». Ким у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир сўзни эшитса, бу унга қатъий илмни ифода қиласи ва унга амал қилиши вожиб бўлади. Лекин кимга у зотнинг сўзлари нақл қилинса, баъзида қарийналар ана шу сўзни у зотнинг ўзларидан эшитганликнинг ўрнига ўтиб, қатъий илмни ва амал қилиш вожиб эканини ифода қиласи. Баъзида эса нақл йўлида (яъни ровийда) ёки манқулда (яъни нақл қилинган нарсада) шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бунда манқул нарса қатъий событ маълумотга ёки бошқасига муҳолиф бўлади. Биз сўз юритаётганимиз ана шундай ҳолатларнинг биридир.

Ибн Мунзирнинг «Авсот»ида шундай дейилади: «Ҳикоя қилишларича, Ҳаммод ибн Салама шундай де-

¹²⁰ Абу Довуд 1/241 (193) ва Насонӣ 1/108(185) ривоят қилишган.

¹²¹ Бунинг асли Ибн Абдулбаррнинг «Тамҳид»ида келган. 3/332, 334.

ган экан: «Агар сенга бир кишидан иккита бир-бирига хилоф ҳадис келса-ю, уларнинг қай бири носих, қай бири мансух эканини ҳам, қай бири олдин айтилган-у, қай бири кейин айтилганини ҳам билмасанг, демак, у кишидан сенга ҳеч нарса келмабди». Яъни у кишидан сенга ҳеч нарса нақл қилинмаган, деб ҳисобла!

Абу Довуд «Сунан»да шундай дейди: «Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган икки ҳадис бир-бирига хилоф чиқиб қолса, у зотнинг саҳобалари қай бирини олганларига қаралади».

Бу ҳақдаги баҳс анча узун! Ундаги бизни қизиқтирадиган нуқта шуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан эшитмаган кишининг ҳолати, у хоҳ саҳобий бўлсин, хоҳ бошқа, у зотнинг олдиларида ўзларидан ҳадис эшитган кишининг ҳолатидан бошқача бўлади. У зотдан эшитмаган киши иккала ҳадисни ҳам била туриб, уларнинг фақат биригагина амал қиласди. Аммо ҳадисни у зотдан эшитган ёки бевосита кўрган киши эса иккинчи ҳадисни бошқа бирордан эшитган бўлса ҳам, ўзининг кўрганига ёки у зотдан ўзи бевосита эшитганига амал қиласди. Лекин иккинчи ҳадисни унга хабар қилган саҳобий биринчи ҳадисга ҳам амал қилингани, кейин эса насх бўлганини айтса, у ҳолда ўша иккинчисига амал қилиши мумкин.

Иbn Аббос розияллоҳу анхумо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўштдан уч луқма еб, кейин таҳоратларини янгилемай намоз ўқиганларини кўрган. Унга Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу **«Олов теккан нарсадан (есанглар) таҳорат қилинглар!»** деган ҳадисни ривоят қилганида, Иbn Аббос ўзи кўрган ҳолатни восита орқали унга етиб келган хабардан устун кўйиб, бу ҳадисга амал қилмаган. Бу ҳолатда Иbn Аббосга **«Ўзингизни**

Набий соллаллоху алайхи васалламнинг олдиларида деб фараз қилиб күринг. Набий соллаллоху алайхи васалламдан етиб келган хабарга хилоф қиласизми?» дейиш түғри бўлмайди.

Имом Аҳмад «Муснад»да ва Таҳовий «Шарҳу маонил осор»да ривоят қилишади: «Урва ибн Зубайр розияллоху анху Ибн Аббос розияллоху анҳумога: «Одамларни адаштирдинг, эй Ибн Аббос!» деди. У: «Бу нима деганинг, эй Уrvача?» деди. У: «Одамлар Байтни тавоғ қилишгач, эҳромдан чиқишиади», деб фатво беряпсан. Ваҳоланки, Абу Бакр ва Умар розияллоху анҳумо ҳажга талбия айтиб келишар, ҳайит кунигача эҳромда бўлишар эди», деди. Шунда Ибн Аббос: «Шу билан адашдингларми?! Мен сизларга Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламдан ҳадис айтсам, сизлар менга Абу Бакр ва Умардан ҳадис айтасизлар-а», деди. Урва: «Абу Бакр ва Умар розияллоху анҳумо Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламни сендан кўра яхшироқ билишар эди», деди.¹²²

Буни Табароний ҳам ривоят қилган. Унинг лафзи куйидагича: «Урва Ибн Аббосга: «Одамларни адаштириб юбординг-ку», деди. У: «Бу нима деганинг, эй Уrvача?» деди. «Киши умра ёки ҳажга эҳром боғлаб чиқади. Тавоғ қилгач, эҳромдан чиқади», деб айтяпсан. Ваҳоланки, Абу Бакр ва Умарлар бундан қайтаришар

¹²² Бу «Шарҳу маонил осор»даги лафз. «Муснад»дагисида Урва: «Уиккиси сендан кўра Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламга кўпроқ эргашувчи ва сендан кўра яхшироқ билишар эди». Тамҳид»да (3/353) Имом Яҳё ибн Саъид Ансорий раҳимаҳуллоҳ: «Абу Бакр ва Умарлар Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламнинг ҳидоятларига одамларнинг энг яхши эргашувчилари бўлишган», деган. Бу масалани яна «Зодул мъюд» 2/178,223, «Эълоус-Сунан»дан (10/258,274) ҳам кўринг.

эди», деди. Шунда Ибн Аббос: «Ҳолинггавой бўлгур, сенинг наздингда улар иккови Аллоҳнинг Китобидаги-дан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳо-балари ва уммат учун суннат қилиб берган нарсадан устунми?» деди. Урва: «Улар иккови Аллоҳнинг Кито-бини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини мендан ҳам, сендан ҳам яхшироқ билишар эди», деди.

Демак, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ишни қилганла-рини кўрган. Шунинг учун «Уммат агар бу ишни тарк этиб, бошқа одамнинг сўзига кўра амал қилса, адаша-ди», деган. Чунки Ибн Аббос масалада бундан бош-қа гап ҳам борлигини билмаган. Лекин Урва: «Тўғри, аммо биз Абу Бакр ва Умарнинг гапини олаётгани-мизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тарк этмаяпмиз. Чунки олдимизда икки йўл бор, бири Ибн Аббоснинг кўрганига амал қилиш бўлса, иккинчиси Абу Бакр ва Умарларнинг кўргани-га амал қилиш. Биз бунда Абу Бакр ва Умарлар Расу-луллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бошқалардан кўра яхшироқ билганлари сабабли уларнинг гапини олдик», демокда.

Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий ва Аҳмад розияллоҳу анҳуларнинг фикҳини ташлаб, ўzlари «Китоб ва Суннат фикҳи» ёки «Суннат фикҳи» деб ном қўйиб олган нар-саларга эргашишга чақираётгандарга айтадиган жаво-бимиз ҳам айнан мана шу. Уларга айтамизки: «Уларнинг ўрнига сизнинг фикрингизни қабул қила олмаймиз. Чунки улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сиздан кўра яхшироқ билишар эди. Ҳатто биз «Сиздан кўра яхшироқ билишар эди», деганимизда илм бобида

уларни сизга қиёслашни ҳам ирода қылмадик. Набий соллаллоху алайхі васалламнинг суннатларини маҳкам тутишга бўлган иштиёқимиз бизни ана ўша зотлар суннати мutoҳҳарадан олган фиқҳга эргашишга ундайди.

Ибн Аббос билан Урва ўртасида бўлиб ўтган бу гапларни тўлигича зикр қылмай, кесиб олиб, буни ўзлари учун асос қилиб оладиганлар, афсуски, Ибн Аббос розияллоху анхумонинг матннинг зоҳири билан чегараланиб қолмай, балки ҳукмнинг сабабига қараб билдирган фикрларини қабул қилишмайди. Ибн Аббос: «Тавофда паҳлавонча юриш суннат эмас. Ким уни суннат деса, хато қилибди», дейди.¹²³ Умар эса: «Буни Набий соллаллоху алайхі васаллам қилғанлар, у зот қилған ишни тарк этишни истамаймиз», деган.¹²⁴

Мана шулар имом Субкий айтган гапнинг жавобидир.

«Мусулмон киши Набий соллаллоху алайхі васалламгагина эргашишга буюрилган, у зотдан бошқасига эмас» деган жумланинг жавобига келсак, бу гапни айтадиган кишига шундай деймиз:

«Сизнинг бу гапингиз шуни тақозо қиласиди, суннатга эргашишга чақирган, суннатни илм ё амал жиҳатидан тарк этишни тўғри йўлдан тойиш, залолат, шармандалик, деб айтган имомлар тўғри йўлда бўлмаганлар, Набий соллаллоху алайхі васалламга эргашмаганлар. Шунинг учун сиз уларнинг фикрларини ташлаб, Набий соллаллоху алайхі васалламга эргапмоқчисиз. Сиз уларни шундай тасаввур қиляпсиз. Чунки сиз ҳам

¹²³ «Сахихи Муслим» 2/921(237).

¹²⁴ «Фатхул Борий» 3/471(1605).

ўша мен эшитган гапларни эшитгансиз. Бўлмағур фикрларни тарқатиб юрадиган кишилар тўрт мазҳабга эргашишни инкор қилиб, ўзларининг бу фикрларини Аллоҳ азза ва жалланинг қўйидаги сўзи билан қувватлашади: «**Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг ҳабр ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни робб тутдилар...**»¹²⁵

Бу ояти карима билан Адий ибн Хотим розияллоҳу анхунинг қўйидаги ҳадисини келтиришади. Адий ибн Хотим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига мусулмон бўлиб келади. У зот мана шу оятни ўқиётгандарини эшитиб: «Улар уларга ибодат қилишмаган-ку», дейди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар одамларга ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб беришган. Одамлар эса уларга эргапишган. Мана шу уларга ибодат қилганлари бўлади», дейдилар. Фитна қўзғайдиганлар ҳам муқаллидларга: «Сизлар Аллоҳни қўйиб, фалончи ва фалончиларни робб қилиб олдингиз. Улар сизга: «Мана бу ҳаром, мана бу ҳалол», деб ажратиб беришяпти», дейишади.¹²⁶

Аллоҳ азза ва жалланинг каломининг маъносини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тафсир қилган маънодан буриб юборишларини қаранг. Улар Ислом уламоларини мусулмонларнинг кўз ўнгидаги Аллоҳни қўйиб, ибодат қилинадиган ҳабрлар ва роҳиблар қилиб кўрсатишмоқда. Бундан ортиқ нотўғри талқин қилиш мумкини? Бундан ортиқ залолат бўладими?

Ислом имомлари айтадиган ҳар бир сўзларига эҳтиёт бўлишар, Аллоҳ. Ўз каломида бирон нарсани ҳалол

¹²⁵ Тавба сураси, 31-оят.

¹²⁶ Тавба сураси, 31-оятнинг тафсирини «Тафсиру Ибн Касир» ва бошқа тафсиrlардан кўринг!

ёки ҳаром қылганини ёки Аллоҳнинг Расули ҳадиси шарифда бирон нарсани ҳалол ёки ҳаром қылганини аниқ билишсагина ана шунга муносиб фикр билдиришар эди. Тарих бунга жонли гувоҳ. Аммо ояти каримада зикр қилинган ҳабр ва роҳиблар эса ўзларининг ғаразли мақсад ва муддаоларига, дунё лаззатларига эришиш учун самовий китобларда Аллоҳ таоло нозил қылган нарсаларни ўзгартирар, бошқача талқин қилишар эди. Уларнинг аввалги ва ҳозирги тарихи ҳаммага маълум.

Азиз ўкувчи! Китобнинг бошидаги ушбу мавзуга алоқадор гапларни яна бир карра ўқиб чиқинг. Үнда имом Абу Ҳанифанинг суннатга эргашишдан чиқиш за-лолат экани, суннатсиз илм талаб қилиш эса фасод экани ҳақидаги фикри, имом Шофеъий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф қиласидиган кишини черковдан бўйнида зуннор билан чиқаётган роҳибга ўхшаттани кабилар ўтди. Мана шундан кейин Аллоҳ таолонинг каломи борасида, мусулмонларнинг таникли имомлари ҳақида бундай ўйин қиласидиган, разилликка борадиган кимсалар хусусда динингиз, ақл-идрокингиз ва илмингиз или ўзингиз ҳукм қилинг.

У имомлар сиз тасаввур қилгандан-да суннати мутоҳтарани кўпроқ лозим тутган эдилар. Худди муazzин имомнинг такбирларини орқа сафдагиларга етказиб берганидек, улар ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқ ва тақиқларини ўзларидан кейингиларга етказиб берувчидирлар.

Агар сиз: «Мен динимнинг ҳукмларини далил орқали тушунишни хоҳлайман. Бу ҳукмни Абу Ҳанифа айтганидек тушуна олмадим. Балки уни имом Шофеъий айтганидек тушундим. Мен ўзим далилини билмаган амални қила олмайман, шунинг учун шофеъий мазҳа-

бига кўра амал қилсам бўладими?» десангиз, жавоб шуки, бир мазҳабдан бошқасига ўтиш

- муқаллид ўзи билган бир ишга тақлид қилиши сабабли бўлиши мумкин. Бунинг зарари йўқ;

- турли мазҳаблардаги рухсатларни излаш сабабли бўлиши мумкин. Бу жоиз эмас;

- бир масалада изланниб, ижтиҳод қилиб, кейин шу тўхтамга келиши мумкин. Агар изланган одам бу мақом – мужтаҳид имомларнинг далилларини таржиҳ қилиш мақомига аҳл, яъни ҳақли бўлса ва инсофли бўлса, зарари йўқ. Ҳатто бу Ислом фикҳи ва уламоларининг фахри ҳисобланади. Буни инкор қилиб бўлмайди. Наввавий, Ибн Салоҳ, Из ибн Абдуссалом, Тақийюддин Абул Аббос, Шамсиддин Абу Абдуллоҳ, Тақий Субкий ва Ибн Ҳумомга ўхшаш қўпгина мутааххир уламоларда бу ҳолат кузатилган.

Ҳатто шайхларимизнинг шайхи аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳнинг – кўпчилик у кишини ҳанафий мазҳабига таассуб қилишда айбласалар-да, – «Мақолот» китобида имом Абу Ҳанифанинг ҳибс қилинган вақф фақат ҳокимнинг ҳукми билангина лозим бўлиши ҳақидаги фикрини олмаганини, балки жумҳур уламоларнинг фикрини, саҳиҳ ҳадисларда ва саҳобалардан собит бўлган нарсани олганини кўрасиз. Шунингдек, у киши қуидаги гапни кўп қайтарган: «Абу Ҳанифа бир неча масалаларда Шурайҳ ва Нахаъийларга ўхшаган зотларга далилини ўрганишга кўп ҳам уринмай эргашган. Лекин ҳақ ойдин бўлиб, ҳужжат ўша фикрнинг аксига кўра бўлса, у фикрни Абу Ҳанифанинг ижтиҳодига нисбат бериш тўғри бўлмайди. Чунки у киши бу масалада ижтиҳод қилмаган, балки бошқа имомларга эргашган». ¹²⁷

¹²⁷ Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман. Устоз Кавсарий қайтарган, айб

У кишининг бу гапи «Ан-Нукатут-торийфа» китобининг муқаддимасида сўз юритган масалаларга алоқадор. У ерда ўндан ортиқ масала зикр қилинганд!

Яна шайхларимизнинг шайхи аллома Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий раҳимаҳуллоҳнинг ҳам қарашлари шундай бўлган. У киши ўзининг энциклопедик китоби «Эълоус-сунан»да ҳанафий мазҳабини маҳкам тутишига қарамай, ҳанафий мазҳабида машҳур бўлган бир неча фикрларни тарк этган;

санаган ва рози бўлмаган бу ҳолат илм аҳлиниң тилида «таассуб» дейилади. Унинг кўриниши қўйидагича: уламолар ихтиёр қилган бўласиз-да, кейин билсангиз, масалада бовықа фикр ҳужжатга муносиб бўлиб, сиз ихтиёр қилган фикр ҳужжатдалилсиз экан. Сиз бундай фикрларни ажратга оладиган илмий савияга эга бўласиз. Мана шундай ҳолатда ўзингиз аввал ихтиёр қилган фикрда қолиб, ҳужжат ва далилли фикрни тарк этишингиз айни таассуб бўлиб, бундай қилиш сизга ҳаромдир.

Лекин сиз ихтиёр қилган фикрнинг далил ёки қиёсдан бирон асоси бўлса, унга амал қилишда давом этишингиз ҳақдир. Бу «тамассуқ» (маҳкам ушлаш) бўлади, таассуб эмас, гарчи бошқа фикр далил жиҳатдан зоҳирроқ бўлса ҳам. Бирон кишига сизнинг бу тамассукингизни таассуб ёки кўр-кўронга таклид қилиш, деб баҳолаш жоиз эмас. Баъзи кишиларнинг бир гурух илм аҳлларини шундай васфлашлари ҳаром, жоиз эмас. Чунки таассуб ҳаром амалдир. Ҳаром амални қилиш эса фосиқлик ҳисобланади. Мусулмон кишини, айниқса мусулмон олим кишини кундай равшан бўлмаган далил билан фосиқликда айблаш жоиз эмас.

Баъзи шундай ножоиз лакаблар билан уламоларга таъна қилишдан тийилсинлар, Аллоҳга тақво қилсинлар. Чунки охирги пайтда «Бу таассуб», «Бу кўр-кўронга таклид» каби сўзларни кўп эшитишимиз. Фикрларини чукурроқ ўргансангиз, ҳакиқий кўр ким эканини билиб оласиз.

Барчамиз Ислом умматининг яқдиллиги, фирқачилик ва бошбошдоқликдан йироқ бўлиши борасида Аллоҳга тақво қиласилик. «Албатта, кулоқ, кўз ва дил – ана ўшалар масъулдирлар».

Абу Довуд имом Аҳмаддан сўраган фиксий масалалар ҳакидаги «Масойлу имом Аҳмад» китобида шундай келади: «Абу Довуд шундай деди: «Аҳмаддан шомдан олдинги икки ракъат намоз ҳакида сўрашди. У: «Мен ўқимайман, агар бирор киши ўқиса, ҳечкиси йўқ», деди». Абу Довуд айтади: «Бундан олдин бу ишни яхши санагани ва тўғри деб билганини эшитган эдим».

- агар изланиш олиб бораётган киши бу мақомга ахл бўлмаса ва баҳс юритишда инсофли бўлмаса, ана шу биз инкор қиласиган ҳолатдир. Бундайлар қандай лақаб, қандай тахаллуслар ортига беркинишмасин, барибир буни тан олмаймиз. Афсуски, бундайлар салафларга эргашишни даъво қилишади-ю, лекин салафларга таъна қилишади, уларнинг обрўларини тўкишади.

Биз бундай алданган кимсаларга шундай деймиз: «Бир масалада ҳанафий мазҳабидан шофеъий мазҳабига кўчиб ўтиш, бошқа бир масалада моликий мазҳабига ҳам кўчиб ўтиш тақазо қилинади. Яна бошқа масалада ҳанбалий мазҳабига ҳам кўчиб ўтиш лозим. Натижада тўртингчи бир масалада яна аввалги мазҳабга қайтилади ёки бу тўрт мазҳабдан бошқа мутлақо йўқ бўлиб кетган мазҳабларга кўчиб ўтилади».

Халифа, имом Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу айнан мана шундай кўчиб юришни танқид қилган. Уни имом Доримий «Сунан»ида шундай ривоят қиласиди: «... Ким ўз динини хусумат учун¹²⁸ нишон қилиб олса, кўчиб юриши кўп бўлади».

Имомларнинг мазҳабларини бир-бирига таржих қиласиган бундай кўчиб юрувчи кимсанинг оқибати шундай бўладики, ижтиҳод қилиб, бир йўла тўрт мазҳабдан ҳам, ҳатто қирқта мазҳабдан ҳам чиқиб кетади.

Умар ибн Абдулазизнинг юқоридаги гапини айтишига сабаб имом Молик билан содир бўлган бир ҳолатдир. Уни ҳофиз Ибн Абдулбаррнинг «Ал-Интиқо» китобидан нақл қилиб келтираман: «Маън ибн Ийсо айтади: «Бир куни Молик масжиддан менинг қўлимга таянган ҳолда

¹²⁸ Тортишиш учун мавзу қилиб олса.

қайтаётган эди. Абул Жувайрия деган – у муржиъалардан, деб гумон қилинарди – киши келиб, «Эй Абу Абдуллоҳ, сенга бир нарса айтаман, ҳужжатини келтираман ва у ҳақдаги фикримни айтаман, эшит!» деди.

Молик: «Агар мени енгсанг, нима бўлади?» деди. «Менга эргашасан», деди у.

Молик: «Агар мен сени енгсам-чи?» деган эди, «Мен сенга эргашаман», деди.

Молик: «Агар бошқа бир киши келиб, иккимизни ҳам енгса-чи?» деди. «Иккимиз ҳам унга эргашамиз», деб жавоб қилди.

Шунда Абу Абдуллоҳ – яъни Молик – шундай деди: «Аллоҳ Мұхаммад соллаллоҳу алайхи васалламни бир дин ила юборган, сен эса у ёқдан-буёққа кўчиб юряпсан. Умар ибн Абдулазиз: «Ким ўз динини хусумат учун нишон қилиб олса, кўчиб юриши кўп бўлади», деган».

Шу ўринда сиз «Бу сұхбат фикхнинг биз сўз юритаётган фарълари ҳақида эмас, балки ақийдавий масалалар ҳақида бўлганга ўхшайди, чунки у киши муржиъалиқда гумон қилинган экан», десангиз, мен шундай жавоб бераман:

«Тўғри, лекин кўп ёшларимиз фикҳий масалаларда у фикрдан бу фикрга ўтиб юришни жоиз санаб, кейин ақийдавий масалаларда ҳам худди шундай қила бошлишди. Ўзларига ёққан, муносиб келган фикрларни оладиган, бошқасини ташлайдиган бўлишди».

Улар ўзларини ўнглаб олишлари, йўлларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Чунки бу иш хатарлидир. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анхумо шундай дейди: «Қачон бир кишининг бирор ёмон амал қилаётганини кўрсанг, билгинки, унинг яна бошқа шунаقا ишлари бор. Қачон бир кишининг бирор яхши амал қилаётга-

нини кўрсанг, билгинки, унинг яна бошқа шунаقا амаллари бор». ¹²⁹

Имомларга эргашиш йўлини тарк этиб, далилга эргашишни даъво қиласиганлар, суннатга чақиряпмиз, унга нусрат беряпмиз, деяётганлар ўзлари билмаган ҳолда аввал ҳеч ким айтмаган гапни айтишади.

Бу фикр ўзидан кейингисига муқаддима, даҳлиздир. Имом Молик розияллоҳу анҳу бундай ҳолатларга танбех бериб, шундай деган: «Имомларнинг фикрларини қабул қилинг, улар билан тортишманг. Агар ҳузуримизга келган ҳар бир гапдон кишига эргашаверсак, бориб-бориб Жаброил алайҳиссалом келтирган нарсани ҳам рад этиб қўйишимидан қўрқаман». ¹³⁰

«Абу Ҳанифанинг гапидан ҳукмнинг далилини тушунмадим. Имом Шофеъийникидан эса уни тушундим», деган даъвоингиз бир масалада имом Шофеъийнинг фикрига мухолиф саҳиҳ ҳадис событ бўлган, деб туриб, яна шофеъий мазҳабидаги фикрни тарк этиб, ўзларининг наздида саҳиҳ бўлган ҳадисга амал қиласиганларнинг ишига ўхшайди. Ишларининг оқибатини эса ўзингиз кўрдингиз. Суфён ибн Уяйнадан Аллоҳ рози бўлсин. У киши шундай деган эди: «Фақиҳларга таслим бўлиш динда саломат бўлишдир». ¹³¹

Хурматли ўқувчи, имом Молик, Ибн Уяйна ва Ибн Ваҳбларнинг ҳар бир масалада фақиҳ имомларга мурожаат қилиш зарур экани, йўқса, киши динини хатарга кўйиши мумкинлиги борасидаги фикрлари бир-бирига мувофиқ келганига эътибор беринг!

¹²⁹ «Таҳзибул Камол»даги Урва ибн Зубайрнинг таржимаи ҳолидан.

¹³⁰ Аллома Шаъроний «Мезонул Кубро», 1/51.

¹³¹ Кураший, «Ал-жавоҳир ал-мудијя», 1/453.

Шунинг учун ривоят имомлари фикҳ ва факиҳларнинг қадрини яхши билишар ва ўз шогирдларини уларнинг ҳузурига юборишар, илм мажлисларида иштирок қилишга ундашар эди.

Ибн Абдулбарр муҳаддис имом Алий ибн Жаъдан шундай ривоят қиласи: «Зухайр ибн Муовиянинг ҳузурида эдик. Бир киши келиб қолди. Зухайр унга: «Қаердан келяпсан?» деди. У: «Абу Ҳанифанинг ҳузуридан», деди. Шунда Зухайр: «Абу Ҳанифанинг ҳузурига бир кун боришинг сен учун менинг ҳузуримга бир ой қатнашингдан кўра манфаатлироқдир!» деди».

Зухайр ибн Муовияни ҳофиз Заҳабий: «Ҳофиз, ҳужжат», деб васфлаган ва Шуъайб ибн Ҳарбнинг у ҳақдаги қуйидаги сўзини нақл қилган: «Зухайр менинг наздимда таникли имом Шуъба ибн Ҳажжожга ўхшаганларнинг йигирмагасидан кўра ҳофизроқдир».

«Тазҳиб Тарихи Ибн Асокир»да имом Аҳмад розияллоху анхунинг ўғли Абдуллоҳдан шундай ривоят қилинади: «Ҳадис асҳобларидан бир гуруҳи Абул Осим Набил Заҳҳок ибн Махладнинг ҳузурига келишди. Шунда у: «Фикҳ ўргансанглар бўлмайдими? Орангларда факиҳ йўқми?» деб, уларни мазаммат қила кетди. Улар: «Орамизда бир киши бор», дейишли. «Ким у?» деди Абул Осим. «Ҳозир келиб қолади» деб, отам келгач, «Ана келди», дейишли. Абул Осим отамга разм солиб, «Олдинга ўт» деди. Отам: «Одамларнинг елкасидан хатлаб ўтишни макруҳ деб биламан», деди. Шунда Абул Осим: «Мана бу унинг фикхи», деди. Сўнгра: «Унга йўл очинглар», деди. Улар йўл очишли. Абул Осим отамни олдига ўтириғизиб, ундан бир масалани сўради. Отам жавоб берган эди, иккинчисини сўради. Унга ҳам жавоб берган эди, учинчишини сўради. Унга ҳам жавоб олди. Бир неча масалага жавоб олгач, Абул Осим қойил қолди».

Абул Осимнинг шогирдларини фикҳни ўрганишга ундашини, фикҳ билан шуғулланганларни ҳурмат қилишини кўринг!

У кишининг яна шундай гапи бор: «Ҳадисда дироятсиз – яъни фикҳсиз – етакчилик қилиш арзимас етакчиликдир». ¹³²

«Ҳовий»да имом Суютий раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Салафларимиз: «Фикҳсиз мұхаддис худди табобатдан бехабар дори сотувчига ўхшайди. Дўконида дорилар кўп бўлса-да, уларнинг қай бири нимага даво эканини билмайди. Ҳадиссиз факиҳ эса дориси йўқ табибга ўхшайди. У қайси дори нима дардга даво эканини билади-ю, аммо ўша дорилар ўзида йўқ». ¹³³

Булар биринчи сабабга оид айтмоқчи бўлган гапларимиз эди. Энди иккинчи сабабнинг баёнига ўтамиз.

¹³² «Ал-Мұхаддис ал-Фосил», 253-бет.

¹³³ 2/398.

ИККИНЧИ САБАБ

ҲАДИСИ ШАРИФНИ ТУШУНИШДАГИ ИХТИЛОФЛАРИ

Имомларнинг ҳадиси шарифни тушунишдаги ихтилофлари икки хил асосга кўра бўлиши мумкин:

Биринчиси ақлий идрок ва иқтидорнинг турли-туманлиги сабабли келиб чиқадиган ихтилофdir.

Иккинчиси имомларнинг ҳадисни тушунишдаги ихтилофлари бўлиб, бу бир ҳадиснинг бир неча маънога далолат қилиши сабабли келиб чиқади.

Биринчи сабаб. Ақлий идрок ва иқтидорнинг турли-туманлиги сабабли келиб чиқадиган ихтилофга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунки одамлар ақл, идрок ва иқтидорларининг кучли ёки кучсизлиги жиҳатидан турличадирлар. Бу турлилик гоҳида кишининг табиати ва фитратига боғлиқ бўлиши, гоҳида эса касбий, яъни орттирилган ҳам бўлиши мумкин. Чунки имомлар турли маданият, миллат вакиллари бўладилар. Қиласиган илмий сафарлари, у сафарлар давомида учрашадиган шайх ва устозлари ҳам турли-туман кишилар бўлади. Баъзида бу ҳолат кишининг касби, иш фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, қози лавозимида ишлаган киши одамлар қўллаши мумкин бўлган ҳийлалар, махфий ишлардан яхши хабардор бўлади, тижорат билан шуғулланган қиши эса дунёвий ишларни, олди-сотди масалаларини яхшироқ билади.

Имом Шофеъий розияллоҳу анхуга: «Ақл ҳақида нима дейсиз, у туғма бўладими?» дейишиди. Шунда у киши: «Йўқ, кишилар билан ҳаммажлис бўлиш, улар-

нинг баҳс-манозараларида иштирок этиш орқали ортирилади», деди.¹³⁴

Гоҳида Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг fazли ила айрим кишиларга буларнинг барчасини инъом қилади ва улар ўзларидаги фитрат билан барча ҳолатларнинг мөҳиятини чуқурроқ идрок этадилар.

Авс ибн Ҳужр айтади:¹³⁵

«Алмаъий¹³⁶ сенга гумонни ҳам худди ўзи кўргандек ва эшиттандек айтиб беради».

Ибн Румий айтади: «Алмаъий бир қарашдаёқ ишнинг ғайб ортидаги охирини кўради».¹³⁷

Сўнгра Аллоҳ таоло улар учун касбий сабабларни ҳам ато қилиб, қувватларини янада оширади. Бу аввалда ҳам, ҳозир ҳам кузатиладиган ҳолат.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ушбу fazлни Ислом имомларининг барчаларига истисносиз ато қилган, оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин! Лекин бу уларнинг барчалари тенг савияда бўлишган, дегани эмас. Мана шу жихатдаги тафовут сабабли баъзи ихтилофлар келиб чиққан.

Имом Шофеъий раҳимахуллоҳ «Рисола»нинг бошроғида уламоларнинг суннатни тушуниш борасидаги тафовутлари ҳакида сўз юритган ва биз юқорида айтган фикрни таъкидлаб: «Суннатни тушуниш борасида улар турли даражадалар», деган.

Жалолиддин Суютий раҳимахуллоҳ «Ал-Баҳрулази захор»да шундай дейди: «Ҳадиснинг маъноларини англап, ундан ҳукмлар истинбот қилиш, зоҳирий маъноси

¹³⁴ Абу Нуъайм «Ал-Хиля» 9/121.

¹³⁵ «Ал-Баён ват-Табайон», 4/68.

¹³⁶ Ўта доно киши.

¹³⁷ Абу Аҳмад Аскарий, «Ал-Масуун», 127-бет.

бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳадисларни мувофиқлаштириш, бир қарашда маъноси тушунарсиз бўлганларини изоҳлаш бепоён дengиздир. Уламолар ижтиҳод қилганилари сари ундаги нозик маънолар очилиб бораверади.

Буни баъзи мисоллар билан ёритишга уринаман:

Имом Абу Ҳанифа қироатда ва ҳадис ривоят қилишда машҳур тобеъин Аъмашнинг хузурида эди. Имомдан бир масала ҳақида сўраб: «Бу ҳақда нима дейсиз?» дейишидди. Имом жавоб берди. Шунда Аъмаш: «Буни қаердан олдинг?» деди.

Имом: «Сиз бизга Абу Салиҳдан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда, сиз Абу Воилдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда, сиз Абу Иёсдан, у Абу Масъуд Ансорийдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким бир яхшиликка далолат қилса, унга амал қилганинг ажрича ажр бўлади**», деганлар.

Сиз бизга Абу Салиҳдан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда бир киши у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, уйимда намоз ўқиётган эдим, бир киши кириб қолди. Менга бу ёқди», деди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сенга икки ажр: махфийлик ажри ва ошкоралик ажри!**» дедилар.

Сиз бизга Ҳакамдан, у Абу Мижлаздан, у эса Ҳузайфадан, Ҳузайфа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган...

Сиз бизга Абу Зубайдан, у Жобирдан, Жобир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган...

Сиз бизга Язид Рақошийдан, у Анасадан, Анас эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган...

Шунда Аъмаш: «Етарли, мен сенга юз кунда айтиб берган ҳадисларимни менга бир соатда айтиб бердинг!

Мен сенинг бу ҳадисларга амал килишингни билмабман. Эй фақиҳлар! Сизлар табибсиз, биз эса дорифуруш! Сен эса икки томонни ҳам тутибсан!» деди.¹³⁸

Бу воқеани Ибн Ҳиббон «Сиқот»да асли мисрлик, фақиҳ Алий ибн Маъбад ибн Шаддод Роққийнинг таржимаи ҳолида мухтасар тарзда келтирган.

Шунингдек, Ибн Абдулбарр ҳам «Жомеъ баёнил илм»да, Хатиб «Фақиҳ вал-мутафакқих»да Убайдуллоҳ ибн Амр Роққий Асадийдан ривоят қилишган. У ҳам фақиҳлардан бўлган. У шундай дейди: «Аъмашнинг ҳузурида эдик, у Абу Ҳанифадан бир неча масалаларни сўради. Абу Ҳанифа унга жавоб берди. Аъмаш: «Буни қаердан оляпсан?» деди. Абу Ҳанифа: «Сиз бизга Иброҳимдан шундай ҳадис... айтиб бергансиз, сиз бизга Шаъбийдан бундай ҳадис... айтиб бергансиз», деди. Шунда Аъмаш: «Эй фақиҳлар! Сизлар табибсиз, биз эса дорифуруш!» деди».

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳга: «Фалон, фалон масалаларда нима дейсиз?» деди. Шофеъий унга жавоб берди. Шунда Аҳмад: «Буни қаердан олиб гапиряпсиз? Бу борада ҳадис ёки оят борми?» деди. Аҳмад айтади: «Шунда имом Шофеъий бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўша масалага очиқ-ойдин далолат қиласиган бир ҳадис келтирди».

«Тарихи Бағдод»да имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг таржимаи ҳолида имом Абдуллоҳ ибн Муборакдан шундай ривоят қилинади: «Авзоъийни кўргани

¹³⁸ Аллома Алий Қорийнинг «Ал-Жавоҳир Ал-Мудијя» китобининг охиридаги (2/484) «Имом Абу Ҳанифанинг маноқиблар»идан. Худди шунга ўхшаш ҳолат имом Абу Ҳанифа розияллоҳу анхүнинг соҳиби Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ва Аъмаш розияллоҳу анхулар орасида ҳам бўлиб ўтган.

Аъмаш фақиҳ ва мұхаддисларни нозик васф қиласиган. Сўнг Имом Абу Ҳанифа бу икки жиҳат – табиблик ва дорифурушликни ҳам, яъни фикҳ ва ҳадисни ҳам жамлаганини айтиб, таҳсин айтган.

Шомга бордим. У билан Байрутда учрашдим. У менга: «Эй хурросонлик, Куфадан чиққан, Абу Ҳанифа деган бидъатчи ким?» деди. Кейин уйга қайтдим-да, Абу Ҳанифанинг китобларини олдим. Уч кун давомида улардан энг яхши масалаларни ажратиб олдим. Учинчи куни китобни олиб, Авзоъийнинг ёнига келдим. У масжиднинг муаззини ва имоми эди. Қўлимдаги китобни кўриб: «Бу қандай китоб?» деди. Китобни унга узатдим. «Нуъмон шундай деди», деб ёзиб қўйган масалаларими кўра бошлади. Аzon айтиб бўлиб, тик турганча китобнинг бошини ўқиб чиқди. Кейин китобни кўйнига солди-да, такбир айтиб, намозни ўқиб берди. Кейин китобни олиб, давомини ўқиди-да: «Эй хурросонлик, бу Нуъмон ибн Собит ким ўзи?» деди. «Мен Ироқда кўрган бир шайх», дедим. «У буюк шайхлардан экан, бориб, ундан кўпроқ илм талаб қил!» деди. «Мана шу сиз қайтарган Абу Ҳанифа бўлади», дедим».

Хофизуддин Кардари «Маноқиб»ида ушбу воқеага қўшимча қилиб, Ибн Муборакнинг қуидаги сўзини ривоят қиласи: «Сўнг Авзоъий билан Маккада учрашдик. У Абу Ҳанифадан ўша масалалар ҳақида сўрар, Абу Ҳанифа эса унга мен ёзиб олганимдан-да кенгроқ қилиб тушунтираси эди. Абу Ҳанифа кетгач, Авзоъийга: «Нима дейсан энди бу киши ҳақида?» дедим. «Илмининг мўллиги, ақлининг кўплигига ҳавас килдим. Аллоҳга истифор айтаман, у ҳақда нотўғри фикрда эканман. уни лозим тут, у мен ўйлаганимдек эмас экан», деди».¹³⁹

Ҳадис ва ҳанафий фикҳининг етук имомларидан бири Ийсо ибн Абоннинг таржимаи ҳолида Ҳатиб Бағ-

¹³⁹ «Маноқиб», 45-бет. Бу воқеани шайхимиз, аллома, ҳадис шайхи Мұхаммад Закариё Кандехлавий «Авжазул масолик ила шарҳи Муватто Молик»да ҳам келтирган. 1/88,89.

додий Мұхаммад ибн Самоъадан шундай ривоят қиласы: «Ийсо ибн Абон биз билан бир масжидда намоз ўқир эди. У масжидда имом Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам намоз ўқир ва фикҳ дарслари ўтказар эди. Мен Ийсо ибн Абонни ана шу дарсларга чақирап эдим. У эса: «Улар ҳадисга хилоф қилишади», деб келмас эди. Ийсонинг ўзи эса ҳадисни яхши билар эди. Бир куни -биз билан бомдодни ўқиди. Мұхаммад ибн Ҳасаннинг дарс берадиган куни эди. Мен уни дарсга чақирдим. Мұхаммад дарсни тугатгач, Ийсони унинг ёнига олиб келиб: «Бу котиб биродарингиз Абон ибн Садақанинг ўғли. У ақлли ва ҳадисни яхши билади. Мен уни сизнинг дарсингизга чақирсам, «Ҳадисга хилоф қилишади», деб келмаяпти», дедим. Мұхаммад унинг ёнига келиб: «Эй болам, биз қачон ҳадисга хилоф қилганимизни кўрдинг? Биздан бирон нарса эшитмай туриб, биз ҳақимизда гувоҳлик беришга шошма!» деди. Ўша куни Ийсо имом Мұхаммаддан ҳадиснинг йигирма беш бобидан сўради. Мұхаммад унинг ҳар бирига жавоб бериб, унинг носих ва мансухларини ажратиб, ҳар бирига далил айтди. Имом Мұхаммаднинг хузуридан чиққанда Ийсо ибн Абон менга қаради-да, «Бу киши билан менинг ўртамга парда тушиб қолган экан. Ана энди ўша парда кўтарилди. Аллоҳнинг бандалари ичида бунақаси бор, деб ўйламаган эканман», деди ва Мұхаммад ибн Ҳасанни лозим тутиб, унинг қўлида фақиҳ бўлди».¹⁴⁰

Накл қилинган ушбу хабарларда биз назарда тутган масалага далолат қиласынан ўринлари аниқ ва равшан. Охирги хабар имомларнинг ҳадисни кам-кўп билишда турли савияда бўлганларига оид сабабга очиқ далилдир.

¹⁴⁰ «Тарих Бағдод» 11\158, Бу воқеани ҳофиз Самъоний «Ансоб»да ҳам нақл қилган.

Иккинчи сабаб имомларнинг ҳадисни тушунишдаги ихтилофлари бўлиб, бу бир ҳадиснинг бирдан ортиқ маънога далолат қилиши сабабли келиб чиқади. Бу ҳолат воқеликда кўп кузатилган. Ҳадисни тушунишга оид бундай турли-туман фахмларнинг тўғри бўлиши, эътиборга олиниши учун бир неча шартлар қўйилади:

- араб тили жиҳатидан мақбул бўлиши, араб тилининг меъёрларига мувофиқ келиши ва ортиқча такаллуф бўлмаслиги лозим.
- шариатнинг сабаби бошқа аҳкомларига мухолиф бўлмаслиги лозим.

Мана шу икки шартга батафсилроқ тўхталсак. Биз ҳадисни тушунишдаги ихтилофларининг сабаблари ҳақида сўз юритмоқчи бўлган фикҳ имомлари бу мулоҳазалардан асло ғафлатда бўлмаганлар.

Бирдан ортиқ маънога далолат қилган ҳадис устида баҳс юритаётган имом икки бир-бирига қарама-қарши маънонинг бирини кучайтирувчи омилларни излайди.

Матн бирдан ортиқ маънога далолат қилган ҳолатга бир мисол келтираман.

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳадисда шундай деганлар: «**Икки савдолашувчи ажралмагунлариcha ихтиёридиirlар**».

Уламолар ушбу ҳадисда назарда тутилган ажралиш қандай экани борасида ихтилоф қилишган. Имом Шофеий ва бошқа бир гуруҳ уламолар: «Бу ҳадисда «ажралиш» деганда, жисмоний ажралиш назарда тутилган, шунга биноан, сотувчи ва харидор агар ҳали бир мажлисда, яъни савдо қилинаётган жойда бўлишса, савдони амалга ошириш ёки амалга оширмасликда ихтиёрили бўладилар, агар уларнинг бири бошқасидан бироз узоклашса ва шартно-

ма қилинаётган жойдан чекинса, шартнома вожиб (тугал) бўлади ва уларнинг бири иккинчисининг розилигисиз шартномани буза олмайди», дейишган.

Имом Абу Ҳанифа ва бошқа бир гурӯҳ уламоларнинг мазҳабларига кўра, бу ҳадисда «ажралиш» деганда сўз билан ажралиш назардә тутилган. Шунга биноан, сотувчи ва харидор бевосита савдо молига ёки савдога оид гапни гаплашаётган бўлишса, савдони амалга ошириш ё оширмасликда ихтиёрлидирлар. Агар савдо бўйича келишиб, бир тўхтамга келиб, кейин бошқа мавзуга ўтсалар, савдо вожиб (тугал) бўлади. Уларнинг бирига иккинчисининг розилигисиз шартномани бузиш дуруст бўлмайди.

Ушбу масалада ҳар икки томоннинг ҳам далил ва хужжатлари бор. Мен уларнинг баъзиларини мухтасар тарзда келтираман. Мақсадим бу жиҳатдан келиб чиққан ихтилофнинг сабабини баён қилиш, холос, икки томоннинг далилларини тўлиқ келтириб, мазҳаблар орасида таржиҳ қилиш эмас. Чунки бу мендекларнинг иши эмас.

Имом Шофеъий ва унинг фикрини қўллаб-куватлаганлар фикрларининг тўғрилигини ҳам нақлий, ҳам ақлий жиҳатдан асослаганлар.

Нақлий далиллари ушбу ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг хатти-ҳаракати бўлиб, у киши бирон кишидан нарса сотиб олса, ундан бир неча қадам узоқлашар, агар у одамда яна бошқа иши бўлса, кейин унинг олдига қайтар эди. Бир саҳобийнинг ўзи ривоят қилган ҳадисга оид тушунчаси ва татбиқи бошқаларнинг тушунчасидан кўра тўғрироқ бўлади. Ақлий далиллари эса қўйидагича: ҳадисда: «**Икки савдолашувчи ажралмагуларича ихтиёрлидирлар**», дейилмокда. Икки савдолашувчининг асл ҳолати бир-бирларидан ажралган бўли-

шидир. Масалан: сотувчи ўз дўконида, харидор эса уйида бўлади. Кейин харидор сотувчининг ёнига келиб, савдо жойида бирлашиб, савдо қиласлилар-да, сўнг асл ҳолатларига қайтадилар, яъни ажраладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «...ажралмагунлариcha...» деганда шуни, яъни ҳар бирлари асл ҳолатларига қайтишларини, ўз жойларини эгаллашларини назарда тутганлар. Валлоҳу аълам.

Имом Абу Ҳанифа ва унинг фикрини қўллаб-куватлаганлар ҳам фикрларининг тўғрилигини нақлий ва аклий жиҳатдан асослаганлар.

Нақлий далиллари Аллоҳ азза ва жалланинг «Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Магар ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир».¹⁴¹

Ояти карима шуни ифода қиласлики, шартноманинг вожиб (тугал) бўлишидаги асл ўзаро розилик бўлиб, у розиликнинг асоси ийжоб ва қабул, яъни таклиф ва қабулдир. Бу иккиси эса тугал бўлди.

«...ажралмагунлариcha...» деган ибора ояти каримага муҳолиф келиб қолмаслиги учун бошқа маънода тушунилади. Яъни сўз билан ажралмагунча, деган маънода тушунилади. «Ажралиш» деган сўз бир неча шаръий матнларда жисмонан эмас, балки сўз билан ажралиш маъносида ҳам келган. Масалан:

وَأَعْنَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَنْقَرُوا

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва ажралиб кетманг».¹⁴²

¹⁴¹ Нисо сураси, 29-оят.

¹⁴² Оли Имрон сураси, 103-оят.

وَمَا نَفَرَّقَ اللَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمْ أَتَيْنَاهُمْ الْبَيِّنَاتُ

«Китоб берилгандар уларга «баййина» келганидан сўнггина ажралиб кетишиди».¹⁴³

Ақлий далиллари эса қуидагича: Ҳофиз Ибн Абдулбарр ривоят қилган хабарда Суфён ибн Уйна шундай дейди:¹⁴⁴ «Абу Ҳанифа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига мисоллар келтириб, кейин уни ўз илми¹⁴⁵ билан рад этади. Унга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Икки савдолашувчи ажралмагунларича ихтиёрилдирилар» деган ҳадисларини айтиб берсам, у: «Агар савдо қилувчилар бир кемада бўлсалар, айт-чи, улар қандай ажраладилар?» деди. Бундан ҳам ёмонроқ бўладими?»¹⁴⁶

Абу Ҳанифанинг бу жавоби ўта нозик жавоб бўлиб, мақсадни қисқа қилиб ифода этишдир. У киши шундай демоқчи: «Ажралиш деганда жисмоний ажралиш назарда тутилса, шундай ҳолатлар борки, унда жисмоний ажралиш имконсиз бўлиб қолади. Масалан, савдо қилувчилар денгиз ўргасида бир кичик кемада бўлсалар, бири бошқасидан узоқлаша олмайди. Бу эса мураккаб натижа – улар

¹⁴³ Баййина сураси, 4-оят.

¹⁴⁴ «Ал-Интиқо», 276 бет. «Ал-Жавҳарун-нақий», 5/272.

¹⁴⁵ «Ал-Интиқо»нинг мендаги нусхасида шундай дейилган. Эҳтимол, асли «ақли билан»дир.

¹⁴⁶ Бу Суфён ибн Уйна розияллоҳу анхунинг Абу Ҳанифа розияллоҳу анху ҳақидаги дастлабки фикри бўлса керак. Чунки кейинроқ у киши Абу Ҳанифа ҳақида яхши фикрда бўлган. Бунга «Ал-Жавоҳир ал-Мудиъ»даги (1/453) қуидаги ривоят далолат қиласи: «Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг шогирдларидан бири Бишр ибн Валид Киндийдан ривоят қилинади: «Биз Ибн Уйянанинг ҳузурида ўтирас эдик. Бирон мушкул масала чикиб қолса, Ибн Уйна: «Абу Ҳанифанинг соҳибларидан бирор киши борми?» дер эди. «Бишр», дейишарди. Кейин у: «Бу масалага жавоб бер!» дер, жавоб берсам, «Фақиҳларга таслим бўлиш динда саломатликдир!» дер эди».

кемада қанча қолишиса, шартнома ҳам шунча муддат бөләнмай, амал қылмай, якунига етмай тураверади».

Ушбу мисол Сүфён ибн Уяйна розияллоху анхунинг тушунчасига мухолиф келгани учун имом Абу Ҳанифа розияллоху анхуниң ақл билан ҳадисга хилоф қилди, деб ўйлаган. Аслида эса ундей эмас.¹⁴⁷

Ушбу мисол бир матннинг икки маънога далолат қилиши мумкинлигига ҳам, шунингдек, биринчи масала – кишиларнинг табиий, ақлий истеъдоллари турлича эканига ҳам мисол бўла олади. Валлоху аълам!

Мен ушбу бош сабаб – ҳадисдаги ихтилофларига кўп мисол келтирмай, бошқа бир муҳим масалага ишора қилимоқчиман. Китоб ва суннатдан истинбот қилинган ушбу шаръий аҳкомларнинг барчаси диндир, улар Китоб ва суннатдан олинган бўлиб, ундан айро эмас. Китоб ва суннат Исломнинг икки асосий масдари бўлганидек, улардан истинбот қилинган фикҳ ҳам мавқе жиҳатидан Китоб ва суннатта тобе бўлади, улардан ажралмайди.

Суютий «Итқон»да Куръондан истинбот қилинган илмлар ҳақидаги олтмиш бешинчи навнинг аввалида шундай дейди: «Имом Шофеъий розияллоху анху шундай дейди: «Уммат айтган барча нарсалар суннатнинг шарҳидир. Суннатнинг барчаси эса Куръоннинг шарҳидир».¹⁴⁸

Шофеъий яна шундай дейди: «Кишида динга оид бирон савол туғилса, албатта, Аллохнинг Китобида унга ишора қилувчи бир далил бўлади». Маълумки, у

¹⁴⁷ Ибн Абдулбарр «Ал-Интиқо»да шундай дейди: «Абу Ҳанифа ва у зотнинг асхобларини кўрган ҳофиз, имом Фазл ибн Мусо Сийонийдан: «Абу Ҳанифага таъна қиласиганлар ҳақида нима дейсан?» деб сўрашди. Шунда у: «Абу Ҳанифа илмдан уларнинг ақллари етганини ҳам, етмаганини ҳам келтирди. Улар учун ҳеч нарса қолдирмади. Шунинг учун унга ҳасад қилишибди!» деб жавоб берди».

¹⁴⁸ «Итқон» 4/24,25.

далил истинбот йўли билангина аниқланади. Шунга кўра, истинбот қилинган нарса нимадан истинбот қилинган бўлса, ўшанга мансуб бўлади. Модомики истинбот саҳих, тўғри қилинган бўлса!

Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ «Сунан»да Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумонинг қуидаги ҳадисини ривоят қилади: «Илм уч турлидир, ундан бошқаси фазл, муҳкам оят, амал қилиб келинган суннат ёхуд одил фариза».

Имом Хаттобий раҳимаҳуллоҳ «одил фариза»нинг шарҳида шундай дейди: «Буни икки хил таъвил қилиш мумкин:

Биринчиси: тақсимотдаги адолат бўлиши мумкин. Бунга кўра улушлар Китоб ва суннатда кўрсатилган асосга кўра тақсимланади;

Иккинчиси: Китоб ва суннатдан ёки уларнинг маъноларидан истинбот қилинган бўлиши мумкин. Бунга кўра, бу фариза Китоб ва суннатдан олинган нарсаларга тенг бўлади ҳамда Китоб ва суннатдан олинган нарсанинг маъносида бўлади.

Имом Шотибий ушбу маънони мисол билан тасдиқлаб, «Мувофақот»да шундай дейди: «Суннат орқали айтилган нарсалар Китобда ирова қилинганинг айни ўзидир. Суннат Китобга нисбатан унинг тафсири, ундаги аҳкомларнинг маъноларига шарҳ ўрнидадир. Бунга Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзи далолат қилади:

 لَتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نَزَّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَنفَكِّرُونَ

«...одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун...»¹⁴⁹

¹⁴⁹ Нахҷ сураси, 44-оят.

Аллоҳ таолонинг

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوهُ أَيْدِيهِمَا جَزَاءً بِمَا كَسَبَا
 نَكَلًا مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

٣٨

«Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу Аллоҳ томонидан иқоб ўлароқ, қилган қилмишларига яраша жазодир. Аллоҳ азиздир, ҳакимдир»¹⁵⁰ деган қавлидаги «кесиш» билакдан кесишдир. Оятда назарда тутилган айни маъно ўғирланган нарсанинг қиймати бир нисоб ёки ундан ортиқ бўлиши, ҳимояланган нарса бўлишидир. Бу хукмларни Суннатнинг ўзи Китобсиз событ қилган, дейилмайди.

Худди шунингдек, бизга имом Молик ёки муфасирлардан биронтаси бирор оят ёки ҳадиснинг маъносини баён қилиб берса ва биз унга амал қилсак, «Биз Аллоҳнинг сўзига ёки Расулуллоҳнинг сўзларига амал қилдик», деймиз. «Фалончи муфассирнинг сўзига амал қилдик», дея олмаймиз.

Бу борадаги хукмни умумлаштириб, аллома, ўз асидаги факихларнинг шайхи Мұхаммад Бахят Мутиъий раҳимахуллоҳ ўзининг «Аҳсанул қалом фимаяталлақу биссуннати вал бидъати минал аҳком» рисоласида шундай дейди: «Тўрт далил – Китоб, Суннат, Ижмо ва Қиёс – дан сахих важҳ билан очик-ойдин ёки ижтиҳод йўлига кўра олинган ҳар бир хукм Аллоҳнинг хукми ва шариатидир, Аллоҳ эргашишга буюрган Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятидир. Чунки ҳар бир мужтаҳиднинг фикри – модомики маз-

¹⁵⁰ Моида сураси, 38-оят.

кур тўрт далилнинг биридан олинган бўлса – ўзи учун ва унга эргашган ҳар бир киши учун Аллоҳнинг шариатидир».

Бироз тааммул қилиб кўрсак, бунга саййидимиз Алий каррамаллоҳу важҳаҳунинг имом Бухорийнинг «Саҳих»ида бир неча ўринларда ривоят қилган сўзи ҳам далолат қиласи. Бу ривоятларнинг биринчиси «Илм китоби»да, «Илмни ёзиш» бобида келган. Бухорий Абу Жұхайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Алийга: «Сизларда бирор китоб борми?» дедим. У: «Йўқ, фақат Аллоҳнинг Китоби ёки мусулмон кишига ато этилган фахм, ёхуд ушбу саҳифадаги нарса...» деди».

Ибн Мунаййир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Фаҳм деганда фикҳ, истинбот ва таъвилни назарда туттган». Ҳофиз «Фатҳ»да айтади: «Фаҳм дегандан Китобдаги нарсага зиёда қилиш имконини сабит қилиш назарда тутилган. Ундан бирон ёзилган нарса назарда тутилмаган».

Имом Шотибий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Муфтий уммат ичида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақомлари дадир. Бунинг далили қуидагилар:

Биринчиси: ҳадисда

«إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَبِّهَا الْأَنْبِيَاءِ...»

«Албатта, уламолар анбиёларнинг меросхўри-дир...» дейилган.

Иккинчиси: муфтий ҳукмларни етказишда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ноибидир.

Учинчиси: муфтий бир жиҳатдан шариатни жорий қилувчи ҳамдир. Чунки у шариатдан етказаётган нарсаси ё шариат соҳибининг ўзидан нақл қилинган бўлиши, ёки нақл қилинган нарсадан истинбот қилинган бўлиши

мумкин. Бириңчи ҳолатда у етказувчи бўлади. Иккинчи ҳолатда эса ҳукм жорий қилишда у зотнинг ўринbosарлари ҳисобланади. Чунки ҳукм жорий қилиш фақат шариат соҳибининг вазифасидир. Агар мужтаҳидга ўз фикри ва ижтиҳоди билан ҳукмлар жорий қилиш жоиз бўлса, бу жиҳатдан у шариатни жорий қилувчи ҳисобланаб, унга эргапиш ва айтган гапига кўра амал қилиш вожиб бўлади. Мана шу айни ўринbosарликдир.

Демак, муфтий худди Набий каби Аллоҳдан хабар етказувчи, Набий каби ўз қарашига кўра шариатнинг ҳукмларини турли ҳолатларга татбиқ қилувчи, Набий каби уммат ичидаги буйруғига бўйсуниладиган шахсдир. Шунинг учун муфтийларни улул-амр (иш эгалари, иш-бошилар) дейишган.

Салафларимиздан имом Абдуллоҳ ибн Муборак ушбу маънога ишора қилиб, шундай дейди: «Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг фикри деманглар, балки ҳадиснинг тафсири, денглар». ¹⁵¹

Имом Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ мазкур маънони бундан-да равшанроқ баён қилиб, шундай дейди: «Мужтаҳидлар истинбот қилган барча нарсалар, гарчи авом уларнинг далилини билмаса-да, шариатдан деб ҳисобланади. Ким буни инкор қилса, имомларни хато қилганинг тафсири ва Аллоҳ уларга изн бермаган ишни қилишда айблаган бўлади. Бундай дейиш эса залолатдир». ¹⁵²

Буни аллома, шайх Зафар Аҳмад Усмоний Тахонавий раҳимаҳуллоҳ ҳам нақл қилиб, унга қуидагича кўшимча қилган: «Бу қиёсни тан олмайдиган зоҳирийнинг гапи! Лекин унинг мужтаҳид имомларга, Аллоҳ-

¹⁵¹ Ибн Абул Авом, «Маноқибул имом ва асҳабих», 101-бет.

¹⁵² Аллома Шаъроний, «Мезонул Кубро» 1/16.

нинг шариатига омонотдор кишиларга нисбатан одобига қаранг! Бу гапларни «Мұхалло»ни ёзгандан кейин айттан бўлса керак». ¹⁵³

Мұхтарам ўқувчи, Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳнинг «... гарчи авом уларнинг далилини билмаса-да» деган гапига эътибор қилинг. «Авом» сўзини у усул уламоларининг истилоҳига кўра ишлатган. Улар «оми», «авом» деганда мужтаҳид бўлмаган одамни назарда тутишади. Ҳозирда бизнинг истеъмолимиздаги толиби илм бўлмаган киши назарда тутилмаган.

Шунга биноан Ибн Ҳазмнинг мақсади шуки, фақиҳ имомларнинг фикҳи шариатдан саналади. Биз уларнинг далилларини билишимиз, унга воқиф бўлишимиз шарт эмас. Баъзида фаҳмимизга оғир келгани учун ёки бизгача мутлақо етиб келмаган бўлгани учун биз уларни билмаслигимиз мумкин. Валлоҳу аълам.

Фақиҳлар – Абу Ҳанифа ва Исломнинг бошқа имомларининг бир неча ўн минглаб масалалардаги фикҳи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларининг тафсиридир. Улар Исломга четдан кириб қолган эмас, шариатнинг асл манбаига таянмаган ҳолда ўз ақлларидан ўйлаб топган фикрлари ҳам эмас.

Биз «Абу Ҳанифанинг фикҳи», «Шофеъийнинг фикҳи», деганимиз Абу Ҳанифанинг тушунчаси, Шофеъийнинг тушунчаси, деганидир. Савол туғилади: «Нимага оид тушунчалари?» Бу фақат Аллоҳ азза ва жалланинг Китобига оид, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига оид тушунчаларидир. Зотан, фикҳ – тушуниш, демакдир.

¹⁵³ «Инжоул ватан», 53-бет. Кейинчалик бу китоб «Абу Ҳанифата ва асҳабуҳул мұхаддисун» номи билан чиқкан.

Шу ўринда одамлар орасида кенг тарқалған бир хатони күрамиз. У хато шуки, баъзилар ўзининг фикҳи, тушунчасини ва одамларга тақдим этаёттган илмини «Суннат фикҳи», «Китоб ва суннат фикҳи» деб номлады. «Суннат фикҳи», «Китоб ва суннат фикҳи» деганда Китоб ва суннатни тушуниш назарда тутилади. Улар тақдим этаёттган фикҳ кимнинг фикҳи, кимнинг тушунчаси? Аслида бу Зайд ёки Амр каби нотаниш одамларнинг фикҳи бўлиб, улар уни «Китоб ва суннат фикҳи» деб номлаб олиб, одамларга ўзларини диннинг асл манбасини тақдим этаёттандек қилиб кўрсатишади ва одамларни Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий ва Аҳмад розияллоҳу анхуларнинг фикҳидан йироклаштириб, «Ҳой одамлар, сизлар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фикҳини истайсизларми ё Абу Ҳанифа, Шофеъийларнинг фикҳиними?» дейишади.

Уларнинг ичида ҳатто ўзининг ҳаммажисларига имом бўлиб намоз ўқиб бериш учун олдинга ўтиб, «Сизларга Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб беришимни истайсизми ёки Абу Ҳанифанинг намозиними?» деганлари ҳам бор. Бу қандай юзсизлик?!

Улар ўз тушунчаларини Китоб ва Суннатга нисбат бериб, Абу Ҳанифанинг фикҳини Китоб ва Суннатга эмас, балки Абу Ҳанифанинг ўзига, Шофеъийнинг фикҳини Шофеъийнинг ўзига нисбат беришди. Аслида Китоб ва Суннатнинг шарҳи бўлган фикрни Китоб ва Суннатдан бегонага чиқаришди-да, одамларга шундай тушунча тақдим этишдики, бу тушунчанинг тўғри жойи мазкур уламоларнинг дастурхонидаги бир увокдир, хато жойлари эса буларнинг ўзларидан содир бўлган хатодир.

Уларнинг сўзларига алданганларнинг алданиш сабаби – ўз замонларида суннат илми, ривоят, таҳаммул,

шарҳ ва таъриф жиҳатидан кенг тарқалган, динда, тақвода, парҳезкорликда, илм ва фаҳмда етакчи бўлган имомларнинг фикхидан бехабарликлариdir.

Исломий илмларни ҳар тарафдан қамраб олган уларнинг даврларидағи қайноқ илмий мухит ҳозирги куни мизда йўқ. Ҳатто ўзини юқори олиб, ўзини олим деб кўрсатиб, ижтиҳодни даъво қиласиганларнинг ёзаётган нарсаларида ҳали араб тилини дуруст ўзлаштирганларини кўрасиз. Яна баъзилари Аллоҳ таолонинг ҳакқида қандай қўпол хато қилаётганини билмай, ўзини илмли, шариатга таслим бўлувчи қилиб кўрсатиб, «Маъсумлик Аллоҳга», дейишади. Аллоҳ азза ва жаллани ким маъсум қиласи? Нимадан маъсум қиласи? Бу борада бирон далил борми? Агар бунинг маъносини тушунмаса, оғир мусибат-ку! Агар маъносини билатуриб айтаётган бўлса, динни янгилашни даъво қилишдан олдин иймонини янгилаб олиши лозим бўлади.

Иккинчи сабаб ҳақидаги гапимни тугаллашдан олдин бироз аввалроқ айтган нарсаларимдан баъзи ҳолатларни истисно қилишим лозим. Китоб ва Суннатдан – ижмоъ ва сахиҳ қиёсдан ҳам – истинбот қилинган нарсалар диндандир, уларни истинбот қилинган манбаларидан ажратиш жоиз эмас. Лекин уламоларнинг ғариб фикрлари, рухсатлари ва шозз қарашларини истисно қилиш лозим.

Имом Байҳакий «Сунани Кубро»да имом Авзоъийдан ривоят қиласи: «Ким уламоларнинг фақат ғариб фикрларини олса, Исломдан чиқибди».

Бағавий «Жаъдиёт»да, Ибн Абдулбарр «Жомиъу баёнил илм»да обид, хужжат Сулаймон Таймийнинг шундай деганини ривоят қиласи: «Агар ҳар бир олим айтган рухсатларни олсанг, сенда ёмонликларнинг барчаси жам бўлади». Ибн Абдулбарр бунга: «Бу гап иж-

моъ бўлиб, унга хилоф қилғанларни билмайман», деб кўшимча қилган. Ибн Ражаб «Шарху илали Термизий»-да имом Моликнинг шайхларидан бири Иброҳим ибн Абу Абланинг шундай деганини ривоят қиласди: «Ким уламоларнинг шозз фикрларини йифса, кўп ёмонликларни тўплаган бўлади. Муовия ибн Курра: «Илмнинг шоззларидан сақланинг!» деган».

Аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳ «Зуюл тазкиротил хуффоз»га ёзган таълиқларида Ибн Абу Абланинг бу гапини куйидагича накл қилган: «Ким уламоларнинг шозз фикрларига эргашса, адашади».

Байҳакий «Сунан»да моликийларнинг Ироқдаги имоми қози Исмоил ибн Исҳоқ раҳимаҳумаллоҳдан ривоят қиласди: «Мўътазиднинг хузурига кирдим. Менга бир китоб берди. Қарасам, унда уламоларнинг хато, янглиш фикрлари ва ҳужжатлари тўпланган экан. «Эй мўминлар амири! Бу китобнинг мусаннифи зиндик!» дедим. Шунда Мўътазид: «Бу ҳадислар саҳиҳ эмасми?» деди. Мен: «Ҳадислар ривоят қилинганидек. Лекин маст қилувчини – набизни – мубоҳ деган киши мутъани ҳаром деган. Мутъани мубоҳ деган киши қўшиқ ва маст қилувчи нарсани мубоҳ демаган. Ҳар бир олимнинг хато ва камчилиги бор. Ким уламоларнинг хатоси, тойилишларини жамлаб, амал қилса, дини кетади!» дедим. Кейин Мўътазид китобни ёқтириб юборди».

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ «Илал» китобида Мұхаммад ибн Яҳё Қаттоннинг шундай деганини ривоят қиласди: «Киши ҳадисларда келган барча рухсатларга эргашаверса, фосиқ бўлиб қолади».

«Мусаввада»да шайх Тақийюддин раҳимаҳуллоҳнинг куйидаги гапи бор: «Абдуллоҳ ибн Аҳмад отасидан шундай ривоят қиласди: «Яҳё Қаттоннинг шундай

деганини эшитдим: «Агар киши Мадина аҳлиниңг кўшиқ эшитишга, Кўфа аҳлиниңг набиз ичишга, Макка аҳлиниңг мутъанинг жоизлигига оид барча рухсатларга амал қиласа, фосиқ бўлиб қолади».

Бу гапнинг асли Яҳё Қаттонга тегишлими ёки ўғли Мұҳаммадга? Менимча, Яҳёга тегишли бўлса керак.

Ҳофиз «Ат-талхисул ҳабир»да шундай дейди: «Абдурраззок Маъмарнинг шундай дегани ривоят қилинган: «Агар киши қўшиқ эшитиш ва аёлларнинг орқасига яқинлик қилиш борасидаги Мадина аҳлиниңг гапини олса, мутъа ва сарф борасида Макка аҳлиниңг гапини олса, маст қилувчи ичимлик борасида Куфа аҳлиниңг гапини олса, Аллоҳнинг бандаларининг энг ёмони бўлади».

Имом Ҳоким «Маърифату улумил ҳадис»да имом Авзоъийдан ривоят қилиб: «Ироқ аҳлиниңг гапларидан бештаси, Ҳижоз аҳлиниңг гапларидан ҳам бештаси тарк қилинади...» деб, уларни зикр қилган.

Абу Бакр Ожуррий «Нарда, шатранж ва кўнгилочар нарсалар» китобида шундай деган: «Агар киши шатранж ўйнашга рухсат борлигига ҳужжат келтириб: «Бу ўйинни баъзи аҳли илм деб ишора қилинган кишилар ҳам ўйнаган-ку» деса, унга шундай дейилади: «Бундай ҳужжат келтириш илмни тарк қилиб, ҳавою нафсиға эргашган кишининг гапидир. Агар ана шу ишора қилинганлар тойилган бўлишса, тойилган ишларига эргашиб лозим бўлмайди. Биз ундан қайтарилганимиз. Уламоларнинг тойилишларидан эҳтиёт бўлиш лозим».

Сўнг Абу Бакр Ожуррий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг шундай деганини ривоят қилади: «Уч нарса адаштирувчидир: Залолатга етакловчи имомлар; Куръон билан тортишадиган мунофиқ; Олимнинг тойилиши».

Калом, ҳадис ва фикҳ илмларида имом бўлган Абу Алий Каробийсий баъзи салафларнинг шозз гапларини ҳикоя қила туриб, шундай деган: «Агар бирор кипши: «Булар илм аҳллари-ку», деса, унга: «Исломни мингта жоҳилнинг тойилиши буза олмайди, аммо уни битта олимнинг тойилиши ҳам бузиши мумкин», дейилади».¹⁵⁴

Аллоҳга қасамки, Каробийсий тўғри ва яхши гапни айтган. Лекин ўша тойилиш жоҳиллик ва аҳмоқлик билан қувватлантирилса, ҳатто уни омма кўз ўнгидა ҳақ дея гавдалантирилса, хато ва ботил бўлади. Аммо унга эътибор берилмаса ёки рад қилинса, зарари йўқ.

Ибн Абдулбарр «Жомеъ»да шундай дейди: «Ҳакимлар олимнинг тойилишини кеманинг дарз кетишига қиёслашади. Кема чўкса, у билан жуда кўпчилик чўкиб кетади».

Агар сиз: «Бирон гапнинг тойилиш ёки хато эканинг аломати нима?» десангиз, мен шундай дейман: «Абу Довуд ва бошқалар Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анхунинг бир гапини ривоят қилишган – у ҳақ ва ҳикматли гапдир:

«Тобеъинларнинг улуғларидан ва Муъознинг хос шогирдларидан бири Язид ибн Амира айтади: «Муъоз ҳар бир зикр мажлисида: «Аллоҳ одил ҳакамдир», дер эди. Бир куни у шундай деди: «Сиздан кейин фитналар келади. Унда мол кўпаяди, Куръон очилади. Ҳатто ундан мўмин ҳам, мунофиқ ҳам, хур ҳам, қул ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам, катта ҳам, кичик ҳам ола-веради. Киши «Одамларга нима бўлган, мен Куръон ўқисам ҳам, менга эргашибрайди? Аллоҳга қасамки, уларга бундан бошқа бирон янгилик қилиб беришим керак», дейишгача боради. Унинг янгидан ўйлаб топган нарсасидан эҳтиёт бўлинг! Чунки ҳар бир бидъат

¹⁵⁴ «Тобақотуш-шофеъийятил кубро» 2/125.

залолатдир. Ҳакимнинг тойилишидан ҳазир бўлинг. Зотан, шайтон залолатни ҳакимнинг оғзидан гапириши мумкин. Баъзан эса мунофиқнинг гапи ҳам ҳақ бўлиши мумкин».

Язид ибн Амира айтади: «Унга: «Аллоҳ сизга Ўз раҳматини ёғдирсинг, ҳаким залолатни, мунофиқ эса ҳақни гапираётганини қандай биламан?» дедим.

Муъоз шундай деди: «Ҳакимнинг эшитганингда «Бу нима?» деб ҳайрон бўладиган гапларидан эҳтиёт бўл, лекин унинг бундай гаплари сени ундан асло узоқлаштирмасин. Чунки у бир карра ортга қайтиб, ҳақни айтиши мумкин. Билки, ҳақнинг нури бўлади».

Байҳакий айтади: «Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу ҳакимнинг тойилиши ундан юз ўгиришни тақозо қилмаслигини, балки нури бўлмаган сўзларинигина тарк қилиш лозим эканини айтмоқда. «Ҳақнинг нури бўлади», дегани унинг Китоб ё суннат, ёки ижмоъ, ёхуд қиёсда унга далолат қилувчи нарса бўлади, деганидир. Валлоҳу аълам».

Муъоз розияллоҳу анҳу ўз сўзида икки тоифа – Исломдан чиқиб кетадиган, Исломга мутлақ зид бўлган фикрларни илгари сурадиган тоифа ҳамда иймон ва ҳикмат устида бўлган солиҳ тоифа ҳакида тўхталиб, у тоифада баъзан тойилиш ва англашилмовчиликлар бўлиши мумкинлигини, киши ушбу ҳолатда бу икки тоифани бир деб билмаслигини, балки ҳидоят ва хайр узра бўлган тоифани лозим тутиши ва ундаги шозз фикрлар ва англашилмовчиликлардан ўзини узоқ тутмоғи лозимлигини таъкидламоқда.

Шунингдек, бизга тойилишларнинг аломати ҳакида ҳам хабар бериб, унинг лойқа, хира бўлишига, унда ҳақнинг мусаффолиги, шаффофлиги кўринмаслигига ишора қилиб, уни «шубҳали нарсалар» деб номламоқда

ва сиз уни эшитиб ёки күрибок, «Бу нима?» деб унинг ҳақлигини фитратингиз ила инкор қиласиз, демокда». ¹⁵⁵

Мусаффи ҳақнинг нури ва уни кувватлайдиган далили ҳам бўлади, валлоҳу аълам!

Имом Шамсиддин Абу Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳнинг «Иъломул мувакқиъин»да¹⁵⁶ айнан шу мавзуга алоқадор ажойиб гапи бор. Унда уламоларнинг янгилиш фикрларидан сақланиш ҳақида сўз юритган. Ушбу ўринда унинг аввалини нақл қиласман. Унда имомларнинг йўлини лозим тутиш билан уларнинг олинмайдиган сўзларидан эҳтиёт бўлиш ҳақида гапириб, шундай дейди: «Икки нарсани эътиборга олиш лозим. Унинг бири иккинчисидан улуғроқ. Бири: Аллоҳ учун, Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам учун, Китоби ва дини учун насиҳат, Аллоҳ Ўз Расулини ҳидоят ва очик-оидин далиллар ила юборган динни унга зид ва ботил фикрлардан поклаш; Иккинчиси: Ислом имомларининг fazli, қадri, ҳуқуқ ва мартабаларини билиш, шунингдек, уларнинг фазллари, илмлари ва Аллоҳ учун ҳамда Унинг Расули учун насиҳат қилишлари ҳар бир айтган гапларини олаверишни тақозо қиласлигини англаб этиш. Улар ҳам айрим масалаларга ўз илмларига таяниб фикр билдирган ёки фатво берган бўлсалар, фикр ва фатволари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига мухолиф бўлиб қолган бўлса, бу уларнинг сўзларини мутлақ ташлашни, уларга таъна қилишни тақозо қиласмайди. Бу икки ҳолат ҳам мақсаддан четлашишдир. Уларни гуноҳкор ҳам санамаймиз, маъ-

¹⁵⁵ Бунга Ибн Абдулбаррнинг «Жомеъ»сидаги (2/111) ривоят ҳам далолат қиласи: «Улар: «Ҳакимнинг тойилиши қандай бўлади?» дейишиди. «У шундай сўзки, сизларни ҳайрон қолдиради, уни (фитратингиз ила) инкор қиласиз ва «Бу нима?» дейсиз», деди».

¹⁵⁶ 3/294

сум ҳам демаймиз! Балки уларнинг йўлларидан, улардан олдинги саҳобаларнинг йўлларидан юрамиз. Улар саҳобалардан қабул қилиб олган йўлдан биз ҳам юрамиз. Аллоҳ қалбини Исломга очиб қўйган киши учун бу икки иш орасида ўзаро қарама-қаршилик йўқ. Бундай қарама-қаршилик имомларнинг қадрини, фазлини билмаган киши учун ёки Аллоҳ Ўз Пайғамбари орқали юборган шариатнинг моҳиятини билмаган киши учунгина бўлиши мумкин. Шариатни ва воқеликни яхши тушунгган киши аниқ биладики, Исломда солиҳ қадами ва ўзига хос ўрни бўлган киши ҳам хатога йўл қўйиши мумкин ва у бунда узрли бўлади, ҳатто ижтиҳоди учун ажр ҳам олади. Лекин ўша хатода унга эргашилмайди ва бу унинг қадрини туширмайди, имомлигига путур етказмайди ва мусулмонларнинг қалбларидағи унга нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиромга зарар етказмайди».

Дунёсини дини ҳисобига ислоҳ қиласидиган, шозз фикрларни илгари сурадиганлар уламоларимизнинг айтган сўзлари Китоб ва Суннатдан олингани, унинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти борлигини ҳужжат қилиб олмасликлари учун баъзи уламолардан шозз фикр ва тойилишлар содир бўлганини, ундай фикрларни олиш ва эргашиш жоиз эмаслигини бироз ба-тафсилроқ ёритдим.

Аллоҳ Ўз изни ила ҳаққа бошлагувчиидир.

Имом Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳнинг қуидаги сўзини ҳам шунга кўра изоҳласак бўлади. Имом айтиди: «Бир киши ихтилоғли масалада бир фикрни ихтиёр қилиб, унга амал қилаётган бўлса, сен эса бошқа фикрни тўғри деб билсанг, уни қайтарма!»

Яъни ўша масаладаги ихтилоғ мўътабар, мумкин ихтилоғ бўлса. Уламолар орасида қуидаги гап машхур:

فَلَيْسَ كُلُّ خِلَافٍ جَاءَ مُعْتَبِرًا *** إِلَّا خِلَافٌ لَهُ حَظٌ مِنَ النَّظرِ

Хар бир келган ихтилоф ҳам мүттабар бўлавермайди!
Магар эътиборга лойик насибаси боригина мустасно.

Аммо нодир ва шозз хилофларни индамай ташлаб қўйиб бўлмайди. Ибн Ҳазм «Ал-Иҳкам» китобида нодир ва шозз қавлларга бир неча мисоллар келтирган, гарчи уларни ихтилофни раҳмат деб биладиганларга раддия ўлароқ айтган бўлса ҳам.

Шунинг учун бундай хилофнинг ва уни қилувчининг хатосини баён қилиш вожиб бўлиб, бу Аллоҳ учун, Унинг Китоби учун, Расули ва омма мусулмонлар учун насиҳат қилиш ҳисобланади.

Ибн Ражаб Ҳанбалий раҳимаҳуллоҳ ўзининг муборак ва фойдали китоби – «Жомеъул улуми вал-ҳикам»да шундай дейди: «Аллоҳ таоло учун, Унинг Китоби ва Расули учун насиҳат қилишнинг яна бир тури – бу уламоларгагина хос¹⁵⁷ – залолатта етакловчи фикрларни Китоб ва Суннат билан рад этиш, Китоб ва Суннат ундей фикрларга асло далолат қилмаслигини баён қилиш, шунингдек, уламоларнинг тойилишиларидан бўлган заиф фикрларни рад этиш, Китоб ва Суннат уларни рад этишга далолат қилишини баён қилиш ҳам шунинг жумласидандир».

¹⁵⁷ «Бу уламоларгагина хос» деган қайднинг нақадар муҳим эканига эътибор қаратинг. Демак, ҳақни ва маъруфни баён қилиш, мункардан ва залолатта етакловчи фикрлардан огоҳлантириш уламоларнинг вазифаси. Улардан бошқалар бу мақомга интилишлари жоиз эмас. Афсуски, ўзини Аллоҳнинг дини ва шариатига васий қилиб олган баъзи кимсалар кўпайиб кетди. Бу масалада одамлар орасида кенг ёйилган жатолардан бири «Исломда дин кишилари, руҳонийлар деган тушунча йўқ», деб «ҳар бир мусулмон дин масаласида гапириш хукукига эга», деган фикрни илгари сурадилар. Бунинг асли тўғри, лекин нотўғри талқин қилинмоқда.

Ибн Ражаб яна шундай дейди: «Рад этиш вожиб бўлган мункар ижмоъ қилинган мункардир. Ихтилоф қилинган масалада асҳобларимизнинг баъзилари: «Ижтиҳод қилиб ёки бирон мужтаҳидга мумкин бўлган тарзда тақлид қилиб амал қилаётган кишини қайтариш вожиб эмас», дейишган. Қози Абу Яъло «Аҳкомус-Султония»да мункар эканига иттифоқ қилинган ишга йўл очиб берувчи заиф хилофни бундан истисно қилган. Бу рибо ёки зинога баҳона бўлувчи мутъа никоҳи кабилардир. Имом Аҳмаддан шаҳмат ўйнайдиган кишини қайтариш лозимлиги нақл қилинган. Қози буни ижтиҳодсиз ёки тақлидсиз ўйнаган кишига тааллуқли, деган.

Шариат кўрсатмалари рад этишга далолат қилган заиф хилофлар ҳам уламоларнинг шозз ва нодир фикрлари ҳисобланади, валлоҳу аъلام!

Аллоҳдан бизни тўғри йўлга ҳидоят қилишини, сўзларимиз ва амалларимиз тўғри бўлишини сўраймиз!

УЧИНЧИ САБАБ

ИМОМЛАРНИНГ ЗОХИРИ БИР-БИРИГА ҚАРАМА-ҚАРШИ БҮЛГАН СУННАТГА НИСБАТАН ТУТГАН ЙЎЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ

Бу сабаб фақиҳ имомлар ихтилофининг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда икки буюк илм – ҳадис илми ва усулул-фикҳ илмидан истифода олиш мумкин.

Ҳадис илмидан олинадиган истифода бир масалага оид барча ҳадислар, масалага узоқ ёки яқиндан боғлиқ бўлган барча маълумотлар кўриб чиқилишида намоён бўлса, усулул-фикҳ илмидан олинадиган истифода ундаги Китоб ва Суннатдаги кўрсатмалар асосида олинган қоида ва хукмлардан фойдаланишда намоён бўлади.

Шунингдек, бу сабаб остига нозик фаҳм, ҳикматли назар ва бир-бирига зид келиб қолган матнларни муво-фикаштириш ҳам киради. Буларни қуйида яна батағсил кўриб чиқамиз.

Шарафли илмни янги бошлаган кишиларга махфий эмаски, кўпинча бир масалада хукмга далолат қилишда турли ҳадислар ворид бўлади. Гоҳида ана шу ҳадислар иккитадан ортиқ маънога далолат қиласди.

Бундай ҳолатда уламолар турлича йўл тутишади.

1. Жамлаш. Бир-бирига зид икки маънони жамлаш, таъвил қилиш ва маъноларини мувофиқлаштириш.

2. Насх. Жамлаш имкони бўлмаса, бирини бошқаси билан насх қилиш.

3. Таржих. Насхнинг ҳам имкони бўлмаса, қарина-лар¹⁵⁸ ҳам ёрдам бермаса, у ҳолда бир ҳадисни бошқасига таржих қилиш.

¹⁵⁸ «Қарина» сўзи арабча «қарана» феълидан олинган бўлиб, бир нарсанни бошқасига кўшиш, бириктириш маъноларини англатади. Истилоҳда эса мақсадга очик-ойдин бўлмаган тарзда далолат қилувчи нарсага айтилади.

Уламолар орасида учинчи йўлни иккинчисидан муқаддам қўйганлар ҳам бор, яъни: жамлаш, таржих қилиш, сўнг насх.

Бу борада батафсил гапирсак, гап жуда чўзилиб кетади, шунинг учун масаланинг қуидаги баъзи жиҳатларига тўхталамиз:

1. Икки бир-бирига зид келиб қолган матнларни жамлашда билим, ақл муҳим аҳамият касб этади. Баъзи уламолар ақл ва билимлари тўсилиб қолгани учун «Бу икки ҳадисни жамлаб бўлмайди», дейишса, бошқа ахли илмларга Аллоҳ фатҳ бериб, жамлаш йўлини топадилар. Шунинг учун уламолар зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган матнларни жамлаш имкони йўқ, деб даъво қилишда шопшаслик ва маълумотни аниқлаб олиш зарурлигини таъкидлайдилар.

2. Агар жамлаш имкони бўлмаса, у ҳолда имом насхни ўрганиб чиқади. Буни қариналар ёрдамида амалга оширади. Бундай қариналар «насхни танитувчилар» деб номланиб, улар тўрттадир:

Биринчиси: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирон ҳукмнинг насх бўлганини очиқ айтишлари. Мисол учун, имом Муслим ривоят қилган қуидаги ҳадис:

«نَهِيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُوْرِ فَزُورُوهَا...»

«Сизларни қабр зиёратидан қайтарган эдим, энди зиёрат қиласверинглар».

Иккинчиси: Саҳобийнинг сўзидан билиниши. Бунга Абу Довуд, Насойӣ ва бошқалар Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилган қуидаги ҳадис мисол бўла олади.

Жобир айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган икки ишнинг охиргиси олов теккан нарса (егандан сўнг) таҳорат қиласлик бўлган».

Учинчиси: ҳадиснинг мунсухлиги давр, вақт орқали аниқланиши. Бунга қуидаги ҳадис мисол бўла олади. Шаддод ибн Абс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«أَفْطَرَ الْحَاجُمُ وَالْمَحْجُومُ».

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қон олувчи-нинг ҳам, қон олдирувчининг ҳам рўзаси очилди», де-дилар».

Ушбу ҳадиснинг баъзи ривоятларида бу ҳижратнинг саккизинчи йили бўлгани айтилган. Бу ҳадисни Ибн Аббоснинг қуидаги ҳадиси насх қиласи: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромли ва рўзадор ҳолларида қон олдиридилар».

Ҳадиснинг баъзи ривоятларида бу ҳолат ҳижратнинг ўнинчи йили видолашув ҳажида бўлгани айтилган.

Насх баъзида унга ишора қиласиган қариналар орқали ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, ҳадисни ривоят қилаётган саҳобий кейинроқ мусулмон бўлган бўлса ва ҳадисни шундан кейин эшитганини очиқ айтса, ушбу ҳадис аввалроқ Исломни қабул қиласиган ва ҳадисни ўша даврда эшитган саҳобийнинг ҳадисини насх қиласи.

Бундан ташқари, яна бир қанча нозик ҳолатлар борки, уларни эътибордан қочирмаслик ва чуқур ўрганиш лозим.

Тўртингчиси: ҳадиснинг мансух экани ижмоъ ундаги маънонинг хилофига кўра боғлангани орқали билиниши.

Бу ўринда ижмоънинг боғланган ё боғланмаганини, унга хилоф қиласиганлар бор ёки йўқлигини аниқлаб олишда кўп қийинчиликларга дуч келинади.

3. Насх бўлган, дейиши имконсиз бўлса, у ҳолда имом икки ҳадиснинг бирини таржиҳ қилишга ҳаракат қиласди.

Икки ҳадиснинг бирини таржиҳ қилиш ўта машакқатли ва қийин иш. Чунки биринчи босқич – икки ҳадисни жам қилиш ақл ва билим талаб қиласди, иккинчи босқич кўп мутолаа қилиш ва ривоятни талаб қиласди, таржиҳ эса ҳам ақл ва билимни, ҳам ривоятни талаб қиласди. Бу ўриндаги билим чуқур фаҳм ва ўтқир фикрни талаб этади. Ривоят эса бир масаладаги ҳадисларга оид санадлар, саҳобалардан иборат ровийлар, уларнинг васфлари, ҳадиснинг лафзлари ва шу каби барча куллий ва жузъий нарсаларни мутолаа қилиш, ўрганиш демакдир.

Китобнинг биринчи нашрида «Бир масаладаги ҳадисларга оид барча маълумотларни ўрганиш» жумласини ёзганимда бир мисолни айтишни ният қилган эдим. Маълумки, жумҳур имомлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган «Бирингизнинг идишини ит яласа, етти марта ювсин!» ҳадисига амал қиласдилар. Ҳанафийлар эса Абу Ҳурайранинг ўзининг фатво бергани ва амал қилганидан келиб чиқиб, «Уч марта ювишнинг ўзи кифоя қиласди», дейдилар. Чунки улар ҳадисни ривоят қилган саҳобийнинг ўша ҳадисга хилоф амал қилишини ҳадисга амал қилмасликка сабаб қилиб кўрсатадилар.

Аллома, муҳаққиқ Кавсарий раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Етти марта ювиш мансух. Уч марта ювиш мансух эмас. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам итлар масаласида қаттиққўлликдан енгилликка босқичма-босқич ўтганлар. Бунинг акси бўлмаган, яъни енгилликдан қаттиққўлликка қараб юрилмаган. Одамларнинг итга боғлиқлигини қисқартириш учун дастлаб

уларнинг ҳаммасини ўлдиришга буюрганлар. Сўнг фақат қора қопағон итни ўлдиришга буюрганлар. Кейин эса ов ити, пода ва экинни қўриқловчи ѹтларга рухсат берганлар. Етти марта ювиш қаттиқ олинган вақтларга муносиб бўлса, уч марта ювиш енгиллик берилган вақтларга муносиб бўлиб, икки ишнинг охиргиси мана шу ҳисобланади».¹⁵⁹

Кўриб турганингиздек, бу масала фақат етти марта ювиш ҳадиси, «...саккизинчисини тупроқ билан ишқаланглар», деган ривоят ва Абу Хурайра розияллоҳу ан-хунинг фатвоси ва амали билангира чегараланиб қолмай, балки ҳайвонга оид барча хукмларни ўрганиш ва бу борадаги шариатнинг мақсадини аниқлаб олишни ҳам талаб этади.

Усул уламолари зоҳири бир-бирига зид келиб қолган ҳадисларни таржих қилишнинг важҳлари борасида кўп қийналишган, қитобларида бу ҳақда батафсил тўхталишган. Бу ҳақда сўз юритганларнинг пешқадами имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳдир. У киши «Рисола»-да¹⁶⁰ қаршисидаги кишига хитоб қилиб, шундай деган: «Сиз ва биз устига бино қурадиган асос шуки, agar ҳадислар ихтилофли бўлиб қолса, шунчаки бирини олиб, бошқаларини тарк эта олмаймиз. Оладиган ҳадисимиз тарк этадиганимиздан кучли эканига далолат қилувчи сабаб бўлсагина, бирини олиб, бошқаларини тарк этишимиз мумкин». Қаршисидаги киши: «Ўша сабаб нима?» деди. Шофеъий айтди: «Икки ҳадиснинг бири Аллоҳнинг Китобидаги хукмга яқинроқ бўлишига ўхшаш. Агар шундай бўлса, ўшениси хужжат бўлади. Агар уларда Аллоҳнинг Китобидаги хукм бўлмаса, ҳа-

¹⁵⁹ «Ан-Нуқат ат-торийфа», 199-бет.

¹⁶⁰ 284-бет.

дисларнинг амал учун муносибороғи собитроғи бўлади. Бу эса ўша ҳадисни ривоят қилган кишиларнинг санадлари машҳур, ўзлари илм ва ҳифзда таниқли бўлишлари билан аниқланади. Ёки биз олган ҳадис икки ё ундан ортиқ йўлдан ривоят қилинган бўлиб, тарқ этганимиз эса фақат бир йўлдан ривоят қилинган бўлади-да, кўп йўлдан ривоят қилингани бир йўлдан ривоят қилинганидан устун бўлади. Ёки биз олган ҳадис Аллоҳнинг Китобидаги маънога ёки Расулуллоҳнинг суннатларидагига яқинроқ бўлади ёки илм аҳллари таниган, билган фикр бўлади, ёки қиёс жиҳатидан саҳиҳроқ бўлади, ёки жумҳур саҳобалар айтган фикрга мувофиқ бўлади».

Имом Ҳозимий раҳимахуллоҳ ҳам «Ал-Иътибар фин-насихи вал-мансухи минал-осор» китобининг муқаддимасида бунга тўхталиб, таржих важҳларининг элликтасини зикр қилган.¹⁶¹ Уларнинг аксарига мисоллар ҳам келтирган. Сўзининг охирида: «Бундан ташқари яна бир қанча важҳлар ҳам борки, бу мухтасар чўзилиб кетмасин деб, уларни зикр қилмадик», деган.

Ҳофиз Ироқий раҳимахуллоҳ Ҳозимийнинг гапини нақл қилиб: «Таржих важҳлари юздан ортади. Уларнинг мухтасар шаклда саналганини кўрдим. Ҳозимий санаган элликтадан бошлайман, сўнг тартиб билан қолганларини айтаман», деб бир юз ўнта важҳни зикр қилган ва: «Таржихнинг бундан бошқа важҳлари ҳам бор, лекин уларнинг баъзилари мақбул, баъзилари эса мақбул эмас», деган.¹⁶²

Шавконий «Иршодул Фуҳул»да¹⁶³ таржих қилувчи омилларни ўн икки асосий қисмга ажратган ва жами

¹⁶¹ 9-23-бетлар.

¹⁶² «Ан-Нукат ала Ибнис-Салоҳ» 245-250-бетлар.

¹⁶³ 276, 284-саҳифалар.

бир юз олтмишта важҳни зикр қылған. Ҳар бир қисмнинг сўнгида бу ўринда зикр қилинган важҳлардан бошқа яна бошқалари ҳам борлигини таъкидлаб ўтган.

Мана шундан баъзиларнинг жоҳишлигини ёки ўзини жоҳишликка солиб олишини билиб оламиз. Улар зоҳири бир-бирига қарама-қарши икки ҳадисни кўрсалар, таржихнинг айтиб ўтилган важҳларига мутлақо эътибор қилмай, «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган ҳадисни бошқасига таржих қилишга шошадилар. Ҳолбуки, ҳофиз Ироқий таржих важҳларининг юзтасини санаб ўтгач, бир юз иккинчи важҳ сифатида ҳадиснинг «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган бўлишини айтган.

Шу тариқа улар ғоғиллик билан ёки ўзларини ғоғилликка солиб, таржихнинг ундан олдинги бир юз бир важҳини бекорга чиқарарадилар.

Шавконий ҳадиснинг санадига оид таржих қилувчи омиллар ҳақида сўз юритиб, уларнинг қирқ иккита важҳ эканини айтган ва қирқ биринчи важҳ ўлароқ ҳадиснинг «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган бўлишини таъкидлаган.

Азиз ўқувчи, бузғунчиларнинг қуйидаги гапи сизни асло ҷалғитмасин: «Ибн Салоҳ муттафакун алайҳ ҳадисни Бухорийнинг ўзи ривоят қылған ҳадисдан муқаддам экани, Бухорийнинг ўзи ёлғиз ривоят қылған ҳадисни эса Муслим ўзи ёлғиз ривоят қылған ҳадисдан муқаддам эканини айтган ва ҳоказо».

Ҳофиз Ироқий икки шайх ривоят қылған ҳадисларни ушбу охирги мартабага жойлаштирган. Буни у Ибн Салоҳнинг китобига ёзган шарҳида айтган. Ибн Салоҳнинг гапи ва унинг тартиби ҳам мана шунга яқин. У бундан ғоғил қолған ёки унугтган, деб айтиб бўлмайди! Бу тартиб бироз тор доирада, Ироқий ва усулий олимларнинг гаплари эса кенгрок доирададир.

«Саҳиҳ»нинг соҳиби имом Бухорийнинг ўзи ҳам бир бобнинг ҳадисларини келтиришдаги услуби билан шунга ишора қиласдики, «Саҳиҳ»ида ривоят қилган баъзи ҳадисларни тарк этиб, бошқа ҳадисга амал қиласди. Имом Муслимда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. У киши «Саҳиҳ»ида жаноза учун туриш лозимлигига далолат қиласдиган ҳадисларни келтириб, унинг кетидан уни насх қиласдиган ҳадисларни келтирган.¹⁶⁴ Имом, муфассир Куртубий раҳимаҳуллоҳ «Тафсир»ида¹⁶⁵ имом Муслим ҳар бир бобни ўзи ихтиёр қилган ҳукмни баён қилувчи ҳадис билан якунлаганини айтган.

Имом Муслимнинг бир ҳадисни саҳиҳ деганиниги на олишимиз лозим, у ҳадисни қандай тушуниши ё ихтиёр қилиш-қилмаслигини олишга мажбур эмасмиз. Бу борада мухолиф ҳам биз билан ҳамфирдир.

Аммо имом Бухорий жаноза учун ўрнидан туриш ҳақидаги ҳадисларнигина ривоят қилиш билан чегараланган. Уларнинг мансух эканига далолат қиласдиган ҳадисларни келтирмаган.

Шу ўринда бир эслатма. Аллома Баннурий раҳимаҳуллоҳ «Маъорифус-Сунан»да¹⁶⁶ шундай дейди:

«Саҳиҳ тўпламларининг муаллифлари Бухорий, Муслим ва улардан бошқа имомлар фикҳий қарашлар ва ижтиҳод жиҳатидан ёки фикҳнинг баъзи нозик ўрнларида ўз имомларига эргашиш жиҳатидан ўзлари учун муайян йўл танлаганлар, ихтилоғли масалаларда ўзлари маъқул деб билган фикрларни ихтиёр қилганлар. Сўнг китобларини таълиф қилганда ҳам ўзларининг

¹⁶⁴ 2/659 (73, 81).

¹⁶⁵ 3/212.

¹⁶⁶ 6/379, 380.

фик̄хий мазҳабларига мувофиқ келадиган ҳадисларни келтирганлар, фик̄хий қарашлари ҳадисга киришиб кеттган.¹⁶⁷ Бошқа ҳадисларни эса фик̄хда ихтиёр қилмаганлари боис келтирмаганлар. Икки томоннинг ҳам ҳадисларини келтиришни лозим тутган имомларгина уларни түлиқ ривоят қилғанлар. Масалан, имом Термизий «Сунан»ида, Ибн Абу Шайба ва Абдурраззоклар «Мусаннаф»ларида, Имом Аҳмад «Муснад»ида шундай қилишган...»

Фик̄хий қарашларининг ҳадисга киришиб кетишига бир неча сатрлар олдин келтирилган мисол намуна бўлади. Имом Муслим жанозага ўрнидан туриш лозимлигига далолат қилувчи ҳадисларни ривоят қилиб, ортидан бунинг мансух эканига далолат қилувчи ҳадисларни келтирган. Имом Насойй ҳам шундай қилган.¹⁶⁸ Имом Бухорий эса фақат ўрнидан туришга оид ҳадисларни келтирган, холос. Чунки унинг фик̄хий қараши имом Муслимнидан бошқача бўлган, туришга оид ҳадисларни мансух деб билмаган ва шу сабабли бошқа маънодаги ҳадисларни келтирмаган. Демак, имом Муслим ва Насоййлар ўз фик̄хий қарашларига мувофиқ бўлгани учун туришнинг мансухлигига оид ҳадисларни ҳам келтиришган, имом Бухорий эса фик̄хий мазҳабига мувофиқ келмагани учун уларни келтирмаган. Шу тариқа уларнинг фик̄хий қарашлари ҳадисга киришиб кетган.

Яна бир мисол:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилган «**Ким жанозани масжидда ўқиса, унинг фойдасига ҳеч нарса йўқ**» деган ҳадис. Бу ҳадис кўп манбаларда кел-

¹⁶⁷ «Фик̄хий қарашлари ҳадисга киришиб кеттган» жумласи аср имоми Мұхаммад Анвар Каширийнинг гапларидан.

¹⁶⁸ «Ал-Кубро» 1/625,627.

тирилган. Лекин имом Муслим уни келтирмай, Оиша розияллоҳу анҳонинг «Одамлар бунча тез унтишмаса! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сұхайл ибн Байзонинг жанозасини масжидда ўқиганлар-ку» деган ҳадисини келтирган. Имом Насойй ҳам шундай қилган. Бу уларнинг фикҳи ва ихтиёри. Абу Довуд эса аввал Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳадисини келтириб, бобни Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳадиси билан тугатган. Бу унинг ихтиёри ва фикҳи.

Ибн Можа эса аксинча тартибда келтирган. Аввал Абу Ҳурайранинг ҳадисини келтириб, Оишанинг ҳадиси билан тугатган ва: «Оишанинг ҳадиси кучлироқдир», деган. Бу ҳам у кипининг ихтиёри ва фикҳидир.

Демак, бу муҳаддисларнинг фикҳига тақлид қилиш, уларга эргашиш Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий ва Ахмад каби фақиҳларнинг фикҳига эргашишдан устун ёки афзал эмас. Ҳатто аксинча, буларнинг фикҳига эргашиш уларникига эргашишдан афзал. Имом Термизийнинг «Фақиҳлар ҳадиснинг маъноларини билувчироқ» деган гапи юқорида ўтди.

Далили имом Бухорий ривоят қилган ҳадис бўлган хукмни далили, масалан, Абу Довуд ривоят қилган ҳадис бўлган хукмга таржих қилиш тўғри эмас. Чунки бу аслида бир масалада ворид бўлган бир неча ҳадислар ичидан бир ҳадисни ихтиёр қилган имом Бухорийнинг мазҳабини айни масалада ворид бўлган бошқа ҳадисни ихтиёр қилган бошқа мазҳабга таржих қилиш бўлади. Бу эса анави бузғунчилар иродада қилган нарса эмас.

Имомларнинг фикҳ борасида ихтилоф қилишларига оид бу кенг майдонни кўриб, бир фикҳий хукмда иж-

тиҳод қилиш нақадар қийинлигини идрок қилишимиз, мужтаҳид имомларимиз илмий жиҳатдан қандай юқори савияга эга бўлганларини билиб олишимиз мумкин.

Учинчи сабаб ҳақидаги сўзимнинг якунида ихтилоф унча машҳур бўлмаган бир масалага оид гапни келтираман. Басмала Тавба сурасидан бошқа барча сураларнинг биринчи оятими ё йўқми, иктидо қилган киши имомнинг орқасида қироат қилиш ё қилмаслиги, рукуъдан олдин ва рукуъдан турганда икки қўл қўтарилиши ё қўтарилмаслигига оид масалалар каби бу масалада уламолар алоҳида рисолалар ёзмаганлар. Бу мисолни танлашдан мақсадим шуки, юқорида сўз юритилган уч маслакнинг барчаси ушбу битта масалада жам бўлган.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бизнинг мазҳабимизга – шофеъий мазҳабига кўра эркак ва аёллар оқарган соchlарини сариқ ёки қизилга бўяшлари мустаҳабдир. Қорага бўяш ҳаром. Бир ривоятга кўра макруҳи танзихий, ҳам дейилган. Лекин ихтиёр қилинган фикр ҳаромлигидир. Бунинг далили Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисда: **«Қорадан сақланинглар»**, деганларидир. Мана шу бизнинг мазҳабимиз».

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳоба ва тобеъинлардан иборат салафларимиз соч-соқолни бўяш ва уни нима билан бўяш борасида ихтилоф қилишган. Баъзилар бўямасликни афзал дейишган ва бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оқлиқни ўзгартиришдан қайтарғанларини, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам бўямаганларини далил қилиб келтиришган. Бу фикр Умар, Алий, Убай ва бошқалардан ривоят қилинган. Баъзилар эса бўяш афзал, дейишган. Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар келтирған ҳадисларга биноан бир гуруҳ саҳоба ва тобеъинлар ҳам бўяшган.

Сўнгра улар ихтилоф қилишган: кўпчилик сариқقا бўяган. Жумладан, Ибн Умар, Абу Хурайра ва бошқалар. Бу Алийдан ҳам ривоят қилинган.

Уларнинг бир гурухи хина ва катам¹⁶⁹ билан, баъзилари эса заъфарон билан бўяшган.

Баъзилар қорага ҳам бўяган. Бу Усмон, Алийнинг иккى ўғли Ҳасан ва Ҳусайн, Уқба ибн Омир, Ибн Сирин, Абу Бурда ва бошқалардан ривоят қилинган.

Табарий шундай дейди: «Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламдан оқликни ўзгартириш борасида ҳам, бўяшдан қайтариш борасида ҳам ривоят қилинган ҳадислар сахихдир. Ўзаро зиддият йўқ. Балки бўяшга буюрганлари Абу Күҳофа каби соч-соқоли жуда оқариб, кўримсиз бўлиб қолганларга тегишли бўлса, бўяшдан қайтарганлари эса соч-соқоли бироз оқарганларга оиддир».

Табарий яна айтади: «Салафларнинг бўяш ёки бўямаслик борасидаги ихтилофлари бу борадаги ҳолатларининг турличалигига кўра бўлган. Нима бўлганда ҳам, бу ҳақдаги на амр ва на тақиқ вожиб эмаслигига ижмоъ қилинган. Шунинг учун улар бир-бирларига бу борада эътиroz билдиришмаган. Бу масалада буниси носих, наригиси мансух, дейиш ҳам жоиз эмас». ¹⁷⁰

Қози Иёз айтади: «У кишидан бошқалар шундай деган: «Бу икки ҳолатга кўрадир:

Биринчиси: бўяш ё бўямасликда ҳар ким ўзи яшаётган минтақанинг урф-одатига қарайди. Урфдан чиқиш макруҳ бўлади.

¹⁶⁹ Танасидан сиёҳ, соч бўёғи кабилар олинадиган ўсимлик.

¹⁷⁰ Бундай дейишидан кўринадики, «Буниси носих, наригиси мансух», деганлар ҳам бўлган экан. Шунинг учун ушбу матнни «учта маслакни ўзида жамловчи», деб айтдим. Валлоҳу аълам.

Иккинчиси: оқлиknинг ҳолатига қаралади. Кимнинг оқлиги бўялмагандан бўялгандан кўра чиройлироқ бўлса, унинг ҳаққида бўямаслик афзal. Кимнинг оқлиги бўямаса хунук кўринса, бўяган маъкул». Мана шу Қози Иёзниng нақл қилганидир. Сахих ва суннатта мувофиқи мазҳабимиздан нақл қилганимдир. Валлоҳу аълам». Нававийниng гапи тугади.¹⁷¹

Йомом Ҳоким ҳадис илмларидан йигирма тўққизинчи турини «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниng суннатларининг ичида бир-бирига қарама-қарши келиб қолган суннатлар ва турли мазҳабларниng уларниng бирини ҳужжат қилиб олиши», деб айтган.¹⁷² Кейинчалик бу турдаги ҳадислар «Мухталафул ҳадис» номини олган. Ҳоким бунга кўп мисоллар келтирган ва қуидаги мисол билан хотима қилган:

Абдулворис ибн Саъид Таннурийдан ривоят қилинади: «Маккага бордим. У ерда Абу Ҳанифа, Ибн Абу Лайло ва Ибн Шубрумалар билан кўришдим. Абу Ҳанифадан: «Савдо қилиб, бир шарт қўйиш ҳақида нима дейсиз?» деб сўрадим. Шунда у киши: «Савдо ҳам, шарт ҳам ботил», деди.

Сўнг Ибн Абу Лайлонинг ҳузурига бориб, худди шу савонни сўрадим. У: «Савдо жоиз, шарт эса ботил», деди.

Кейин Ибн Шубрумадан сўрадим. У: «Савдо ҳам, шарт ҳам жоиз», деди.

Шунда мен ажабланиб, ўзимга ўзим: «Субҳаналлоҳ! Ироқниng уч фақиҳи бир масалада уч хил фикр айтиша-я!?» дедим.

¹⁷¹ Ибн Аббор «Муъжам асҳоби Аби Алий Содафиј» китобида сочсоқолни бўяш масаласида Қози Иёз билан Абу Жаъфар Аҳмад ибн Абдурраҳмон Батружийлар орасида бўлиб ўтган ажойиб илмий мунозарани нақл қилган, 24-саҳифа.

¹⁷² «Маърифату улумил ҳадис», 122-саҳифа.

Абу Ҳанифанинг олдига бориб, бу ҳолатни айтдим. У шундай деди: «Улар иккиси нима деганини билмайман. Менга Амр ибн Шуъайб ҳадис айтиб берган, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қиласи: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам савдо ва шартдан қайтаргандар».** Савдо ҳам ботил, шарт ҳам ботил».

Сўнг Ибн Абу Лайлонинг олдига бориб, бу ҳолатни айтдим. У шундай деди: «Улар иккиси нима деганини билмайман. Менга Ҳишом ибн Урва ҳадис айтиб берган, у отасидан, у эса Оишадан ривоят қиласи: **«Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга Барийрани сотиб олиб, озод қилишга буюрдилар».** Савдо жоиз, шарт эса ботиллар».

Кейин Ибн Шубруманинг олдига бориб, бу ҳолатни айтдим. У шундай деди: «Улар иккиси нима деганини билмайман. Менга Мильсар ибн Кидом ҳадис айтиб берган, у Муҳориб ибн Дисордан, у эса Жобирдан ривоят қиласи: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир түя сотдим, у зот Мадинагача уни миниб боришимни шарт қилдилар».** Савдо ҳам, шарт ҳам жоиз».

Баъзи одамлар бу ишни жуда ҳам осон деб ўйлашади. Улардан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари қандай бўлган, ифрод ҳажми ё таматтуъми, ёки қиронми?» деб сўрасангиз, – ваҳоланки, у зот фақат бир марта ҳаж қилганлар – саволингизни тутатмасингиздан олдин ўзи кўрган бир ёки иккита ҳадисга таяниб, жавоб беришга ошиқади. Бу ҳам кифоя қилмагандек, агар унга хилоф қилсангиз, «Фалон имом бундай деган», деб сизга хужум қиласи. Бироз олдин ижтиҳод қилишга даъво қилиб турган одамнинг ўзига тақлидни қурол қилиб олганини кўрасиз.

Имом Ҳоким Анас розияллоҳу анхунинг «Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаж ва умрани

жамлаб талбия айтгандарини эшитдим», деган ҳадисини келтириб, Ибн Умар розияллоқу анхунинг бунга хилоф қылганини айтган ва шундай деган: «Имом Ибн Хузайма ушбу хабарларнинг барчасини ўрганиб, яхши таҳлил қылган ва таматтуъни ихтиёр қылган. Аҳмад ва Исҳоқлар ҳам шуни ихтиёр қилишган. Шофеъий ифродни, Абу Ҳанифа эса қиронни ихтиёр қылган».

Имом Ҳоким айтганидек, Ибн Хузайманинг бу борадаги тадқиқи беш жуздан иборат.¹⁷³ Имом Ҳоким имом Абул Ҳасан Синжонийнинг қуидаги сўзини ҳам келтирган: «Мұхаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайманинг ҳаж ҳақидаги гапига назар солиб, у биз яхши билмайдиган бир илм эканига иймоним комил бўлди».

Абул Ҳасан агар Ибн Хузайманинг замондоши имом Таховийнинг китобини кўрганида, нима дер экан-а!?

Куида имом Нававийнинг Қози Иёздан нақл қилган гапини келтираман:

«Уламоларимиз ва бошқалар бу ҳадислар ҳақида кўп гапиришган. Улар орасида инсофли, яхши таҳқиқ қилгани ҳам, такаллуф қилиб, ноўрин гапиргани ҳам, ҳаддан зиёд кўп гапириб, зериктиргани ҳам, қисқа ва тушунарсиз гапиргани ҳам бор. Бу ҳақда энг батафсил сўз юритган киши Абу Жаъфар Таховий Ҳанафий Мисрийдир. Чунки у зотнинг бу масалада ёзгани минг вараққа яқин. Бу масалада у киши билан бир вақтда Абу Жаъфар Табарий ҳам сўз юритган. Улардан кейин Абу Абдуллоҳ ибн Абу Суфра, Мұхаллаб, Қози Абу Абдуллоҳ ибн Муробит, Қози Абул Ҳасан ибн Қассор Бағдодий, Ҳофиз Абу Умар ибн Абдулбарр ва бошқалар фикр билдиришган».

¹⁷³ «Бешта жуз», деганда ҳадисий жуз назарда тутилган бўлиб, у тахминан икки юз саҳифадан иборат.

Шундан кейин ҳам оқил толиби илм ўзи ўқиб олган бир неча саҳифадан келиб чиқиб, шунча имомларнинг сўзларини деворга уриши жоизмикан?!

Ушбу жузъий масалани таҳқиқ қилиб, ҳажми деярли «Саҳиҳи Бухорий»нинг ҳажмига яқин бўлган китоб ёзган имом Таҳовийдек зот ҳам бир мазҳабга мансублигини саклаб қолган, гарчи баъзи масалаларда мазҳабига хилоф қилган бўлса ҳам. Мазҳабига ҳам, мазҳабга эргашганларга ҳам таъна қилмаган.

Ўтган имомларимиз зоҳири ихтилоғли бўлган ҳадисларни бир жойга тўплаб, уларни ўрганиб, таҳқиқ қилиб, сўнг бир хуроса қилиш ишига катта эътибор қаратганлар. Бу борада имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ «Ихтилафул ҳадис» китобини таълиф қилган. Ибн Кутайба «Таъвилту муҳталафил ҳадис» китобини ёзган. Бу икки китоб нашр қилинган. Закариё Сожийнинг ҳам бу борада китоби бор. Уни «Кашфуз-Зунун»нинг соҳиби «Ихтилафул ҳадис» сарлавҳаси остида зикр қилган.

Имом Ибн Жарир Табарийнинг ҳам ушбу мавзуга оид китоби бўлиб, уни «Таҳзибул Осор» деб номлаган. Бу китоб ҳақида «Кашф»нинг соҳиби: «Ушбу китоб ўзининг бобида тенги йўқ ягона китобдир», деган. Китобнинг бир қисми тўрт жузда нашр қилинди. Кейинчалик бешинчи жузи ҳам чиқди.

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг айнан шу мавзуда иккита катта китоби бор:

Бири – «Шарҳу маонил осор ал-мухталифатил марвијати ан Расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллама фил аҳком». Ҳофиз Кураший «Ал-Жавоҳирул мудијя»да айтишича, бу китоб муаллифнинг илк асарларидан ҳисобланади. Китоб муаллифнинг буюк имом ва мужтаҳид эканига далолат қиласи.

Иккинчиси – «Мушкилул осор». Қурашийнинг таъкидлашича, бу асар у кишининг охирги таълифотларидан ҳисобланади. Аллома Кавсарий раҳимаҳуллоҳ ушбу китоб ҳақида: «У шундай китобки, қадимда ҳам, ҳозирда ҳам бу бобда бунга ўхшагани таълиф қилинманган», деган.

ТҮРТИНЧИ САБАБ

СУННАТНИ БИЛИШДА ДАРАЖАЛАРИНИНГ ТУРЛИЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИХТИЛОФ

Бу сабаб ҳақидаги сўзимни Имом Шофеъийнинг машҳур китоби – «Рисола»даги қуйидаги гапи билан бошламоқчиман:

«Биз суннатнинг ҳаммасини тўлиқ жамлаган бирор кишини билмаймиз. Барча ахли илмларнинг илми жамланса, ҳамма суннатларни қамрайди, аммо ҳар бирининг илми ўз ҳолича суннатни тўлиқ қамрамайди. Бирларида бўлмаган илм бошқаларида бўлади. Улар илмда турли даражададирлар: Айримлари баъзи нарсаларни ўтказиб юборган бўлса-да, аксарини ўзида жамлаган бўлади; айримлари эса бошқалардан кўра камроғини жамлаган бўлади».

Бу маънони яна қуйидаги фикри билан ҳам таъкидлайди: «Гоҳида (мужтаҳид) киши бир суннатдан беҳабар бўлиб, унинг сўзи ўша суннатга хилоф бўлиши мумкин. У суннатга қасддан хилоф қилмайди, киши айрим нарсалардан ғофил қолиши ва таъвилда хато қилиши табиийдир».

Мағрибнинг ҳофизи имом Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ шундай деган: «Саҳобалардан бирор кишини

билмайманки, илмнинг барчасини жамлаган бўлса. Албатта, бирон нарса унга маҳфий қолади. У билмаганини бошқалар билади. Бу ҳолат улардан кейингиларда ҳам шундайдир. Бир киши учун илмни тўлиқ иҳота қилиш имконсиздир».¹⁷⁴

Имом Тақийюддин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Ҳар бир саҳиҳ ҳадис имомларнинг ҳар бирига ёки муайян бир имомга етиб келган, деб эътиқод қилган киши қаттиқ янглишади».¹⁷⁵

Имом Биқоий «Ан-Нукатул-вафийя»да шайхи ҳофиз Ибн Ҳажарнинг ушбу сўзини нақл қиласди: «Умматдан бирон киши барча ҳадисларни ҳифз ва итқон жиҳатидан жамлаган, дейиш дуруст эмас. Имом Шофеъийнинг «Ким «Суннатнинг барчаси бир кишида жамланибди», деб даъво қиласа, фосиқ бўлади. Ким «Суннатнинг бир қисмидан уммат бехабар», деб даъво қиласа, фосиқ бўлади», дегани зикр қилинган».

Бирон киши набавий суннатнинг барчаси ўзида ёки бошқа бир кишида тўлиқ жамланганини даъво қилиши мумкин эмас. Бу имом Шофеъийнинг ва бошқа буюк мужтаҳид имомларнинг фикридир.

Суннатни ёд билиш ва ундан хабардорлик борасида имомларнинг турли даражада эканликлари ким суннатдан кўпроқ хабардор бўлса, бошқалардан кўра тақлид қилинишга ҳақлироқ бўлади, дегани эмас. Бирининг устунлиги суннатдан кўпроқ хабардорлигида бўлса, бошқасининг устунлиги фиқҳ ва истинботда моҳирроқлигида бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Кишининг ҳадисларни ўрганиб, мужтаҳидлик даражасига етиши ва тан олинишининг шарти ҳақида Тақийюд-

¹⁷⁴ «Ал-Изтизкор» 1/36 ва 1/188. Доктор Қалъажий нашри.

¹⁷⁵ «Роғъул-малом», 17-бет.

дин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ «Роғъул малом»да¹⁷⁶ шундай дейди: «Бирон киши ҳаргиз: «Ҳадисларнинг ҳаммасини билмаган киши мужтаҳид бўла олмайди», демасин. Агар мужтаҳид бўлиш учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳкомга оид айтган гапларини-ю, қилган ишларининг ҳаммасини билиш шарт қилинса, у ҳолда бу умматда мужтаҳид бўлмайди. Олимликнинг чегараси суннатнинг аксарини билиб, билмагани эса оз бўлишидир».¹⁷⁷

Масалан, имом Аҳмад, имом Молик, имом Шофеъий ва имом Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳулар бу майдонда энг кўзга кўринган олимлардандир. Гарчи баъзи одамлар имом Абу Ҳанифа ҳақида бошқачароқ фикрда бўлсалар-да. Шунинг учун бу ўринда Абу Ҳанифа ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман.

Маълумки, ҳадиси шариф бир жиҳатдан эшитиш ва таҳаммул қилиш бўлса, иккинчи жиҳатдан ривоят ва адо-етишидир.

Муҳаддис аввал ҳадисни ўз шайхларидан олади. Мана шу таҳаммулдир. Сўнг уни одамларга ривоят қилиб беради. Бу эса адо, яъни етказишдир.

Киши ривоятга тўлиқ берилса, ривоятларини одамлар кўради ва кўп ёки кам таҳаммул қилгани зоҳир бў-

¹⁷⁶ 19-бет.

¹⁷⁷ «Аҳком ҳадисларининг ададини мингта яқин, дейишган. Ибн Ражабнинг «Ан-Нуқат аъла Ибн Салоҳ»ига қаранг, 1/299,300. «Бу миқдор билан юқоридаги гапни қандай мувофиқлаштирамиз?» дейилса, жавоб шуки, бу миқдорни айтган киши бобларнинг усули ва аҳкомга тегишли сарих (очик-ойдин) ҳадисларни назарда тутган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган ҳар бир ҳаракат шариат экани, ундан ҳалол ва ҳаромга оид кўплаб аҳкомлар, одоб-ахлоқ истифода қилиш мумкинлигини инкор қилишмаган. Баъзи уламолар «Эй Абу Умайр, Нуғайр нима қилди?» деган ҳадиснинг ўзидан тўрт юзта фойда олишган. Шубҳасиз, унда аҳкомга оид фойдалар кўп, аксари эса ахлоқ-одобга оид. «Фатхул Борий»га (10/584), Саййид Абдулҳай Каттонийнинг «Ат-Таротиб Ал-идория»сига қаранг! (2/150)

лади. Лекин ривоятдан бошқа нарса билан ҳам шуғулланса, турли муносабатлар билан ривоят қилгани унинг кам ёки кўп таҳаммул қилганига далолат қилмайди. Масалан, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Исломдаги энг пешқадам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан доим бирга бўлган киши, саҳобаларнинг энг билимдонидир. Шунга қарамай, унинг ривоятлари жуда оз. Ҳатто бу ривоятлардан у киши саҳобаларнинг энг билимдони экани у ёқда турсин, олим саҳобий эканини аниқлаб олиш ҳам мушқул. Бунинг эса ўзига хос сабаблари бор. Бу ҳақда кейинроқ тўхтalamиз.

Умар, Усмон, Алий каби бошқа саҳобалар ҳам, тобеъинлар ҳам шундай.

Ҳатто имом Молик ҳақида ҳам айни фикрни айтиш мумкин. У кишининг ҳадис борасидаги шухрати шогирди имом Шофеъий таърифлаганидек: «Қачон асар келса, Молик юлдуздир». Имом Молик айтади: «Ўз кўлим билан юз мингта ҳадис ёзиб олдим».¹⁷⁸

Аллома Зарқоний «Муватто»га ёзган шархининг муқаддимасида Ибн Ҳайёбдан шундай ривоят қиласи: «Имом Молик юз минг ҳадис ривоят қилган».¹⁷⁹

¹⁷⁸ «Тартибул мадорик» 1\121,124.

¹⁷⁹ Ривоят таҳаммул дегани эмас. Улар одатда кўп билгандаридан бошқаларини ривоят қиласи эдилар. Мужтаҳид имом Лайс ибн Саъд розияллоҳу анхунинг таржимаи ҳолида шундай келади: «Шуайб ибн Лайс айтади: «Лайсга: «Сиздан китобларингизда йўқ ҳадисларни эшитяпмиз?» дейишди. Шунда у: «Қалбимда бўлган ҳар бир нарса китобимда ҳам бўлиши керакми?! Агар қалбимдаги нарсаларнинг барчасини ёзсан, уловга сигмай қолади», деди» («Таҳзибут-тазҳиб», 8/463).

«Тазкиратул Хуффоз»да (1/544) ҳижрий 257 йилда вафот этган имом Аҳмад ибн Фурот Розийнинг таржимаи ҳолида у кишининг шундай дегани айтилган: «Бир ярим миллион ҳадис ёзиб олдим. Ўз таълифотларимда улардан беш юз мингтасини ишлатдим». Яъни ёзиб олганларидан учдан биринигина тасниф қилган. Хўп, шундай бўлса, уша беш юз минг ҳадис қаерда?!

Имом Шофеъий ҳам шундай. Молик ва Шофеъийлар ҳадиси шариф борасида шубҳасиз, имомдирлар. Лекин китобларида ҳадислар сони имом эканликлариға далолат қыладиган миқдорда эмас-кү.

Иbn Хузайма «Бирор сахих суннат йўқки, имом Шофеъий уни китобларида келтирмаган бўлса», деганда аҳқом ҳадисларига оид сахих суннатни назарда тутган, мутлақ ҳадиси шарифларни эмас.

Имом Субкий «Маъна қавлил имам Мутталибий»да шундай деган: «Ҳадис ва фикҳда моҳир имом Ибн Хузаймага: «Шофеъий ўз китобларида келтирмаган ҳалол ва ҳаромга оид Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирон суннатларини биласизми?» дейишганида: «Йўқ», деб жавоб берган».

Имом Молик ва имом Шофеъийларнинг бу борадаги узрлари ривоятдан кўра асосан фикҳ, ижтиҳод, истинбот, фикҳ ва ижтиҳод аслларини ўрнатиш билан шуғулланганларидир. Бундан улар ҳадисни кам билганлар, деган хulosса келиб чиқмайди. Балки улар кўп таҳаммул қилиб, кам адо қилганлар.

Имом Абу Ҳанифа ҳам худди шундай кўп таҳаммул қилиб, кам адо қилган. Буни мутааххир имомлардан ҳофиз Ибн Ҳажар ўзидан сўралган фатвога берган жавобида ҳам таъкидлаган. Саховийнинг «Ал-Жавоҳир ваддуар»ида шундай келади: «Ибн Ҳажардан: «Насойи ўзининг «Заифлар ва матруклар» китобида Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳуни: «Ҳадисда кучли эмас, ривоятлари кам бўлса-да, ғалат ва хатоси кўпдир», деб васфлаган. Шу сахихми? Мұхаддис имомлардан биронталари бу фикрни тасдиқлашганми?» деб сўрашди. Ибн Ҳажар шундай жавоб берди: «Насойи ҳадис имомларидан биридир. Айтгани эса у кишига зоҳир бўлган ва ижтиҳоди

тақозо қилган гапдир. Имомнинг ҳамма гапи ҳам оли-навермайди. Насоййнинг бу борадаги мутлақ гапини мұхаддислардан бир гурухи қувватлашган. Ҳатиб ўзи-нинг «Тарих»ида уларнинг сўзларини тўлиқ келтирган. Ундаги гапларнинг қабул қилинадигани ҳам, рад эти-ладигани ҳам бор. Имомнинг узри шуки, у зот эшигтан вақтидан то адо қилгунга қадар ёд билган ҳадисларини-гина айтишни тўғри деб билган. Шунинг учун у киши кам ривоят қилган. Лекин аслида у кишининг ривояти кўп бўлган.

Умуман айтганда, бунга ўхшаш мавзуларга чукур-лашмаган маъқул. Чунки имом Абу Ҳанифа ва у кишига ўхшаганлар кўприкдан аллақачон ўтиб бўлишган. Бирон кишининг гапи уларга таъна етказа олмайди. Аллоҳ тао-ло уларни иқтидо қилинадиган мақомга кўтариб қўйган».

Шунинг учун Ибн Ҳажарнинг ўзи «Таҳзиб»да Абу Ҳанифанинг таржимаи ҳолида имом ҳақида келган мухолиф фикрларнинг барчасидан юз ўтирган, уларни келтирмаган. Ундан олдин Миззий «Таҳзибул камол»да, Заҳабий «Сияр», «Тазкира» ва «Тазҳибу тазҳибил-камол»да шундай қилишган. Ибн Ҳажар имомнинг тар-жимаи ҳолини қуйидаги сўз билан якунлаган: «Шайхи-миз Абул Ҳажжож Миззий имомни заифга чиқарадиган бирор нарсани келтирмай, тўғри қилган».

Бу гувоҳликнинг тўғрилигига очиқ-оидин далолат қиласидиган бир нечта хабарлар бор.

Забийдий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Яҳё ибн Наср айтади: «Абу Ҳанифанинг хузурига кирдим. Уй тўла китоб эди. Унга: «Булар нима?» дедим. У: «Буларнинг бар-чиши ҳадислар. Буларнинг фақат фойда олинадиганини ривоят қилдим, холос», деди».¹⁸⁰

¹⁸⁰ «Уқудул жавоҳир ал-мунифа», 1\31.

Аллома Алий Қорий «Маноқиб»ида Мұхаммад ибн Самоъадан қуидагини нақл қиласы: «Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ етмиш мингдан ортиқ ҳадис зикр қилған. «Ал-Осор»ни қирқ минг ҳадисдан таңлаб олған».

Моликий имомлардан бир нечтаси имом Моликнинг асҳобларидан Абдуллоҳ ибн Фаррух Форисийнинг таржимаи ҳолида бир ажойиб воқеани келтиришади. Абдуллоҳ ибн Фаррух фикҳда ироқликларнинг услубидан таъсирланған, имом Абу Ҳанифадан ўн мингта яқин масала ёзиб олған. Абдуллоҳ ибн Фаррух айтади: «Абу Ҳанифанинг ҳузурида эдим. Уйининг юқорисидан бир ғишт тушиб, бошимни қонаатди. Шунда у: «Танла, агар хоҳласанг, жароҳатингнинг диясина бераман, хоҳласанг, уч юзта ҳадис айтиб бераман», деди. Мен: «Менга ҳадис яхши, уч юзта ҳадисни айтиб бера қолинг», дедим».¹⁸¹

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг «Ким тўрт юз минг ҳадис ёд олса, ижтиҳод ва фатвога салоҳиятли бўлиши мумкин» деган гапи, Ибн Маъиннинг бу борада «беш юз минг ҳадис», дегани кейинроқ келади. Имом Абу Ҳанифанинг замондошлари ва у зотдан кейингилар у зотнинг фақиҳ ва мужтаҳид эканини эътироф қилишган. Ҳатто «Одамларнинг барчаси фикҳ борасида Абу Ҳанифанинг илмига тобедир», ҳам дейишган. Бунинг маъноси шуки, демак, Абу Ҳанифа мужтаҳидга лойиқ равишда ўша ададдаги ҳадисларни, балки ундан ҳам кўпини жамлаган!

Ибн Холдун раҳимаҳуллоҳ «Муқаддима»сида ҳадис илми ҳақидаги сўзининг охирида шундай деган: «Унинг, яъни Абу Ҳанифанинг ҳадис илмида ҳам буюк мужтаҳидлардан эканига замондош имомлар орасида унинг мазҳаби эътиmodli экани, унга суюнилгани далил бўлади».

¹⁸¹ Ушбу қиссани Абу Бакр Моликий «Риёзун-иуфус»да (1\116), Қози Иёз «Тартибул мадорик»да (1/344), Абу Зайд Даббог «Маолимул иймон фий маърифати аҳлил Қайрувон»да (1/240) келтиришган.

Ижтиҳод учун салоҳиятли бўлишга ушбу катта аدادни шарт қилиб қўйган ва шу фикрни кўллаб-кувватлаган имом Аҳмаднинг ўзи ҳам имом Абу Ҳанифани мақтаган улуг имомлардан бири ҳисобланади. Буни имом Айний раҳимаҳуллоҳ «Биноя»да келтирган. Уни аллома муҳаққиқ шайх Зафар Аҳмад Тахонавий раҳимаҳуллоҳ нақл қилган.

Туфий Ҳанбалий ўзининг «Мухтасар ли Равзатин-назир»га ёзган шарҳида қиёсни инкор қилувчиларга раддия қилиш баҳсининг охирида шундай деган: «У зот – имом Абу Ҳанифа ҳақидаги умумий хулоса шуки, у киши суннатга қасдан хилоф қилмагани қатъийдир. Хилоф қилган ўринларида албатта очиқ-ойдин хужжат, солих далилга таянган ҳолда ижтиҳод қилиб, хилоф қилган. У зотнинг хужжатлари одамлар орасида кенг тарқалган. У кишига хилоф қилганлар орасида инсофлилари кам. Абу Ҳанифа агар хато қилган бўлса, бир ажрга, тўғри топган бўлса, икки ажрга ноилдир. У кишига таъна қилувчилар эса ё ҳасадгўйлар, ё ижтиҳод ўринларини билмайдиган жоҳиллардир... Имом Аҳмаднинг бу зот ҳақидаги охирги айтган сўзи у киши ҳақидаги ижобий фикридир. Буни асҳобларимиздан Абулвард «Усулуд-дин» китобида зикр қилган».

Аллома Солиҳий Шофеъий «Уқудул жуммон»да, Ибн Ҳажар Маккий Ҳайтамий Шофеъий «Ал-Хойротул ҳисон»да Заранжарийдан ривоят қилишади: «Имом Абу Ҳафс Кабир имом Абу Ҳанифанинг шайхларини ҳисоблашга буюрди. Шунда шайхлари тобеъинлардан тўрт мингтага етди». Сўнг Солиҳий баъзи шайхларини алифбо ҳарфлари бўйича санаб, йигирма уч саҳифага тартиблаб чиққан. Бу ниҳоятда катта агад бўлиб, ҳадис билан шуғулланган имомларнинг ҳаммасида ҳам бундай эмас.

«Ал-Хойротул ҳисон»да яна шундай дейилган: «Абу Юсуф шундай деди: «Ҳадиснинг тафсирини Абу Ҳанифадан кўра яхшироқ биладиган **кишини** кўрмадим. У сахиҳ ҳадисни мендан яхшироқ билар эди».

Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ ҳақида жарҳ ва таъдил илмининг имоми, ҳофизларнинг пешвоси Яҳё ибн Маъин шундай деган: «Раъй соҳиблари ичида Абу Юсуфдек ҳадисда событи, ҳифзи ўткири, ривояти сахиҳини кўрмадим».¹⁸²

Ибн Маъин нима учун Абу Юсуфни хослаб айтди, дея олмаймиз, чунки у Абу Ҳанифани кўрмаган.

«Ал-Хойротул ҳисон»да яна шундай келади: «Абу Юсуф айтади: «Абу Ҳанифа бир фикрни айтмоқчи бўлса, фикрини қувватлайдиган бирор ҳадис ёки асар то-пармиканман, деб Куфа машойихларини айланиб чиқар эдим. Икки ёки учта ҳадис топиб, имомга келтирсан, «Бу сахиҳ эмас» ёки «Бу маъруф эмас», дер эди. Шунда унга: «Буни қаердан биласиз, ахир бу ҳадислар фикрингизга мувофиқ келади-ку?» дердим. У зот: «Мен Куфа аҳлининг илмини биламан», дер эди.

Куфа шундай жойки, у ерга бир ярим минг сахобийлар келиб, у ерни илмга тўлдириб юборганлар. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг гувоҳлик берипича, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг биргина ўзи бутун Куфани илмга тўлдирган».¹⁸³

Сарахсий раҳимаҳуллоҳ «Мабсүт»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг сўзини шарҳлаб, шундай дейди: «Куфада қўл остида таълим оладиган тўрт мингта шогирди

¹⁸² Заҳабий, «Маноқиб», 40-бет.

¹⁸³ Аллома Кавсарийнинг «Ироқ аҳли фикҳи ва ҳадислари» китобига, Аллома Баннурийнинг «Маорифус-сунан»ига (1/252) қаранг!

бўлган. Ҳатто ривоят қилинишича, Алий розияллоҳу анҳу Куфага келганида, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шогирдлари билан уни кутиб олгани чиқишган ва уфқни тўсиб қўйишган. Алий розияллоҳу анҳу уларни қўриб: «Бу шаҳарни илм ва фикҳга тўлдириб юборибсан», деган».

«Муснад»да Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ўз асҳобларини тўплаб, уларга шундай дегани ривоят қилинади: «Аллоҳга қасамки, бугун сизларнинг ичингизда ҳам худди мусулмон лашкарларидек дин, фикҳ ва Куръон илмида кучли ва мутамаккинлар етишиб чиққан, деб умид қиласман», деди.

Куфада илм ва уламолар кўплиги сабабли унинг ахли ва йигитлари илмда эртароқ етукликка эришгандар. Басрадаги тобеъинларнинг машҳури, имом Ибн Сийрин¹⁸⁴ шундай деган: «Куфа ахличалик ёшлари билимдон қавмни кўрмадим». ¹⁸⁵

Абу Нуъайм имом Аъмашнинг таржимаи ҳолида шундай ривоят қиласди: – Аъмаш куфалик эди – «Ҳабиб ибн Абу Собит – у ҳам куфалик бўлган – менга: «Ҳижоз ва Макка ахли маносикларни яхши билишади», деди. Аъмаш унга: «Сен улар томон бўл – яъни мунозарада уларнинг ноиби бўл – мен эса Куфанинг. Бирон масала келтирсанг, албатта унга оид ҳадис келтираман», деди».

Имом Ҳоким раҳимаҳуллоҳ «Маърифату улумил-ҳадис» китобида «қирқ тўққизинчи тур» деб, ҳадис илмларининг алоҳида хос бир турини айтиб, шундай деган: «Бу боб ривоят қилган ҳадислари шарқу ғарбдан жамланадиган, ҳадислари билан табарруқ қилинадиган тобеъинлар ва табаъа тобеъинларнинг энг ишончлилари-

¹⁸⁴ Ҳижрий 110 санада вафот этган.

¹⁸⁵ Абдуллоҳ ибн имом Аҳмад, «Ал-Илал ва маърифатур-рижал» 2/362 (2538).

ни, имомларини танишга оиддир». Имом Ҳоким бу бобда Мадинаи Мунаввара аҳлидан 40 та ровийни, Маккай Мұкаррама аҳлидан 21 та ровийни ва Куфа аҳлидан эса 201 та ровийни зикр қылган. Имом Абу Ҳанифани ҳам шулар жумласидан санаған.

Имом Ҳоким «Мустадрак»да «Валийсиз никоҳ йўқ» ҳадисини ривоят қилиб, ортидан шундай деган: «Биз зикр қылғанлардан бошқа бир гурӯҳ имомлар ушбу ҳадисни Абу Исҳоқдан мавсул тарзда ривоят қилишган. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ҳам ўшалардан».¹⁸⁶

Дарҳақиқат, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ўзи айтганидек ва бошқа имомлар тасдиқлаганлариdek, бутун Куфа аҳлиниң илмини жамлаган эди. Имом Бухорийниң «Саҳиҳ»ларидаги шайхларидан бири Яҳё ибн Одам шундай дейди: «Худди Куръондагидек, ҳадисда ҳам носих ва мансух бор. Нуъмон – Абу Ҳанифа – ўз юрти аҳлиниң барча ҳадисларини жамлаган. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирида қайсиларига амал қылғанларини аниқлаб, ўшани олган ва шу тариқа фақиҳ бўлган». ¹⁸⁷

Яҳё ибн Одамни таърифлаб, Яъқуб ибн Шайба: «Фақиҳул Бадан»,¹⁸⁸ деган. У «Харож» китобининг муаллифидир, у китоб нашр қилинган. «Сияру аъламин-нубабо»да у ҳақда Халлолниң шундай дегани ривоят қилинган: «Фикҳда ўз замонасининг тенгсизи эди».

Саймарий «Ахбару Аби Ҳанифата ва асҳабиҳ» номли китобида обид фақиҳларининг бири Ҳасан ибн Солихининг шундай деганини ривоят қылган: «Абу Ҳанифа ҳадисниң носих ва мансухини ниҳоятда жиддий тад-

¹⁸⁶ 2/171.

¹⁸⁷ «Кашфул асрор», Алоъ Бухорий, 1/16.

¹⁸⁸ «Фақиҳул Бадан» – «Жисми фақиҳ», дегани бўлиб, фикҳ илми қонқонига сингиб кетган, фикҳни мукаммал билади, деган маънени англатади.

қиқ қилар эди. Ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёки саҳобалардан событ бўлса, унга амал қилар эди. Куфа аҳлиниң ҳадиси ва фикҳини яхши билар ва юргининг олимлари лозим тутган нарсага эргашар эди. У: «Аллоҳнинг Китобида носих ва мансух бор, ҳадисда ҳам носих ва мансух бор», дер эди. Расулулуҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз юрти аҳлига етиб келган энг охирги амалларини яхши биларди».

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган амалларининг энг охиргисини билиш нақадар аҳамиятли эканини имом Зухрийнинг қуйидаги сўзидан билиш мумкин: «Саҳобалар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишларидан энг янгисини излар, уни муҳкам носих, деб ўшанга амал қилар эдилар».

Яхё ибн Одам бу ҳақда шундай дейди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари бўлса, бошқа кишининг сўзига эҳтиёж йўқ. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги ишларини «Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умарларнинг суннатлари», дейилар эди».¹⁸⁹

Имом Абу Ҳанифанинг илми фақат ўз юрти ҳадислари билан чегараланиб қолмаган. Балки у киши ҳижозликларнинг ҳадисларини ҳам яхши билар эди. Чунки Язид ибн Умар ибн Ҳубайра у кишини қозиликка мажбурлаганида қозиликни қабул қилмаган, кейин 130 йилда Куфани ташлаб, Маккан Мукаррамага кетиб қолган эди. Куфага эса фақат 136 йили Абу Жаъфар Мансур хукумат тепасига келгандағина қайтган. Мұжтаҳид имомнинг Ислом оламининг маркази, илм ва уламоларнинг маскани бўлмиш Маккан Мукаррамада ўтказган бу вақти қисқа муддат эмас.

¹⁸⁹ Ибн Абдулбарр, «Ал-Истизкор» 1/221.

Шунингдек, имомнинг маноқибида унинг эллик беш марта ҳаж қилгани айтилган. Ҳар ҳаж қилганида Макка, Мадина ва бошқа ўлкаларнинг уламолари билан кўришар эди. Шунинг учун ҳофиз Солихий ўзининг «Уқудул жуммон»ида зикр қилған Абу Ҳанифанинг шайхлари орасида маккалик, мадиналик ва бошқа юрглиқ уламолар кўп.

Имом Абу Ҳанифа ҳадисни ижоза¹⁹⁰ билан ривоят қилишни жоиз деб билмас эди. Бу фикр ўз замонасининг жарҳ ва таъдилдаги имоми Шуъба ибн Ҳажжождан ҳам нақл қилинган. Шуъба бу ҳақда шундай дейди: «Агар ижоза сахиҳ бўлганида, илм учун қилинадиган сафар ботил бўлар эди».¹⁹¹ Абу Ҳанифадек имом илм талабида сафар қилиш тайин бўлиб турган ҳолда қандай қилиб фақат ўз юртининг шайхлари билан чегараланиб қолади?!

Бу жуда узун боб бўлиб, ушбу ўринда кўп гапирмокчи эмасман. Имом Абу Ҳанифанинг бу жиҳати ҳакида аллома, муҳаққиқ, муҳаддис, фақиҳ, шайх Зафар Ахмад Усмоний Таҳонавий раҳимаҳуллоҳ «Инжоул ватан анил издири би имамиз-заман» китобида батафсил сўз юритган ва кўп нақллар келтирган.

Шайхимиз аллома, муҳаққиқ, мудаккиқ, шайх Мұхаммад Абдурашид Нұсьмоний раҳимаҳуллоҳ ҳам «Имом Абу Ҳанифанинг ҳадисда туттган ўрни» номли китоб ёзган. Шайхимиз аллома, шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳимаҳуллоҳ бу китобни янада тўлдириб нашр қилган.

Доктор Мұхаммад Қосим Ҳорисийнинг олти юз саҳифалик «Имом Абу Ҳанифанинг муҳаддислар ораси-

¹⁹⁰ Масалан, ровий ўз шогирдига «Мана шу китобдаги ҳадисларимни мендан ривоят қиласкер», деб изн беришига ўхшашиб. Ижозанинг турлари ва ҳар бир турнинг хукми билан «Мусталаҳул ҳадис» китоблари орқали танишишингиз мумкин.

¹⁹¹ Суютий, «Ат-тадриб» 256-257-6.

даги ўрни» номли илмий баҳси чоп этилди. Унда ҳам кўп янги ва ажойиб маълумотлар бор.

Шундан кейин ҳам бу имомга таъна қилишадими?!

Шу билан бирга, барчамиз тан оламизки, Абу Ҳанифанинг ёлғиз ўзи суннатнинг ҳаммасини ўзида жамламаган. Имом Шофеъий ҳам ёлғиз ўзи суннатнинг барчасини жамламаган. Бу сўзни имом Молик, имом Аҳмад, Саврий, Лайс ибн Саъд ва Авзоъийлар ҳақида ҳам айтамиз.

Шу ўринда айрим имомлар баъзи ҳадислардан бехабар бўлишганига мисоллар келтираман.

- Имом Абу Ҳанифа: «Киши бирор нарсани вақф қилса, уни амалга ошириши мажбурий эмас, васият қилмаган ва қози ҳукм қилмаган бўлса, ундан қайтса ҳам бўлади», деган. Унинг наздида вақфнинг лозим бўлишига оид бирон далил событ бўлмаган.

Абу Ҳанифанинг бу фикрига унинг асҳоблари ва бошқа имомлар хилоф қилишган. Уларнинг наздида вақф лозимдир. Ҳанафий мазҳабида ҳам бу борадаги фатво Абу Ҳанифанинг икки шогирди қарашига, яъни вақф лозим эканига кўрадир.

Йисо ибн Абон шундай дейди: «Абу Юсуф Бағдодга келганида «Вақфларни сотиш жоиз» деб, Абу Ҳанифанинг фикрига қўшилар эди. Кейин унга Исмоил ибн Улайя Ибн Авндан, у эса Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисни – Умар розияллоҳу анхунинг Хайбардаги улушини садақа қилгани ҳақидаги ҳадисни айтиб берди. Шунда Абу Юсуф: «Бунга хилоф қилиб бўлмайди. Агар бу ривоят Абу Ҳанифага етиб борганида, албатта амал қилган, хилоф қилмаган бўлар эди», деди.¹⁹²

¹⁹² Аллома Кавсарий, «Ан-Нуқат ат-торийфа» 40-бет. Мавзуни батафсилроқ ўрганиш ва етарли фойда олиш учун Зафар Аҳмад Усмоний Тахо-навийнинг «Эълоус-Сунан»ига қаранг, 13/96-127.

- Ибн Абу Ҳотим Розий «Тақдиматул жарҳ ва таъдил»-да имом Моликнинг машҳур асҳобларидан бири имом Абдуллоҳ ибн Ваҳбдан шундай ривоят қиласы: «Моликдан таҳоратда оёқ бармоқларининг орасини ишқалаш ҳақида сўрашди. Шунда у: «Лозим эмас», деди. Одамлар тарқалгунча индамай турдим. Кейин унга: «Бизда бу масалада бир суннат бор», дедим. У: «Қандай суннат?» деди. Мен: «Бизга Лайс ибн Саъд, Ибн Лаҳија ҳамда Амр ибн Хорислар Язид ибн Амр Маофир идан, у эса Абу Абдурраҳмон Ҳубулийдан, у Муставрид ибн Шаддод Курапшийдан шундай ривоят қиласы: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқ бармоқларининг орасини жимжилоклари билан ишқалаётганларини кўрдим». Молик шунда: «Бу ҳадис ҳасандир.¹⁹³ Буни ҳеч эшитмаган эканман», деди. Кейинчалик бу ҳақда сўрашса, бармоқлар орасини ишқалашга буюрар эди». Ибн Абдулбарр «Истизкор»да мазкур воқеани зикр қилиб, шундай қўшимча қилган: «Кейинчалик имом Молик ўзи ҳам шунга амал қиласиган бўлди».

- Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Бизга Шофеъий шундай деган: «Сизлар ҳадисни ва рижолларни мендан яхшироқ биласиз. Ҳадис хоҳ қуфий, хоҳ шомий ё басрий бўлсин, уни менга билдириб қўйинг, у саҳиҳ бўлса, мен ҳам унга юрайин!»¹⁹⁴

Ҳанбалий имомлардан имом Абу Бакр Ҳаллолнинг¹⁹⁵ «Ал-Амру бил маъруфи ван-наҳю анил-мункар» номли китобида қуидаги ривоят келтирилади:

¹⁹³ Имом Заркаший бу воқеани «Ан-Нукат аъла Ибн Салоҳ»да ҳадисни ҳасан дейиш имом Бухорий, Аҳмадлардан олдинги табақадаги имомларда ҳам борлигига далил қилиб келтирган.

¹⁹⁴ Имом Аҳмад «Ал-Илал», 1/155. Байҳақий «Маноқибуш-Шофеъий», 1/528.

¹⁹⁵ Ҳижрий 311 санада вафот этган.

«Қабр олдида қироат қилиш боби: «Бизга Аббос ибн Мұхаммад Дурий хабар берган: «Бизга Яҳё ибн Маъйин ҳадис айтиб берган: «Бизга Мубашшир Ҳалабий ҳадис айтиб берган: «Менга Абдурраҳмон ибн Ало ибн Лажлож отасидан ривоят қилиб, шундай деган: «Отам айтди: «Вафот этганимда мени лаҳадга қўй ва: «Бисмиллаҳ ва ала суннати Расулиллаҳ!» деб айт. Устимга тупроқни дўнг қилиб торт. Қабрим бошида Китобнинг Фотиҳаси ҳамда Бақаранинг боши ва охирини қироат қилгин! Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг шундай васият қилганини эшитганман».

Аббос Дурий шундай дейди: «Аҳмад ибн Ҳанбалдан: «Қабр олдида қироат қилиш борасида бирор нарса ёд олганмисиз?» деб сўрадим. Шунда у: «Йўқ», деди. Яҳё ибн Маъиндан сўраганимда, менга мана шу ҳадисни айтиб берди».

Халлол айтади: «Менга Ҳасан ибн Аҳмад Варроқ ҳадис айтиб берди: «Менга Алий ибн Мусо Ҳаддод ҳадис айтиб берди – у содук эди. Ибн Ҳаммод Муқриъ унга иршод қиласи – Аҳмад ибн Ҳанбал ва Мұхаммад ибн Кудома Жавҳарийлар билан бирга жанозада эдим. Маййит дафи қилингач, бир кўзи ожиз киши ўтириб, қабр олдида қироат қила бошлади. Шунда Аҳмад унга: «Ҳой киши, қабр бошида қироат қилиш бидъат!» деди.

Қабристондан чиқдик. Мұхаммад ибн Кудома Аҳмад ибн Ҳанбалга: «Эй Абу Абдуллоҳ! Мубашшир Ҳалабий тўғрисида нима дейсиз?» деди. У: «Ишончли», деди. «Ундан бирор нарса ёзиб олганмисиз?» деган эди, у: «Ҳа», деб жавоб берди.

Мен: «Менга Мубашшир хабар берди. У Абдурраҳмон ибн Ало ибн Лажлождан, у эса отасидан ривоят қилган. Отаси: «Вафот этганимда қабрим бошида Ки-

тобнинг Фотиҳаси ҳамда Бақаранинг боши ва охирини қироат қылған», деб васият қылған экан ва: «Иbn Умарнинг шундай васият қылғанини эшитганман», деган экан», дедим. Шунда Аҳмад: «Қайтиб бориб, ҳалиги кишига айт, қироат қылаверсин!» деди».

«Масобих»даги айрим ҳадисларни Сирожиддин Қазваний түқима, деб айтганига ҳофиз Ибн Ҳажар жавоб берган. Унинг жавоблари «Мишкотул масобих»нинг охирiga күшилған. Ибн Ҳажар Алий ибн Саъид Насойидан шундай нақл қилади: «Аҳмаддан тасбеҳ намози ҳакида сўрадим. У: «Бу борада менда сахих ҳадис йўқ», деди. Мен: «Мустамир ибн Райён Абул Жавзодан – Хурайрадан эмас – ривоят қылған, у Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қылғани-чи?» дедим. Шунда Аҳмад ибн Ҳанбал: «Буни сенга ким айтиб берди?» деди. «Муслим ибн Иброҳим», деди. Аҳмад ажабланиб: «Мустамир ишончли ровий», деди». Аҳмаддан нақл қилингандан бу ривоят у кишининг тасбеҳ намозини мустаҳаб дейишга қайтганини тақозо қилади».

Ибн Жавзий «Ал-Илал ал-мутанаҳия»да олтига саҳобадан: «Ҳар яхшининг ҳам, фожирнинг ҳам ортида намоз ўқийверинг!» деган ҳадисни турли йўллардан ривоят қылған. Ҳадиснинг йўллари ўн учтага етган ва ҳар бир йўлини заиф деб, сўзини имом Аҳмаднинг «Буни эшитмаганимиз», деган гапи билан тугаллаган.

Абу Бакр Маррузий «Ал-Илал ва маърифатур-рижол»да шундай ривоят қилади: «Абу Абдуллоҳдан – яъни имом Аҳмаддан – Абу Солт – яъни Абдуссалом ибн Солиҳ Ҳоравий – ҳакида сўрашди. Шунда Аҳмад: «Мункар ҳадислар ривоят қылған», деди. Унга: «Мужоҳид Алийдан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мен илмнинг шахриман, Алий эса унинг эшигъ», деганларини ривоят қылған», дейишди. Аҳмад: «Буни эшит-

маганмиз», деди. «Мункар деганингиз шуми?» дейишди. Аҳмад: «Бундан бошқа, буни эса эшитмаганмиз!» деди».

Шунга қарамай, ушбу ҳадиснинг йўллари кўп, ҳеч бўлмаса ҳадиснинг асли бор. Буни Ҳофиз «Лисон»да ҳам айтган. Ундан бу ҳадис ҳақида сўрашганида, хос бир фатвода ҳасан, ҳам деган. Буни Суютий «Лаолиъ»да нақл қилган. Бунинг зоҳири – ҳадис у кишининг наздигида саҳиҳ лиғойрих.¹⁹⁶ Кейинчалик Саховий ҳам «Макосид»да бу ҳадисни ҳасан, деган.

Имом Аҳмад «Хотиним ушловчининг қўлини қайтармайди» ҳадиси ҳақида «Собит эмас, асли йўқ!» деган. Ибн Жавзийнинг «Мавзуот»ида¹⁹⁷ ҳам шундай келган. Лекин ҳадиснинг Ибн Жавзий келтирган, Халлонинг йўлидан келган санадини Ҳофиз «Ат-талхисул ҳабир»да саҳиҳ деган».¹⁹⁸

Булар улуғ имомлар ҳам баъзи ҳадислардан бежабар қолган бўлишлари мумкинлигига мисоллар эди. Ўша ҳадисларни имомлар ҳаётлик чоғларида ёки вафот этганиларидан кейин уларнинг баъзи асҳоблари истидрок қилганлар. Бу борада имомларга асло таъна қилиб бўлмайди. Шунингдек, бундай ҳолатлар ўта нодир. Демак, суннати набавияни бир киши якка ўзи асло иҳота қила олмайди, комиллик Аллоҳ азза ва жаллагагина хосдир.

Имомларнинг ихтилофлари сабабларидан бири бўлган ушбу сабабга оид учта шубҳа пайдо бўлади. Куйида

¹⁹⁶ «Саҳиҳ лиғойриҳи» аслида «ҳасан лизотиҳи» ҳадис бўлади. Ҳадиснинг ривоят қилинган йўллари кўпайиши билан у «саҳиҳ лиғойриҳи» даражасига кўтарилади.

¹⁹⁷ 3/70.

¹⁹⁸ 3/225.

улар ҳақида түхталиб ўтаман. Лекин ундан олдин баъзиларда туғиладиган бир саволга жавоб бермоқчиман.

Нима учун бу сабабни сабабларнинг охиргиси, деяпсан?

Жавоб шуки, мен бу сабабни атайин, қасддан охирги сабаб, деб айтдим. Кўпчилик бу сабаб ҳақида сўз юритиб, уни сабабларнинг биринчиси, дейишганини яхши биламан. Улар «Имомлардан биронтаси амал қилмаган ҳадисни кўриб, имом бу ҳадисдан бехабар бўлган, агар ҳадисни кўрганида, албатта амал қилган бўлар эди, ҳеч ким якка ўзи суннати набавияни тўлиқ қамрай олмайди», дейишга шопшишади.

Мен эса икки асосга кўра уларнинг бу фикрларига қўшилмайман.

Биринчиси:

Улар ана шу имомнинг барча китобларини тўлиқ, астойдил ўрганиб чиқишишмаган. Имомга ўша ҳадис етиб бормагани, шунинг учун унга хилоф қилганига оид оз бўлса-да далил ҳосил бўлиши учун унинг китобларини албатта ўрганиб чиқишиш лозим. Айрим аҳли илмларнинг «Абу Ҳанифага «Фотиҳаи Китобсиз намоз йўқ» ҳадиси етиб бормаган!» дейишганини эшитганман. Ваҳдоланки, Абу Ҳанифа бу ҳадисни «Муснад»ида ривоят қилиган. Китоб бир неча бор нашр қилинган, кенг тарқалган.

Шайхларимиз шайхи аллома, муҳаққиқ Мұхаммад Баҳят Мутиъий раҳимаҳуллоҳ «Бола тўшакницидир» ҳадиси ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Ғаззолий шундай деган: «Бу ҳадис Абу Ҳанифага етиб бормаган. Агар етиб борганида, ҳаргиз жимоъ қилинган чўрини бу ҳадиснинг ҳукмидан истисно қилганини айтмаган бўлар эди. Буни Ҳарамайн имоми ҳам айтган». Сўнг бир неча сатрдан кейин шундай дейди: «Камол ибн Ҳумом ай-

тади: «Бунинг барчаси Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг мазҳабини яхши билмаганлариданdir. Ушбу ҳадис у кишига етиб бормаган, деган гап тўғри эмас. Чунки айнан шу ҳадис у кишининг «Муснад»ида зикр қилинган!»¹⁹⁹

Мен шундай дейман:

«Бола тўшакникидир» ҳадиси Мұхаммад Обид Синдийнинг тартибиға кўра «Муснад»да «Никоҳ китоби»нинг охирги ҳадисидир. Уни аллома, шайх Мұхаммад Ҳасан Санбаҳлий «Тансиқун-Низом»да шарҳлаган. Ҳадисни Абу Ҳанифа ўз шайхи Ҳаммод ибн Абу Сулеймондан, у Иброҳим Нахаъийдан, у Асвад ибн Язиддан, у эса Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган. Бу эса Куфа аҳлиниң Умар розияллоҳу анҳугача бўлган фақиҳлардан иборат санадидир.

Имом Абу Бакр Исмоилийнинг «Мўъжамушшуюх»ида шундай келади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Жунуб ҳолда тонг оттирган кишининг рўзаси дуруст», деган. Суфён Саврий айтади: «Иброҳим Нахаъий эса қазо қиласи дейди» деб, Иброҳимнинг бу сўзидан ажабланар эди. Унга Ҳафс ибн Ғиёс: «Балки Иброҳим Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жунуб ҳолда тонг оттирганлари, сўнг рўза тутаверганлари ҳақидаги ҳадисни эшитмагандир?» деди. Суфён: «Йўғ-е, у ҳадисни бизга Ҳаммод ибн Абу Сулеймон Иброҳимдан, у Асваддан, у эса Оишадан ривоят қилиб, айтиб берган», деди».

Иброҳим Нахаъий ҳадисни билмаган, деб тахмин қилиб, қандай янглишганига эътибор қилинг!

Киши имомнинг барча китобларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, бирон муайян ҳадисни унинг китобларидан топа олмаган ҳолда ҳам «Имом ўша ҳадисни билмаган», деб

¹⁹⁹ Иславий, «Сулламул вусул лишарҳи ниҳаятил-суъл», 2/480.

айтиши жоиз эмас. Сиз бир сахиҳ ҳадисни «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслім» китобларидан топа олма-сангиз, «Имом Бухорий ва имом Мұслімлар ўша ҳадисни билишмаган», дея оласизми? Йўқ, албатта!

Иккинчиси:

Имомни бирон ҳадисдан бехабар, деб айтиш ғайбдан гапириш, мусулмонларнинг имомларига илмсиз, хужжат ва далилсиз таъна қилишдир. Ўша имом унга: «Мен бу ҳадисдан бехабарман!» деб айтганми?!

Мана шу сабабли мен ушбу сабабни табиий равишда охирига қўйдим. Мантиқ ҳам, одоб ҳам шуни тақозо этади.

Ақлли киши бундай ҳолатда имомларга эътиroz билдириб, «Фалон ҳадисдан бехабар бўлганлар», деб айтишдан олдин биринчи навбатда ўзини айблаши лозим. Имом Байҳақий раҳимаҳуллоҳ «Маноқибуш-Шофеъий»да имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ажойиб ҳикояни келтиради:

«Хумайд ибн Аҳмад Басрий айтади: «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг хузурида эдим. Бир масалани муҳокама қилаётган эдик. Шунда бир киши Аҳмадга: «Эй Абу Абдуллоҳ! Бу борада сахиҳ ҳадис йўқ!» деди. Аҳмад: «Гарчи бу борада сахиҳ ҳадис бўлмаса-да, Шофеъийнинг гапи бор, унинг хужжати бу масалада событроқдир!» деди.

Кейин имом Аҳмад гапини давом эттириб, ҳалиги кишига ўзи билан имом Шофеъий ўртасида бўлган бир воқеани айтиб берди. Унда имом Шофеъий бирор фикрни айтса, албатта у фикрнинг суннатдан далили бўлиши айтилган. Лекин ўша далил баъзиларга маҳфий бўлади. Ҳатто имом Аҳмаддек зотларга ҳам маҳфий бўлиб қолиши мумкин.

У киши айтади: «Шофеъийга: «Фалон, фалон масалаларда нима дейсиз?» дедим. Шунда у жавоб берди.

Мен: «Буни қаердан олиб гапиряпсиз? Бу тўғрида ҳадис ёки оят борми?» дедим. Шунда у ўша масалалар ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай бир ҳадис келтирдики, у ҳадис масалага очик-ойдин далолат қилас, лафзи ундан бошқа маънони кўттармас ҳам эди».

Албатта, ҳадисни имом Аҳмад розияллоҳу анху ҳам билар эди. Лекин ундан Шофеъий олган ҳукмни олиш, истинбот қилиш унга махфий қолган эди. Масалани сабр ва сокинлик билан суриштирди. Мана шу имомнинг юксак одобига далолат қиласди. Шундай улуг имом ўзини шундай туттган экан, ҳар бир мусулмон киши бундай ҳолатда имомдан ибрат олиши лозим!

Мавзуни баъзи имомларнинг сўзлари билан якунлаш муносибдир.

Имом Абул Ҳасан Қобисий Моликий²⁰⁰ айтади: «Ҳадиснинг нақли ва лафзлари саҳиҳ эканини билган киши илмсиз равишда уни таъвил қиласлиги, уни ҳалол ё ҳаромга далил қиласлиги лозим. Чунки бу ривоят илми эмас. Ҳадиснинг носихи, мансухи бор. Мансух ҳадисга амал қилиш жоиз бўлмайди. Зотан, у амалдан қолдирилган бўлади.

Ҳадиснинг уламолар биладиган бир неча маънолари бор. Ҳозир уни батафсил ёритиш ўрни эмас. Бу ўринда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажида қиласлан хутбаларидағи сўзлари кифоя қиласди: «Шоҳид ғойибга етказсин. Балки шоҳид ўзидан кўра фақиҳроққа етказар!»

Имом Тақий Субкий «Ад-Дурратул мудијя» рисоласида бу ҳақда кўп сўз юритган. Ўқувчини зериктириб қўймаслик учун ундаги баъзи нарсаларнигина нақл қиласман. Субкий айтади: «Одамлар икки хил: Китоб ва

²⁰⁰ Ҳижрий 403 санада вафот этган.

суннатдан ҳукмлар чиқаришга қодир мужтахид олим; ахли илмга тақлид қилувчи оми.

Мужтахиднинг вазифаси бирон ҳолат бўлса, шаръий далиллардан унга оид ҳукмни чиқаришдир. Омининг вазифаси эса уламоларнинг сўзларига амал қилишдир. Мужтахиддан бошқаси бирон оят ёки ҳадисни эшитиб, унга амал қиласман деб, уламоларнинг сўзларини тарк этишга ҳаққи йўқ. Агар уламоларнинг ўша ҳадисни била туриб, унга хилоф қилганларини билса, демак, улар бирон далил ёки асос бўлгани учунгина унга хилоф қилганлар. Аллоҳ таоло «Агар билмасангиз, зикр ахлидан сўранг!» деган.

Мужтахид олимдан бошқалар, хусусан авом умумийлик ё мутлақлик бўлган бирон оятни эшитсалар, уламоларнинг сўзларига мурожаат қилмай, ўша умумийлик ёки мутлақликка амал қилишлари жоиз эмас. Чунки ундаи умумий, мутлақ далилларга носих ва мансухни, умумийни ва хосни, мутлақни ва муқайядни, мужмални ва мубайянни, ҳақиқат ва мажозни билганларгина амал қиласидилар».

Имом Субкий бу гапига Китоб ва суннатдан икки сахифага яқин далиллар келтириб, сўнг шундай дейди: «Демак, бир далилнинг ўзига уни хослайдиган ёки қайдлайдиган далилларга назар солмай амал қилиш хато ҳисобланади... Агар киши далилдаги умумийликни хослайдиган ёки унга қарама-қарши бўлиб қоладиган далилни ўрганиш лозимлигини эътироф этса, албатта, бу ишни ўз аҳлига топширади ва ҳар бир илмлининг устида ундан-да илмли Зот борлигини билади. Шунингдек, киши суннатда баён қилиб берадиган ёки хослайдиган, ёхуд қайдлайдиган далил борлигини билмагунича, Китобдаги далилга амал қилиши ҳам тўғри бўлмайди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласиди:

«Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик. Шоядки, тафаккур қилсалар» (Наҳл сураси, 44-оят).

Субкий яна шундай дейди: «Ким Китоб ва суннатни ҳамда имомларнинг сўзларини билмаса, уни тўғри йўлга йўллаб кўядиган пешвоси бўлмай туриб, ўзи эшитган бирон далилга амал қилиши жоиз эмас».

Уламоларнинг бу масала хусусидаги сўзлари жуда кўп. Ким агар мужтаҳид бўлмаса, демак, у тақлид қилувчи омидир. Бу масала усул китобларида батафсил ёритилган.

УШБУ САБАБГА ЭЪТИРОЗ ЎЛАРОҚ БИЛДИРИЛАДИГАН УЧ ШУБХА

Биринчи шубҳа:

«Мужтаҳид имомларнинг айрим ҳадислардан бехабар бўлгандарига ҳужжат қоим қилишинг бошқа масалада яна бошқа ҳадислардан бехабар бўлгандар, яна бошқасида бошқа далилларни билмаганлар, деган хulosага олиб боради. Агар шундай бўлса, у ҳолда далилни ўзимиз топиб, амал қилаверайлик, шунда хотиржам бўламиз».

Бу шубҳанинг жавоби қуйидагича:

«Имом жуда оз бўлса-да, бирор дадилдан бехабар қолган бўлса, албатта, унинг асҳоблари буни истидрок қилишган ва унинг мазҳаби мукаммал ҳолда қарор топган. Бундай асҳоблар Абу Ҳанифанинг Абу Юсуф ва Муҳаммад каби, Шофеъийнинг Музаний ва Бувайтий каби, Моликнинг Ашҳаб ва Ибн Қайс каби шогирдларидир. Имом Аҳмаднинг мазҳабида ҳам худди шундай.

Агар Исломнинг олтин даврида мужтаҳид деб тан олинган имом жуда оз сонли, айрим далиллардан бехабар қолган бўлса, сафнинг охиридаги муқтадий ундан-

да күп нарсадан, ҳатто асосий нарсадан ҳам бехабар қолгани асло әхтимолдан холи эмас.

Агар мужтаҳид имом бехабар қолган ҳадислар ҳатто мисол қилиб күрсатишга ҳам арзимайдиган даражада оз бўлса, ақл ва илмнинг мантиқи оз билан кўпга ҳукм қилишни нотўғри санайди. Бу ўринда мантиқ аксинча, кўпни озга ҳукмрон қилишни тақозо қиласди.

Биз «Имомга бу ҳадис етиб бормаган, шунинг учун бу масалада мана бундай ҳукм қилган. Эҳтимол, унга мана бу ҳадис ҳам етиб бормаган, шу сабабли мана бу масалада бундай ҳукм айтган. Имом айтган барча ҳукмларда мана шу эҳтимол мавжуд, шу сабабли биз барча мужтаҳид имомлардан алоҳида ажраб чиқиб, янги фикҳ бино қиласми. Зотан, бу эҳтимол қаршисида ҳеч бир имомнинг фарқи йўқ», деб айтмаймиз!

Балки бундай деймиз:

«Имомга бу масаладаги далил маълум бўлган ва унинг тақозосига кўра ҳукм қилган. Бундан бошқа масалаларда ҳам худди шундай бўлган». ²⁰¹

²⁰¹ Кавсарий раҳимаҳуллоҳ «Ан-Нуқат ат-торифа» китобининг муқаддимасида имом Абу Ҳанифанинг фикҳидаги тақдирий масалаларнинг адади камида саксон уч мингта масала эканини айтади. Бу қадар улкан ададдаги масалалар олдида у зот далилидан бехабар қолган айрим масалалар ҳеч нарса эмас-ку.

Абу Зуръа Димашкийнинг «Тарих»ида (1/263) Авзоийнинг етмиш мингдан ортиқ масалага жавоб бергани айтилади.

Халилий «Иршод»да (1/198) шундай деган: «Авзоий фикҳда ёддан саксон мингта масалага жавоб берган!»

Бу рақамлар сизни кўркитмасин! Факиҳлар эмас, мұхаддислар имоми бўлган Богандий айтади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳадисларидан уч юз минг масалага жавоб айтдим!»

Қасталоний «Латоифул ишарот»да (1/95) айтади: «Асмаъий шундай деган: «Кироат ва луғат имоми Амр ибн Алодан Қуръон, шеър ва араб тилига оид саккиз юз минг масала сўрадим. У гуё бу нарсаларни барча араблар биладигандек жавоб берди».

Минглаб масалалар қаршисида бир масала бўлса ва унга оид далил имомга етиб келмаганини аниқ билсак, ҳукмимиз айнаи шу масалада бўлади. Лекин бу билан бошқа масалаларда ҳам имомга далил етиб келмаган, дея хулоса қила олмаймиз.

Инсофли ўқувчидан ушбу жумлаларни дикқат билан ўқиб, сўнг баъзи шахсларнинг гап йўналишини қандай буриб юборишига эътибор қаратишларини сўрайман. Айтишадики: «Биз ҳар қандай ҳолатда Китоб ва Суннатга эргашишга, у иккисини бошқа барча нарсалардан устун қўйишга мажбурмиз. Агар имомларнинг Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига мухолиф бўлган бирорта сўзларини топсак, бизнинг ва ўша гап етиб борган ҳар бир мусулмонинг зиммасидаги вазифа ўша имомнинг гапини тарк қилиш ва Аллоҳ ва Расулининг сўзини олишдир. Чунки имомлар суннатнинг ҳаммасини иҳота қилмаганлар. Суннатнинг маълум бир қисмидан бехабар қолганлар...»²⁰²

Бундайларнинг фикрига раддия ўлароқ юқоридаги айтганларим кифоя қиласди!

Иккинчи сабаб шубҳа:

«Ҳозирги кунда суннат китоблари кўп. Замондош тадқиқотчиларда олдингиларга қараганда улардан фойдаланиши имконияти анча кенг. У китоблардан нашр қилиб, турли мундарижалар ва компьютер орқали бемалол исталган маълумотни топиш мумкин. Ҳозирда замонавий воситалар орқали китоблардаги сабит маълумотларни олиб, бошқасини олмаслик, далили бор фикҳий ҳукмларни олиб, далилсизини тарк этиш имкони бор».

²⁰² Мұхаммад Ийд Аббосий «Ҳақиқатут-таъйин лимазҳабил аимматил мужтаҳидин». 66-бет.

Бу шубха бир неча важхдан бўлади:

Биринчидан:

Бу аҳмоқлик сабабли айтилган гапдир.

Қадимда шундай дейишар эди:

وَكُمْ لِلشَّيْخِ مِنْ كُتُبٍ كِبَارٍ
وَلَكِنْ لَيْسَ يَدْرِي مَا دَحَاهَا

*Баъзи шайхлар борки, асарлар битган,
Жавонларга тўлган, эҳтимол, сўзи,
Афсуслар бўлсинки, китоблар ичра
Не маъно жамланган, билмайди ўзи.*

Яна шундай гап ҳам бор:

لَيْسَ بِعِلْمٍ مَا حَوَى الْقِمَطُرُ
مَا الْعِلْمُ إِلَّا مَا وَعَاهُ الصَّدْرُ

*Амал қил, эй дўстим, неники билсанг,
Билганингга ўтар гар амал қилсанг.
Жавондаги китоб эмасдир илм,
Қалбларни тўлдирган илмдир, билсанг!*

Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳнинг таъбири билан айтганда:

فَإِنْ تَحْرِقُوا الْقِرْطَاسَ لَا تَحْرِقُوا الَّذِي
تَضْمِنُهُ الْقِرْطَاسُ بَلْ هُوَ صَدْرِي

يَسِيرُ مَعِي حَيْثُ اسْتَقْلَتْ رَكَائِي
وَيَنْزِلُ إِنْ أَنْزِلُ وَيُدْفَنُ فِي قَبْرِي

Китобларим ёқиб, йўқотолмайсиз,
Нақшинкор йўнилган менинг қалбимда.
Отда юрсам, мен-ла сайд этарлар ва
Кўмилсам, ётарлар бирга қабримда.

Хатиб «Адабул фақиҳ вал-мутафаққих»да айтади:

«Баъзи донишмандларга: «Фалончи жуда кўп китоб тўплаган», дейишибди. Шунда: «Унинг фаҳми китоблари миқдоричами?» дебди донишманд. «Йўқ», дейишибди унга. «Ҳеч нарса тўпламабди. Ахир чорвалар илмни нима ҳам қиласди?!» дебди донишманд.

Бир киши ёзган нарсасини ўзи тушунмайдиган кишига шундай деди: «Ёзганингдан сенга фақат чарчоқ, бедорлик ва қоғозингни қоралаш қолди, холос».

Тақийоддин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ «Рофъул малом»да шундай дейди: «Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча ҳадисларини муайян китобларга тўплаш мумкин, деб фараз қилинганида ҳам, олим китоблардаги жамики маълумотларни билиши мумкин эмас. Бунинг бир кишида ҳосил бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Баъзида бир кишида кўплаб китоблар бўлади, лекин у китоблардаги маълумотларни тўлиқ иҳота қила олмайди. Шунинг учун бу китоблар жамланишидан олдин ўтган имомлар кейингилардан кўп жиҳатдан устундирлар. Чунки уларнинг китоблари қалбларида бўлган. Улар бир неча жилдлар келадиган китобларни ҳифз қилганлар. Бунга асло шубҳа йўқ».²⁰³

²⁰³ «Рофъул малом», 18-бет.

Иккинчидан:

Имомларимиз күп таълиф қылғанларига, бизгача уларнинг меросларидан кўп нарса етиб келган бўлишига қарамай, улар ўзлари ёд билган нарсаларнинг озгина қисменигина таълиф қилишган. Бу ҳақда юқорида Тақийюддин Абул Аббоснинг сўзини, ундан олдин Лайс ибн Саъд, Аҳмад ибн Фуротларнинг сўзларини кўрдингиз.²⁰⁴

Имом Богандийнинг сал олдинроқ ўтган гапини эсланг: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан уч юз минг масалага жавоб айтдим!»

Учинчидан:

Бугунги кунда суннат китобларининг энг каттаси Муттақий Ҳиндийнинг «Канзул Уммол»идир. Унда қирқ олти мингдан ортиқ ҳадис бор. Лекин юқорида айтилганидек, ундан фойдаланишнинг имкони йўқ. Чунки унда зикр қилинган баъзи манбалар йўқ, уларнинг санадларининг ҳам таҳқиқи йўқ. Шунинг учун ишимиз барибир уларнинг санадларини билишга келиб тўхтайверади.

Тўртинчидан:

«Канзул Уммол»даги ҳадисларнинг адади мужтаҳид имомларнинг ёд олган ва эшигтан ҳадисларининг адади ҳақида нақл қилингандан анча оз. Шунингдек, унда такрор келган ҳадислар ҳам бор.

Юқорироқда имом Абу Ҳанифанинг ўз таснифотларида етти юз мингдан ортиқ ҳадисни зикр қишлоғани, «Ал-Осор» китобини эса қирқ минг ҳадисдан танлаб олгани айтилди.

²⁰⁴ «Тазкиратул Хуффоз»да (1/544) хижрий 257 санада вафот этган имом Аҳмад ибн Фурот Розийнинг таржимаи ҳоли келтирилган. У шундай дейди: «Бир ярим миллион ҳадис ёздим. Ўз таълифотларимда улардан беш юз мингтасидан фойдаландим». Яъни ёзиб олганларидан учдан биринигина таълифотларида ишлаттган.

Яна имом Молик розияллоҳу анҳунинг юз мингта ҳадис ривоят қилгани, ушбу ҳадислардан ташқари ҳамл қилган ҳадислари анча эканини айтиб ўтдик. Имом Аҳмад розияллоҳу анху ўзининг «Муснад»идаги ҳадисларни етти юз эллик минг ҳадисдан танлаб олгани ҳам машҳурдир!

«Иъломул муваққиъин»да шундай ривоят келади:

«Бир киши имом Аҳмад розияллоҳу анҳудан сўради: «Бир киши юз минг ҳадисни ёд олса, фақиҳ бўладими?» Имом: «Йўқ!» деди.

«Икки юз минг ҳадисни ёд олса-чи?» деди. Имом яна: «Йўқ!» деди.

«Уч юз минг?» деди. Имом яна: «Йўқ!» деб жавоб берди.

«Тўрт юз минг бўлса-чи?» деган эди, имом «Бўлса керак» дегандек, қўли билан ишора қилди, яъни тўрт юз минг ҳадисни ёд олган одам фақиҳ бўлиши ва одамларга фатво айтиши мумкинлигига ишора қилди.

Хатиб «Жомеъ»да Яҳё ибн Маъиндан ривоят қилади:

Яҳёга: «Киши юз минг ҳадисдан фатво айта оладими?» дейишди. У: «Йўқ!» деди.

«Икки юз минг бўлса-чи?» дейишди. У яна: «Йўқ!» деди.

«Уч юз минг?» дейишди. Яна: «Йўқ!» деди.

«Беш юз мингта ҳадисдан-чи?» деган эди, «Эҳтимол» деди.

Хатиб бу ривоятга қўшимча қилиб айтади: «Яҳё ибн Маъин айтган миқдордаги ҳадисларни тўплашнинг ўзигина кишини фатво бериш мақомига лойик қилиб қўймайди. У одам ўша ҳадисларни яхши билиши, уларни таҳдил қилиши ва чуқур англаши ҳам лозим. Чунки илм фаҳмлаш ва атрофлича тушунишдир. Ривоятни кўпайтириш эмас!»

Тақийюддин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ ҳам ушбу ададни имом Аҳмад розияллоху анхунинг ўзидан «Мусаввада»да нақл қилган.

Ушбу улкан ададдаги ҳадисларга мавқуф, мақтуъ ва санадлари бир неча хил бўлган ҳадислар ҳам киришини инкор қилмаймиз. Лекин нима бўлса ҳам, орада катта фарқ бор! Санадлари турли хил бўлган такрор ҳадисларнинг лафзида ҳам кўпинча ҳар хиллик бўладики, бу эса ҳадисни тушуниш ва ундан истифода қилишда кўл келади.

Мавқуф ҳадислар эса шаръий далилларни салафи солиҳлар қандай тушунишгани, қандай татбиқ қилишгани борасидаги билимни ҳосил қилишда катта хизмат қилади.

Бешинчидан:

Агар бундай катта сонли ҳадисларнинг барчаси мавжуд, деб тасаввур қилсак ҳам, имомлар ўртасидаги ихтилоф барибир қоимлигича қолади. Чунки кўриб турганингиздек, ихтилофнинг бундан бошқа ҳам бир нечта сабаблари бор.

Ушбу ва бундан бошқа кўпгина қиссаларда ибрат оловчилар учун етарли ибрат бор.

Ромахурмузий «Ал-Мұхаддисул Фосил»да ривоят қилиди: «Бир аёл Яҳё ибн Маъян, Абу Ҳайсам, Ҳалаф ибн Солим каби буюк муҳаддислар бор бир мажлис олдида тўхтади. Улар ҳадис борасида музокара қилиб ўтиришарди. Аёл уларнинг «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар...», «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан эшитди, буни фалончи ривоят қилган...» Бу ҳадисни фалончидан бошқалар айтмаган...» каби гапларини эшитиб турди-да, улардан: «Ҳайзли аёл ўлик ювса бўладими?» деб сўради. Ўша аёл ғассола эди. Аёлга би-

ронталари жавоб бера олишмай, бир-бирларига тикилишиди. Шунда Абу Савр келиб қолди. «Мана бу келган одамдан сўра!» дейишди аёлга. Аёл унга қаради. Абу Савр яқин келиб қолган эди. Ундан ҳалиги саволини сўради. Шунда Абу Савр: «Ҳа, ҳайзли аёл ўлик ювса бўлади. Чунки Усмон ибн Аҳнафнинг Қосимдан, унинг Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга: «Ҳайзинг қўлингда эмас-ку!» деганлар. Яна Оиша онамизнинг «Мен ҳайзли ҳолимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соchlардан сув билан фарқ очиб қўяр эдим», деган гаплари ҳам бунга далил бўлади. Демак, ҳайзли ҳолда тирик одамнинг сочидан сув билан фарқ очиб қўйиш дуруст бўлса, ўликни ювиш янада бунга лойикроқдир!» деди.

Шунда мажлисдагилар: «Тўғри, буни фалончи ривоят қилган! Бу ҳадисни мана бу йўл орқали ҳам била-миз!» дейишганича, ҳадиснинг йўллари ва ривоятлари-га шўнғиб кетишиди. Ҳалиги аёл уларга қараб: «Ҳозир-гина қаерда эдинглар!?!» деди.

Имом Аҳмад ҳадисни таҳаммул қилиш ва адo этиш, ҳадис учун сафар қилишга қаттиқ киришиб, ҳадиснинг фикҳига у қадар эътибор бермайдиган ас-ҳобларини имом Шофеъийнинг мажлисига боришига ундар, унинг фикҳидан истифода қилишга чақирап эди. Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Яхё ибн Маъян ва Ҳумайдий кабилар ҳадис ёдлаш, тадқиқ қилиш борасида якка ўзи бир уммат бўлган зотлар эди. Баъзилар бошлиғич билимларни олаётганларга айтиётганларидек, ҳадисни билишнинг ўзи кифоя қилганида эди, имом Аҳмад асҳобларини фикҳга чорлашида ҳеч бир маъно бўлмас, имом Аҳмаднинг ўзи имом Шофеъийни лозим тутишидан фойда бўлмас эди. Хусусан, аҳён-

аҳёнда имом Шофеъийнинг ўзи ҳам ҳадис масаласида имом Аҳмадга мурожаат қиласа: «Сизлар ҳадис ва унинг рижоллари борасида мендан кўра олимроқсиз! Хоҳ қуфий ҳадис, хоҳ басрий ҳадис ёки шомий ҳадис бўлсин, саҳиҳ бўлса, уни менга билдириб қўйинглар. Токи мен ўша ҳадисга юрай!» дер эди.

Бу мавзудаги мисолларни кўпайтиришни унча хуш кўрмадим. Чунки бунда бир томонга ён босиб, иккинчи томоннинг эътиборига путур етказиб қўйиш хавфи бор. Уламоларимизнинг барчаларидан Аллоҳнинг Ўзи рози бўлсин!

Олтинчидан:

Ибн Маъин ва бошқа имомларда бўлганидек, мавжуд ҳадислар ижтиҳод учун кифоя қиласи, деб фараз қилсак ҳам, ҳадисларнинг мавжудлигининг якка ўзи ижтиҳод учун кифоя қилмайди. Чунки ижтиҳоднинг бошқа бир қанча шартлари бор. Улар мужтаҳид кишининг бир неча исломий фанларни яхши билишидир. Хатиб «Фақиҳ вал-мутафаққиҳ»да имом Шофеъийнинг бу ҳақдаги сўзини нақл қилған:

«Имом Шофеъий айтади: «Аллоҳнинг дини борасида фатво бериш ҳар кимга ҳам жоиз эмас. Ижтиҳод факат Аллоҳнинг Китобини – носихиу мансужини, мухкамиу муташобиҳини, таъвилию танзилини, маккийсию маданийсими, нима ирода қилинганию нима ҳақда нозил бўлганини биладиган,²⁰⁵ Расулуллоҳ сол-

²⁰⁵ Мужтаҳид Қуръон илмларидан бўлган кироат илмини ҳам яхши билиши лозим. Аллома Қасталоний «Латоифул ишорот»да (1/171) кироат илмининг фойдаси ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Уламолар қироатлардаги ҳар бир ҳарфдан шундай маънолар чиқаришганки, айнан ўша маънени бошқа қорининг қироатидан топиш имконсиз. Қироат фақиҳларнинг истинботи учун ҳужжат ва ҳақ йўлга ҳидоят учун манба ҳамдир».

лаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини Куръонни билгандек биладиган, араб тилида мутамаккин, араб шеъриятидан хабардор кишигагина жоиз бўлади. Шу билан бирга, инсофли ва камгап бўлади. Шунингдек, уламоларнинг ихтилофларини яхши биладиган бўлиши лозим. Агар шундай бўлса, ҳалол ва ҳаром масаласида гапириши, фатво бериши мумкин. Йўқса, гапиришга ва фатво беришга асло ҳаққи йўқ».

Қироатлардаги турлилук орқали ҳақ йўлга хидоят топишга қуйидаги мисолни келтирамиз. Ҳамза ва Кисоийлардан бошқаларнинг қироатларида Аньом сурасининг 159-ояти:

إِنَّ الَّذِينَ فَرَّقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شَيْعًا لَّتَسْتَ مِنْهُمْ فِي شَيْءٍ

«Динларини тафриқа қилиб, ўзлари гурухбозлик қилганларга ҳеч бир алоқанг йўқ» шаклида қироат қилинади.

Оятдаги «...тафриқа қилиб...» дея маъно берилаётган калима араб тилида «...африқа» дир. Ушбу қироатни далил қилиб, «Тафриқа қилганлардан мурод тақлидчилар ва фақиҳларга эргашганлар», деб айтиш очиқ хото, тўғри йўлдан тойиши ва Аллоҳ азза ва жалла кофиirlар ҳақида нозил қилган оятини Унинг мўмин бандаларига татбиқ қилишдир. Айнан шу оятни Ҳамза ва Кисоийлар қуйидагича қироат қилишган:

إِنَّ الَّذِينَ فَارَقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شَيْعًا لَّتَسْتَ مِنْهُمْ فِي شَيْءٍ

Яъни «африқа» деб қироат қилишган. Маъноси эса «...динларини тарк этганлар, динларидан чиқсанлар» деганидир. Бу қироат Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бўлиб, юқоридаги машҳур қироатда келган эҳтимолий маънони бу мутавотир қироат йўққа чиқаради ва бунга кўра динларидан ажраб чиқсан залолатдаги кофиirlар тушунилади. Алий розияллоҳу анҳу бу оятни қироат қилиб: «Аллоҳга қасамки, улар динда тафриқа қилмадилар, балки диндан чиқиб кетдилар!» дер эди.

Қироат илмини билиш накадар аҳамиятли эканини мулоҳаза қиляпсизми?! Агар бу қироат бўлмаса, мазҳаблар ҳам айнан адашиш манбаи сифатида тушунилиши эҳтимоли юзага чиқиб қолар эди. Ҳамза ва Кисоийларнинг Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қироатларида эса ояти каримадан кофиirlар назарда тутилгани очиқ-ойдин билинмоқда ва юқоридаги этимолий маъно эса тамоман йўққа чиқмоқда! Бунга дикқат қилинг!

Имом Абу Шома раҳимахуллоҳ «Хутбатул китабил муаммал»да айтади: «Билгин! Фикъий масалаларни чиқариб олиш ва уларни таҳқиқ қилиш усули фикъ илми ни мустаҳкам билишга боғлиқдир. Ушбу илмларнинг барчасини мустаҳкам ўзлаштириш эса араб тилини чукур билиш, унинг важҳларини, йўлларини, мажозини ва истеъмолда қандай ишлатилишини яхши англаш орқали бўлади. Шунинг учун тилни яхши билмаганлар кўп адашишган, усулда ҳам, фуруъда ҳам турли хатоларга йўл кўйишган».

Абу Убайд айтади: «Асмаъийнинг шундай деганини эшитдим: «Халил ибн Аҳмаднинг шундай деганини эшитдим: «Айюб Сахтиёнийнинг шундай деганини эшитдим: «Ирокдаги зиндиқ бўлганларнинг аксарияти араб тилини яхши билмаганлари сабабли шундай бўлган». Зухрий айтади: «Куръон таъвилиниң кўп ўринларида одамлар араб тилини яхши билмаганлари учун хатога йўл кўйишди».

Ибн Абдулбарр «Талаб мартабалари ва мазҳабга насиҳат боби» остида бу ҳақда батафсил сўз юритган, имом Шофеъийнинг юқоридаги гапини келтириб, уни салафи солиҳларнинг сўзлари билан қувватлаган. Шунингдек, мурсал ҳадисни муттасилдан ажратса олиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини, динни у зотдан олиб, кейингиларга етказган саҳобаларнинг сийратларини билиш лозимлигини, одилларни ғайриодиллардан ажратса олиш учун саҳобалардан нақл қилувчилар ва уларнинг ҳолатларини ҳам яхши билиш кераклигини таъкидлаган.

Айтаманки, айнан мана шу рижол илми, жарҳ ва таъдил илмидир. Биргина мана шу илмни яхши ўзлаштириш толиби илмнинг ҳаётининг жуда кўп қисмини олади.

Имом Ғаззолий раҳимаҳуллоҳ ҳам «Манхул»да шунга ўхшаш шартларни зикр қилган. Унда имом Шофеъийнинг юқоридаги фикрини бошқачароқ ифода қилиб, шундай деган: «Фикҳун-нафс ҳам лозимдир. У шундай қобилиятки, уни тажриба орқали қўлга киритиб бўлмайди!»

Тарожим китобларида бирон ровийни мақталса, «фақиҳун-нафс», дейилганини кўрасиз. Муҳаддислар буни «фақиҳул-бадан» дейишади. «Фақиҳун-нафс»нинг васфи ўз имомининг мазҳабини ёд билган, далилларини яхши билган, уларни асослаб бера оладиган, изоҳлаб, таҳрир қила оладиган, тазиф ва таржих қила оладиган кишидир. Лекин бундай киши мазҳабни ёд билиш, истинбот қилиш, усулда мутамаккинлик (пухталик) жиҳатидан биринчи ва иккинчи мартабадагилардан пастда туради. Имом Нававий «Мажмуъ»да бу ҳақда шундай дейди: «Тўргинчи асрнинг охирларигача бўлган мутааххирларнинг аксарининг васфи мана шудир. Улар мазҳабни тартиблаб, таҳрир қилган мусаннифлардир...»

Айтаманки, имом Ғаззолий «фақиҳун-нафс» деб айтганда бундан юқорироқ мартабани назарда тутган. Чунки у бу сўзини мустақил мужтаҳид ҳақида айтган. Имом Нававий айтган мартаба эса мазҳабда таржих қила оладиган уламоларга оидdir.

«Мусаввада»да ҳам «Фатво бериш ва ҳукм чиқаришга лойиқ кишининг васфи» деган сарлавҳа остида кўп фойдали гаплар айтилган.

Шу билан бирга, ундан киши солиҳ амал, тақво ва ибодат, зуҳд ва нафс поклигини доим ўзига лозим тутиши, Исломдаги комил сифатлар билан зийнатланиши, бу жиҳатдан ҳам бошқаларга намуна бўлиши керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам имом Табароний «Муъжамул авсат»да Алий каррамаллоҳу важҳа-

худан ривоят қылған ҳадисда бунга ишора қылғанлар. «Алий айтади: «Эй Аллоҳнинг Расули! Агар бир иш бўлса-ю, у ҳакда бизда на амр, на наҳий бўлмаса, нима қиласиз?» дедим. Шунда у зот: **«Ўша иш борасида фақиҳлар ва обидлар билан маслаҳат қиласизлар, уни хос фикрга ташлаб қўймайсизлар!»** дедилар.²⁰⁶

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам илм ва фахм билан бир қаторда ибодат ҳам муҳим эканига ишора қилмоқдалар.

Бу маънони Доримий «Сунан»ида мурсал ҳолда ривоят қылған ҳадис ҳам қўллайди. «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан Китоб ва суннатда бўлмаган бирон иш содир бўлса нима қилиш кераклиги ҳақида сўрашганда: «Буни мўминларнинг обидлари кўриб чиқишиди», деганлар.

Насоий «Сунани суғро»да Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан шундай ривоят қиласиди: «Шундай замон келдики, унда қозилик қилмаймиз, ундей мақомда эмасмиз. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла биз учун ўзингиз кўриб турган нарсага етишни тақдир қилди. Бу кундан кейин кимда бирор масала бўлса, Аллоҳнинг Китоби билан ҳукм қилсин! Агар Аллоҳнинг Китобида келмаган иш бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳакда қандай ҳукм қилған бўлсалар, шундай ҳукм қилсин! Агар Аллоҳнинг Китобида ҳам, Набийсининг суннатида ҳам бўлмаган иш келса, солиҳлар ҳукм қилғанлариdek ҳукм қилсин! Агар Аллоҳнинг Китобида ҳам, Набийсининг суннатида ҳам, солиҳларнинг ҳукмида ҳам бўлмаган иш

²⁰⁶ «Мўъжамул Авсат» (1641). Ҳайсамий «Мажмаъуз завоид»да (1/178): «Ҳадиснинг рижоллари ишончли ва сахих ахлидандир!» деган. Суютий «Мифтоҳул жанна»да бу ҳадисни сахих, деган.

келса, ўз фикри билан ижтиҳод қилсин, «Қўрқаман, кўрқаман», демасин. Чунки ҳалол ҳам очик-оидиндир, ҳаром ҳам очик-оидиндир. Буларнинг орасида эса шубҳали ишлар бор. Сени шубҳага солган нарсани тарқ этиб, шубҳага солмаган нарсани ол!» Абу Абдурраҳмон – яъни имом Насойй – айтади: «Бу ҳадис жайийиддир, жайийид».

Сўнг Насойй саййидимиз Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг ўз қозиси Шурайҳга ёзган мактубини ривоят қилган. Унда ҳам шу маъно бор.

Улуғ ровийлардан бири, имом Абу Ҳанифанинг хос шогирди имом Ҳафс ибн Зиёднинг ҳукмларига назар солиб, имом Абу Юсуф шундай деган: «Ҳафс ва унга ўхшаганлар қиёмул лайлга одатланганлар». Қиёмул лайл эса солиҳларнинг шиорларидир. Бошқа ўринда Абу Юсуф яна шундай деган: «Ҳафс Аллоҳни ирода қилди, Аллоҳ ҳам уни муваффақ қилди». Бошқа бир ривоятда эса: «Аллоҳ уни қиёмул лайлга муваффақ қилди», деган.²⁰⁷

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг асҳобларидан бири саййид Абдулваҳҳоб ибн Абдулкарим ал-Варроқ раҳимаҳуллоҳнинг таржимаи ҳолида имом Аҳмаднинг бу киши ҳақидаги қуйидаги гапи келади: «Солиҳ кишидир. Бундай киши ҳақни топишга муваффақ қилинади».²⁰⁸

Кейинроқ ушбу хабарнинг асли имом Аҳмаднинг «Вараъ» номли китобининг бошида келганини кўрдим. Фатҳ ибн Абу Фатҳ имом Аҳмадни ўлим тўшагида ётганида зиёрат қилиб, унга: «Ўзингиздан кейин бизга яхши ўринбосар қолиши учун Аллоҳга дуо қилинг! Сиздан кейин кимдан сўраймиз?» деди. Шунда у: «Абдулваҳҳоб Варроқдан сўранглар!» деди. Баъзилар: «Унинг

²⁰⁷ «Ал-жавоҳирул муддия» 2/141.

²⁰⁸ «Тазкиратул ҳуффоз», «Таҳзибут-таҳзиз» 6/448.

илми у қадар кеңг әмас-ку?» дейишигән эди, имом Ахмад: «Албатта, у солиҳ қишидир. Бундай киши ҳақни топишга муваффақ қилинади!» деб жавоб берди.

Аслида у зотлар илм талаб қилишдан олдин Аллохға ибодат қиласы, илмга солиҳ ҳолда ибодат, хушуъ ва зухд билан кирап эдилар.

Иbn Абу Хотим «Тақдимату жарҳ ва таъдил»да мужтахид имом Сүфён Саврий розияллоҳу анхунинг шундай деганини ривоят қиласы: «Илм талаб қилмоқчи бўлган киши аввал йигирма йил ибодат қиласы эди».

Учинчи сабаб шубҳа:

Бу сабабга оид охирги шубҳа баъзиларнинг қуйидаги фикри:

«Агар мужтахид имомларнинг ҳар бири суннатни тўлиқ ўрганиб чиққанларида эди, саҳиҳ ҳадис бўлган ҳеч бир масалада заиф ҳадисни далил қилиб келтирмаган бўлар эдилар. Хусусан, ўша саҳиҳ ҳадисни бошқа имом далил қилиб келтирган бўлса. Чунки саҳиҳ ҳадис заиф ҳадисдан беҳожат қиласы. Имомнинг заиф ҳадисни ҳужжат қилгани саҳиҳ ҳадисдан бехабар эканига далилдир».

Бу шубҳанинг жавоби қуйидагича:

«Албатта, мужтахид имомларимиз суннатни тўлатўкис ва етарли миқдорда ўрганиб чиққанлар. Буни билиш учун уларнинг сийратларига инсоф ва маърифат билан назар солиш кифоядир.

Бир масалада саҳиҳ ҳадис бўла туриб, унга мухолиф заиф ҳадисни ҳужжат қилгандарига келсак, бу гапнинг замирида чалкашлик ва ҳақиқатни бузуб кўрсатиш борлигини инсофли ўкувчи албатта билади. Бунинг баёни бир неча мулоҳазаларга тўхталиб ўтишни талаб этади.

Биринчи муроҳаза: Фақиҳлар ўз китобларида далил сифатида келтирадиган ҳадислар мазҳабнинг имоми ҳужжат қўилган айни ҳадислар бўлавермайди. Ҳа, фақиҳлар келтираётган ҳадисларга кўпинча мазҳаб имоми таянган бўлади. Лекин келтирилган ҳар бир ҳадисни имомнинг ихтиёри, деб айтиб бўлмайди.

Улар айтаётган фикҳий ҳукм ҳақиқатан имомнинг ҳукми бўлади, лекин далил кўпинча имом ихтиёр қилган далил бўлавермайди. Имомининг айтган ҳукмини баён қилаётib, муаллиф унга мувофиқ келадиган ҳадисни топади-да, ўша ҳукмга далил ўлароқ зикр қилади, имомнинг эса бошқа далили ҳам бўлиши мумкин, валлоҳу аълам.

Ушбу муроҳаза ҳанафий мазҳабига кўпроқ мувофиқ келади. Чунки имом Абу Ҳанифа ўзининг фикҳи ва далилларини ёзмаган. Имом Молик, Аҳмадлар ҳам шунга яқин. Имом Шофеъий ҳам «Ал-Ум» китобида ўзининг фикҳи ва далилларининг озгинасини жамлаган, холос.

Марғиноний Ҳанафийнинг «Ал-Ҳидоя», Ибн Абу Зайд Қайравоний Моликийнинг «Ар-Рисала», Шерозий Шофеъийнинг «Ал-Муҳаззаб» ва Ибн Қудома Ҳанбалийнинг «Ал-Муғний» китобларида, шунингдек, бошқа фикҳ китобларида келтириладиган ҳадисларнинг аксарияти мазҳаб имомларининг ихтиёри эмас.

Фикҳий мазҳаблардан бирининг китобидаги ҳадисларни таҳриж қилаётib, икки толиби илм ўша мазҳабга таъна қилишибди. Чунки китобда келтирилган ҳадисларнинг аксари ҳақида муҳаддислар «тўқима», «заиф», «марфуъ эмас», деб айтишган экан. Афсуски, бу икки толиби илм бу ҳадисларни айни мазҳаб имомининг ҳужжатлари, деб ўйлашган ва «Қандай қилиб тўқима, заиф ҳадисларни

Аллоҳнинг шариатига ҳужжат қиладиган кишини имом ёки мужтаҳид сифатида тан оламиз?» деб таъна қилишган. Ҳолбуки, ҳолат асло улар ўйлагандек эмас.

Ушбу мулоҳазада айтган фикрим түғри эканига, во-қеликда фақиҳларимиз шундай бўлишганига Ибн Салоҳ раҳимаҳуллоҳнинг «Муқаддима»да айтган қўидаги гапи далил бўлади: «Саккизинчи фойда:бунга амал қилмоқчи бўлган, буни ҳужжат қилмоқчи бўлган кишининг вазифаси – агар ҳадисга амал қилиши²⁰⁹ ёки бир мазҳаб учун уни ҳужжат қилиши жоиз бўлган кишилардан бўлса – ўзи ёки ундан бошқа ишончли одам солишитирган аслга мурожаат қилишдир...»

Ибн Салоҳнинг «..ёки бир мазҳаб учун уни ҳужжат қилиши..» деган гапи мен айтган фикрга асос бўлади.

Шамсиддин Абу Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳ «Бадаиъул фаваид» китобида шундай дейди: «**Насронийга шуфъа йўқ**» ҳадисини имом Аҳмаднинг баъзи асҳоблари ҳужжат қилган. Бу аслида баъзи тобеъинларнинг сўзи. Ўз асридаги ҳанбалийларнинг имоми Муваффақ ибн Кудома ҳам буни «Ал-Муғний»да ҳужжат қилган ва: «Илалу Доракутний»да Анасадан марфуъ тарзда келган», деган. Байҳақий эса «Сунан»ида: «Бу Ҳасан Басрий розияллоҳу анхунинг сўзи», деб аниқ айтган.

Шамсиддин Абу Абдуллоҳнинг «...имом Аҳмаднинг баъзи асҳоблари ҳужжат қилган...» деган гапи мен айтган фикрга далолат қилади.

²⁰⁹ Биқоий «Ан-Нуқат ал-вафийя»да шайхи Ибн Ҳажардан ушбу жумлага қўидагича таълиқ қилганини нақл қиласди: «Яъни бошқаларга мурожаат қилмай, ҳадиснинг маъносини ўзи билса ва ундан ўзини қизиқтирган ҳукмни истинбот қилишга етарли малакаси бўлса».

Иккинчи мулоҳаза: Фақиҳ баъзида бир далилни келтиради ва бу далил айни имомнинг далили бўлади. Муҳаддис эса уни фикҳий мазҳаб имомларининг замонасидан кейин ўтган мутааххир муҳаддисларнинг тўрт «Сунан», «Муснад»лар, «Муъжам»лар ва шунга ўхшаш бошقا китобларидан таҳриж қиласи-да, уларнинг йўлидан келган ҳадисни заиф ёки тўқима, деб ҳукм қиласи. Шу билан ҳадис ҳужжат қилишга яроқсиз бўлиб қолади. Ҳолбуки, мужтаҳид имом уни ўзининг йўлидан саҳиҳ ва ҳужжатга яроқли шаклда ривоят қилган бўлади. Ҳадисни таҳриж соҳиблари таянадиган, ҳозирда кенг тарқалган ҳадис китобларидаги йўлидан текширган ёки кўрган киши ҳадисни ҳужжатга яроқли эмас, деб таъна қилишга шошади.

Ҳадис мазҳаб имомларининг ўзларининг китобларидан – агар бизгача етиб келган бўлса, – дикқат билан изланса, ҳужжатга яроқли, саҳиҳ экани ва имомлар ҳакиқий ҳидоят имомлари эканлари аён бўлади.

Бунга бир мисол келтираман:

Марғиноний раҳимаҳуллоҳ «Ал-Ҳидоя»да «Ҳаддларни шубҳа туфайли даф қилинг»ни марфуъ ҳадис деб зикр қилган. Зайлаъий эса «Насбур-роя»да бу Умар розияллоҳу анҳунинг сўзи эканини, шунга қарамай, санади мунқотеъ эканини зикр қилган. Шунингдек, бу сўз Муъз ибн Жабал, Ибн Масъуд ва Уқба ибн Омирлардан ҳам ривоят қилингани, лекин барчасининг санадида Ибн Абу Фарва деган матрук* ровий бор экани, бу гап Зухрийдан ҳам нақл қилингани, лекин тобеъийнинг сўзи билан ҳужжат қоим бўлмаслигини ҳам айтиб ўтган.

Бу гапнинг марфуъ эмаслигини билган Ибн Ҳазм ўз одатига кўра «Муҳалло»да бу гапга ва уни ҳужжат қилган фақиҳларга кўп таъна қилган.

Унга Камол ибн Ҳумом «Фатхул Қодир»да раддия қилиб, бу гапнинг маъноси «Саҳиҳайн»даги ҳадисларда событ эканини таъкидлаб, шундай деган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалардан қилинган нақллар дикқат билан ўрганиб чиқилса, бу масалада бемалол қатъий хулоса чиқариш мумкин. Биламизки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зино қилганини тан олиб келган Мөъиззга: «Эҳтимол, ўтғандирсан?», «Эҳтимол, ушлагандирсан?», «Эҳтимол, тегингандирсан?» деганлар. Буни айтишдан мақсад – агар у «Ҳа» деса, тарк қилинишидир. Йўқса, бундай қайта-қайта сўрапшаридан асло фойда бўлмас эди.

Қарзини тан олган кишига «Эҳтимол, омонат қолдирилган-у, кейин зое бўлгандир», деб айтмаганлар... Бунинг барчаси шунга далолат қиласиди, ҳаддлар бирон шубҳа бўлса, даф қилинади. Бу маъно шариатда қатъиян событдир ва у ҳақда шубҳа қилиш зарурый нарсада шубҳа қилишдир».

«Ҳаддларни шубҳа туфайли даф қилинг» ҳадисини имом Абу Ҳанифа «Муснад»ида ҳам ривоят қилган. У «Ҳаддлар китоби»нинг тўртинчи ҳадиси. Санади эса Миқсамдан, у Ибн Аббосдан, у эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан.

Миқсам – ишончли ровий. Унинг ишончли эканини замонининг имоми Аҳмад ибн Салиҳ Мисрий, Ижлий, Яъқуб ибн Суфён ва Доракутнийлар айтишган. Ибн Аббос. Ибн Аббос, у ҳақда сўрапшнинг асло ҳожати йўқ. Ҳадиснинг бундан бошқа марфуъ, саҳих санади йўқ.²¹⁰

²¹⁰ Аллома Жалол Маҳаллий «Жамъул жавомитъ»нинг шарҳида ушбу ҳадисни Абу Ҳанифанинг муснадигагина нисбат бергани унинг ўта дикқатли эканига далолат қиласиди. 2/160.

Демак, имомлар бирон ҳадисни ҳужжат қилишса, унга оид ўз санадлари бўлади. Фикъларига оид ҳадисларни агар мавжуд бўлса, ўзларининг китобларидан таҳриж қилишимиз, мавжуд бўлмаса, бошқа муҳаддисларнинг китобларидан таҳриж қилишимиз лозим. Лекин бошқа муҳаддисларнинг китобларидан қиласидиган таҳрижимизни имомларнинг мазҳаблари заиф экани, ҳужжатлари яроқсиз эканига асос қилиб олмаслигимиз керак.

Мен бу мулоҳазани аллома, ҳофиз, усулий, фақиҳ Қосим ибн Кутлубуғо Жамолий раҳимаҳуллоҳнинг «Мунятул Алмаъий фии маа фаата мин таҳрижил Ҳидаяти лиз-Зайлаъий»да тутган йўлидан истифода қилдим. У киши «Насбур-роя»га келтирган истидрокларининг* аксарини ҳанафий фикъининг ҳадисий ва фикъий манбаларидан олиб келтирган.

Тақийюддин Абул Аббос раҳимаҳуллоҳ «Роғъул малим»да шундай дейди: «Ушбу ҳадис китоблари жамланшидан олдин яшаб ўтган имомлар мутааххирлардан кўра кўп жиҳатдан суннатни яхши билганлар. Уларга етиб келган ва сахих бўлган ҳадислар гоҳида бизгача етиб келмаган, етиб келса ҳам, мажхул ровийдан ёки мунқотеъ санад билан келган».

Тақийюддин Абул Аббоснинг «..Гоҳида бизгача етиб келмаган..» деган гапи ҳофиз Ибн Ҳажарнинг қўйидағи гапига ҳам мувофиқдир. Ибн Ҳажардан шофеъий ва ҳанафий имомлар фикъ китобларида ҳужжат қилиб келтирадиган ҳадисларнинг кўпчилиги ҳадис китобларида йўқлиги ҳақида сўрашганида «Ҳадис китобларининг кўпи Шарқ мамлакатларида фитна бўлганда йўқ бўлиб кетган. Эҳтимол, бу ҳадислар ўша китобларда келтирилган-у, бизгача етиб келмагандир», деб жавоб берган.*

Изоҳ: Шунинг учун ҳофиз Ибн Ҳажар ким ривоят қилганини билмаган ҳадисларини мутлақ инкор қилишдан эҳтиёт бўлиб «Ат-Талхисул ҳабир», «Дироя» ва бошқа китобларида «Топа олмадим», «Буни ҳадис китобларида кўрмадим», деб айтган. Ҳадисларни таҳриж қилган ундан олдинги имомлар Ибн Мулақкин «Бадрул мунир»да, Зайлаъий «Насбур-роя»да ва Ироқий «Таҳрижул Иҳё»да ҳам шундай йўл тутишган.

Лекин имомларнинг ушбу сўзларидан «Демак, суннати набавиянинг бир қисми йўқ бўлиб кетган экан, қандай қилиб Аллоҳ таоло уни хифз қилишни кафолатлаган, дейсизлар?» деган ботил фикрга бормаслик керак.

Чунки бизгача етиб келган ундан ҳадислар икки турлидир. Биринчиси санадли матнлар, лекин бу матнларнинг бошқа санадлари ҳам бўлган-у, бизгача етиб келмаган. Иккинчиси санадлари мутлақ етиб келмаган матнлар.

Биринчисининг мисоли: имом Аҳмад «Фадоилус-саҳоба»-да 2/737(1274) ривоят қиласи: «Мансур ибн Абдураҳмон имом Шаъбийдан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Собит тур, эй Ҳиро, устингда набий, сиддиқ ё шаҳид турибди», деганлари етиб келганми?» деб сўради. Шунда у: «Ҳа», деди. «Кимдан эшитгансан?» деди. «Аллоҳга қасамки, агар «Минг кишидан эшитганман», десам ҳам ростгўй бўламан», деди». Лекин шунга қарамай, мингта санадни қўятуrint, имом Шаъбийдан бу ҳадиснинг биронта муттасил санади нақл қилинмаган. Ҳадиснинг имом Шаъбийдан бошқалар ривоят қилган бир неча санадлари бизгача келган.

Иккинчисининг мисоли: факихлар китобларида кенг қўллайдиган ҳадисларнинг матнлари оз сонли бўлса-да, улар ҳам икки қисмдан иборатдир.

Биринчи қисм факих имомлар ўзларидан олдингилардан ривоят қилиб келган, лекин таҳриж қилувчи мутааххир имомлар ўзларидаги суннат китобларидан излаб топа олмаган ҳадислар. Шунга қарамай, улар бу ҳадисларни излаб топа олмаганларини эътироф этиб, уларни ҳужжат қилиб келтирган имомларнинг обрў-эътиборлари ва Аллоҳнинг дини масаласида омонатдор эканларини сақлаб: «Бу ҳадисларнинг таҳриж манбалари бизга етиб келмаган», деганлар. Унга оид фиқҳий ҳукмни инкор қилмаганлар.

Хурматли ўқувчиidan доктор Мустафо Абул Хайр икки жилда нашр қилган имом Абдуллоҳ ibn Ваҳбнинг «Ал-жамиъ фил ҳадис» китобини кўриб чиқишини сўрайман.

Бу қисмга тафсир, усул ва тасаввуф китобларида кенг қўлланадиган ҳадисларни ҳам киритиш мумкин. Шунга қарамай, бу қисмдаги аксар ҳадислардан беҳожат қиласидиган даражада кўп марфуъ ёки марфуънинг ҳукмида бўлган бошқа ҳадислар нақл қилинган. Марфуъ ҳолда келганлари бўлмаса, унинг ўрнини босадиган дараҷада етарли мавқуф ҳадислар бор.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, усул китобларида баён қилинганидек, жарҳ ва таъдил, қабул ва рад масалаларида фақиҳ имомларнинг услублари муҳаддисларнидан фарқлидир.

Илм ва ақлнинг мантиғи ҳам кейин келганларнинг фикри билан аввал ўтганлар ҳакида кескин хulosса қилиш нотуғри эканини тақозо қиласди. Яъни суннат китоблари – масалан «Кутуб ас-ситта» – жамланишидан олдин яшаб ижод қилган уламолар ва уларнинг қарашларига кейин жамланган китоблардаги ҳадислар, кейин яшаб ижод қилган уламоларнинг таҳрижлари билан ҳукм қила олмаймиз. Бир соҳанинг мутахассиси – яъни муҳаддис – бўлган кишиларни бошқа бир неча соҳа мутахассиси, хусусан, ҳадис ва фикҳда мутахид имом бўлган кишиларга ҳакам қилишимиз тўғри бўлмайди.

Иккинчи қисм мутааххири фақиҳлар кенг қўллайдиган, мутақаддимлардан нақл қилинмаган ҳадислар. Бундай ҳадислар биз баҳс қилаётган мавзуу остига кирмайди. Валлоҳу аълам.

Айтишингиз мумкин: «Модомики, баъзи санадлар йўқ бўлиб кетганини эътироф қилсангиз, нима учун баъзи ҳадислар ҳам, санади ҳам матни билан йўқ бўлиб кетганини эътироф этмайсиз?»

Жавоб шуки, бу гапнинг қаршисида икки эҳтимол бор: Биринчи эҳтимол: йўқ бўлиб кетган-у, лекин унинг ўрнини босадиган бошқа ҳадислар нақл қилинган. Иккинчи эҳтимол: йўқ бўлиб кетган ва ўрнини босувчи ҳадислар ҳам нақл қилинмаган.

Агар биринчи эҳтимол бўлса, у ҳолда бунинг асло зараги йўқ. Агар иккинчи эҳтимол бўлса, унинг жавоби Аллоҳ азза ва жалланинг Куръонни муҳофаза қилиши ҳакида нозил қилган «Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз», деган сўзидир. Маълумки, Куръонни муҳофаза қилиш уни баён қилувчи, тафсир қилувчи, изоҳловчи суннатнинг ҳам муҳофаза қилинишини талаб этади. Бу аниқ ва равшандир.

Имом Камол ибн Ҳумом «Фатхул Қодир»да айтади: «Қон, қусиши, кулиш сабабли таҳорат синиши ёки синмаслиги масаласида бирон саҳиҳ ҳадис йўқ», деган кишининг сўзига хўп, десак ҳам зарари йўқ. Чунки ҳадиснинг ҳужжат экани унинг фақат саҳиҳ бўлишига боғлиқ эмас, ҳасан бўлиши ҳам кифоя қиласиди. Лекин мужтаҳид имом ҳадиснинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигига оид ихтилофдан боҳабар бўлса-ю, кейин уни саҳиҳ деган хulosага келса, демак, ҳадис у имом учун саҳиҳдир. Чунки бу ҳақдаги ихтилофнинг ўзи таржих қилиш ёки саҳиҳ дейишдан асло ман қилмайди».

Учинчи мулоҳаза: Гоҳида фақиҳ имомлар келтирган далил ҳақиқатда ҳам заиф санадли ҳадис бўлади, хоҳ ўзларининг йўлларидан ривоят қилинган бўлсин, хоҳ бошқа муҳаддисларнинг йўлларидан. Лекин ундаги фикрни қувватлайдиган Китоб ё суннатда, ёхуд икковида ҳам бир қанча асослар бўлади.

«Ҳаддларни шубҳа туфайли даф этинг» ҳадисини заиф десак, имом Ибн Ҳумомнинг унинг маъноси саҳиҳ эканини қувватлаш учун зикр қилганлари мана шу мулоҳазага мисол бўла олади.

Яна бир мисол:

Фақиҳлар талоқ қилиш эркак кишининг ҳаққи эканига Ибн Аббосдан марфуъ тарзда келган қуйидаги ҳадисни ҳужжат қилишади: **«Талоқ болдирини тутиб турган киши учундир».**²¹¹ Ушбу ҳадисни Ибн Можа²¹² Яҳё ибн Букайрнинг йўлидан ривоят қилган. У Ибн Лаҳийъадан ривоят қилган. Ибн Лаҳийъа эса мухталит (хотираси сусайиб, маълумотларни қориштириб юборадиган) бўлга-

²¹¹ Яъни талоқ қилиш хукуки аёлнинг болдирини тутиб турган, у билан жимоъ қилиш хукуқига эга бўлган кишиники, эрникидир.

²¹² 1:672 (2081).

ни учун заифдир. Ҳадисни Ибн Можадан бошқалар ҳам ривоят қилишган. Лекин барча йўлларида заиф ровийлар бор. Бу ҳадис ҳақида имом Шавконий «Найлул автор»да: «Йўллари кўп экани бир-бирини қувватлайди», деган. Шунинг учун уни баъзилар ҳасан, дейишган.

Шамсиддин Абу Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳ «Зодулмаод»да айтади: «Ибн Аббоснинг юқорида ўтган ҳадисининг санади ҳақида нима гап айтилган бўлса ҳам, Куръон у маънони қувватлайди, одамларнинг амаллари ҳам шу ҳадисга кўрадир».²¹³

Демак, бу ҳадисни ҳужжат қилганларга эътиroz билдириш ноўрин экан. Чунки ҳадиснинг маъносини, яъни талоқ қилиш эркак кишининг ҳуқуки эканини тасдиқловчи қуръоний далиллар ҳам бор. Аллоҳ таоло айтади:

«Эй Набий! Агар аёлларни талоқ қиласидиган бўлсангиз, иддаларида қилинг...»²¹⁴, «Хотинларни талоқ қилганингизда, муддатлари охирига етганда, яхшилик билан ўзаро рози бўлишиб, эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг»²¹⁵, «Талоқ қилинган аёллар ўзларича уч куруъ кутарлар».²¹⁶

Иккинчи мисол: Фақиҳлар: «Ҳожатхонага кирганда бошни ёпиш керак», дейишади ва бунга «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар, шиппакларини кияр ва бошларини ёпар эдилар» деган ҳадисни ҳужжат қиласидилар. Бу ҳадиснинг Ибн Саъд ривоят қилган лафзи. Ибн Саъдга Суютий «Ал-Жомеъус-сағир»да нисбат берган. Ҳадисни Абу Бакр ибн Абдуллоҳ Ҳабиб ибн Солихдан

²¹³ 5: 279.

²¹⁴ Талоқ сураси, 1-оят.

²¹⁵ Бақара сураси, 232-оят.

²¹⁶ Бақара сураси, 228-оят.

мурсал тарзда ривоят қылган. Муновий айтади: «Захабий «Абу Бакр заиф», деган. Ҳадисни Байҳақий ҳам мана шу Ҳабибдан ривоят қылган. Унда ҳам Абу Бакр бор». Ҳадис бу йўлларнинг бирортасидан ҳам событ бўлган эмас. Бу иш Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг феъли ўлароқ, мавқуф тарзда событ бўлган.

Ҳадисни имом Бухорий ҳам «Мағозий» китобининг «Абу Рофеъ ибн Абул Ҳуқайқнинг ўлдирилиши» бобида ривоят қылган. Унда Абдуллоҳ ибн Атийк розияллоҳу анхунинг қуидаги сўзи бор: «Келиб, эшикка яқинлашдим. Сўнг худди ҳожат қилаётгандек, кийимимга ўраниб олдим». «Кийимимга ўраниб олдим» деган ибора иккинчи ривоятда «бошимни ёпдим» деб келган. Демак, уларда ҳожатга боргандা бошни ёпиш одати бўлган.

«Тадрибур-ровий»да шундай келади: «Абул Ҳасан ибн Ҳассор «Тақрибул мадорик ъалаа Муватто имам Малик»да шундай деган: «Ҳадиснинг санадида каззоб ровий бўлмаса, фақиҳ унинг сахиҳ эканини гоҳида Куръондаги бирон оятга ёки шариатнинг усулидан биронтасига мувофиқ келиши билан аниқлайди-да, уни қабул этиб, амал қиласди».

Шу тариқа ҳадис хужжат бўлиб, унга хилоф қилиш жоиз бўлмайди.

Шу ўринда бир муҳим мулоҳаза бор, уни бироз батаф-силроқ баён қилишни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг «Ал-Интифаъ би ухубис-сибаъ» номли китоби бор. Имом Байҳақий ундан бир матнни нақл қылган. Унда имом Шофеъийнинг ҳукмлар ва уларнинг далилларини арз қилишдаги услуги ҳақида сўз юритилган. Имом Муслим айтади: «Имом Шофеъий таянадиган хужжатлар китобларида

зикр қилган масалаларидан кейин келадиган ҳадислар эмас. Имомнинг у масалалардаги асосий ҳужжати Куръондан, суннатдан, у киши ўзи ҳужжат деб билган далиллардан ва қиёсдан бўлади. Сўнг масалага оид ҳадисларни хоҳ кучли, хоҳ кучсиз бўлсин, зикр қиласеради. Кучли бўлганларига ҳужжат сифатида эътимод қиласди, кучсиз бўлганларини эса шунчаки зикр қилиб ўтиб кетаверади, ундан ҳолатда унинг асосий ҳужжати Куръондан ёки бошқа ҳадисдан, ёки қиёсдан бўлади...»

Бу гапнинг холосаси шуки, имом Шофеъийнинг китобларидаги услугуб – аввал ҳукмни Китоб ё Суннатдаги ҳужжатлари билан зикр қилишдир. Сўнг масалага очиқ далолат қиласиган бошқа ҳадисларни хоҳ кучли, хоҳ кучсиз бўлсин, айтиб ўтади. Кучсизини зикр қилганида ишора қилиб ўтади, бундай ҳолатда унинг асосий далили аввал айтгани бўлади.

Имом Байҳақий айтади: «Мухтасару Музаний»нинг баъзи бобларининг бошида келадиган ҳужжатликка ярамайдиган ҳадислар Музаний раҳимаҳуллоҳ томонидан қўйилган. Имом Шофеъий уларни имом Муслим ибн Ҳажжож айтганидек, ўз услугуга кўра зикр қилиб ўтиб кетган бўлади».

Буни қаранг, имом далилни баён қилишда қандай услугуб қўллади-ю, шогирди қандай услугуб қўллади. Имом Шофеъий ҳукмни айтишда аввал ўзи таянган далилни баён қилган, сўнг масалага алоқадор бошқа ҳадисларни ҳам зикр қилиб, заиф ё кучсизи бўлса, ишора қилиб ўтган. Музаний эса масалани баён қилишда баъзида кучсиз ва ҳужжатликка ярамайдиган ҳадислар билан ҳам гап бошлаб, имом қўллаган услугуб – ҳужжатликка ярамайдиган дилилни кейин айтиш ва кучсиз эканига ишора қилишга эътибор қилмаган.

Холбуки, бу ҳолат замондош уламолар, устоз ва шоғирдларда кузатилған. Имом Музаний имом Шофеъ-ийда узоқ вақт таълим олган ва у билан бирга бўлган. Демак, мазҳаб имомидан бир неча аср кейин яшаган факиҳлар ҳукм ва ижтиҳодда имомга мувофиқ бўлсалар-да, лекин имом ҳужжат қилган далилдан бошқа далилни ҳужжат қилсалар ёки масалада сахиҳ ҳадислар бўла туриб, заиф ҳадислар билан ҳужжат келтирсалар, бундан асло ажабланмасак ҳам бўлади.

Гоҳида фиқҳга оид китоб ёзганлар бир ҳукмга бирон ҳадисни ҳужжат қиласидилар ва уни марфуъ ҳадис, деб айтадилар. Ҳадисни таҳриж қилган муҳаддис эса унинг марфуъ эмаслиги, тобеъинлардан фалончиларнинг гапи эканини айтади. Буни кўрган киши ўша фиқҳий ҳукм зоил бўлди, бекор бўлди, факиҳнинг фиқҳи-ю, мужтаҳиднинг ижтиҳоди ботил бўлди, деб ўйлайди. Холбуки, масаланинг қатъий, событ далили бўлади.

Бунинг мисоли баъзи факиҳларнинг пешин ва аср намозларининг фарзи маҳфий ўқилиши, қироат жаҳрий қилинмаслигига «Кундузининг намози соқов» деган ҳадисни ҳужжат қилганларидир. Холбуки бу, ҳадис ботил, асли йўқ. Бу тобеъинлардан Мужоҳид, Абу Убайда ибн Абдуллоҳ ибн Масъудларнинг сўзидир.

Лекин бу ушбу фиқҳий ҳукмнинг ботил эканини, кундузининг намозини жаҳрий ўқиш жоизлигини билдирамайди. Чунки бу ҳукм имом Бухорий Хаббоб ибн Аратдан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда событ бўлган. Хаббоб ибн Аратдан «Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам пешин ва асрда қироат қиласидилар?» деб сўрашганида «Ҳа», деган. «Қаердан билардинглар?» деб сўрашганида «Соқолларининг қимирлашидан», деб жавоб берган.

«Саҳиҳи Муслим»да Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхунинг шундай дегани келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пешин ва аср намозларидағи қиёмларини кузатдик. Пешин намозининг аввалги икки ракъатидаги қиёмлари «Алиф. Лаам. Мииим. Сажда»²¹⁷ чалик, кейинги икки ракъатдаги қиёмлари эса шунинг ярмичалик бўлди».

Ушбу хукмни «Саҳиҳайн»даги бу икки ҳадис билан бир қаторда мусулмонларнинг асрлар оша шундай намоз ўқиганлари, ҳеч ким бунга хилоф қилмагани, эътиroz билдиrmагани ҳам қувватлайди. Демак, бу хукм эргапшилиши вожиб бўлмаган баъзи салафи солихларнинг сўзларига эмас, балки қатъий, событ далилга асосланган.

Бу каби аслида заиф, лекин ташки шавоҳидлари билан қувватли бўладиган ҳадисларни одатда фақиҳлар ушбу хукмга очиқ далолат қилгани учун ҳужжат қилганлар. Гарчи унинг лафзларини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат беришни ножоиз десак ҳам.

Хулоса шуки, фикҳ китобларида учрайдиган заиф ва шунга ўхшаш ҳадисларнинг ичида айнан имомнинг ўзи ҳужжат қилган ҳадислар ҳам, имом айтган фикҳий хукмга мувофиқлиги сабабли муалифнинг ўзи ҳужжат қилган ҳадислар ҳам бор. Иккинчи турдагиси кўпроқ.

Ундан ҳадисларнинг заиф эканидан унга бино қилинган фикҳий хукмнинг ҳам заиф экани келиб чиқмайди. Чунки у фикҳий хукмнинг Куръонда ёки саҳиҳ, событ суннатда бошқа шавоҳидлари ҳам бўлиши мумкин.

Тўртинчи мулоҳаза: Баъзида ҳадиснинг мужтаҳиднинг йўлидан ҳам, муҳаддисларнинг йўлларидан ҳам келган ривоятлари заиф бўлади, уни саҳиҳ даражасига кўтарадиган шавоҳидлари ҳам бўлмайди. Лекин имом

²¹⁷ Сажда сураси.

«Заиф ҳадисни ҳужжат қылса бўлади», деган фикрига биноан саҳиҳ ҳадис топилмаган масалада ундан фойдаланган бўлади. Чунки заиф ҳадис раъй ва қиёсдан яхши. Шу билан бирга, биринчи сабабда айтиб ўтганимиздек, унинг заифлиги кучли бўлмаслиги лозим.

ХУЛОСА

Муқаддима қисмида имомларимиз ўз илмларини суннати набавиядан олишга, фикҳ ва ижтиҳодларини унга кўра бино қилишга ва раъйдан йироқ бўлишга интилғанларини, одамларни ҳам ҳадиси шарифни ўрганишга тарғиб қилғанларини, динда юзага келиши мумкин бўлган фитналардан кутулишнинг ягона йўли суннатни маҳкам тутиш эканини кўриб чиқдик.

Биринчи сабаб – «Ҳадиси шариф қачон амал учун яроқли бўлади», деган мавзуда мулоҳаза қилиниши лозим бўлган тўрт нуқта ҳақида тўхталиб ўтдик. Улар куидагилар:

1. Ҳадиснинг саҳиҳ бўлиши учун қўйилган баъзи шартлардаги ихтилоф.

Имомлар ҳадиснинг саҳиҳлик шартлари борасида ихтилоф қилишган. Шартлар борасидаги бу ихтилофларидан баъзи фикҳий ихтилофлар келиб чиқкан.

2. Ҳадисга амал қилиш учун унинг саҳиҳ бўлиши шарт қилинадими?

Ушбу саволнинг жавобида қатор факих ва муҳаддис имомлар буни шарт қилишмаганини, бобда заиф ҳадисдан бошқаси бўлмаса, ўша заиф ҳадисга амал қилишни жоиз деб билишганини ва унга амал қилишни қиёсга кўра амал қилишдан устун қўйишганини кўрдик.

Шунингдек, бирон матнда бир-бирига teng икки эҳтимолий маънонинг бирини ихтиёр қилиш ва бирини

таржих қилишда заиф ҳадисдан бошқаси бўлмаса, унга таянишни баъзи имомлар жоиз санашган.

Шу тариқа заиф ҳадисга таянишни жоиз деганлар билан ножоиз деганлар ўртасида баъзи ихтилофлар келиб чиққан.

3. Ҳадис айни лафз ёки маъно билан ривоят қилинган ўринларда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айнан қайси лафз билан ифода қилганларини билиб олишнинг зарурлиги.

Бу ҳақда амалий мисолни кўриб чиқдик. Унда ровийлар ҳадисдаги бир калимани ривоят қилишда ихтилоф қилинган. Бир ривоятда «Ўтказиб юборганингизни тўлдириб олинг», деб айтилган бўлса, бошқа ривоятда «Ўтказиб юборганингизнинг қазосини ўқиб олинг», дейилган.

Шунинг учун имом Абу Ҳанифа ҳадисни маъноси билан ривоят қилмоқчи бўлган ровий, имомлар айтгандаридек, араб тилини яхши билишини шарт қилишдан ташқари, «Фақиҳ ҳам бўлиши керак», деган.

4. Ҳадиснинг лафзини араб тили меъёрларига мувоғиқлаштириш.

Бу ҳақда бир мисолни кўриб чиқдик. Унга кўра имомлар шаръий сўйилган ҳайвоннинг қорнидан тирик чиққан боласини ейиш ҳалол ёки ҳалол эмаслиги борасида ихтилоф қилишган. Бу ихтилоф бир неча сабаблардан келиб чиққан. Ҳадиснинг лафзи қуидагича:

«ذَكَاهُ الْجِنِينِ ذَكَاهُ أُمّهٖ».

Ҳадисдаги «ذَكَاهٌ» сўзи иккала ўринда ҳам заммали бўладими ё фатҳали бўладими ёки биринчиси заммали, иккинчиси эса фатҳалими, ихтилофли.

Бириңчи сабаб ҳақидағи сўзимнинг якунида икки шубҳа ҳақида тұхталиб ўтдим.

1. «Ҳадис сахиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир».
2. «Ҳадиснинг сахиҳ бўлиши унга амал қилишга кифоя қилади».

Имомлар «Ҳадис сахиҳ бўлса, у менинг мазҳабимдир», деганларида «Ҳадис сахиҳ бўлса, амал қилишга яроқли бўлса ва унга бошқа далиллар қарама-қарши келмаса» деган маънени назарда тутишган. Уларнинг бу гаплари ўзларига ўхшаган имомларга қаратилғанлиги, аввалги уламолардан бир нечтаси шундай қилмоқчи бўлиб, хатога йўл қўйғанлари, ҳукмни нотўғри татбиқ қилғанлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

«Ҳадиснинг сахиҳ бўлиши унга амал қилишга кифоя қилади», деган гап ҳам олдингисига ўхшаш экани, унга айтилган жавоб бунга ҳам алоқадор эканини айтиб ўтдик.

Сўнг баъзиларнинг «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашибга буюрилғанмиз, у зотдан бошқасига эмас», деган гаплари ҳақида тұхталдим ва барча имомлар ўз ижтиҳодларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашғанлари, бунга ўта ҳарис бўлғанларини баён қилдим.

Имомларнинг далилларини таржих қилишга ҳақли бўлмай туриб, «Фалон масалада бу мазҳабнинг далили рожиҳ, пистон масалада бошқа мазҳабнинг далили рожиҳ», деб фикҳий масалаларда мазҳабдан мазҳабга кўчиб юришнинг хатарли эканини ҳам баён қилдим.

Иккинчи сабаб – имомларнинг ҳадисни тушунишдағи ихтилофлари ҳақида сўз юритғанда бу ихтилоф асосан икки омил сабабли келиб чиқишини айтиб ўтдим:

1. Табиий ва кейинчалик касб қилинган ақлий идрок ва иқтидорнинг турли-туманлиги;

2. Ҳадис лафзининг бирдан ортиқ маъноларга дало-лат қилиши;

Имом Абу Ҳанифанинг Аъмаш билан, Муҳаммад ибн Ҳасаннинг Ийсо ибн Абон билан бўлган воқеалари, имом Аҳмаднинг имом Шофеъий билан бўлган музокараси каби бир неча мисолларни зикр қилдим.

Сўнг фикҳ диндан эканини, чунки у Китоб ва Суннатни англаш, тафсир қилиш ва шарҳ қилишдан иборатлигини, фикҳни диндан айри дейиш бунинг барчасини ботилга чиқариб, Китоб ва суннатни шунчаки бир матн ҳолида қолдиришни тақозо этишини айтиб, бунинг нақадар хатарли эканини баён қилдим.

Шунингдек, ўз тушунчаларини одамларга тақдим қилаётуб, «Бу Китоб ва суннатнинг фикҳи» ёки «Суннатнинг фикҳи» деб даъво қиласиган, «Аввал ўтган имомларнинг фикҳлари фақат ўзларига мансуб, Абу Ҳанифа илгари сурган фикрлар Абу Ҳанифанинг фикҳи, Китоб ва суннатнинг фикҳи эмас», дейдиганларнинг хатосини ҳам баён қилдим.

Учинчи сабаб – зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган суннатни жам қилишда тутган йўлларининг турли-туманлиги. Зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган суннатни жам қилишнинг босқичлари: икковини жам қилиш; жам қилиш имкони бўлмаса, носих ва мансухини аниқлаш; йўқса таржих қилиш экани ҳақида тўхталиб ўтдим.

«Насх бўлган», деб даъво қилиш осон иш эмаслиги, унинг ўзига хос усуллари ва аломатлари борлигини айтиб ўтдим.

Зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳадисларни жам қилиш ҳам мураккаб экани, бунинг учун чуқур билим, кўп мутолаа лозимлиги, қарама-қарши маъноли ҳадисларни жам қилишнинг важхлари кўп экани, ҳофиз

Ироқий уларнинг бир юз ўн важҳини зикр қилиб, ундан бошқалари ҳам борлигини айтганини кўриб чиқдик.

Тўргинчи сабаб – Суннатни чуқур билиш борасида имомларнинг савиялари турлилиги.

Биринчи ҳақиқат: имомлар суннатни яхши билишган. Лекин улардан якка киши суннатнинг ҳаммасини тўлиқ иҳота қила олмаган.

Иккинчи ҳақиқат: Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ҳам суннатни яхши билган. Бу ҳақда тўхтагандан фикримга далолат қиласидиган баъзи воқеа ва қиссаларни нақл қилдим. У киши ҳадисни кўп таҳаммул қилган, ўрганган, тадқиқ қилган, лекин кам ривоят қилган.

Учинчи ҳақиқат: баъзи имомларга ўзлари бехабар бўлган айрим ҳадислар айтилганида аввал айтган фикр ва фатволарини ўзгартирганлар. Сўнг бу сабабни нима учун охирги сабаб, деб айтганимни изоҳлаб, табиий ва мантиқий ҳақиқат ҳам шундай эканини баён қилдим.

Кейин бу сабабга эътиroz ўлароқ айтилиши мумкин бўлган уч шубҳа ва уларнинг жавобини айтдим.

Биринчи шубҳа шуки, имомлар баъзи суннатлардан бехабар бўлишган бўлса, «Демак, фалон масаладаги суннатдан ҳам, пистон масаладаги суннатдан ҳам бехабар бўлган бўлишлари мумкин, шунинг учун ўзимиз далилни кўриб, хотиржам унга амал қилайлик», деган фикр.

Бу шубҳага жавоб ўлароқ имомлар бирон масаладаги суннатдан бехабар бўлган ҳолатлари ўта нодир эканини, шунингдек, уларнинг асҳоблари кейинчалик буни истидрок қилганларини, нодир ҳолат билан умумий ҳолатга холоса қилиш хато эканини таъкидладик.

Иккинчи шубҳа эса – «Хозирда ҳадис китоблари кенг тарқалган. Ўзимиз ана шу китоблардан ҳадисларнинг кучли ва саҳиҳларинигина олиб, алоҳида фиқҳий

мазҳаб бино қилсак ёки мавжуд мазҳаблардан далили кучли бўлган масалаларни танлаб олсак», деган фикр.

Бунинг жавоби: Мавжуд ҳадис китобларининг энг каттаси ҳам имомлар ўрганган ёки китобларига ёзган ҳадисларнинг микдоридан анча кам. Шунингдек, «Бу китобда фалон ҳадис фалон китобда келган», деб нисбат берилган баъзи ҳадис китоблари бизгача етиб келмаган, санадларини текшириш имкони ҳам йўқ.

Барча ҳадисларнинг қўл остимизда бўлишининг ўзи бу борадаги ягона ва охирги асл эмас. Чунки ихтилофнинг биз зикр қилган ва зикр қилмаган бошқа бир қанча сабаблари ҳам бор.

Шунингдек, киши суннатни яхши билиши билан мужтаҳид бўлиб қолмаслиги, мужтаҳидликнинг бундан бошқа ҳам бир неча шартлари борлиги, бунда солиҳ амал, ибодат ва тақво ҳам лозим эканини таъкидлаб, суннати набавиядан бунинг далилларини ҳам зикр қилдим.

Учинчи шубҳа шуки, баъзилар одамлар орасида кенг тарқалган фикҳ китобларида заиф ё тўқима ҳадисларни кўриб, бу ҳадислар айнан мазҳаб имомининг далиллари, деб ўйлаб, «Қандай қилиб заиф ва тўқима ҳадисларга таянган кишининг имомлигини эътироф этамиз?!» дейишади. Китобда баён қилинган ҳукмнинг далили айни мана шу, шу ҳадислар билан имом ҳужжат келтирган деб, «Модомики бу ҳадислар заиф бўлса, демак, уларга бино қилинган ҳукмлар ҳам заиф экан», дейишади.

Бу шубҳанинг жавобини бир неча муҳим мулоҳазалар орқали изоҳладим.

1. Фикҳ китобларида келтирилган ҳадисларнинг ичida мазҳаб имоми ҳужжат қилган ҳадислар ҳам, муаллифнинг ўзи масалани ўрганиб, имом айтган фикрни қўллар экан, деган сабаб билан ҳужжат қилган ҳадислар ҳам бор.

2. Фиқұқ китобларидаги бу турдаги ҳадисларни заифға чиқарғанлар одатда ўша ҳадисларни мұхаддислар ривоят қылған санадларига қўра заиф деганлар. Лекин мужтаҳид имомларнинг ўз санадлари бўлиб, бу ҳадисларни ана шу ўзларининг санадлари орқали ривоят қилишган. Бунга мисол ўлароқ «Ҳаддларни шубҳа туфайли даф қилинг» ҳадисини зикр қилдим.

3. Фақиҳ гоҳида бир ҳукмга далил ўлароқ, бир заиф ҳадисни зикр қиласди. Лекин у ҳадисни Куръон ёки суннатда кувватлайдиган, маъносини кучайтирадиган шавоҳидлари бўлади. Фақиҳ бундай ҳолатда ҳадисни ҳукмга очикойдин далолат қылгани учун зикр қиласди. Бунга мисол сифатида «Талоқ болдирни тутиб турган киши учундир» ва «Кундузининг намози соқов» ҳадисларини зикр қилдим.

4. Ҳадис заиф бўлиб, уни кувватлайдиган ҳеч қандай шавоҳидлари бўлмайди. Лекин имом бир масалада заиф ҳадисдан бошқаси бўлмаса, «Заиф ҳадисни қиёсдан муқаддам қилиб, унга амал қилиш жоиз», деган фикрдан келиб чиқиб, заиф ҳадисни хужжат қиласди. Валлоҳу аълам.

Аллоҳ азза ва жалладан ёзғанларим бандалари учун рушд, ҳидоят бўлишини, Ўзи фазл ва марҳамати ила бунинг ажр-савобини кўпайтириб беришини сўрайман. Албатта, У Зот барча яхшилик ва неъматларнинг мавло-сидир. Саййидимиз, мавломиз Мұхаммадга, у зотнинг оиласлари, саҳобаларига салават ва саломлар бўлсин. Валҳамдуиллааҳи Роб бил аламийн.

*Мұхаммад Абвома
Ҳалаб – Шаръий таълим жамияти
Хижрий 1398 сана, 7 рабиъул аввал.*

БИРИНЧИ ИЛОВА

Маккаи Мукаррамадаги Ислом олами робитаси ташкилоти томонидан чоп этиладиган «Фиқҳ академияси журнали»нинг биринчи йил иккинчи сонида мазкур академия аъзоларининг фақиҳ имомлар ўргасидаги фикъий хилоф, мазҳабга эргашувчиларнинг айримларида кузатиладиган нолойиқ таассуб борасидаги қарори нашр қилинган. Қарор Робитанинг муносабатини ифода этувчи аъзолари томонидан имзоланган. 59 ва ундан кейинги бетлар:

**ФИҚҲ АКАДЕМИЯСИ МАЖЛИСИННИГ
мазҳаблар ўргасидаги фикъий хилоф ва мазҳабга
эргашувчиларнинг баъзиларида кузатиладиган
мазҳабга таассуб қилиш мавзусига оид
ҳижрий 1408 йил ўтказилган
ўнинчи давра йигилишидаги
Қ А Р О Р И**

Алҳамдуиллаҳи ваҳдаҳ, вассолату вассаламу ъалаа ман лаа набийя баъдаҳ, саййидина ва набиййина Мұҳаммадин соллаллоҳу алайҳи ва ъалаа аалиҳи ва соҳбихи ва саллам.

Амма баъд:

Ислом фикъи академияси мажлиси ҳижрий 1408 йил 24 сафар шанба куни (милодий 1987 йил 17 октябрь) дан ҳижрий 1408 йил 28 сафар чоршанба куни (милодий 1987 йил 21 октябрь) гача бўлган оралиқда Маккаи Мукаррамада ўтказилган ўнинчи даврасида мусулмонлар эргашадиган мазҳаблар ўргасидаги фикъий хилоф,

мазҳабга эргашувчиларнинг баъзиларида кузатиладиган мўътадиллик чегарасидан чиқиб кетадиган, бошқа мазҳаблар ва уламоларга таъна қилиш даражасига етиб борган таассуб мавзусини ўрганиб чиқди.

Мажлис ёш авлод фикри ва тасаввурида мазҳаблар ўртасидаги ихтилофга оид пайдо бўладиган муаммо ва тушунмовчиликларни, аслида уларнинг ўзлари бу каби ихтилофнинг маъно ва мазмунини тушуниб етмасликлари, баъзи адаштирувчилар уларга «Модомики Ислом шариати бир бўлса, унинг Қуръони Азим ва событ суннатдаги асллари ҳам ягона бўлса, мазҳаблар ихтилофига не ҳожат? Нима учун мусулмонлар шариат ҳукмларига оид ягона мазҳаб ва ягона тушунчада бўлишлари учун уларни бирлаштиrmаймиз?» деб йўлдан уришларини муҳокама қилди.

Мажлис, шунингдек, мазҳабга таассуб қилиш ва унинг ортидан келиб чиқадиган муаммолар, хусусан, ҳозирги кундаги баъзи янги йўналишларга эргашувчиларнинг янги ижтиҳодга чақиришлари, Ислом уммати аввалдан қабул қилиб, амал қилиб келган мазҳабларга ва у мазҳабларнинг имомларига таъна қилишлари, шу тариқа омма мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришлирини муҳокама қилди.

Ушбу мавзу, унга оид воқеа ва ҳодисалар, тушунмовчиликлар, фитнага олиб борувчи унинг оқибатларини ўрганиб чиқиб, фикҳ академияси адаштирувчилар ва таассуб қилувчилардан иборат икки тоифага танбеҳ ва насиҳат учун куйидаги баённомани йўллапига қарор қилди:

Биринчидан: мазҳабларнинг ихтилофлари ҳақида:

Ислом диёrlаридағи фикрий мазҳабларнинг ихтилофи икки хилдир:

Эътиқодий мазҳаблар ихтилофи;

Фикҳий мазҳаблар ихтилофи.

Биринчиси – эътиқодий ихтилоф воқеликда катта мусибат бўлиб, мусулмон диёрларида мисли кўрилмаган нохушиликларга сабаб бўлган, мусулмонларнинг бирлигига путур етказган. Афсуски, аслида бундай ихтилоф бўлмаслиги, уммат Аҳли сунна вал жамоа мазҳабига эътиқод қилишда жам бўлиши лозим эди. Чунки бу мазҳаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидағи ва у зот **«Менинг суннатимни ва мендан кейинги рошид ҳалифаларнинг суннатини тутинг, уни маҳкам ушланг, унга тишингиз билан ёпишиб олинг»**, деб васфлаган рошид ҳалифаларнинг давридағи мусаффо исломий фикрни акс эттирувчи мазҳабдир.

Иккинчиси – фикҳий мазҳабларнинг баъзи масалалардаги ихтилофининг ўзига хос илмий сабаблари бор. Бунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг болиғ ҳикмати бор. Ана шу ҳикматлардан бири бандаларга раҳм қилиш, шаръий матнлардан хукмларни истинбот қилишда кенг йўл очишдир. Шунингдек, бу неъмат ва Ислом умматига Ўз дини ва шариати борасида қулайлик берувчи ташриъий (шариат жорий қиласидиган) фикҳий бойликлардир. Уммат бир шаръий хукмни татбиқ қилишда бошқасига асло ўтиб бўлмайдиган ҳолда қолмаган. Балки уммат бирон вақт ёки бирон ишда факиҳ имомлардан бирининг мазҳабида оғир ва ноқулай ҳолатга тушиб қолса, шаръий далиллар асосида бошқа мазҳабда унга оид енгиллик ва қулайлик топади. Бу хоҳ ибодат ишида, хоҳ муомалот, оила, жиноятлар ва маҳкамама ишида бўлсин.

Бу каби фикҳий ихтилоф асло динимиздаги ноқислик, бир-бирига қарама-қаршилик сабабли вужудга

келмаган. Бундай ихтилоф бўлмаслиги мумкин ҳам эмас. Дунёда фикҳий ижтиҳодий ихтилоф бўлмаган ҳар жиҳатдан комил ташрийий низом йўқ.

Бундай ихтилоф бўлиши аниқдир. Чунки шаръий матнлар кўп ҳолларда бир маънога далолат қилмайди. Шунингдек, матн эҳтимолий воқеа-ҳодисаларнинг барчасини қамраб ҳам ололмайди. Матнлар чегараланган, воқеа-ҳодисалар эса чексиз. Шунинг учун қиёсни, ҳукмларнинг иллат ва сабабларини, шариатнинг мақсадларини ўрганишга ва уларни воқеликка ва янги туғилган масалаларга татбиқ қилишга мажбурмиз.

Табиийки, бундай ҳолатда уламоларнинг тушунчалари, бир неча эҳтимолдан бирини танлашдаги ихтиёрлари турлича бўлади ва шу тариқа бир мавзуда айтган ҳукмлари ҳам турли хил бўлади. Лекин уларнинг ҳар бири ҳақни излайди, уни топишга ҳаракат қиласди. Ким тўғри топса, унга икки ажр, ким хато қиласа, унга бир ажр бўлади. Шу тариқа кенглик бўлиб, танглик йўқолади.

Мазҳаблар ўртасидаги бундай ихтилоф асло диндаги ноқислик эмас. Аксинча, юқорида айтганимиздек, бу неъмат, яхшилик ва Аллоҳнинг раҳмати, буюк қонунчилик асоси, Ислом уммати фахрланса арзигулик ўзига хос жиҳатдир. Лекин ажнабий адаштирувчилар баъзи мусулмон ёшлардаги Ислом маданиятининг заифлигидан фойдаланадилар. Хусусан, хорижда таълим оладиган мусулмон ёшларга мазҳаблар ўртасидаги бу ихтилофни – зулм ва қинғирлик билан – шариатдаги қарама-қаршилик деб кўрсатадилар.

Иккинчидан:

Мазҳабларни ташлашга чақирадиган, одамларни янги ижтиҳод томон чорлаб, қоим мазҳабларга ва улар-

нинг имомларига таъна қиласиганлар учун фикҳий мазҳаблар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги юқоридаги баёнимиз бундай услубдан ва одамларни чалғитишдан, ўргаларида келишмовчилик келтириб чиқаришдан, бирликларига путур етказишдан тўхташлари учун кифоя қиласи, деб умид қиласиз.

Хусусан, Ислом душманлари томонидан тез-тез уюштириладиган фитналар замонида умматни бўлиб ташлайдиган чақириқлардан кўра уни бирлаштирадиган, ягона сўзга жам қиласиган чақириқقا муҳтожмиз.

Саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оила аъзоларига ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин, валҳамдуллаҳи Роббил аламийн!

Имзо қўйганлар

Академия мажлиси раиси:

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

Раис ўринбосари:

Доктор Абдуллоҳ Умар Насиф

Аъзолар:

Абдуллоҳ Абдурраҳмон Бассом

Доктор Бакр Абдуллоҳ Абу Зайд

Муҳаммад Жубайр

Мустафо Аҳмад Зарқо

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Субаййил

Мұхаммад Рашид Розиб Қаббоний

Абул Ҳасан Алий Надавий

Мұхаммад Маҳмуд Саввоф

Доктор Аҳмад Фаҳмий Абу Сунна

Абу Бакр Жавмий

Мұхаммад шоззилий Найфар

Мұхаммад Солим ибн Абдулвадуд

Мұхаммад Ҳабиб ибн Хўжса

Ислом фикҳи академияси мажлиси муқаррири:

Доктор Талол Умар Бофақих

ИККИНЧИ ИЛОВА

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ ҚОШИДАГИ ЖИДДА ИСЛОМ ФИҚХИ АКАДЕМИЯСИННИГ ЖУРНАЛИДАН

Академия бу қарорини ҳижрий 1414 йил 1 – 7 муҳаррамда (1993 йил 21 – 27 июнь) Брунейда ўтказилган саккизинчи даврасида қабул қилган.

Қарор Ислом оламининг турли мамлакатларидағи ўн уч олим томонидан тақдим этилган ўн тўртта тадқиқотнинг холосасицир. Тақдим этилган тадқиқотлар иштирок этган уламолар томонидан муҳокама қилинган. Тадқиқотлар ва уларнинг маҳокамаси тахминан 600 саҳифадан иборат. Куйида қарор матнини келтираман:

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Алҳамдулилаҳи Роббил ъаламийн, вассолату вассаламу ъалаа саййидина Мұҳаммадин хотамин набиййин ва ъалаа олиҳи ва соҳбих.

8д/1/74 рақамли рухсатларга амал қилиш ва унинг ҳукми ҳақидағи

ҚАРОР

Ислом фикҳи академияси мажлиси ҳижрий 1414 йил 1 – 7 муҳаррам (1993 йил 21 – 27 июнь)да Бруней Доруссалом Бандар Сери Пагаванда ўтказилган саккизинчи давра йиғилишида «Рухсатларга амал қилиш ва унинг ҳукми» мавзусида академияга тақдим этилган тадқиқотларни ўрганиб, унга доир муҳокамаларни эшитгач, қуидаги қарорни қабул қилди:

Шаръий рухсат бу аслий ҳукмни тақозо қиласынан сабаб мавжуд бўла туриб, мукаллафларга енгиллик қилиш учун, узр туфайли жорий қилинган ҳукмдир.

Шаръий рухсатнинг сабаблари топилган ўринларда унга шариат ўрнатган меъёрларга риоя қилган ҳолда амал қилишнинг жоиз экани борасида ихтилоф йўқ.

Фикҳий рухсатлар деганда бирон ишни тақиқлаган ижтиҳод қарисидаги уни мубоҳ санайдиган ижтиҳод тушунилади.

Куйида 4 бандда айтиладиган шаръий меъёрларга риоя қилган ҳолдә фақиҳларнинг рухсатларига амал қилиш, яъни улар айтган фикрларнинг енгилига эргашиш жоиздир.

Оммага оид масалалардаги рухсатларга аслий фикҳий масалаларга ёндашилгандек ёндашилади. Лекин рухсат бунда шаръян эътиборли бўлган манфаатни юзага чиқарадиган бўлиши, танлаш ҳукуки бўлган ва тақво, илмий омонатдорлик билан васфланган кишиларнинг жамоавий ижтиҳодидан келиб чиқсан бўлиши лозим.

Фикҳий мазҳабларнинг рухсатларига шунчаки ҳавои нафсадан келиб чиқиб амал қилиш жоиз эмас. Чунки бундай қилиш мукаллафликдан чиқиб кетишга олиб боради. Рухсатларга амал қилиш қуйидаги меъёрларга риоя қилган ҳолда жоиз бўлади:

А) Фақиҳларнинг рухсатга оид фикрлари шаръян мўътабар бўлиши, шозз фикр бўлмаслиги лозим.

Б) Машаққатни даф қилишда рухсатга амал қилиш учун эҳтиёж туғилиши. Эҳтиёж жамиятнинг умумий эҳтиёжими ёки хос эҳтиёжми, фарқи йўқ.

В) Рухсатга амал қиласынан сабаб мавжуд бўла туриб, мукаллафларга енгиллик қилиш учун, узр туфайли жорий қилинган ҳукмдир.

Г) Рухсаттага амал қилиш б-бандда келадиган тақиқланган «талфиқ»ка олиб бормаслиги лозим.

Д) Рухсаттага амал қилиш ғайримашпуръ мақсадга этиш воситаси бўлмаслиги лозим.

Е) Рухсаттага амал қиладиган кишининг кўнгли ана шу рухсатга хотиржам бўлиши лозим.

Мазҳабларга тақлид қилишдаги «талфиқ» бу муқаллиднинг бир-бирига боғлиқ икки ёки ундан бўлаклари бўлган бир масалада ўзи тақлид қиладиган мужтаҳидларнинг биронтаси айтмаган шаклга кўра амал қилишидир.

Кўйидаги ҳолатларда талфиқ тақиқланади:

а) рухсаттага амал қилиш шунчаки ҳавои нафсдан келиб чиқса, юкорида баён қилинган меъёрлардан биронтаси бузилса.

б) шаръий маҳкама қарорини бузишга олиб борса.

в) тақлид қилиш бир воқеада амал қилганини бузишга олиб борса.

г) ижмоъга ёки ижмоъни тақазо қиладиган нарсага мухолиф бўлса.

д) мужтаҳидларнинг биронтаси тан олмайдиган ҳолатга олиб борса.

Валлоҳу аълам.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Мустафо Аҳмад Зарқонинг сўзи.....	14
Биринчи нашр муқаддимаси	18
Имомлар наздида ҳадиси шарифнинг тутган ўрнининг баёни ҳақида.....	23
Биринчи сабаб: Ҳадиси шариф қачон амал учун яроқли бўлади?.....	26
Иккинчи сабаб: Ҳадиси шарифни тушунишдаги ихтилофлари	113
Учинчи сабаб: Имомларнинг зоҳири бир-бирига қарама-қарши бўлган суннатга нисбатан тутган йўлларининг турли-туманлиги	139
Тўртингчи сабаб: Суннатни билишда даражаларининг турлилигидан келиб чиқадиган ихтилоф	155
Ушбу сабабга эътиroz ўлароқ билдириладиган уч шубҳа.....	178
Хулоса	207
Биринчи илова.....	214
Фикҳ академияси мажлисининг Қарори.....	214
Иккинчи илова: Ислом Конференцияси ташкилоти қошидаги Жидда Ислом фикҳи академиясининг Қарори	220

Шайх Муҳаммад Аввома

ФАҚИҲ ИМОМЛАР
ИХТИЛОФИДА

ҲАДИСИ
ШАРИФНИНГ
ЎРНИ

Таржимон:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

*Нашиёт рухсатисиз нусха кўчиришининг
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2018

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Муҳаррир: *Барно Сайдраҳмон*

Арабча матн мусахҳихи:

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*

Муқова дизайнери: *Уйзун Солиҳов*

Мусахҳих: *Ғиёсiddин Болиев*

Нашр лицензияси № AI 235, 13.02.2013 йил.

Босишига рухсат этилди 03.07.2018. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоги 14.

Шартли босма табоги 11,76. Адади 10000 (биринчи завод).

Буюргма № 62. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Hilol-Nashr» нашриёти босмахонаси

100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5

Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478

<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz

